

Ибн Ҳожиб Абу Амр Усмон ибн Умар ал-Курдий

الكافيہ

Кофия

(Араб тили наҳв фанидан дарслик)

Таржимон:

Рустамжон Раҳматуллоҳ

**Тошкент:
2009-йил**

Муқаддима

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Ушбу “Кофия” номи билан машҳур бўлган китоб илоҳий наҳв китобидир. Чунки бу китоб бошқа тилларнинг грамматикаси каби бирор олимни ўз фикри билан тузилган китоб эмас. Балки бу илоҳий наҳв дедик. Зеро Қуръони карим илоҳий каломдир. Мана шу кўлингиздаги наҳв китоби бошдан оёқ Қуръоний калом ва калималар асосида тузилган бўлиб, айна ўша Қуръони каримни тушунишдаги кўлланма китобидир. Ундаги ҳарфлармиди, калималармиди ёки каломмиди, ҳаммаси илоҳий китоб Қурони карим қоидаларига асосланиб тузилган қоидалар ва таърифлардир. Жумладан каломни таърифими, калимани таърифими ва эъробларни таърифими, омилларни таърифими барчаси Қуръонга асосланиб тузилган. Хусусан исм ва феълларни вазнлари, айниқса санок-сон ва тартиб сонларни қоидалари фақат қуръоний қоидалардир. Қадимги муфассирлар ушбу илоҳий наҳвни ва балоғат илмини ёдламай ва ўзлаштирмай тафсирга кўл урмаганлар. Алихонтўра Соғуний (р.а.): “Тафсирга кўл уриш учун ўнта фандаги китобни ёдлаб, унга моҳир бўлингандагина тафсирга рухсат берилади”, деб айтардилар. Шулардан, сарф, наҳв, балоғат ва усули Қуръон, асбоби нузул ва тарих.... ва бошқалардир. Қуръонни номларидан бири “Уммул китоб”дир. Барча диний ва дунёвий китобларни бош онаси Қуръондир. Муфассирларнинг энг муътабарлари Ибн Касир Қуръон оятларини оят ва ҳадис билан тафсир қилганлар. Қолган муфассирлар эса ўз раъйлари билан тафсир қилганлар. Ҳар бир муфассир ўзларини иқтидорларига мувофиқ, масалан баъзилар илоҳиёт томонига, баъзилар фикҳий томонига ва баъзилар балоғат ва наҳв томонига, баъзилар тарих томонига эътибор берганлар. Ватандошимиз, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Ан-

Насафий наҳв томонига катта эътибор берганлар. Ана шу муборак тафсирни тушуниш учун албатта илоҳий наҳв асосида ёзилган кўлимиздаги ушбу “КОФИЯ” китоби жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки уни ўзлаштирмай ушбу тафсирни тушуниш амри маҳолдир. Ҳозирда баъзи биродарларимиз оддийгина наҳв китоби тузиб ўқувчиларни хурсанд қилиб: “Биз сарф ва наҳф китобини тузиб, ўқувчиларни ишини енгилаштирдик. Бизни ишимиз енгиллашибди, энди кофия, шофия ва алфияга ўхшаган китобларни мутолаа қилмасак ҳам бўлар экан”, дейишади. Албатта бундай фикр келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Лекин осонлаштириш билан иш ҳал бўлмайди. Ўз ўзидан ўша ватандошларимиз ёзиб қолдиришган мураккаб тафсирларни ўқувчилар топилмай қолади. Шу билан бирга келажакни ўйлаб, тўғри фикр юритгувчилар ҳам топилмоқда. Жумладан ҳаммага маълумки ҳар бир тил ўзининг грамматик атамалари (истилоҳлари) билан ўргатилади. Араб тили ҳам шу каби ўргатилиши керак. Ҳа ҳақиқатда айниқса тафсир ва ҳадис илми фақатгина аввалги истилоҳлар билан ўргатилиши керак. Уни ҳозирги ўзбекча қоидаларга айлантириб, арабий тафсирларни ўқиб тушиниш ёки тафсирига кўл уриш кулгили бир ҳол бўлади. “Муъзий” китобини муаллифи ҳамд ва санодан сўнг дейдилар: Ушбу сарф китоби денгиз каби кенг ва чуқур китобларга олиб борувчи қайиқчага ўхшайди. Худди шунингдек наҳв китобига асос солган зотлардан энг аввалгиси Али ибн Абу Толибдирлар (к.в.). Бу муборак зот Абул-Асвад ад-Дуалийга ушбу китобни режасини тузиб дедилар. “Инна калиматал араб ъала салосати анҳоин” Дар ҳақиқат араб калималарини уч тамони (тарафи) бор” Эй Абул-Асвад! сиз ушбу мақсадни қасд қилиб исм ва феъл ва ҳарфларни аслини (ўзагини) ва эъробларини ва бобларини, инна ва аховатларини ва изофаларни ўргатинг. Шундан сўнг Абул-Асвад Дуалий кўпгина ихтиролар қилиб, бир наҳв китоби тасниф қилдилар. Бу эса тахминан 95-ҳижрий йилда

тасниф қилинган бўлса Замахшарий 28-ўринда бўлиб, Ибн Ҳожиб эса 29-ўринда бўлиб мукаммал нахв китобини яратдилар. Али (к.в.)дан бошлаб Ибн Ҳожибгача бўлган мусаннифларнинг ҳаммалари рижалуллоҳ (Аллоҳнинг хос кишилари) эдилар. Хусусан шарҳи муллони соҳиби Абдурахмон Жомий тасаввуф машойихларининг пешқадамларидан эдилар. Бу зотнинг шарҳларига ҳам 20 дан ортиқ машойихлар ҳошия ёзганлар. Бизнинг арзимас ушбу ишимиз ана шу арабий лисон ва форсий забон муборак зотларни қилган таржималари ва шарҳларини умумийлаштириб, тирнаб, таталаб ўзбек тилига ўгирган бўлдик. Албатта ҳар бир қилинган ишни аввали камчиликсиз нуқсонсиз бўлмайди. Чунки Али (к.в.)дан Ибн Ҳожибгача салкам беш юз йил ичида 28 мусаннифни қўллари тегиб, шундагина мукаммал кофияга айланди. Ушбу ўзбекча таржима ва шарҳига ҳам худо хоҳласа анча-мунча йиллар ичида камчилик ва нуқсонларини тўлдириб берувчи шогирдлар ҳам чиқади. Азиз ўқувчиларни ҳар қандай маслаҳатларини бош устига қабул қиламиз.

Рустамжон Раҳматуллоҳ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Улуғ тангримизга сонсиз ҳамд ва санолар бўлсун, ким етук бандалари кўнглини бурди ва моил қилди. Афъоли қулуб билан бажаратургон қилмишларига улардан рози бўлгани учун ва Одам отамизни вужуди шарифларига иллоти ғойий ва сабаби асосий бўлгон жаноби пайғамбаримизга Аллоҳни туганмас раҳмати нозил бўлсин. Ва ҳам ул зоти шарифни саҳобаи киромларига то киёматга қадар чидам камарини белларига маҳкам боғлаб, изқуварлик йўлида ўтган барча уммати Муҳаммадга раҳмат ва мағфират нозил бўлсин. Бу

бандаи ожиз маст туяга ўхшаш, туя жанвар араб шеърларини эшитганда беҳуш бўлиб, устида юк 500-600 кило бўлса ҳам оғир енгиллигини билмасдан кетаверар экан. Бу банда ҳам Мен қайдаю бу асарни изоҳи қаерда демасдан Аллоҳнинг тавфикига ишониб, қўл урибдур. Аллоҳ таоло ёрдам берсун.

Дўстмуҳаммад домла Бодарий

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Ўзининг мўмин-мусулмон бандаларига араб тилида китобини нозил қилган Аллоҳ таолога У зотнинг камолига яраша ҳамду санолар бўлсин!

Араб тилини шаклланишида энг биринчи сабабчи бўлган Сарвари коинот Пайғамбаримизга саловоту саломлар бўлсин!

Қуръон ва Суннатдан араб қоидаларини ишлаб чиқиб, таҳлил этган ва тартиблаб баён қилиб берган уламоларимизга Аллоҳ таолонинг раҳматлари бўлсин! Аммо баъд:

Қўлимиздаги ушбу китоб аллома Ибн Ҳожиб номи билан машҳур бўлган Абу Амр Усмон ибн Умар ал-Курдий томонларидан таълиф этилган. Бу зотнинг асллари курд миллатига мансуб бўлган. Мисрда ўсиб, улғайганлар. Оталари подшоҳ саройида эшик оғаси бўлганлар. Бундай унвонни араб тилида “Ҳожиб”, дейилади. Шунинг учун бу зот тахаллусларини “Ибн Ҳожиб” яъни, “эшик оғасининг ўғли”, деб номлаганлар. Аллома 646-ҳижрий санада вафот этганлар.

Ибн Ҳожиб кўпгина арабий ва Исломиё илмларда етук мақомларга эришдилар. Хусусан, наҳв илмида жонбозлик кўрсатиб, мўъжазгина бир китоб таълиф этиб, уни “Кофия”, деб номладилар. У мўъжаз ва қисқа бўлишига қарамасдан ўзида наҳвга тегишли энг муҳим масалаларни қамраб олган китоб эди. Уламолар Ибн Ҳожиб хазратларидан кейин бу китобни шарҳлашга мусобақани бошлаб юборишди. Бизнинг юртимизда “Кофия” га ёзилган энг машҳур шарҳ “Шарҳи

Жомий” ёки “Шарҳи Мулла Жомий” номи билан ёзилган шарҳдир. Мовароуннаҳрдаги мадрасаларда қадимдан ушбу “Кофия” китоби ёдлатиб, “Шарҳи мулла” ўқитиб келинган. Устозлар ушбу китобнинг таърифида “Кофия кофаст дегарей лофаст” яъни, араб қоидасини ўрганиш учун ушбу “Кофия” китоби кифоя қилади, қолгани эса лофдир, дейишади.

Араб тили тил сифатида VI асрдан кейин шакллана бошлади. Бу даврда араб тилидаги сарф (сўз тузилиши) ва наҳв (гап тузилиши)нинг махсус қонун-қоидалар забардаст уламолар томонидан ишлаб чиқилди. Юртимиздан етишиб чиққан олим Маҳмуд аз-Замахшарий араб тили грамматикаси бўйича йирик асар яратдилар ва у асарни “ал-Инмузаж” деб номладилар.

Араб олимлари: “Агар ўша Хоразмлик чўлоқ Маҳмуд аз-Замахшарий бўлмаганда эди биз араб тилини билмай ўтиб кетардик” дея юртдошимизни эътироф этадилар. Чунки аз-Замахшарий ўзларининг асарларида араб тили грамматикасини батафсил ёритиб берганлар. У зот бобаракотнинг асарлари ҳозирги кунга қадар араб тили грамматикаси бўйича энг йирик асарлардан бири ҳисобланади.

Биродаримиз Рустамжон ҳам мана шундай омонатли ишга қўл уриб, уламолар силсила занжирига кириб, пайғамбарлар меросхўри бўлиш умидида ишни бошлаб, охирига етказиб, мазкур “Кофия”га арабий ва форсий китоблар ёрдамида шарҳ ёзибдилар. Аллоҳ бундан кейинги ишларида ҳам Ўзи мададкор бўлсин. Омин!

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
بِحَثِّ الْكَلِمَةِ

Калиманинг таърифи

الْكَلِمَةُ لَفْظٌ وَضِعَ لِمَعْنَى مُفْرَدٍ

Таржима: Наҳв олимлари истилоҳида калима – муфрад маънога қўйилган лафздир.

Шарҳ: الكلمة сўзи الكلم дан муштақ қилиб олинган бўлиб, жароҳат маъносидадир. Жароҳат инсон баданига таъсир қилса الكلمة инсоннинг руҳига таъсир қилади.

Шоирлардан бири шундай дейди.

جراحات السنان لها التيام لا يلتام ما جرح اللسان

Ўқ жароҳатин бордир давоси, тил жароҳатин йўқдир давоси.

الكَلِمَةُ даги алиф ломи "жинс"дир.

Алиф лом икки хилдир.

Алиф лом исмий ва алиф лом ҳарфий.

Алиф лом исмийни алиф лом мавсул ҳам, дейилади.

Алиф лом ҳарфийни эса, алиф лом таъриф ҳам, дейилади.

Ҳамда у иштиқоқ қилинмайдиган исмларга киради.

Алиф лом исмий муштақ исмларга киради.

Масалан Аллоҳнинг сўзидаги الزانية والزاني нинг тақдирида

бордир. والتي زنت والذي زنى

Алиф лом ҳарфий уч қисмга бўлинади.

1. Алиф лом جنس

2. Алиф лом استغراق – ҳақиқий, ʼурфий,

3. Алиф лом عهد – хорижий шахсий, хорижий навъий,

зеҳний. Ҳаммаси олти турлидир. Буларни ўз ўрнида иншааллоҳ таърифи келтирилади. Аммо алиф лом жинсга бир мисол билан кифояланамиз.

المرأة من أقوى الرجل эркак (жинси) аёл (жинси)дан қувватлироқдир.

الكلمة даги "то" ваҳдат "то"си яъни беҳисоб калималарни бир калимасидир.

"То" марбута ёки тўғарак "то"си дейилади. Бу ҳам саккиз маънода келади.

اكلت التمرة ولفظت لفظ нинг маъноси луғатда отмоқдир. Масалан النواة хурмони еб данагини отдим. Шундан خلق махлуқ маъноси каби бўлиб, оғиздан чиққан (яъни оғиздан отилган) маънода истеъмол қилинган.

Аммо бу мақомда наҳв уламолари истилоҳида оғиздан чиққан истифҳом ҳамзаси каби (ا) хоҳ у бир ҳарф бўлсин, хоҳ зиёда бўлсин زيد каби, хоҳ истеъмолдан қолган калима бўлсин جسق каби, хоҳ истеъмолдаги каби ضرب бўлсин барчаси калимадир.

وضع луғатда қўймоқдир. Наҳв олимлари истилоҳида эса, бирор нарсани бошқа бир нарса рўпарасида тайинлаб, қўймоқдир. Бу нарсани аввалгиси фаҳмлансагина иккинчиси фаҳмланади.

وضع жихатидан маънога далолат қилувчи нарсалар бештадир.

1) نصب 2) الفاظ 3) خطوط 4) اشارات 5) عقود дир.

Алфоздан бошқасини “даволи арбаа”(тўрт нарсага далолат қилувчи нарса) дейилади. Улар алфоз қоидасига кирмайди.

2. خطوط Вараққа чизилган хат ёки нақш.

3. عقود Қўл бармоқларидаги бўғимлар.

4. نصب Йўл белгилари.

5. اشارات Ишора.

معنى мақсад маънодаги مفعول дир. Ёки مفعول сийғасидир. Аслида معنوي эди, тахфифдан сўнг معنى бўлди.

مفردни агар мажрур қилсак معنى нинг сифати бўлади. Агар марфуъ қилсак لفظ нинг сифати бўлади. Агар насб қилсак وضع нинг яширинган замиридан ҳол бўлади.

لفظ га тўрт нарса киради.

١) الفاظ مهملة Истеъмолдан қолган лафзлар.

٢) الفاظ مستعملة مفردة Истеъмолдаги муфрад лафзлар.

٣) مستعملات مركبة كلامي زيد قائم وضرب زيد (٣) истеъмолдаги каломий таркиблар زيد قائم ва ضرب زيد каби.

٤) في الدار غلام زيد - مستعملات مركبة غير كلامي (٤) каби.

مفرد қайди билан биринчи مهملة чиқиб кетади. қайди билан учинчи тўртинчи чиқиб кетади яъни мураккабот, мураккаб дедик чунки мураккабни бир жузъи уни бир жузъини маъносига далолат қилади. Масалан زيد قائم бир жузъи زيد яна бир жузъи قائم дир. Бу ерда ҳар бир жузвни лафзи шу жузвни маъносига далолат қилади. مفرد дедик муфрад лафзини бир жузви ўша жузвни маъносига далолат қилмайди масалан زي - د яъни зай-дун ярим лафз маънони ярмига далолат қилмайди.

وَهِيَ اسْمٌ وَفِعْلٌ وَحَرْفٌ

Таржима: Ўша калима уч қисмдир. Исм, феъл ва ҳарф.

لَأَنَّهَا إِمَّا أَنْ تَدُلَّ عَلَى مَعْنَى فِي نَفْسِهَا أَوْ لَا

Таржима: Ҳақиқатда калима муфрад маънога мавзу бўлганлиги сабабидан, ўз нафсидаги маънога далолат қила олади ёки қила олмайди.

الثَّانِي الحَرْفُ

Иккинчи, яъни ўз зотидаги маънога далолат қила олмайдигани ҳарфдир.

وَالأَوَّلُ إِمَّا أَنْ يَقْتَرِنَ بِأَحَدِ الأَزْمَنَةِ الثَّلَاثَةِ أَوْ لَا الثَّانِي الإِسْمُ وَالأَوَّلُ الفِعْلُ

Таржима: Биринчиси яъни ўз зотидаги маънога далолат қиладиган калималар. Уч замонни бири билан муқтарин бўлади ёки бўлмайди. Иккинчиси, яъни уч замонни бири билан муқтарин бўлмайдиган исмдир. Биринчиси, яъни уч замонни бири билан муқтарин бўладигани феълдир.

وَقَدْ عَلِمَ بِذَلِكَ حَدُّ كُلِّ وَاحِدٍ مِنْهَا

Ваҳоланки "ақсоми салоса" (исм феъл ва ҳарф)ни ҳар бирини ҳадди ва ҳудуди таҳқиқан маълум бўлди.

Шарҳ: Яъни ҳар бирини таърифи ва тафсири маълум бўлди. Демак ҳарф шундай калимадирки, ўз нафсидаги маънога далолат қилмасдан, далолат қилишда бошқа калимани ёрдамига муҳтож бўлади. Феъл эса ўз нафсидаги маънога далолат қилади. Лекин уч замонни бири билан муқтарин (яқин) бўлади. Исм эса ўз нафсидаги маънога далолат қилади уч замонни бири билан муқтарин бўлмайди.

الكلمة уч ақсом, исм, феъл, ва ҳарф ўртасида муштаракдир.

Ҳарф бошқа икки аховотидан далолатда "адами истиқлолияти" яъни мустақил бўлмаслиги билан мумтоздир.

Феъл эса ҳарфдан истиқлоли билан, исмдан эса уч замонга муқтаринлиги билан, исм эса ҳарфдан истиқлоли билан, феълдан эса адами иқтирони (яқин эмаслиги) билан мумтоздир.

بَحْثُ الكَلَامِ

Каломнинг таърифи

الكَلَامُ مَا تَضَمَّنَ كَلِمَتَيْنِ بِالإِسْنَادِ

Таржима: Калом луғатда оз бўлсин ёки кўп бўлсин у сўздир. Аммо истилоҳда шундай лафздорки, икки калимани иснод билан ўз ичига олади.

Шарҳ: Исноддан мурод, мухотабга мукамал фойда берувчи бир калимани иккинчисига нисбатидир.

Масалан: اضرب لا تضرب، ضرب زيد، ضربت هند، زيد قائم кабилардир. Бу ерда муснад ва муснад илайҳ ҳам мавжуддир.

(ما) ким لفظ дан иборат бўлиб, муфрадот мураккабот ва муҳмалотни ўз ичига олади.

كلمتين қайди билан, муҳмалот ва муфрадот хориж бўлди.

اسناد – қайди билан мураккаботи ғойри калом хориж бўлди.

Масалан: رجل فاضل ва غلام رجل агар музоф ва музофун илайҳ ва мавсуф сифат ўртасида иснод бўлса ҳам исноди том эмас. Калом билан жумла баъзиларни наздида муродиф (синоним)дир. Ҳар қаерда жумла бўлса калом бўлади. Ва ҳар қачон калом бўлса у жумла бўлади.

Жумла икки қисмдир. "Жумлаи исмиёя" ва "жумлаи феълийя".

"Жумлаи исмиёя" шундай жумладирки, аввалги жузъи исм бўлади.

"Жумлаи феълийя" шундай жумладирки, аввалги жузъи феъл бўлади. Буларни ҳар бири ўз навбатида иккига бўлинади. "Иншоийя ва "хабарийя".

"Жумлаи иншоийя" шундай жумладирки, унда صدق ва كذب ни эҳтимоли йўқдир. Яъни уни айтувчисини ростгўй ёки ёлғончи, дея олмайсан.

وَلَا يَتَأْتَى ذَلِكَ إِلَّا فِي اسْمَيْنِ أَوْ اسْمٍ وَفِعْلٍ

Таржима: Калом фақат икки исмдан ёки исм ва феълдан ҳосил бўлади. Бу уч калимани таркиби олти хилдир. Учтаси бир жинсдан, исм ва исм, феъл ва феъл, ҳарф ва ҳарф.

Яна учтаси икки жинсдан исм ва феъл, исм ва ҳарф, феъл ва ҳарф. Калом иснодсиз ҳосил бўлмайди. Иснод учун муснад ва муснад илайҳ лозимдир. Бу иккови фақат икки исмдан ёки исм ва феълдан пайдо бўлади. Қолган тўрт ақсомда яъни ҳарф ва ҳарфда муснад ҳамда муснад илайҳ йўқдир.

Феъл ва феъл билан феъл ва ҳарфда муснад илайҳ йўқдир.

Исм ва ҳарфда эса, икковидан бири йўқдир. Агар исм муснад илайҳи бўлса, муснад йўқдир. Агар исм муснад бўлса, муснад илайҳи йўқдир.

Исмнинг таърифи

الإِسْمُ مَا دَلَّ عَلَى مَعْنَى فِي نَفْسِهِ غَيْرِ مُقْتَرِنٍ بِأَحَدِ الْأَزْمَنَةِ الثَّلَاثَةِ

Таржима: Исм шундай калимаки, уч замонни бирига муқтарин бўлмаган ҳолда ўз нафсидаги маънога далолат қилади.

Шарҳ: ما دل على معنى ибораси, исм, феъл ва ҳарфга шомилдир.

في نفسه ибораси билан ҳарф хориж бўлди.

غير مقترن ибораси билан исм феълдан ажралиб, уни таърифи тамом мукамал бўлди.

Исмнинг хосиятлари

وَمِنْ خَوَاصِّهِ دُخُولُ اللَّامِ وَالْجَرِّ وَالتَّنْوِينِ وَالْإِسْنَادُ إِلَيْهِ وَالْإِضَافَةُ

Таржима: Исмга алиф лом таъриф, жар, ва танвинни кириши, уни муснад ва муснад илайҳ бўлиши ва музоф ва музофун илайҳ бўлиши уни баъзи хусусиятларидандир.

Мусанниф бу ерда исмни машҳур олтига хусусиятларини келтирдилар. Нарсани хусусияти ўша нарсдан бошқасида топилмайдиган хосиятдир.

1. Алиф лом таърифни кириши фақат исмга хосдир.

2. Ҳарфи жар фақат исмга хосдир уни хизмати феълни асарини исмга етказмоқдир.

3. Танвинни кириши ҳам исмга хосдир. Лекин танвини тараннум ундай эмас.

4/5. Исм ҳам муснад илайҳи ҳам муснад бўла олади. Феъл эса муснад бўлса ҳам муснад илайҳ бўла олмайди.

6/7. Музоф ва музофун илайҳ бўлиш фақат исмга хосдир. Чунки ҳарфи жар тақдири билан фақат исм музоф ва музофун илайҳ бўлади. Масалан : غلام لزيد каби.

Мўъраб ва мабний исмларнинг таърифи

وَهُوَ مُعْرَبٌ وَمَبْنِيٌّ

Таржима: Исм мўъраб ва мабний бўлади.

Шарҳ: Исм бошқаси билан таркибда бўлади ёки таркибда бўлмайди. Бошқаси билан таркибда бўлган исм асл мабнийга ўхшаш бўлади ёки бўлмайди.

Мабний аслга ўхшаш бўлмаган таркибдаги исм мўъраб бўлади. Мабний аслга ўхшаш бўлган таркибдаги исм мабний бўлади.

فَالْمُعْرَبُ الْمُرَكَّبُ الَّذِي لَمْ يُشْبِهْ مَبْنِيَّ الْأَصْلِ

Таржима: Исм бошқа калима билан таркибда бўлиб, ўша исм асл мабнийга ўхшамаса "мўъраб исм", дейилади.

Шарҳ: Асл мабний мозий, амр ва ҳарфдир.

Мўъраб исмнинг ҳукми

وَحُكْمُهُ أَنْ يَخْتَلِفَ آخِرُهُ بِاخْتِلَافِ الْعَوَامِلِ لَفْظًا أَوْ تَقْدِيرًا

Таржима: Мўъраб исмни ҳукми, омилларни (лафзан ёки тақдиран) ўзгариши билан мўъраб исмни охирини ўзгаришидир.

مررت بزید، رأیت زیدا، جاءني زيد

فتين فتين فتين يъни فتى ва فتيا فتى аслида مررت بفتى، رأيت فتى، جاءني فتى (يا) алифга қалб бўлиб, эъробни тақдирий яъни فتى бўлди.

Эъробнинг таърифи

الإِعْرَابُ مَا اخْتَلَفَ آخِرُهُ بِهِ

Таржима: Эъроб шундай ҳаракат ёки ҳарфдирки, мўъраб исмнинг охири ўша эъроб билан ҳар турлик бўлади.

لِيَدُلَّ عَلَى الْمَعَانِي الْمُعْتَوْرَةِ عَلَيْهِ

Таржима: Ўша ҳар турлилик, мўъраб исмга кетма-кет келадиган маъноларга далолат қилиши учун шундай бўлган.

Шарҳ: Исмни икки маъноси бор. Биринчиси уни мусаммосидир. У исмни жавҳаридан маълум бўлади. Ва доим исмга лозим бўлади.

Иккинчиси эса мусаммога навбат билан кирадиган маъонийдир. Исм мусаммога далолат қилади. Эъроб эса васфга далолат қилади. У фобилият мафъулият ва изофатдир. Шунинг учун зотга далолат қилувчи нарса сифатга далолат қиладиган нарсдан олдин қўйилиши муносибдир. Шу сабабдан эъробни исмни охирига қўйдилар.

وَأَنْوَاعُهُ رَفْعٌ وَنَصْبٌ وَجَرٌّ

Таржима: Исм эъробини навъи учтадир.

Рафъ, насб ва жардир.

Шарҳ: Бу уч исм яъни рафъ, насб, жар фақат ҳаракатли ва ҳарфли эъробга ишлатилади. Бино ҳаракатларига ишлатилмайди. Замма, фатҳа, касра ва сукун мабний исмларда ва гоҳида эъробий ҳаракатларда ҳам ишлатилади.

فَالرَّفْعُ عِلْمٌ الْفَاعِلِيَّةِ وَالنَّصْبُ عِلْمٌ الْمَفْعُولِيَّةِ وَالْجَرُّ عِلْمٌ الْإِضَافَةِ

Таржима: Рафъ фобилиятнинг аломати ва насб мафъулиятнинг аломати ва жар изофани аломатидир.

Шарҳ: Рафъ хоҳ ҳаракат билан ва хоҳ ҳарф билан бўлсин фобил бўлмоқни аломатидир. Яъни агар бирор исм марфуъ бўлса ё фобил бўлади ёки фобилга фаръ бўлади. Фобилга фаръ бўлувчилар, ноиб фобил ёки мубтадо, ёки хабар, ёки إِنَّ ни хабари, ёки كَانْ ни исми, ёки لَا нафий жинсни хабари, ёки مَا ва لا مشبهتين بليس ни исми. Насб хоҳ ҳаракат билан бўлсин хоҳ ҳарф билан бўлсин мафъул бўлмоқни аломатидир.

Асл мафъул бештадир. Мафъулни фаръи еттитадир. Буларни тафсили иншааллоҳ "Мансубот" қисмида келади.

Омилнинг тарифи

وَالْعَامِلُ مَا بِهِ يَتَقَوَّمُ الْمَعْنَى الْمُقْتَضَى لِلْإِعْرَابِ

Таржима: Омил (хоҳ лафзий бўлсин хоҳ маънавий бўлсин) шундай нарсаки, у билан эъроб тақозо қилувчи маъно ҳосил бўлади.

Масалан: جاء زيد да جاء омилдир. Шу омил билан زيد да фобилият маъноси ҳосил бўлади. Фобилият маъноси эса рафъни тақозо қилганлиги сабабли унга рафъни аломат қилиб берилди. رأيت زيداً да رأيت омилдир. Шу омил билан زيداً да мафъулият маъноси ҳосил бўлди. Мафъулият маъноси эса, насбни тақозо қилганлиги сабабли унга насбни аломат қилиб берилди. مررت بزيد (با) омил шу омил билан زيد да изофат маъноси ҳосил бўлди. Изофат маъноси эса жарни тақозо қилганлиги сабабли унга жарни аломат қилиб берилди.

Исмнинг эроблари

فَالْمُفْرَدُ الْمُنْصَرَفُ وَالْجَمْعُ الْمَكْسَرُ الْمُنْصَرَفُ بِالضَّمَّةِ رَفْعًا وَالْفَتْحَةَ نَصْبًا وَالْكَسْرَةَ جَرًّا

Таржима: Муфрад мунсариф бўлса яъни, тасния ва жамъ ҳамда ғойри мунсариф ҳам бўлмаса, масалан زيد ва رجل каби.

Жамъи мукассири мунсариф бўлса яъни исмнинг биноси жамъи солим ҳамда ғойри мунсариф бўлмаса رجال ва طلبة каби.

Ушбу мазкур икки қисмнинг эъроби уч асл ҳаракат биландир. Рафъ ҳолатида замма билан, насб ҳолатида фатҳа билан, жар ҳолатида касра билан бўлади.

Масалан: مررت بزيد وطلبة رأيت زيداً وطلبة جاءني زيد وطلبة каби.

Бу икки қисмнинг эъроби асл бўлганидан кейин келадиган беш қисмдан олдин келтирилди.

جَمْعُ الْمُؤَنَّثِ السَّالِمِ بِالضَّمَّةِ وَالْكَسْرِ

Таржима: Муаннас солимни жамъи рафъ ҳолатда замма, насб ва жар ҳолатда касра билан бўлади. Бу ерда насб жарга тобеъдир. Масалан: مررت بمسلماتٍ، رأيت مسلماتٍ، جاءني مسلمات

غَيْرُ الْمُنْصَرَفِ بِالضَّمَّةِ وَالْفَتْحَةِ

Таржима: Учинчи қисм эъробии ҳаракат билан бўладиган исмлар ғойри мунсариф исмлардир. Ғойри мунсариф рафъ ҳолатда замма билан, насб ва жар ҳолатда фатҳа билан бўлади. Бу ерда жар насбга тобеъдир.

Масалан: مَرَرْتُ بِأَحْمَدَ، رَأَيْتُ أَحْمَدَ، جَاءَنِي أَحْمَدُ

أَخُوكَ وَأَبُوكَ وَحَمُوكَ وَهَنُوكَ وَفُوكَ وَذُومَالِ مُضَافَةً إِلَى غَيْرِ يَاءِ الْمُتَكَلِّمِ بِالْوَاوِ وَالْأَلِفِ وَالْيَاءِ

Таржима: Ушбу келтирилган “асмои ситта” яъни, олти та исм ҳар қачон (ي) мутакалимдан бошқа исм билан изофа бўлса, уларни эъробии рафъ ҳолатда (واو) билан, насб ҳолатда (ا) билан, жар ҳолатда (ى) билан бўлади.

Шарҳ: أخوك сени аканг ё уканг, أبوك сени отанг, حموك эрингни қариндоши. Шу сабабли замир муаннас келтирилди. هنوك сени қабиҳ нарсанг. Бу тўрталаси ноқиси вовийдир,

яъни هنو، حنو، أخو، أبو

فوك сени оғзинг. Бу ажвафи вовийдир. Аслида فوه эди. "ه"ни ҳазф қилиб, "фе"ни "вов"га муносабати билан замма қилиб, замирга изофа қилинди. Оқибатда فوك бўлди.

ذومال яъни, мол соҳиби. Бу эса лафифи макрундир. Аслида ذوو эди. "Вов" ҳаракатли бўлиб, ўзидан олдинги фатҳали бўлган алифга қалб қилинди. Алиф илтиқои сокинайн билан ҳазф бўлди. Золни ҳаракати (واو) ни муносабати билан заммадан сўнг исми зоҳирга изофа қилинди ва оқибатда ذومال бўлди.

Бу олти исмнинг эъроби ҳарф билан бўлишини шарти (ي) мутакалимга изофа бўлмаслик эди. Агар мутакалимни (ي)си изофа бўлса, эъроби тақдирий бўлади.

مررت بأبي، رأيت أبي، جاعني أبي

Агар бу олти исмга ҳеч қандай исм ёки замир изофа бўлмаса эъроби ҳаракат билан бўлади.

Масалан: مررت بأبٍ له، رأيت أبًا له، جاعني أب له

المُثَنَّى وَكَلَامًا مُضَافًا إِلَى مُضَمَّرٍ وَاثْنَانِ بِالْأَلِفِ وَالْيَاءِ

Таржима: Тасния исмлар ва замирга изофа бўлган **كلا** ва **اثنان** калимаси рафъ ҳолатида (алиф) билан насб ва жар ҳолатида (йо) билан бўлади.

Шарҳ: Ҳаракат билан бўлган уч эъроб, яъни замма (рафъ), фатҳа (насб), касра (жар) булар аслдир.

Ҳарф билан бўлган уч эъроб, яъни (вов) рафъ, (алиф) насб, (йо) жар, булар фаръдир.

(واحد) асл **تثنية** ва **جمع** ни ҳар бири воҳидни фаръидир.

Шу сабабдан аслни аслга, фаръни, фаръга бердик.

Масалан: جاعني زيدًا، رأيت زيدًا، مررت بزيدٍ

Бу мисолларда Зайд муфрад, воҳид аслдир. Учта ҳаракат билан бўлган асл эъробни муфрад исмга бердик. Қиёс буйича (واو) ни рафъга, (ا) ни насбга, (ي) ни жарга берилса қуйидаги таркиб ҳосил бўлади.

| | |
|---------------|---------------|
| Жамъ | тасния |
| جاعني الزيدون | جاعني الزيدون |
| رأيت الزيدان | رأيت الزيدان |
| مررت الزيدين | مررت بالزيدين |

Лекин тасния билан жамъ рафъ ва насб ҳолатида изофа бўлса бир бирига ўхшаб қолади. Чунки нунлар изофада тушиб қолади. Шу сабабдан алиф насб аломати бўлишига

қарамасдан уни ташлаб юбордилар. Чунки алиф ноаниқликни сабабчиси эди.

1. (ي)ни эса жар ҳолатига бердилар, ва таснияда (ي)ни ундан олдингисини фатҳа ва нунни эса касра, жамъда эса (ي)ни олдидаги ҳаракатни касра ва нунни фатҳа қилиб, тасния ва жамъ орасида фарқли қилдилар.

2. Аммо насб аломати йўқ эди, уни жарга тобеъ қилдилар.

| | |
|----------------|----------------|
| جاء ني الزيدان | جاء ني الزيدون |
| رأيت الزيدان | رأيت الزيدون |
| مررت بالزيدان | مررت بالزيدون |

3. (Вов)ни рафъ ҳолатида жамъга бердик.

4. (Алиф) енгил ҳарф бўлгани учун уни бира тўла соқит қилиш дуруст эмас. Шунинг учун таснияда алифни рафъ аломати қилдилар. Рафъ аломати аслида оғирдир. Енгилни оғирга бердилар, чунки тасния жамъдан собиқроқ ва кўпроқдир. Шу билан тасния ва жамъда ҳеч қандай чигаллик қолмайди. Чунки "нун" изофа билан соқит бўлса ҳам (ي)нинг олдинги ҳаракати таснияда фатҳа, жамъда эса касрадир.

لا лафзан муфрад, маънан тасниядир. Лафзи эса эъробни ҳаракат билан бўлишни тақозо қилади. Маъноси эса эъробни ҳарф билан бўлишни тақозо этади.

Наҳв олимлари ҳар иккисини ҳам риоя қилдилар. Ҳар қачон (لا) зоҳир исмга изофа бўлса, у аслдир.

(لا)ни лафзини риоя қилиб, унга эъробни ҳаракат билан бердилар. Масалан:

جاءني كلا الرجلين، رأيت كلا الرجلين مررت كلا الرجلين

Аммо كلا эъробни тақдирий бўлади. Чунки охири алиф бўлиб, икки сукун тўқнашгани учун тушиб қолади.

Ҳар қачон (كلا) замир исмга изофа булса фаръ бўлади, (كلا)ни маъно томонини риъоя қилинган. Чунки у ҳам тасния эди. Эъробини ҳарф билан берилди. Масалан:

جاءني كلتاهما جاءني كلاهما
رأيت كليهما رأيت كليهما
مررت بكليهما مررت بكليهما

Аммо اثنان ва ثنتان лафзлари муфрад ва сурати ҳам маъноси ҳам тасния бўлгани сабабли эъробини ҳарф билан берилди. Масалан: جاءني اثنان رأيت اثنين مررت باثنين

جَمْعُ الْمَذْكَرِ السَّالِمِ وَالْوُ وَعِشْرُونَ وَأَخَوَاتُهَا بِالْوَاوِ وَالْيَاءِ

Таржима: Музаккар исмни "жамъи солими" ва الو калимаси, عشرون ва унинг ахавотлари эъробини рафъ ҳолатида (واو), насб ва жар ҳолатида (ي) билан бўлади.

Шарҳ: الوни лафзи муфраддир. Лекин маъноси жамъ бўлганидан уни рафъ ҳолати (واو) билан, насб ва жар ҳолати (ي) билан бўлади.

Масалан:

جاءني ألو مال، رأيت ألي مال، مررت بألي مال

عشرونни ахавоти еттитадир.

تسعون، ثمانون، سبعون، ستون، خمسون، أربعون، ثلاثون

Буларни ҳам, лафзи муфрад маъноси жамъ бўлгани сабабли эъробини ҳарф билан белгиладилар.

جاءني عشرون رجلا، رأيت عشرين رجلا، مررت بعشرين رجلا.

Исмнинг тақдийрий эроблари

التَّقْدِيرُ فِيمَا تَعَدَّرَ كَعَصَا وَغُلَامٍ يٍ مُطْلَقًا أَوْ اسْتُقِلَّ كَقَاضٍ رَفْعًا وَجَرًّا

Таржима: Мўъраб исмнинг эъроби мутлақ тақдирий бўлади агар эъробини лафзда зоҳир бўлишига бирор моненьлик бўлса *عصا* ва *غلامي* каби.

Ёки мўъраб исмда эъробни лафзда зоҳир бўлиши оғир бўлса *قاضٍ* каби. Булар рафъ ва жар ҳолатида оғирдир.

Шарҳ: Алиф мақсура лафзда хоҳ алиф-ломи таъриф билан мавжуд бўлсин *العصا* каби. Хоҳ илтиқои сокинайн (икки сукун ёнма-ён бўлиши) билан ҳазф бўлган бўлсин, эъроб тақдирий бўлади.

عصا аслида – عَصَوْنَا – عَصَوْنَا – عَصَانًا – عَصَا бўлди.

هذا العصا هذا عصًا

رأيت العصا رأيت عصًا

مررت بالعصا مررت بعصًا

бу мисоллар барча ҳолатда тақдирийдир. Чунки бу ерда эъроб қабул қиладиган ҳарф, эъроб қабул қилишга қобилияти йўқдир. Аммо эъроб қабул қиладиган ҳарф эъроб қабул қилиш қобилияти бўлиб, у тилга оғир бўлса ҳам эъроб тақдирий бўлади.

Масалан: *القاضي* исмини охири (ي) бўлиб, ундан олдинги ҳаракат касрадир. Хоҳ алиф лом билан зоҳир бўлсин *القاضي* каби, хоҳ илтиқои сокинайн (икки сукун ёнма-ён бўлиши) билан махзуф бўлсин *قاضٍ* каби, уни фарқи йўқ.

قاضٍ аслида *قَاضِيٌّ* эди. *قَاضِيٌّ* ҳолатида илтиқои сокинайн (икки сукун ёнма-ён бўлиши) билан *قاضٍ* бўлди. Бу эса рафъ ва жар ҳолатида тақдирий бўлади. Аммо насб ҳолатида лафзий, яъни фатҳа ҳаракатини кўрсатиб ёзилади. Масалан:

جاء القاضي جاءني قاضٍ

رأيت القاضي رأيت قاضيا

مررت بالقاضي مررت بقاضٍ

وَنَحْوُ مُسْلِمِي رَفْعًا وَاللَّفْظِيُّ فِيمَا عَدَاهُ

Таржима: Ҳар бир музаккар солим жамъи бўлган исм, мутакалим (ي)га изофа бўлса, эъроб рафъ ҳолатида тақдирий бўлади. Бундан бошқаларда, яъни тааззур (узрли) ва истисқол (тилга оғир бўлмоқлик)дан бошқаларда лафзий бўлади.

Шарҳ: مسلمون аслида مسلمي (ي) мутакалимга изофа қилинганда (ن) тушиб қолади ва مسلموى бўлди. Бу ерда (вов) ва (ё) бир жойда жамъ бўлиб, аввалгиси сукун бўлгани сабабли (вов)ни (ё)га қалб қилинди مسلمي бўлди. (ي)ни (ي)га идғом қилдик مسلمي бўлди ва (ي) ни моқабли (олдинги ҳаракати)ни касра қилдик مسلمى бўлди. Бу ерда рафъ аломати (واو) эди, шунинг учун у қолмади. Шу сабабдан рафъ ҳолатида (واو) тақдирий бўлди. Аммо насб ва жар ҳолатида (ي) ўзини ҳақиқатини йуқотмади. (ي) идғом ҳолатида ҳам (ي)дир.

رَأَيْتَ مُسْلِمِي، جَاءَنِي مُسْلِمِي، مَرَرْتُ بِمُسْلِمِي

Гоҳида уч ҳолатда ҳам, ҳарфлар билан бўлган эъроб тақдирий бўлади.

Масалан: مَرَرْتُ بِأَبِي الْقَوْمِ، رَأَيْتَ أَبَا الْقَوْمِ، جَاءَنِي أَبُو الْقَوْمِ

Бу ерда эъроб ҳарфлари илтиқои сокинайн (икки сукун ёнма-ён бўлиши) билан тушиб қолди. Лафзий эъроб қолмагани сабабли тақдирий бўлди.

Ғойри мунсариф исмнинг таърифи ва ғойри мунсариф исмларнинг хиллари

غَيْرُ الْمُنْصَرِفِ مَا فِيهِ عِلْتَانِ مِنْ تِسْعِ أَوْ وَاحِدَةٍ مِنْهَا تَقُومُ مَقَامَهُمَا

Таржима: Ғойри мунсариф шундай исмдирки, унда тўққиз иллатдан иккитаси, ёки икки иллат ўрнига қоим мақом бўлувчи бир иллат воқеъ бўлади .

وَهِيَ عَدْلٌ وَوَصْفٌ وَتَأْنِيثٌ وَمَعْرِفَةٌ، وَعُجْمَةٌ ثُمَّ جَمْعٌ ثُمَّ تَرْكِيبٌ. وَالنُّونُ زَائِدَةٌ مِنْ قَبْلِهَا أَلْفٌ. وَوَزْنُ
الْفِعْلِ وَهَذَا الْقَوْلُ تَقْرِيبٌ. مِثْلُ عُمَرَ وَأَحْمَرَ وَطَلْحَةَ وَزَيْنَبَ إِبْرَاهِيمَ وَمَسَاجِدَ وَمَعْدِي كَرْبَ وَعِمْرَانَ
وَأَحْمَدَ

Ўша тўққиз иллат икки байтда келтирилди ва ҳар бирига мисол ҳам келтирилди.

عمر ни мисоли عدل

احمر ни мисоли وصف

طلحة ни мисоли تأنيث

زينب ни мисоли معرفة

ابراهيم ни мисоли عجمة

مساجد ни мисоли جمع

معدى كرب ни мисоли تركيب

عمران ни мисоли ألف و نون زائدة

احمد ни мисоли وزن الفعل

Шарҳ: Ғойри мунсариф бобини тушуниш учун аввало, бор исмдаги икки иллат пайдо бўлишини билиб олишимиз зарур. Агар исм ҳарфга ўхшаса мабний бўлади. Бордию феълга ўхшаса ғойри мунсариф бўлади. Чунки ҳар қачон исм феълга ўхшаса, икки иллат пайдо қилади. Яъни икки фаръият пайдо қилади. Зеро ҳар бир феъл мунсариф исмга нисбатан икки нарсага муҳтождир.

Биринчиси: феъл масдар исмдан муштакдир.

Иккинчиси: феъл фоъилга муҳтождир.

Исм асл, феъл эса фаръдир. Демак феъл исмга нисбатан икки илллати, яъни икки фаръиятлигини билдик. Юқорида саналган тўққиз иллатни ҳаммаси фаръдир. Масалан:

معدول عنه أصل

(۱) عدل فرع

موصوف أصل

(۲) وصف فرع

تذكير أصل

(۳) تأنيث فرع

| | |
|----------------|----------------------------|
| تنكير أصل | (٤) تعريف فرع |
| عربي أصل | (٥) عجمة فرع |
| واحد أصل | (٦) جمع فرع |
| أفراد أصل | (٧) تركيب فرع |
| مزيد عليهم أصل | (٨) ألف والنون مزيدتان فرع |
| وزن اسم أصل | (٩) وزن فعل فرع |

Демак тўққиз иллат тўққиз асли фаръи экан. Ҳар қачон бир исмда ушбу тўққиз иллатдан иккитаси пайдо бўлса, ўша исмда икки фаръият пайдо бўлиб, феълга ўхшаб қолади ва феълни хавослари (хосиятлари)ни қабул қилади. Феълни хавослари – танвин ва касрани кирмаслигидир.

وَحُكْمُهُ أَنْ لَا كَسْرَةَ وَلَا تَنْوِينَ

Таржима: Ғойри мунсарифни ҳукми унга касра ва танвин кирмаслигидир. Касра билан танвин исмни хусусиятларидандир.

1. علم ва عدل Ғойри мунсарифлиги сабаби علم ва عدل мисол га мисол
2. وزن الفعل Ғойри мунсарифлигини сабаби وزن الفعل га мисол وصف
3. علميت Ғойри мунсарифлигининг сабаби علميت га мисол تأنيث
4. علميت Ғойри мунсарифлигининг сабаби علميت га мисол معرفة
5. علميت Ғойри мунсарифлигининг сабаби علميت га мисол إبراهيم
6. Ғойри мунсарифлигининг сабаби икки جمع

7. تركيب га мисол معدي كرب ғойри мунсарифлигининг сабаби
تركيب ва علميت дир.

8. ان زائده га мисол عمران ғойри мунсарифлигининг сабаби
ان زائده ва علميت дир.

9. وزن га мисол أحمد ғойри мунсарифлигининг сабаби
وزن ва علميت дир.

وَيَجُوزُ صَرْفُهُ لِلضَّرُورَةِ وَالتَّنَاسُبِ مِثْلُ سَلَا سَلَا وَأَغْلَالًا

Таржима: Ғойри мунсариф исмни зарурат ёки муносиблик жиҳатидан мунсариф қилиш жоиздир.

Масалан سلا سلا ва اغلالا каби.

Шарҳ: Шеърда зарурат туғилгани учун ғойри мунсарифни мунсарифга айлантирилганига мисол:

صبت علي مصائب لو أتها صبت على الأيام صرن لياليا

Маъноси: Бошимга тушган мусибат, кунлар бошига тушганда эди, ўша кун тунга айланган бўлар эди.

Бу ерда мақоми шоҳид مصائب ғойри мунсариф эди. Шеърдаги қофия учун танвин киритилди ва مصائب деб келтирилди.

Муносиб учун масалан Қуръони каримда سلا سلا ғойри мунсариф исмига танвин берилди. Чунки ёнида اغلال мунсариф исм келди ва шу муносабат билан سلا سلا га ҳам танвин берилди.

وَمَا يَقُومُ مَقَامَهُمَا الْجُمُعُ وَالْفَا التَّائِيثُ

Таржима: Икки иллат ўрнига ўтувчи иллатнинг бири жамъ ва иккинчиси муаннасни икки алифидир.

Шарҳ: Жамъ дейилганда сийғаси "мунтахал жумуъ"га етган, яъни икки бор жамъи таксир қилинган жамъдир.

У اكلاب كلاب كلب каби ҳақиқатан ёки مساجد، مصاييح، каби ҳукман бўлади. Чунки булар ҳарфни ададича ҳаракатлари ва сукунларида "мунтахал жумуъ"га мувофиқ келади.

Муаннасни икки алифи дедик. Бири алиф мақсура *حبلى* каби. Иккинчиси мамдуда *صحراء، حمراء* каби.

جمعни биринчи иллоти *جمعيت* дир. Иккинчи сабаби "мунтаҳал жумуъ" сийғасидир.

буларда таънис такрорлангандир. *صحراء، حمراء،*

فَالْعَدْلُ خُرُوجُهُ عَنِ صَيْغَةِ الْأَصْلِيَّةِ تَحْقِيقًا كَثُلَتْ وَمِثَلَتْ وَأَخْرَجَ وَجُمِعَ أَوْ تَقْدِيرًا كَعُمَرِ وَبَابِ قِطَامٍ فِي بَنِي قَيْمٍ

Таржима: Адл шундай исмдирки, у аслий сийғасидан ҳақиқатда чиққан бўлади. *ثلث، مثلث، جمع، اخر.*

Ёки тақдиран чиққан бўлади. Масалан: *عمر* каби.

Бани тамим луғатида *قطام* боби ҳам тақдиран чиққан бўлади.

Шарҳ: *عدل* мажхул феълни масдаридир. Яъни у маъдулият маъносидадир. Исмни маъдулияти уни ўзини аслий сийғасидан бошқа сийғага таҳқиқан ёки тақдиран ўтмоғидир.

Хуружи таҳқиқий шундай нарсаки, ўша калимани нафсида, ғойри мунсариф бўлмаслигига далил мавжуд бўлади.

Масалан *ثلث*ни нафсида ғойри мунсариф эмаслигига далили шуки, лафзи мукаррар эмас. Аммо маъноси мукаррардир. Аслида маъно мукаррар бўлгандан кейин лафз ҳам мукаррар бўлиши лозим. Модомики шундай экан *ثلث* ҳам лафзи мукаррар калималардан маъдул эканига далил топилди. У ҳам бўлса *ثلاثة ثلاثة القوم جاءني* иборадаги *ثلاثة ثلاثة* дир. Бирдан ўнгача бўлган сонларда ҳам шу вазнда маъдулдир.

ربع ربيع، مثلث ثلث، مثني ثناء، موحد أحاد، خمس خماس، مسدس سداس، مسبع سباع، مثمان،

ثمان، متسع تساع، معشر عشار

Тўртгача шубҳасиз маъдулдир. Ўнгача хилоф бордир. Аммо савоб маъдулдир. Демак бу ўн сийға ҳаммаси маъдул

бўлиб, унда икки иллат, бири аслий сийғадан "хуружи таҳқиқий". Иккинчиси "васфияти оризий"дан чиқиб, "васфияти аслий"га кирганидир.

اخري калимасида ҳам "таҳқиқий удул" бордир. Чунки اخري ни жамъидир. اخري эса اخري ни та'нисидир. آخر эса افعال тафзилдир. Уни асл маъноси – кейинроқдир. Бу ўринда غير маъносидадир. Аммо افعال тафзилни шарти шу эдики, у الف لام ёки من ёки изофа билан ишлатилар эди. Бу ерда на "алиф лом" ва на "изофа" бордир. Демак اخر асли آخر من экан, бу аслий сийғадан чиқиб اخر сийғасига кирган. Биринчи илллати "удули таҳқиқий", иккинчи иллат эса, "васфияти аслий"дир. Худди шунингдек جمع калимаси ҳам "удули таҳқиқий"дир. Чунки جمعни жамъидир. Ва جمع ни та'нисидир. Агар جمع сифат бўлганда جمع جمع бўлади. Ва агар جمع исм бўлса, صحراء га қиёс қилиб صحارى ёки صحراوات га жамъ қилиш лозим бўлади, яъни جماعى ва جمعواوت бўлади. Демак جمعни асли ёки جمع ёки جماعى ёки جمعواوت ларни биридан маъдул экан. Бунда ҳам биринчи иллат "таҳқиқий удул", иккинчиси "васфияти аслий"дир. "Хуружи тақдирий" шундай нарсаки, ғойри мунсариф калимасини нафсида, уни асли ғойри мунсариф эмаслигига ҳеч қандай далил йўқдир. Аммо шундай бўлса ҳам араб каломида ғойри мунсарифдир. Унда бир иллат у ҳам бўлса аламликдир. Бундан бошқа сабаб топа олмадилар. Умумий қоидага биноан унга яна бир сабаб тақдир қилинди. У ҳам бўлса عدل дир. Чунки ундан бошқани тақдир қилиб бўлмайди. Араб каломида эса عمر، زفر، каби исмлар кўпдир. Аммо аламиятдан бошқа сабаб йўқдир. Шу боисдан уларни аслий сийғаси عامر ва زافر деб тақдир қилиниб, عمر ва زفر дан маъдул дейилади. Буларда биринчи иллат тақдирий удул, иккинчиси аламиятдир. Ушбу сўзларни шарҳловчи айтадиларки, قظام бобини бу ерда зикр қилиниши

лойиқ эмас, чунки **قطام** боби аҳли ҳижоз луғатида мабнийдир. Чунки булар **فعال** вазнида бўлиб, **نزال** амр сийғаси вазнидадир. Бани тамимда ғойри мунсарифдир. Чунки унда иккита зоҳир сабаб бордир. Бири та'нис, иккинчиси аламият. Агар Бани тамим ҳақиқатда уни ғойри мунсариф дейилса уни ўша бобда зикр қилишлари лозим эди. Агар Ҳижозликлар айтганларидек мабний бўлса уни мабнийётда зикр қилиниши лозим эди. Шу сабабдан унга **عدل** ни тақдир қилишни ҳожати йўқ.

Аммо аховотларига мувофиқ қилиш учун унга **عدل** ни тақдир қилинди. Аммо "кофия" китобини баъзи нусхаларида топилади.

الْوَصْفُ شَرْطُهُ أَنْ يَكُونَ فِي الْأَصْلِ فَلَا تَضُرُّهُ الْغَلْبَةُ فَلِذَلِكَ صُرِفَ أَرْبَعٌ فِي مَرَرْتُ بِنِسْوَةِ أَرْبَعٍ وَامْتَنَعَ
أَسْوَدُ وَأَرْقَمٌ لِلْحَيَّةِ وَأَدْهَمٌ لِلْقَيْدِ

Таржима: Васфни ғойри мунсариф бўлишдаги шарти васфи аслий бўлиши керак. Аслида васф учун вазъ қилинган (қўйилган) калиманинг исмиятлиги васфийатлигига ғолиб келса зарари йўқ. Шу сабабдан **مررت بنسوة اربع** даги **اربع** мунсариф қилинди. Ва **اسود** ва **ارقم** илон учун, **ادهم** кишан учун сарфдан монень бўлди.

Шарҳ: Исм икки қисмдир. Бири сифатларидан бирортасини мулоҳаза қилмасдан туриб зотига далолат қилади. Масалан **رجل، فرس، جدار، каби**.

Иккинчиси сифатларидан бирини мулоҳазаси билан уни зотига далолат қилади.

Буларни биринчисини исм дейилади. Иккинчисини васф ёки сифат дейилади. Масалан **احمر، اصفر، ضارب، مضروب، جبان، شجاع** каби. Демак васф ёки сифат шундай исмдирким, сифатларидан бирор сифати билан уни зотига далолат қилади. Яъни ҳолларидан бир ҳоли билан зотига далолат қилади. Бу бобда "манъи сарф" яъни сарф бўлмасликни шарти шуки, васфийат аслий бўлиши керак. Агар аслий васфийат исмиятни

ғалабаси билан тушса зарари йўқдир. "Оризий васфият"ни "манъи сарф"да ортиқча қуввати йўқдир.

Шу сабабдан مرتب بنسوة اربع таркибдаги اربع мунсариф қилинди. Чунки оризий васф бўлиб, "манъи сарф"да мўътабар эмас. اسود، ارقم аслида васфдир. Аммо илонга исм бўлиб исмиятлиги васфиятига ғалаба қилган бўлса ҳам, ушбу исмиятлиги ҳолида ҳам ғойри мунсарифдир. Чунки "васфият аслий"ни шундай қуввати борки, исмиятлигини ғалабаси билан ҳам ўша аслий васфиятни эътибор қилса бўлади.

Шундай экан اسود، ارقم، ادهم ларни "манъи сарф"да икки илллати бор.

Бири: аслий васфият. Иккинчиси: вазни феълдир.

وَضَعُفَ مَنْعٍ أَفْعَى لِلْحَيَّةِ وَأَجْدَلَ لِلصَّقْرِ وَأَخِيلَ لِلطَّائِرِ

Таржима: Илон учун افعى лочин учун اجدل ва қуш учун اخيل "манъи сарф"да заифдир.

Шарҳ: Юқорида маълум бўлдики, аслий васфият ҳақиқий бўлиб, хоҳ зоил бўлсин ва хоҳ боқий қолсин исм ғойри мунсариф бўлади. Аммо ҳар қичон аслий васфият ҳақиқий бўлмасдан балки "таваҳхумий" бўлса "манъи сарфи" заиф бўлади. Шу сабабдан افعى илонни исми бўлиб, ниҳоят ёмонлигидан, айниқса уни эркаги افعوان эса, ёмонроқ маъносидадир. Бу уч исмни ҳар бирида иккитадан сабаб бўлиб, бири "васфияти мутаваҳхима" ва иккинчиси "вазни феъл"дир.

التَّائِيْتُ بِالتَّاءِ شَرْطُهُ الْعَلَمِيَّةُ وَالْمَعْنَوِيُّ كَذَلِكَ وَشَرْطُ تَحْتَمِ تَأْتِيهِ الزِّيَادَةُ عَلَى الثَّلَاثَةِ أَوْ تَحْرُكُ الْأَوْسَطِ أَوْ الْعُجْمَةِ فَهَذَا يَجُوزُ صَرْفُهُ وَزَيْنَبُ وَسَقَرُ وَمَاهُ وَجَوْرُ مُتَّعٌ

Таржима: Агар та'нисни (ة)си талаффузда бўлса, ғойри мунсариф бўлшини шарт аламиятдир. Хоҳ у муаннасни исми бўлсин хоҳ музаккарни исми бўлсин حمزة فاطمة каби.

Агар исмда та'нис (ё)си муқаддар бўлса бундай исмни "маънавий та'нис", дейилади. Уни шарти ҳам аламиятдир زينب каби.

Аммо маънавий исмни, манъи сарфини вожиб шарти уч нарсадан бири билан бўлади.

1. Муаннас исмни уч ҳарфдан ортиқ бўлиши زينب каби.

2. Икки ёки уч ҳарфли бўлиб, ўрта ҳарф мутаҳаррик бўлиши سقر каби.

3. Уч ёки улар عجمه бўлиши керак ماه ва جور каби. Булар икки шахарни аламидир. Буларни ҳар бирида учтадан сабаб бор. زينب ، سقر ، جور،

1. та'ниси маънавий 1. та'ниси маънавий 1. та'ниси маънавий
2. Аламият 2. дўзахни алами. 2. аламият
3. уч ҳарфдан ортиқ 3. ўртаси мутаҳаррик. 3. иккови ҳам "ужма"дир.

Аммо هند ва دعد каби исмларни мунсариф ёки ғойри мунсариф қилиш жоиздир. Яъни агар бу икки исмдаги аламият ва та'ниси маънавийни мулоҳаза қилинса ғойри мунсариф бўлади. Агар ҳар қачон "қиллати ҳуруф" ва "сукуни васат"ни назарга олинса у хиффатни мувжибидир. Яъни бир сабаб билан муқовамат қила олмайди. Шунинг учун мунсариф қилинган.

فَإِنْ سُمِّيَ بِهِ مُذَكَّرٌ فَشَرْطُهُ الزِّيَادَةُ عَلَى الثَّلَاثَةِ فَقَدَمٌ مُنْصَرِفٌ وَعَقْرَبٌ مُتَّعٌ

Таржима: Агар муаннаси маънавий билан музаккар номланса ғойри мунсарифлик шарти уч ҳарфдан ортиқ бўлишидир. Шу сабабдан قدم мунсариф ва عقرب ғойри мунсарифдир.

Шарҳ: Чунки قدم исми жинс ҳамда маънавий муаннасдир. Агар музаккарга алам бўлса, мунсариф бўлади. Сабаби эса аслий муаннас, музаккарни аламияти билан зоил бўлади. Ва бошқа қоим мақом бўладиган ҳеч бир сабаб қолмайди. Аммо

аламиятни бир ўзи манъи сарф қила олмайди. عَرب ғойри мунсарифдир. Чунки биринчи сабаб муаннаси маънавийдир. Иккинчи сабаб уч ҳарфдан ортиқдир. Учинчи сабаб эса аламиятдир.

الْمَعْرِفَةُ شَرْطُهَا أَنْ تَكُونَ عِلْمِيَّةً

Таржима: Маърифа исмни ғойри мунсариф бўлиш шарти аламиятдир.

Шарҳ: Маърифа исмлар етти қисмдир.

إضافة، منادى، معرّف بال، اسم موصول، اسم إشارة، علم، مضمرات

Музмарот (Замирлар), исми ишора, исми мавсул ва мунодоларнинг тўрталаси мабнийётлардандир.

Манъи сарфни боби муъраблардандир. "Алиф лом" билан маърифа бўлган исм ёки изофалар эса ғойри мунсарифни мунсариф қилади. Маърифанинг етти ақсомидан фақат алам қолди. Демак маърифа исмни ғойри мунсариф бўлиши фақат аламга тайин бўлди.

الْعُجْمَةُ شَرْطُهَا أَنْ تَكُونَ عِلْمِيَّةً فِي الْعَجْمِيَّةِ وَتَحْرُكُ الْأَوْسَطِ أَوْ الزِّيَادَةُ عَلَى الثَّلَاثَةِ فَنُوحٌ مُنْصَرَفٌ وَشَتْرٌ وَإِبْرَاهِيمُ مُتَنَعٌ

Таржима: Ажамий исмни ғойри мунсариф бўлиш шарти аламда алам бўлишидир. Яна бир шарти, ўрта ҳарф мутаҳаррик бўлиши ёки уч ҳарфдан ортиқ бўлишидир.

Шу сабабдан نوح мунсарифдир. Ва شتر ва ابراهيم ғойри мунсарифдир.

Шарҳ: Савол: Нима учун هند ва دعد уч ҳарф ва сукуни васат билан, мунсариф ва ғойри мунсариф бўлиши жоиз эди. Аммо نوح ва لوط мунсариф бўлиб, ғойри мунсарифлиги жоиз бўлмади.

Жавоб: هند ва دعدда ҳақиқий та'нис шундай бир сабабдирки, у жуда қувватлидир шу боисдан ҳақиқий та'нисни сабабини эътиборга олиб ғойри мунсариф қилинди. Аммо عجمة муқаддар сабаб бўлиб, у заифдир. Демак заиф

сабаб ва сукуни васат билан ғойри мунсариф қилмоқ дуруст эмас.

الْجُمُعُ شَرْطُهُ صِيغَةُ مُنْتَهَى الْجُمُوعِ بِغَيْرِ هَاءٍ كَمَسَاجِدَ وَمَصَابِيحَ وَأَمَّا فَرَاذِنَةٌ فَمُنْصَرِفٌ

Таржима: Жамъни ғойри мунсариф бўлиш шarti шуки, "мунтаҳал жумуъ" бўлиб, охирида вақф қилганда (ها) га айланадиган (تا)и та'нис бўлмаслиги керак. مساجد ва مصابيح каби. Аммо فراضنة кабилар мунсарифдир.

Шарҳ: Маълум бўлишича жамъ шундай сабабки, у икки иллат ўрнига ўтади.

"Мунтаҳал жумуъ" шундай сийғаки, аввали мафтух, учинчи ҳарфи алиф, алифдан сўнг икки ҳарф ёки икки ҳарфдан ортиқ бўлади. Масалан مَسَاجِدَ، اِنَاعِيمَ، مَصَابِيحَ، اَكَابَ кабилар.

Булар мунтаҳал жумуъ сийғасида бўлиб, вақф қилинганда (ها)га айланадиган танис (تا) тоси йўқдир. Шу сабабдан ғойри мунсарифдир. Чунки буларда таҳқиқан ёки тақдиран икки жамъият бордир. Аммо مَصَابِيحَ ва مَلَائِكَةَ ва صِيَاقِلَةَ кабилар, мунтаҳал жумуъ сийғасида бўлса ҳам уларда вақф қилганида, танис (تا) бор. Шу жиҳатдан мунсарифдир. Чунки (ها) воситасида уларнинг вазни муфрадда топилади.

Масалан: طَاعَتِ طَوَاعِيَةٍ ва كِرَامَةِ كِرَامِيَةٍ маъносида.

Ҳар қачон шу вазндаги исмларни муфради топилса, уларни жамъияти заиф бўлади. Шу сабабдан уларда икки жамъият бор, деб тақдир қилиб бўлмайди. Шу билан бирга уларда لَزُومَ жамъият ҳам йўқдир. Бу сийғани мунтаҳал жумуъ дейилишига сабаб шуки, буни икки бор жамъ қилиб ниҳоясига етказилган. Уни жамъи тақдир билан бошқа жамъ қилиб бўлмайди. Аммо жамъи солим билан учинчи бор жамъ қилиш мумкин. Масалан اِيْمَنَ اِيْمَانِ ни жамъ тақдир бўлиб, учинчи бор اِيْمَانِ ёки صَوَابِ نِي صَوَابَاتِ деб, учинчи бор жамъ солим қилинган.

وَحَضَاجِرُ عَلَمًا لِلضَّبَعِ غَيْرُ مُنْصَرَفٍ مَنْقُولٌ عَنِ الْجَمْعِ

Аммо *حضاجر* علم бўлган ҳолида ғойри мунсарифдир. Чунки у жамъдан манқулдир. Демак *حضاجر* жамъияти ҳолия сабабидан эмас, балки жамъияти аслия сабабидан ғойри мунсарифдир. Чунки у жамъдан манқулдир. Аслида эса *عظيم البطن* маъносидаги *حضر* эди. *حضاجر* кафтор номли ҳайвон бўлиб, уни *ضبع* ҳам дейилади. Қорни катталиги сабабли муболағали сийға билан келтирилган.

وَسَرَاوِيلُ إِذَا لَمْ يُصْرَفْ وَهُوَ الْأَكْثَرُ فَقَدْ قِيلَ إِنَّهُ أَعْجَمِيٌّ حُمَلٌ عَلَى مُوَازِنِهِ وَقِيلَ عَرَبِيٌّ جَمْعُ سِرْوَالَةٍ تَقْدِيرًا وَإِذَا صُرِفَ فَلَا إِشْكَالَ

Таржима: *سراويل* исми жинс бўлиб, жамъ бўлмаса ҳам кўпчилик луғатида ғойри мунсарифдир. Чунки "воҳид"га ҳам "касир"га итлоқ (ҳисоб) қилинади. "Манъи сарфи"ни икки жиҳати бор бўлиб, биринчиси *سراويل* ажамий лафз бўлиб, *سراويل*ни арабчалашганидир. Араблар уни истемол қилганда ўхшашлари *مصاييح* ва *اناعيم* ғойри мунсариф бўлганидан *سراويل* га ҳам уни ўхшашларини ҳукмини беришди.

Икинчиси *سراويل* арабий лафздир ва тақдиран *سراولة*ни жамъидир. Гўёки *سراويل*ни ҳар бир бўлаги *سروالة* дир. Шундан сўнг *سروالة* *سراويل*га жамъ қилинди. Баъзиларни луғатида мунсарифдир. Бунини ҳеч бир мушкуллиги йўқдир.

Шарҳ: Чунки *سراويل* да фақат "сийғаи мунтаҳал жумуъ" бордир. Аммо ҳақиқий жамъият йўқдир. Бу эса "манъи сарф"ни илллати эмас.

وَنَحْوُ جَوَارٍ رَفْعًا وَجَرًّا كَقَاضٍ

Таржима: *جوار* кабилар рафъ ва жар ҳолатида *قاض* кабидир.

Шарҳ: Ҳар бир ноқис бўлган فاعلة ни жамъи бўлган فعالى вазнидаги исмлар, масалан جوارى، غواشى، رومى، رواعى، رواعى، رواعى кабиларни рафъ ва жар ҳолатидаги ҳукми قاض ни ҳукмидадир.

Накра ҳолатида ي маҳзуф бўлади.

مررت بجوار، رأيت جوارى، جاءني جوار

Аммо насб ҳолатида ي собит бўлиб, ҳаракати фатҳа қилинади. Демак бу исмлар насб ҳолатида ҳеч бир мушқилсиз икки иллат билан ғойри мунсарифдир.

Бири, жамъият. Иккинчиси, сийғаи мунтаҳал жумуъдир.

التَّرْكِيْبُ شَرْطُهُ الْعَلَمِيَّةُ وَأَنْ لَا يَكُونَ بِإِضَافَةٍ وَلَا إِسْنَادٍ مِثْلُ بَعْلَبَكَّ

Таржима: Изофа ва иснодсиз бўлган мураккаб исмларни ғойри мунсариф бўлиш шартларидан энг мўътабари аламиятдир. Агар изофа бўлса, изофа ғойри мунсарифни мунсариф қилади. Яна бир шарти мураккаб икки исм орасида иснод булмаслиги керак.

Шарҳ: Чунки иснодни қамраб олган алам мабниётлардан ҳисобланади. Масалан: تَأْبَطُ شِرا масалан بعلبك икки исмдан таркиб топгандир.

بعد бутни оти. بك шаҳар соҳибини отидир. Аммо ўртасида ҳеч қандай изофа ёки иснодсиз алоқа билан ягона бир исмга айлантирилган.

الْأَلِفُ وَالنُّونُ إِنْ كَانَتَا فِي اسْمٍ فَشَرْطُهُ الْعَلَمِيَّةُ كَعِمْرَانَ أَوْ فِي صِفَةٍ فَانْتِفَاءٌ فَعَلَانَةٌ وَقِيلَ وَجُودٌ فَعَلَى

Таржима: Охири алиф ва нун билан тугаган калима агар исм бўлса, уни ғойри мунсариф бўлишини шарти, аламиятдир. عمران каби.

Агар алиф ва нун сифат исмни охирида бўлса, уни ғойри мунсариф бўлиши шарти فعلانة вазнини йўқлигидир. Баъзилар فعلى вазнини мавжудлигидир, дейишган.

Бу алиф ва нун зоида бўлиши ҳақида наҳв олимларини икки сўзи бордир.

Биринчилари: бу алиф ва нун мазийдани, яъни "мазийд алайҳи"ни фаръи бўлгани учун ғойри мунсариф, дейишган.

Бошқалари эса: алиф ва нун "мазидатон таънис"ни икки алифига мушобаҳатлигидандир, дейишган.

Иккинчи сўз кучлироқдир. Бу нарса кейинроқ маълум бўлади.

Агар бу икки ҳарф исмга кирса, ғойри мунсариф бўлишини шарти аламиятдир.

Масалан *عمران* ва *عثمان* каби буларга бошқа ҳеч қандай шарт керак эмас. Чунки аввало "завоид"лиги таҳқиқий бўлди. Иккинчидан муаннасига танис "ت" си кирмайди. Шу сабабдан алиф ва нун муаннасни икки алифига мушобаҳатлиги (ўхшашлиги) қолади. Агар алам бўлмасдан унга та'нис (ت)и кирса, алиф ва нунни та'нисни икки алифга мушобаҳатлиги қолмайди. Шу боисдан бундай исмлар ғойри мунсариф бўла олмайди. Масалан *سعدان* ни муаннаси *سعدانة* мавжуддир. Агар алиф ва нун сифати исмда бўлса буни шартида хилоф бордир.

Баъзилар сифат исмда алиф ва нун кирса, уни ғойри мунсариф бўлишини шарти муаннасида *فعلانة* вазнини топилмаслигидир. Шундагина алиф ва нунли сифат муаннасни икки алифига мушобаҳатлиги (ўхшашлиги) боқий қолади. Ана шу сабабдан *عربان* мунсарифдир. Чунки муаннаси *عربانة* дир.

وَمِنْ ثَمَّ اخْتَلَفَ فِي رَحْمَنَ دُونَ سَكْرَانَ وَنَدْمَانَ

Таржима ва шарҳ: Баъзилар эса сифат исмда алиф ва нун зоида бўлса уни ғойри мунсариф бўлишини шарти *فعلى* вазнини мавжудлиги, дейишган. Чунки ҳар қачон уни муаннаси *فعلى* бўлса *فعلانة* келмасдан, мушобаҳат ўз ҳолида қолади. Яъни (أ) та'нис билан мушобаҳатлиги ўз ҳолида қолади. Шу сабабдан *رحمن* лафзида у мунсарифми ёки ғойри

мунсарифми хилоф пайдо бўлди. Чунки унда رحمة ҳам رحمی ҳам йўқ. Чунки رحمن Аллоҳ таолога хосдир. Аллоҳ таолодан бошқа на музаккар ва на муаннасада истеъмол қилинади.

Демак فعلانة، انتفاء، ни шарт қилганлар мазҳабига кўра رحمن ғойри мунсарифдир. Шу боисдан الله رحمن демоқ керак бўлади. Сифат бўлганидан алиф ва нун танвинсиз бўлади. Аммо вужуд فعلی деганлар мазҳабига кўра мунсарифдир. Унда الله رحمن танвин билан келтирилади. Аммо سكران да ҳеч қандай хилоф йўқдир. Чунки ҳар икки мазҳабни шарти ҳосил бўлгандир. Уни муаннаси سكرى бўлиб، سكرانة эмас.

Аммо ندمان агар ندم дан бўлса ҳеч қандай хилоф йўқдир. Ҳар икки мазҳабда ҳам мунсарифдир. Бунда шарт ҳосил бўлмаган. Чунки уни муаннаси ندمانة бўлиб، ندمى эмас.

Аммо ندمان сўзи نادم маъносида бўлса، яъни ندم пушаймонликдан бўлса، билиттифоқ мунсарифдир. Чунки уни муаннаси ندمى бўлиб، ندمانة эмас. ا

وَزُنُ الْفِعْلِ شَرْطُهُ أَنْ يُخْتَصَّ بِالْفِعْلِ كَشَمَّرَ وَضُرِبَ أَوْ يَكُونَ فِي أَوَّلِهِ زِيَادَةٌ كَزِيَادَةِ غَيْرُ قَابِلٍ لِلتَّاءِ وَمِنْ ثَمَّ امْتَنَعَ أَحْمَرُ وَأَنْصَرَفَ يَعْمَلُ

Таржима: "Вазни феъл"даги исмни ғойри мунсариф бўлиш шарти, фақат феълга хос бўлишлигидир شمر ва ضرب каби. Ёки ўша вазни феълни аввалида феълга кирадиган зиёда انيت ҳарфларни киришидир. Лекин ўша "вазни феъл"ни охирига تا кирмаслиги шартдир. Шу сабабдан احمر ғойри мунсариф бўлади. Чунки аввалида зиёда ҳарф кирган аммо охирига تا кирмаган, яъни уни احمره вазни йўқдир. Лекин يعمل мунсарифдир. Чунки охирида تا киради ва يعمله бўлиб, вазни феълга мушобаҳатлигидан (ўхшашлигидан) узоқлашди.

1. شمр нинг биринчи шарти "вазни феъл", иккинчи шарти "алам". Шунинг учун у ғойри мунсарифдир.

2. ضرب ----- вазни феъл, ----- Ъалам.
Ғойри мунсарифдир.

3. احمر ----- вазни феъл, ----- Ъалам.
Ғойри мунсарифдир

4. يعمل ----- вазни феъл, ----- Ъалам.
Мунсарифдир. Чунки охирига (تا) киради.

وَمَا فِيهِ عِلْمِيَّةٌ مُؤَثَّرَةٌ إِذَا نُكِّرَ صُرِفَ لِمَا تَبَيَّنَ مِنْ أَنَّهَا لَا تُجَامِعُ مُؤَثَّرَةً إِلَّا مَا هِيَ شَرْطٌ فِيهِ إِلَّا
الْعَدْلَ وَوَزْنَ الْفِعْلِ وَهُمَا مُتَضَادَّانِ فَلَا يَكُونُ مَعَهُمَا إِلَّا أَحَدُهُمَا فَإِذَا نُكِّرَ بَقِيَ بِلَا سَبَبٍ أَوْ عَلَى سَبَبٍ
وَاحِدٍ

Таржима ва шарҳ: Ғойри мунсариф исмда аламият муассир бўлса (яъни, манъи сарфга сабаб бўлса) уни накра қилинганида аламияти зоил бўлиб, мунсарифга айланади. Юқорида маълум бўлдики, аламият ғойри мунсариф исм билан муассир бўлган ҳолда жамъ бўлиб келмайди. Ғойри мунсариф исм билан аламият ўша исмда шарт бўлса жамъ келади. Ушбу таърифга عدل ва وزن кирмайди. Чунки аламият у икковида муассир, лекин шарт эмас.

Юқоридаги таъриф тўрт ғойри мунсариф исмга таъллуқлидир.

1. ألف ونون زائدة. 2. عجمة. 3. تركيب. 4. لفظي تأنيث.

Аммо ушбу қоидадан васф билан жамъ чиқиб кетади. Чунки у икки ғойри мунсарифда аламият муассир ҳам эмас, шарт ҳам эмасдир.

وَخَالَفَ سَيَبَوْبُهُ الْأَخْفَشَ فِي مِثْلِ أَحْمَرَ عَلَمًا إِذَا نُكِّرَ إِعْتِبَارًا لِلصِّفَةِ الْأَصْلِيَّةِ بَعْدَ التَّنْكِيرِ

Таржима ва шарҳ: Ғойри мунсариф احمر каби исмлар алам ҳолида, васфияти аслияни эътиборга олиб, накра қилинганда Ахфаш ўз устози Сибавайхга хилоф чиқиб, اصفر ва احمر каби исмларни ҳар бири аламиятдан олдин ҳам икки иллат билан

ғойри мунсариф эди. Бири вазни феъл яна бири васфияти аслий билан ғойри мунсариф бўлди. Агар бу исмлар алам қилинганида аслий васфият кетиб, уни ўрнига алам қоим мақом бўлиб, исм яна икки иллат билан ғойри мунсариф бўлади. Бири алам ва яна бири вазни феъл. Хилоф эса бу исмларни накра қилингандагина пайдо бўлади, деди.

Яна Ахфаш: "Бу исмларни накра қилинганида аламлик ҳолати кетиб, фақат битта иллат қолади. Яъни фақат вазни феъл қолади. Чунки алам билан васф зоил бўлади ва накра билан алам зоил бўлиб, бу исмда фақат битта иллат қолиб, мунсариф бўлади", дедилар.

Аммо Сибавайх: "Агар накра билан алам зоил бўлса, уни ўрнига васфияти аслия ўз ўрнига қайтиб, исм яна ғойри мунсариф бўлади" дейдилар.

وَلَا يَلْزَمُهُ بَابٌ حَاتِمٌ لِمَا يَلْزَمُ مِنْ اِعْتِبَارِ الْمُتَضَادِّينِ فِي حُكْمٍ وَاحِدٍ

Таржима ва шарҳ: Сибавайх учун *حاتم* боби мутазоддайн (икки зид) эътибори жиҳатидан бир ягона ҳукмда лозим келади. Агар *حاتم* бобида бир ягона ҳукм (манъи сарф)да ижтимоъи зиддайн бўлмаса ҳам лекин аҳади зиддайнни эътибори бордир. Бу дегани "ижтимоъи зиддайн", демакдир.

Шу жиҳатдан бу боб ғойри мунсариф бўла олмайди.

وَجَمِيعُ الْبَابِ بِاللَّامِ أَوْ الْإِضَافَةِ يَنْجَرُ بِالْكَسْرِ

Таржима ва шарҳ: Ҳамма ғойри мунсариф исмлар "алиф-ломи" таъриф билан маърифа ёки изофа бўлса уни жар ҳолати касра билан бўлади. Чунки касра исмларда аслдир. Масалан; *عثماننا* ва *عمرکم* ва *مررت بالعمر* ва *مررت بالاحمر* кабилар.

Бу ҳолатда нахв олимлари исм мунсариф бўладими ёки ўз ҳолича ғойри мунсариф бўладими? деб ихтилоф қилишган. Кўпчилик олимлар мунсариф бўлади дейишган. Чунки уни ғойри мунсарифлиги феълга ўхшаш эканида эди. Аммо исмга маърифа қилувчи алиф ва лом ҳамда изофа кирганда, бу икки нарса фақат исмга хослиги учун исмиятлиги кучли бўлиб, феълга ўхшашлиги заиф бўлади ва исм мунсариф бўлади.

الْمَرْفُوعَاتُ

Фоъилият аломатларини ўз ичига олувчи исмлар

الْمَرْفُوعَاتُ هُوَ مَا اشْتَمَلَ عَلَيَّ عِلْمِ الْفَاعِلِيَّةِ فَمِنْهُ الْفَاعِلُ وَهُوَ مَا أُسْنِدَ إِلَيْهِ الْفِعْلُ أَوْ شِبْهُهُ
وَقُدِّمَ عَلَيْهِ عَلَيَّ جِهَةً قِيَامِهِ بِهِ مِثْلُ قَامَ زَيْدٌ وَزَيْدٌ قَائِمٌ أَبُوهُ

Таржима ва шарҳ: المرفوعات، المرفوعني жамъидир. Музаққари ғойри оқил билан жамъ қилинди.

Марфуъ – шундай исмки, фоъилият аломатларига муштамилдир (ўз ичига олгандир). Фоъилиятни аломатлари хоҳ у "замма" ёки "алиф" ёки "вов" билан бўлсин, рафъдир. Рафъни асл аломати заммадир. "Алиф" билан "вов" эса фаръдир. Марфуъотни асли فاعل дир. Қолганлари фаръдир

فاعل—اصل

نائب فاعل – مبتدا – خبر – إنَّ خبر – لا خبرى – فا – ولانى اسمي – كانى اسمي

Булар фاعлани мулҳиқотларидандир. Яъни фаръларидир.

Марфуъот фоъилият аломатларини ўз ичига олган исмдир. Фоъил эса марфуот жумласидандир. Фоъил шундай исмки, унга феъл ёки шибҳи феъл иснод қилиниб, ўша феъл ёки шибҳи феъл маълум сийға тариқасида исмга муқаддам қилинади. Исмга феъл иснод қилинганига мисол: قام زيد .

Исмга шибҳ феъл иснод қилинганига мисол: زيد قائم أبوه

وَالْأَصْلُ أَنْ يَلِيَّ الْفِعْلَ فَلِذَلِكَ جازَ ضَرْبَ غَلَامِهِ زَيْدٌ وَامْتَنَعَ ضَرْبَ غَلَامِهِ زَيْدًا

Таржима: Аслида фоъил феълни ёнида бўлиши керак. Шу боисдан ضرب غلامه زيد таркиби жоиздир.

ضرب غلامه زيد таркаби мумтаниъ, яъни раво эмасдир.

Шарҳ: Аслида фоъил феълни ёнида бўлиб, бошқа маъмулотидан муқаддам бўлмоғи лозим. Чунки фоъил феълни жузвий (бир бўлак) манзилидадир. Аммо феълни

маъмулотини ъумдаси (бош бўлаги)дир. Шунинг учун фоъил бошқа маъмулотидан лафзан муаххар (кеч келган) бўлса ҳам рутбатан (мартаба жиҳатидан) муқаддамдир. Шу жиҳатдан زيد ضرب غلامه таркиби жоиздир. Чунки زيد фоъил бўлиб, лафзан муаххар бўлса ҳам мартабада муқаддамдир.

زيد غلامه даги замир زيدга рожиъ (қайтувчи)дир. Чунки زيد мартабада муқаддам бўлгани учун, жоиздир.

زيد ضرب غلامه да زيد лафзан муаххар бўлса ҳам рутбатан муқаддамдир. Бу таркиб гўё زيد ضرب غلامه кабидир.

Аммо زيد ضرب غلامه жоиз эмас. Чунки бу ерда هو замир лафзан ҳамда рутбатан муххар бўлувчи زيد га қайтмоқда. Бу жоиз эмас. "Измори қаблаз зикр" яъни зикр қилинишидан олдин замир бўлмоқда.

وَإِذَا انْتَفَى الْأَعْرَابُ لَفْظًا فِيهِمَا وَالْقُرَيْنَةُ أَوْ كَانَ مُضْمَرًا مُتَّصِلًا أَوْ وَقَعَ مَفْعُولُهُ بَعْدَ إِلَّا أَوْ مَعْنَاهَا
وَجَبَ تَقْدِيمُهُ

Таржима: Ҳар қачон фоъилда ҳамда мафъулда замир лафзан келмаса ва "қарийна ҳам бўлмаса" яъни зоҳир бўлмаса, ёки фоъил муттасил замир бўлса ёки фоъилни мафъули **إِلَّا** дан ёки **إِلَّا** ни маъносидан кейин келса фоъилни мафъулдан муқаддам бўлиши вожибдир.

1. **Шарҳ:** Фоъилда ҳам мафъулда ҳам замир зоҳир бўлмаганга мисоллар.

۱. ضرب موسى عيسى

۲. ضرب من على الباب من على السطح

۳. ضرب موسى من على الباب

۴. ضرب من على الباب موسى

Шу сабабдан фоъил мафъулдан муқаддам бўлиши вожиб бўлди.

Агар эъроб зоҳир бўлса, ضرب عمرا زيد، ضرب زيد موسى каби, ёки қарийна мавжуд бўлса, أكل الكمثرى موسى каби фоъилни муқаддамлиги вожиб бўлмайди.

2. Яна ҳар қачон фоъил муттасил замир бўлса фоъилни мафъулдан олдин келиши вожибдир. Мафъул хоҳ зоҳир исм, хоҳ замир бўлсин.

Масалан ضربت زيدا ёки ضربتك ёки ضربته каби.

3. Яна шунингдек, ҳар қачон фоъилни мафъули لا дан кейин келса фоъилни тақдими вожиб бўлади.

Масалан: ما ضرب زيد إلا عمرا

Буни маъноси, زيد бошқа ҳеч кимни зориби (урувчиси) бўлиши мумкин эмас. Аммо عمرا бошқани мазруби (урилгани) бўлиши мумкин. Бу ерда "инҳисор" (бирор ҳукми бирор нарсага исботлаб, ўша ҳукми бошқасидан нафий қилмоқдир.) фақат Зайд учун бўлмоқда. Агар биз мафъулни لا сиз муқаддам қилиб ما ضرب عمرا إلا زيد десак, каломни маъноси тескари бўлади. Яъни, Амрни Зайддан бошқа ҳеч ким урмади, дейилган бўлади. Бу ерда عمرا бошқа ҳеч кимни мазруби бўлиши мумкин эмас. زيد эса бошқани зориби бўлиши мумкин.

Бу ерда "инҳисор" фақат мафъул амр учун бўлмоқда. Агар мафъулни фоъилдан إلا калимаси билан бирга олдин келтирилса ما ضرب إلا عمرا زيد бўлиб, бунда тақдири калом қуйидагича бўлади ما ضرب أحدا أحد إلا عمرا زيد каби.

Таржимаси: Ҳеч кимни ҳеч ким урмади фақат Амрни Зайд урди. Бу иккаласида ҳам ҳаср (حصر) лозим келмоқда. Бу эса мақсадга муҳолифдир. Чунки аввал ҳеч ким, ҳеч кимни урмади, деб хабар бериб, яъни ҳаср қилиб, фақат Зайд Амрни урди, дейилмоқда.

4. Худди шунигдек ҳар қачон **إِلَّا**ни маъносидан сўнг келса, фoъилни мафъулдан тақдими вожибдир. **إِنَّمَا ضَرَبَ زَيْدٌ عَمْرًا** каби. Буни маъноси Зайд Амрдан бошқани урмади, бўлади.

إِنَّمَا таркибини маъноси эса, Амрни фақат Зайд урди, бошқалар эмас. Бу икки маъно эса, бир бирини аксидир. **وَإِذَا اتَّصَلَ بِهِ ضَمِيرُ مَفْعُولٍ أَوْ وَقَعَ بَعْدَ إِلَّا أَوْ مَعْنَاهَا أَوْ اتَّصَلَ مَفْعُولُهُ وَهُوَ غَيْرُ مُتَّصِلٍ وَجَبَ تَأْخِيرُهُ**

Таржима:

1. Ҳар қачон фoъилга, мафъулни замири муттасил бўлса, **مَهْ ضَرَبَ زَيْدًا غَلًا** каби.

2-3. Ёки фoъил **إِلَّا**дан ёки **إِلَّا**ни маъносидан сўнг воқеъ бўлса. **إِنَّمَا ضَرَبَ زَيْدًا عَمْرًا** каби. **مَا ضَرَبَ زَيْدٌ إِلَّا عَمْرًا**

4. Ёки фoъил фельга муттасил бўлмаган ҳолда уни мафъули фельга муттасил бўлса **ضَرَبَكَ زَيْدٌ** каби.

Бу ҳолатларни ҳаммасида фoъилни та'хири вожиб бўлади.

Агар биринчи ҳолатда фoъилни мафъулдан олдин келтирсак "измори қаблаз зикр", бўлади. **ضَرَبَ غَلَامَهُ زَيْدًا** каби. Чунки фoъилни замири лафзан ҳамда рутбатан муаххар бўлган **زَيْدًا**га қайтмоқда. Бу эса мумтаниъдир.(манъ қилингандир.)

2-3-чи ҳолатларда эса, агар фoъилни муаххар қилинмаса маъноси тескари бўлади.

4-чи ҳолатда эса, агар фoъил муқаддам қилинса, мафъул муттасил замир бўла олмайди. Агар фoъил ҳам мафъул ҳам муттасил замир бўлса **ضَرَبْتِكَ** каби, бу ҳолатда фoъилни муқаддам қилиниши вожиб бўлади. Бу юқорида айтилган эди.

وَقَدْ يُحَدَفُ الْفِعْلُ لِقِيَامِ قَرِينَةٍ جَوَازًا فِي مِثْلِ زَيْدٍ لِمَنْ قَالَ مَنْ قَامَ وَلِيِّكَ يَزِيدُ ضَارِعٌ خِصُومَةٍ مُحْتَبِطٌ مِمَّا تُطِيحُ الطَّوَائِحُ وَوُجُوبًا فِي مِثْلِ: "وَإِنْ أَحَدٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ اسْتَجَارَكَ"

Таржима: Гоҳида "қиёми карина" (яъни маҳзуфга далолат қилувчи нарса) мавжуд бўлса феълни жоиз тариқасида ҳазф қилса бўлади. Биров: "Ким турди?" деса, Зайд деб, жавоб

берилганидек. Ва яна шоирни ушбу шеърида ҳам феълни ҳазф қилиниши жоиздир.

وليك يزيد ضارع لخصومة مختبط بما تطيح الطوايح

Гоҳида феълни вожиб тариқасида ҳазф қилинади.

قوله تعالى: واحد من المشركين استجارك

Шарҳ: Фоъилни ҳазф қилиш жоиз эмас. Аммо фелъни ҳазфи икки кўриниш биландир.

Бири, жоиз тариқасида. Иккинчиси, вожиб тариқасида.

Биринчи кўриниш: Феълни зикр қилинса ҳам қилинмаса ҳам жоиз. Масалан, биров сендан “مَنْ قَامَ؟” деб сўраганда, Сен Зайд, деб феълни зикр қилмасдан жавоб берсанг ҳам, ёки “قَامَ” деб феълни зикр қилсанг ҳам, жоиз.

Қуйидаги шоирни шеъри шу кўринишдадир. Бу байт Язид ибн Наҳшал марсиясида битилган. Бу байт Язид ибн Наҳшалга ким йиғласин? деган муқаддар саволига жавобдир.

Жавоб қуйидагича ضارع لخصومة зориълар, ўзларини хасмларига (рақиб) тенг кела олмаганлар йиғласин.

Иккинчи мисрада مختبطлар (тиланчи ва муҳтожлар) йиғласинлар, чунки У уларни пушти паноҳи эди.

تطيح الطوايح шу жиҳатдан йиғласинларки, ҳалок қилувчи рўзғор ҳодисалари ҳалок қилди.

ضارع ва مختبط калималари маҳзуф феълни фоъилларидир.

Иккинчи кўриниши, яъни феълни ҳазф қилиш вожиблиги, Аллоҳ таолонинг қуйидаги استجارك فأجره сўзида мужассамдир. Бу ерда фоъил феълни вожиб тариқасида ҳазф қилинди. Чунки إن ҳарфи шартия ва жозима ҳамда қарийнадир. Ундан кейин феълни келиши вожибдир. Бу ерда маҳзуф феълни фоъилидир. Биринчи феълни мубҳам қилиб, ҳазф қилинди. Ва иккинчи استجارك билан тафсир қилинди. Шунда уни ҳазф этиш вожиб бўлди. Агар уни зикр

қилинганида каломда беҳудалик пайдо бўларди. Чунки уни муфассири, (тафсир қилувчиси) муфассарга (тафсир қилинувчисига) қоим мақом бўлади.

إن، (استجار) أحد من المشركين، استجارك فأجره:

إن شرط جازم، استجار فعل محذوف مفسر، أحد فاعل استجارك مفسر فعل

Маъноси: Эй Муҳаммад (с.а.в.) агар мушриклардан бирортаси сиздан паноҳ тиласа зинҳор паноҳ беринг, токи Аллоҳни каломини эшитсин.

وَقَدْ يُحَدِّثَانِ مَعًا فِي مِثْلِ نَعَمْ لِمَنْ قَالَ أَقَامَ زَيْدٌ

Таржима: Баъзида феъл ҳам фоъил ҳам жоиз тариқасида бирга ҳазф қилинади. Масалан: Биров *زيد أقام* деб, сўраганида, *نعم* деб жавоб бериш раводир. Ёки феъл ва фоъилни зикр қилиб *زيد قام نعم* деб жавоб берса, ҳам раводир.

وَإِذَا تَنَازَعَ الْفِعْلَانِ ظَاهِرًا بَعْدَهُمَا فَقَدْ يَكُونُ فِي الْفَاعِلِيَّةِ مِثْلُ ضَرَبَنِ وَأَكْرَمَنِ يَ زَيْدٌ وَفِي الْمَفْعُولِيَّةِ مِثْلُ ضَرَبْتُ وَأَكْرَمْتُ زَيْدًا وَفِي الْفَاعِلِيَّةِ وَالْمَفْعُولِيَّةِ مُخْتَلِفَيْنِ

Таржима: Ҳар қачон икки феъл ўзидан кейин келган зоҳир исмда танозуъда (тортишувда) бўлсалар, бу тортишув баъзида фоъилиятда бўлади. *زيد و اكرمني* каби.

Бу икки феълни ҳар бири ўзидан кейин келган зоҳир исм *زيد* ни фоъилим, деб тортишувдалар. Тортишув баъзида мафъулиятда ҳам бўлади. *زيدا و اكرمت* каби.

Бу икки феълни ҳар бири ўзидан кейин келган *زيد* ни мафъулим, деб тортишувдалар. Бу тортишув баъзида мухталиф (ҳар-турлик) ҳолда, фоъилият ва мафъулиятда бўлади.

Шарҳ: Яъни аввалги феъл фоъилни иккинчиси мафъулни тақозо қилади. Масалан *زيدا و اكرمت* ёки буни акси. Аввалгиси мафъулни, кейингиси фоъилни тақозо қилади.

زيدا و اكرمني шунигдек, "танозуъ шибҳи феъл"да ҳам бўлади. *زيد ضارب و مكرم* даги *زيد ضارب و مكرم* ҳар бири амрга

мутаважжихдир. Уни мансуб қилиб, ўзини маъмулига айлантириш учун шундай қилинди.

زيد ضارب ومكرم غلام даги ضارب ومكرم غلام қилиб, фoъилга айлантиришда танозуъдадир. Ўзидан кейин келган исми зоҳир дедик. Чунки муттасил замирда танозуъ мутасаввир эмас. Сабаби замир ўз омилига муттасилдир.

Масалан: **ضربت وأكرمك** бу ерда икки феълнинг иккиси ҳам мафъул талаб қилмоқда, мафъул бўлмиш мухотабни замири коф иккинчи феълни мафъулидир. Биринчи феъл агар замир мунфасил бўлса унга амал қила олмайди. Масалан:

ما ضرب وما أكرم إلا أنا
ما ضرب وما أكرم إلا أنت
ما ضرب وما أكرم إلا هو

Бу икки манфий феълни ҳар бири **لا** дан кейин келган замирни ўзини маъмули, яъни фoъили бўлмоғини хоҳлайди. Бу ерда икки феълни танозуъи мутасаввирдир. Матнда **بعدهما** иборасини қайди билан зоҳир исм феълдан олдин келишлиги, ёки икки феъл ўртасида келишлик ҳолатлари, таърифдан хориж бўлади. Масалан **ضربني زيد وأكرمني زيد**.

Бу икки ҳолда ҳам маъмул аввалги феълга тааллуқлидир.

Иккинчи феъл унга дахл қила олмайди. Демак зоҳир исм икки феълдан мутааххир бўлса шундагина танозуъда бўлади.

Аммо мухталифайнда танозуъ бўлмайди.

ضربني وأكرمك زيداً ضربت وأكرمني زيداً

Чунки **زيد** ни рафъ қилсак **ضرب** ни фoъили бўлади. Агар **زيد** ни насб қилсак **أكرمك** ни мафъули бўлади.

وَيَخْتَارُ الْبَصْرِيُّونَ إِعْمَالَ الثَّانِي وَالْكَوْفِيُّونَ الْأَوَّلَ

Таржима: Басралик уламолар амални иккинчи фелъга беришни ихтиёр қилдилар. Кўфалик уламолар эса амални биринчи феълга, беришни ихтиёр қилдилар.

Шарх: Ҳар қачон юқоридаги мазкур кўриниш билан икки феъл ўзидан кейин келган зоҳир исмда танозуъда бўлса икки феълни ҳар бирига амал беришлик билиттифоқ жоиздир.

Қайси аъло ва ихтиёр қилингани хусусида ихтилоф қилингандир. Басрий наҳв олимлари амални иккинчи феълга беришни аъло дейишган. Чунки зоҳир исм унга яқиндир. Кўфани наҳвий олимлари амални биринчи феълга беришди, чунки у муқаддам ва авлодир.

فَإِنْ أَعْمَلْتَ الثَّانِي اضْمُرْتَ الْفَاعِلَ فِي الْأَوَّلِ عَلَى وَفْقِ الظَّاهِرِ دُونَ الْحَذْفِ خِلَافًا لِلْكَسَائِي

Таржима: Агар Басралик наҳв олимлари мазҳабига биноан амални биринчи феълга берсанг, шайх Кисойга хилоф равишда, фоъилни зоҳир исмга мувофиқ биринчи феълда измор қиласан.

Шарх: *ضربني وأكرمني زيد* Агар амални иккинчи феълга бериб, Зайдни *أكرم* феъллини фоъили қилсак жумҳур наздида *هو* да *ضربني* мустатир бўлади. Шайх Кисой наздида, биринчи феълда ҳеч қандай замир йўқдир. Бу ҳолда жумҳур ва шайх Кисой ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Агар фоъил тасния ва жамъ бўлганда фарқ зоҳир бўлади. Жумҳур мазҳабида

ضرباني وأكرمني الزيدان، ضربوني وأكرمني الزيدون

Шайх Кисой мазҳабида эса

ضربني وأكرمني الزيدان، ضربوني وأكرمني الزيدون

бўлади.

Танозуъ, фоъилият ва мафъулиятда ихтилофли равишда бўлса,

Шайх Кисой мазҳабига кўра, *ضربني وأكرمت الزيدون*, *ضربني وأكرمت الزيدون* бўлади.

Жумҳур мазҳабида эса, *ضرباني وأكرمت الزيدون*, *ضربوني وأكرمت الزيدون* муаннасни тасния ва жамъи шуларга қиёсдир.

وَجَازَ خِلَافًا لِلْفَرَّاءِ

Таржима: Аммо шайх Фаррога хилоф равишда жумҳур мазҳабига биноан амални иккинчи феълга бериб, фоъилни

биринчи феълда измор қилмоқ, ёки шайх Кисойй мазҳабига биноан амални иккинчи феълга бериб, фоъилни биринчи феълдан ҳазф қилмоқ, жоиздир.

Шарҳ: Жумхур ва шайх Кисойй иккинчи феълга амал беришни жоиз, деганлар. Аммо шайх Фарро бу икки сўз ҳам яъни, амални иккинчи феълга бериш дуруст эмас, деганлар. Чунки жумхурни сўзига амал қилинса, фоъилда "измори қаблаз зикр", бўлади. Агар шайх Кисоййни сўзига амал қилинса, биринчи феълда фоъил ҳазф бўлади. Шу сабабдан амални биринчи феълга бериш керак. Агар иккинчи феъл фоъил талаб қилса измор қиласан. Агар мафъул талаб қилса, ҳазф ёки измор қиласан. Шунда ҳеч қандай муаммо қолмайди. Масалан:

ضربني وأكرموني الزيدون ضربيني وأكرمان الزيدان
وَحَذَفْتَ الْمَفْعُولَ إِنْ اسْتَعْنَى عَنْهُ وَإِلَّا أَظْهَرْتَ

Таржима: Ҳар қачон Басралик наҳв олимлари мазҳабига биноан амални иккинчи феълга берилганда биринчи феъл мафъул талаб қилса, беҳожат бўлган тақдирда уни ҳазф қиласан. Бордию ҳожатинг бўлса изҳор қиласан.

Шарҳ: Агар беҳожат бўлган тақдирда уни ҳазф қилинмаса, ё такрор лозим бўлади ёки "измори қаблаз зикр" бўлади. Шунинг учун беҳожат бўлганда ҳазфи ёки бўлмаса изҳори лозимдир.

Масалан: *حسبني منطلقا وحسبت زيدا منطلقا*. Бу мисолда аввалги *منطلقا* изҳор қилиш вожибдир. Агар ҳазф қилсак *حسبت* икки мафъулни талаб қилади, бирини ихтисор қилган бўламиз бу эса раво эмас. Агар измор қилсак, "измори қаблаз зикр" бўлади, бу эса жоиз эмас. Демак изҳор лозим экан.

وَإِنْ أَعْمَلْتَ الْأَوَّلَ أَضْمَرْتَ الْفَاعِلَ فِي الثَّانِي وَالْمَفْعُولَ عَلَى الْمُخْتَارِ إِلَّا أَنْ يَمْنَعَ مَانِعٌ فَتُظْهِرُ

Таржима: Агар Куфийларни сўзи бўйича амални иккинчи феълга берсанг, фоъилни иккинчи феълда измор қиласан, мафъулни эса мухтор қавл билан. Яъни кўфиюнлар сўзи

бўйича иккинчи феълда измор қиласан. Агар бирор монеълик пайдо бўлса, иккинчи мафъулни изҳор қиласан.

Шарҳ: Масалан:

| | |
|------------------------|--------------------------|
| ضربني وأكرمني زيد | ضربتني وأكرمتني هند |
| ضربني وأكرماني الزيدان | ضربتني وأكرمتاني الهندان |
| ضربني وأكرموني الزيدون | ضربتني وأكرمتاني الهندون |

Бу ерда икки феъл фоъилда танозуъда бўлмоқда. Шунинг учун амални биринчи феълга, яъни фоъилни биринчи феълга бериб, уни иккинчи феълда измор қилдик. Худди шунингдек бу икки феъл мафъулда танозуъда бўлмоқда. Мафъулни биринчи феълга бердик ва уни иккинчи феълда измор қилдик.

Мисоллари қуйидагича.

| | |
|-------------------------|-------------------------|
| ضربني وأكرمته زيد | ضربني وأكرمتها هند |
| ضربني وأكرمتهما الزيدان | ضربني وأكرمتهما الهندان |
| ضربني وأكرمهم الزيدون | ضربني وأكرمتهن الهندون |
| الا أن يمنع مانع فتظهر | |

Таржима: Агар ихтиёр қилинган сўз билан (яъни куфа олимлари сўзи билан) измор қилиш (яшириш), ёки ихтиёр қилилмаган сўз (шайх Кисойй ва шайх Фарро сўзлари) билан ҳазф қилишидан бирор монеълик бўлса унда иккинчи мафъулни изҳор қиласан. Бу эса фақат икки мафъуллик феълларда тасаввур қилингандир.

Масалан: حسبني وحسبتهما منطلقين الزيدان منطلقا

حسبني وحسبتهما – феълларни ҳар бири زيدانнида танозуъ (тортишув)дадир.

حسبني زيدانни рафъ қилиб, ўзини фоъил қилмоқчи.

حسبت эса زيدان ни мансуб қилиб, ўзини мафъули қилмоқчи.

Агар амални биринчи феълга берсанг زيدان – حسبنيни фоъили бўлиб, марфуъ бўлади. حسبني аввалги мафъулини қавли ихтиёр қилинган (куфий олимлар қавли) бўйича измор

қиласан. Худди шунингдек *حسبت* ва *حسبني* иккинчи мафъулда ҳам танозуъда (тортишув)дир. Чунки *حسب* ўзини фоъилини олди. Фоъили эса *زيدان* эди. Мафъулни ҳам олди. Мафъули замири мутакаллимдир. Иккинчи феъл фоъилни олди, у замири мутакалим (*انا* тақдиридаги *ت*)дир. Мафъулини ҳам олди, у *زيدان*ни замири бўлган *هما* дир. Энди ҳар бир феъл иккинчи мафъулни олиши қолди. Ҳар қачон амални биринчи феълга берадиган бўлсанг *منطلقا* уни иккинчи мафъули бўлади. Энди гап фақат *حسبت*-ни иккинчи мафъулида қолди. Ихтиёр қилинган (куфий олимлар сўзи) бўйича *حسبت*-ни иккинчи мафъулини измор қила олмайсан, чунки измор қилсанг *منطلقا* қайтади. *منطلقا* эса муфраддир. Демак замир муфрад бўлиши керак. Бу ҳолатда муфрад замир *حسبتهما* ни иккичи мафъули бўла олмайди, чунки уни замири тасния бўлиши лозим.

Иккинчи мафъулни ихтиёр қилинмаган (шайх Кисойй ва шайх Фарро) сўзлари бўйича ҳазф ҳам қила олмайсан, чунки *حسب* феъли икки мафъулни талаб қилади. Уни бирини қисқартириш эса раво эмас. Демак *حسبت*ни иккинчи мафъулини изҳор қилмоқлик вожибдир.

حسبني وحسبتهما منطلقين الزيدان منطلقا

Бу ерда *منطلقا* – *حسبت*ни иккинчи мафъули, деб изҳор қилинди. Бас ушбу икки феъл ҳар бири ўз фоъили ва иккитадан мафъулларини тўлалигича олдилар.

وَقَوْلُ امْرِئِ الْقَيْسِ: كَفَانِي وَلَمْ أَطْلُبْ قَلِيلًا مِنَ الْمَالِ لَيْسَ مِنْهُ لِفَسَادِ الْمَعْنَى

Таржима: Шоир Имриул қайсни

(*كفاني ولم اطلب قليل من المال*) байтидаги сўзи танозуъ бобидан эмас. Чунки маъно фосид бўлади, деб кўфий олимлар ўзларини мазҳабларини тўғрилигига балоғатлиларни балоғатлиси ва фасоҳатлиларни фасоҳатлиси бўлган араб

шоири Имриул қайсни ушбу шеърини далил қилиб келтириб, шоир Имриул қайс ҳам амални биринчи феълга берган. Агар амални иккинчи феълга бериш афзал бўлганида, шу зот берар эдилар, деб ўзларини мазҳаблари амалини афзал дейишган. Чунки икки феълни боробарлигига ҳеч ким иқрор эмас.

Мусанниф ҳазратлари Басрийлар тарафидан бу байт танозуъ бобидан эмас, деб қуйидаги далилларни келтирадилар.

Шеърни аввалги байти: ولو أن ما اسعى لادنى معيشة

Бу ерда **لو** калимаси шарт ҳарфидир. Ҳар қачон шарт ва жазо мусбат бўлса **لو** калимасини кириши билан маънан манфий бўлади.

Масалан: **لو** да **لو** кирмасдан аввал шарт ва жазо мусбат эди. Яъни келсанг ҳурмат қиламан маъносида бўлади. **لو** киргандан сўнг “Агар келсанг ҳурмат қиламан, келмасанг йўқ, маъносида бўлиб, шарт ва жазо маънан манфий бўлади.

Агар шарт ва жазо манфий бўлса **لو** калимаси кириши билан шарт ва жазо мусбат бўлади.

Масалан: **لو** Агар мени урмасанг мен ҳам сени урмайман. Агар шарт мусбат бўлиб, жазо манфий бўлса **لو** калимаси кирганда шарт маъно жиҳатидан манфий бўлади. Жазо эса мусбат бўлади.

Масалан: **لو** агар келсанг ғуломингни урмайман. Бордию келмасанг ураман. Агар шарт манфий бўлиб, жазо мусбат бўлса **لو** калимасини кириши билан шарт мусбат ва жазо манфий бўлади.

لو агар мени сўкмасанг сенга бир дирҳам бераман. Бордию сўксанг бермайман, маъноси бордир. Демак шеърни таҳлили учун муқаддима муқаррар бўлади.

феъли эса шартни жазосидир. Демак бу ерда шарт ҳам жазо ҳам мусбатдир. Аммо *لو* калимаси киргандан сўнг ҳар иккаласи, яъни шарт ва жазо маъно жиҳатидан манфий бўлади. Яъни мени ҳаракатим тубан маишат учун эмас. Молни ози эса менга маъқул эмас.

Аммо *لم اطلب* эса га маътуфдир. Демак у ҳам *لوني* жавобидир. Унда шеърни тақдири бундай бўлади.

لو ثبت سعي لادنى معيشة لم اطلب قليل من المال

لم اطلب эса маъно жиҳатидан манфий бўлди. *معيشة* маъно жиҳатидан мусбат бўлди. Бу ҳолда *لم اطلب* – *قليل من المال* га мутаважжих бўлиши дуруст эмас. Чунки унда маъно бундай бўлади. Мен тубан маишат учун ҳаракат қилмайман ва молни озини талаб қиламан.

Аммо бу икки маъно бир бирига зиддир. Чунки ҳар ким молни озини талаб қилса маишатни озига ҳам саъй қилган бўлади. Яъни ҳар ким озига қаноат қилмаса молни озига ҳам қаноат қилмайди. Демак *لم اطلب* ва *كفاني* феъллари *قليل من المال* да танозуъда эмас, чунки ундай бўлса маъно фосид бўлади. Шу боисдан *لم اطلب* феълени мафъулини маҳзуф, деймиз. Яъни *لم اطلب* Чунки бундай бўлишига шеърни кейинги байтлари далолат қилади.

ولكنما اسعى المجد موثلا وقد يدرك الجد الموثل امثالي

Лекин ҳақиқатда Мен доимий шарафга интиламан. Гоҳида бундай бардавом иззу шарафга менга ўхшаганлар етишади.

Шундай қилиб байтни ҳақиқий маъноси қуйдагича бўлади.

لو ثبت سعي لادنى معيشة كفاني ولم اطلب العز والمجد قليل من المال

Тубан маишатга ҳаракат қилмайман ва молни ози ҳам менга маъқул эмас. Мен доимий ва устивор иззу шарафга интиламан.

مفعول ما لم يسم فاعله

Фoъили зикр қилинмаган мафъул (Ноиби фoъил)

مَفْعُولٌ مَا لَمْ يُسَمَّ فَاعِلُهُ كُلُّ مَفْعُولٍ حُذِفَ فَاعِلُهُ وَأَقِيمَ هُوَ مَقَامَهُ

Таржима: Фoъили зикр қилинмаган мафъул шундай мафъулдирки, уни фoъили ҳазф қилиниб, ҳазф қилинган фoъил ўрнига уни мафъули кўйилади.

Шарҳ: Басралик мутақаддим (олдинги) наҳв олимлари наздида ҳар бир феъл ёки шибҳи феълни исмга иснод бериб, уни исмдан муқаддам (олдин) келтирилса "фoъил", деб аталади. Хоҳ феъл ундан содир бўлган бўлсин **زيد** ضرب **каби**.

Хоҳ феъл уни устига содир бўлган бўлсин: **زيد** ضرب **каби**. Мутааххир (кейинги наҳв олимлари) уни фoъил қабилдан ҳисоблаб, алоҳида марфуъ санашган. Чунки фoъилни таърифида **على جهة قيامه به** яъни шундай иснодки, ўша иснод феълни ёки шибҳи феълни фoъилдан қиём тарзида пайдо бўлишидир. Бу ерда маълум сийғада эмас балки мажхул сийға назарда тутилган. Шу жиҳатдан мутааххир наҳв олимлари буни фoъил қабилдан ҳисобламаганлар.

وَشَرْطُهُ أَنْ تُغَيَّرَ صِيغَةُ الْفِعْلِ إِلَى فِعْلٍ أَوْ يُفَعَّلَ

Таржима: Фoъили зикр қилинмаган мафъулни шарти яъни уни омили феъл бўлганда сийғасини мозийда **فعل** ва музориъда **يفعل** билан бўлади.

Шарҳ: **فعل** дан мурод ҳамма бобларни мозий сийғаси бўлиб, хоҳ у мужаррад бўлсин хоҳ мазид бўлсин.

Масалан: **واكرم** **каби**.

يفعل дан мурод, феълларни ҳамма бобларини хоҳ у мужаррад бўлсин хоҳ мазид бўлсин музореъини мажхулдир.

Масалан **يتدحرج** **каби**.

وَلَا يَقَعُ الْمَفْعُولُ الثَّانِي مِنْ بَابِ عَلِمْتُ وَلَا الثَّلَاثُ مِنْ بَابِ أَعْلَمْتُ وَالْمَفْعُولُ لَهُ وَالْمَفْعُولُ مَعَهُ

كَذَلِكَ

Таржима: علمت феълини иккинчи мафъули ва اعلمت феълини учинчи мафъули ўз фоъилини ўрнига қоим мақом бўла олмайди.

Худди шунингдек мафъул лаҳу ҳам ва мафъул маъа ҳам ўз фоъилини ўрнига қоим мақом бўла олмайди.

Шарҳ: علمت феълини иккинчи мафъули ўз фоъили ўрнига қоим мақом бўла олмайди. Чунки уни иккинчи мафъули муснад илайҳи бўлган биринчи мафъулни муснади бўлади. Шу билан бирга علم боби икки мафъул талаб қилади. Уни биттасини қисқартириб биттаси билан кифояланиб бўлмайди. Шу сабабдан علم زيد قائما таркиби жоиздир. Аммо علم زيد قائم таркиб жоиз эмас.

Худди шунингдек اعلمت бобини учинчи мафъули ўз фоъилини ўрнига қоим мақом бўла олмайди. Чунки у علمت бобини иккинчи мафъулидир. Аммо اعلمت бобини биринчи ва иккинчи мафъулларини ҳар бири алоҳида ўз фоъили ўрнига қоим мақом бўла олади.

Масалан: علم زيد عمرو قائما. اعلم زيد عمرو قائما. علم زيد عمرو قائما.

Аммо علم زيد عمرو قائم таркиби жоиз эмас. Худди шунингдек мафъул лаҳ ҳам ўз фоъили ўрнига қоим мақом бўла олмайди. Чунки у фоъилни феълга шуруъ қилиши учун иллатдир. Мафъулун лаҳни ҳаққи эса доим "лом" билан бўлиши керак. Ҳар қачон "лом"ни ҳазф қилиб мафъулун лаҳни насб қилинса ўша насб "махзуфи лом"га далил, "лом" эса уни мафъулу лаҳ эканига далилдир. Мафъулу лаҳ эса фоъилни феълга шуруъ қилишига иллатдир. Шу боисдан уни рафъ қилиб бўлмайди. Агар рафъ қилинса, уни феълга иллат бўлишидан ҳеч қандай асар қолмайди.

Худди шунингдек мафъулу лаҳ ҳам фоъил ўрнига қоим мақом бўла олмайди. Чунки фоъилни ҳазф қилиб, мафъулни уни ўрнига қоим мақом қилинса عطف ва معطوف сурати пайдо бўлади. Чунки (واو)ни асл хизмати эса عطف дир. Лекин معطوف عليه сиз عطف бўлиши мумкин эмас.

وَإِذَا وَجِدَ مَفْعُولٌ بِهِ تَعَيَّنَ لَهُ تَقْوُلُ ضَرْبِ زَيْدٍ يَوْمَ الْجُمُعَةِ أَمَامَ الْأَمِيرِ ضَرْبًا شَدِيدًا فِي دَارِهِ

Таржима: Агар каломда мафъуллар ичида мафъулун бих мавжуд бўлса уни фоъилни ўрнига қоим мақом қилинади. Зайд жума куни амир олдида қаттиқ зарб билан амирнинг саройида урилди. Бу ерда Зайд фоъил ўрнига тайинланди.

Шарҳ: Бу каломда барча мафъуллардан, яъни мафъулун фийҳи замони ва макони, мафъулун мутлақ, жар ва мажрур ким воситали мафъулун бихдир. Шуларни ичидан мафъулун биҳи ўз фоъилини ўрнига қоим мақом қилинди. Чунки мафъулун биҳини бошқа мафъуллардан фоъилга муносабати яқинроқдир. Шу боисдан زيد мафъулун биҳи эди. Фоъилни ҳазф қилиб, уни ўрнига қоим мақом қилинди.

وَإِنْ لَمْ يَجِدْ فَالْجَمِيعُ سِوَاءٌ

Таржима: Агар каломда мафъулун биҳи топилмаса унда фоъил ўрнига қоим мақом бўлишида бошқа мафъуллар баробардир.

وَالأَوَّلُ مِنْ بَابِ أَعْطَيْتَ أَوَّلَى مِنَ الثَّانِي

Таржима: Фоъил ўрнига қоим мақом бўлишда اعطيت бобини биринчи мафъули иккинчи мафъулидан аълороқдир.

Шарҳ: Чунки اعطى феъли икки мафъулдир. Аммо биринчи мафъули иккинчи мафъулга қараганда фоъилга муносабати яқинроқдир.

Масалан: اعطيت زيد درهما، اعطيت زيدا درهما.

Мубтадо ва хабар

وَمِنْهَا الْمُبْتَدَأُ وَالْخَبَرُ

Таржима: Мубтадо ва хабар ҳам марфуъотлардандир.

Шарҳ: Нима учун бу ерда منها деб замирни муаннас келтирилди?

Жавоб: Замир лафзан مرفوعات га қайтувчи ва ҳамма марфуъотни ўз ичига олувчи мавсула ما га қайтади. Агар лафзни эътибор қилсак замирни منها деб муаннас, агар ما ни эътибор қиласак منه деб замирни музаккар келтирамиз.

فَالْمُبْتَدَأُ هُوَ الْإِسْمُ الْمَجْرَدُ عَنِ الْعَوَامِلِ اللَّفْظِيَّةِ مُسْنَدًا إِلَيْهِ

Мубтадонинг таърифи

Таржима: Мубтадо муснад илайҳ бўлган ҳолда лафзий омиллардан холи бўлган исмдир.

Шарҳ: كان، أن، إن билан مجرد عن العوامل اللفظية ўхшаган омилларни ихрожи учундир.

مسند اليه қайди билан хабар хориж бўлди.

Мубтадо икки қисм бўлади. Юқоридаги таъриф биринчи қисм мубтадо ҳаққидадир. Яъни мубтадо муснад илайҳи ҳолида лафзий омиллардан холи бўлиши керак.

Масалан: زيد قائم таркибидаги زيد каби ҳамма омиллардан холидир ва قائم хабар бўлган исмни унга иснод берганлар.

Мубтадо ушбу маъно билан машҳур бўлиб ҳамда مسند إليه дир. Шу сабабдан унга мазкур ёки маҳзур хабар лозимдир.

أَوِ الصِّفَةِ الْوَاقِعَةِ بَعْدَ حَرْفِ النَّفْيِ أَوْ أَلِفِ الْإِسْتِفْهَامِ رَافِعَةً لِلظَّاهِرِ مِثْلُ زَيْدٌ قَائِمٌ وَمَا قَائِمُ الزَّيْدَانِ وَأَقَائِمُ الزَّيْدَانِ

Таржима: Ёки ҳарфи нафийдан ёки алиф истифҳомдан кейин келиб, зоҳир исмни рафъ қилувчи сифатдир.

Шарҳ: Яъни мубтадони иккинчи қисми ҳарфи нафи ما ва لا ёки алиф истифҳом (ا) ва унга ўхшаш هل ва ما ва من каби ҳарфлардан кейин келиб, зоҳир исмни рафъ қилувчи

сифатдир. Яъни исми фоъил, исми мафъул, сифати мушаббаҳа ва исми тафзил.

Масалан: **ما قائم الزيدان** бу ерда **ما** нофия **قائم** сифат ва мубтадо. **الزيدان** исми зоҳирни рафъ қилмоқда.

اقائم الزيدان бу ерда **قائم** сифат бўлиб, ҳарфи истифҳомдан кейин келиб, исми зоҳир **الزيدان** ни рафъ қилиб келмоқда.

فَإِنْ طَابَعَتْ مُفْرَدًا جَارَ الْأَمْرَانِ

Таржима: Агар мазкур сифат зоҳир муфрад исм билан мутобиқ бўлса, унда икки кўриниш жоиздир.

Шарҳ: Нафий ва истифҳом ҳарфидан сўнг келган сифат ўзидан кейин келган муфрад исм билан мутобиқ бўлса, яъни сифат билан зоҳир исм муфрад бўлса, унда бу таркибни икки хил таъвил қилса бўлади.

Масалан: **ما قائم زيد. اقايم زيد**

Биринчиси: **قائم** мубтадо ва **زيد** эса **قائم** ни фоъили бўлиб, хабарга қоим мақом бўлади. Бу иккинчи хил мубтадога дохил бўлади.

Иккинчиси: **زيد** муаххар мубтадо ва **قائم** хабари муқаддам бўлиб, биринчи қисм мубтадога дохил бўлади.

Энди сифат билан зоҳир исм иккови ҳам муфрад бўлмаса, яъни иккови ҳам тасния бўлса, ёки бири тасния ва яна бири муфрад бўлса, бунда яна уч кўринишда бўлади.

Биринчи кўриниш: иккови ҳам тасния бўлса, масалан: **اقائمان الزيدان** таркибида бир кўриниш жоиздир. **الزيدان** муаххар мубтадо ва **اقائمان** хабари муқаддам.

Иккинчиси: **اقائمان** ни сифат ва мубтадо қилиб бўлмайди. Чунки унда **الزيدان** тасния бўлиб, уни фоъили бўлади. Аммо феълни фоъили тасния бўлса, феълни муфрад келтирилади.

Иккинчи кўриниш: Сифат муфрад, зоҳир исм тасния бўлса, масалан **اقائم الزيدان** бунда бир кўриниш лозимдир. Яъни **قائم** сифат

бўлиб, мубтадо الزيدان хабар ўрнига тушган муаххар мубтадодир.

Иккинчи кўриниш раво эмас, яъни الزيدان муаххар мубтадо ва قائم муқаддам хабар бўла олмайди. Чунки унда мубтадо тасния ва хабар муфрад бўлади.

Учинчи кўриниш: сифат тасния ва зоҳир исм муфрад.

Масалан: اقائمان زيد бу таркибда ҳеч бир кўриниш раво эмас. Чунки قائمانни мубтадо қилиб бўлмайди, чунки уни фоъили муфраддир. Ёки زيدни муаххар мубтадо қилиб бўлмайди, чунки у муфрад ва муқаддам хабари тасниядир.

Хабарнинг таърифи

وَالْحَبْرُ هُوَ الْمَجْرَدُ الْمُسْنَدُ بِهِ الْمَغَائِرُ لِلصِّفَةِ الْمَذْكُورَةِ

Таржима: Мубтадони хабари мазкур сифатларга ўхшамаган, лафзий омиллардан холи бирор нарсага иснод қилинган исмдир.

Шарҳ: Мубтадони хабари ҳам, биринчидан мубтадо каби лафзий омиллардан холи бўлиши керак. Иккинчидан муснад биҳи бўлиши керак. Яъни уни бирор нарсага иснод қилинган бўлиши керак. Учинчидан иккинчи хил мубтадони сифатларига муғойир бўлиш керак. Басралик олимлар наздида мубтадо ва хабарни омили ибтидодир. Бу мазҳаб бошқаларга қараганда кучлироқдир. Бошқалар наздида мубтадони омили ибтидо ҳамда хабарни омили мубтадодир. Ёки мубтадо хабарни омили, ва хабар мубтадони омилдир.

وَأَصْلُ الْمُبْتَدَاءِ التَّقْدِيمُ وَمِنْ ثَمَّ جَازَ فِي دَارِهِ زَيْدٌ وَامْتَنَعَ صَاحِبُهَا فِي الدَّارِ

Таржима: Аслида мубтадо хабардан муқаддам бўлиши лозим. Чунки мубтадо зотдир. Хабар эса, мубтадони аҳволларидан бир ҳолдир. Шу сабабдан мубтадо аҳволлардан

ва сифатларидан муққаддам бўлиши лозим. Шу боисдан *في داره زيد* таркиби жоиздир.

Чунки *في داره* даги замир *زيد* га рожиъдир. Зайд лафзан муаххар бўлса ҳам рутбатан муқаддамдир. Аммо *في الدار* таркиби жоиз эмас, чунки *صاحبها* ни замири *دار* га рожеъдир. Бу раво эмас. Зеро *في دار* лафзан ҳам рутбатан ҳам муаххардир.

وَقَدْ يَكُونُ الْمُبْتَدَاءُ نَكْرَةً إِذَا تَخَصَّصَتْ بِوَجْهِ مَّا مِثْلُ "وَلَعَبْدٌ مُؤْمِنٌ خَيْرٌ مِنْ مُشْرِكٍ"

Таржима: Аслида мубтадо маърифа бўлиши керак. Лекин мубтадо баъзида накра ҳам бўлади. Агар ўша накра тахсисотларни бирор кўриниши билан хосроқ бўлса.

Биринчи мисол: Аллоҳнинг сўзидаги *خير من مشرك* ولعبد مؤمن خير من مشرك
Ҳақиқатда мўмин банда мушрикдан яхшироқдир. *عبد* калимаси мўминга ҳам кофирга ҳам ишлатаверилади. Лекин бу ерда мўминлик билан сифатланиб, накраликдан маърифага яқинлашди. Шу боисдан *عبد* мубтадо ва *خير* хабар бўлади.

Иккинчи мисол:

وَأَرْجُلٌ فِي الدَّارِ أَمِ امْرَأَةٌ

Бу ерда икки амрни бирига ҳукм собит бўлгани билан хосланмоқда. Чунки мутакаллимга икковидан бири уйда эканлиги маълум. Савол эса қайсилигини аниқламоқ учундир. Демак бу ерда *رجل* ва *امرأة* накра исмларни ҳар бири мутакалим наздида маълумиятлик сифати билан хосланмоқда. Мухотаб наздида эса, бу икки исмга истифҳом ҳамзаси ва ъатф ҳарфи *ام* ни кириши билан маълумиятлик сифати хосланмоқда. Шу боисдан *رجل* мубтадо *في الدار* хабар бўлмоқда. *امرأة* эса маътуф бўлиб, мубтадо ҳукмидадир.

Учинчи мисол:

وَمَا أَحَدٌ خَيْرٌ مِنْكَ

Бу ерда **احد** нофия (**ما**) ҳарфини тасарруфидадир. Ушбу ҳарфни кириши билан **احد** ни ҳамма афродига шомил бўлмоқда. Бу шомиллик билан **احد** муайян ва хос бўлмоқда. Чунки афродни жамъида кўплик йўқдир. Балки ҳаммаси ягона бир нарсадир. Шу жиҳатдан **احد** мубтадо, **خير** эса хабар бўлиб келмоқда.

Тўртинчи мисол:

وَشَرُّ أَهْرٍ ذَانَابٍ

Бу ерда **شر** мубтадо накра бўлсада хос бўлиб келмоқда. Чунки **فو** бил у маъносидадир. **فو** бил эса накра бўлиб ҳам келади. Бу таркибни қуйидаги маъно билан истеъмол қилинади. **ما اهر ذا ناب الأشر**.

Бунда **فو** бил накра бўла олади. Чунки **фе**ъли унга муқаддамдир. Ва **васф** бўлиб келмоқда. **فو** бил эса гўёки мавсуфдир. Баъзилар **شر** бу ерда мавсуфдир, шундай сифат биланки, у сифатни **شر** ни танвиндан истифода қилган. Яъни **شر عظيم** маъноси, итларни ёмонликдан бошқа ҳеч нарса вовуллашмади. Зўравон бир кишини ҳаётни ҳодисалари жуда ожиз қолдирса шу мисол ишлатилади.

Бешинчи мисол:

وَفِي الدَّارِ رَجُلٌ

Ҳар қачон хабар жар бўлиб мубтадога муқаддам бўлса, мубтадо эса накра бўлиб муаххар бўлса бу ҳолатда **في الدار** **васф** бўлиб, муқаддам хабар, **رجل** эса мавсуф бўлиб, муаххар мубтадо бўлиб келади.

Олтинчи мисол:

وَسَلَامٌ عَلَيْكَ

سَلَامٌ ҳам накра бўлиб, мубтадо бўлди. Чунки мутакаллим билан хосланиб келди. Аслида **سَلَامٌ عَلَيْكَ** эди. **Фе**ълни ҳазф

Таржима: Маҳзуфга далолат қилувчи қарийна бўлганда жумладан мубтадога қайтувчи замир ҳазф қилинади.

Шарҳ: Масалан البر و الكر منه بستين درهما аслида البر و الكر بستين درهما дир. البر аввалги мубтадо, الكر иккинчи мубтадодир. منه маҳзуф га мутаалиқ бўлиб, الكر ни сифатидир. ثابت мутаалиқ бўлиб, иккинчи мубтадо الكر ни хабаридир. الكр иккинчи мубтадо ўз хабари билан биринчи мубтадо البر ни хабаридир. منه оид замир ҳазф қилинган. Чунки мақоми қарийнадир, зеро буғдой сотувчи буғдойдан бошқасини нарх қилмаслиги қарийнадир. Маъноси, буғдой ўша буғдойдан ўн икки туяси олтмиш дирҳамдир.

وَمَا وَقَعَ ظَرْفًا فَلَا أَكْثَرُ إِنَّهُ مُقَدَّرٌ بِجُمْلَةٍ

Таржима: Агар мубтадони хабари зарф бўлса кўпгина наҳв олимлари наздида у жумлага муқаддар (муаввал)дир.

Шарҳ: Агар мубтадони хабари зарф бўлса, у хоҳ замон зарфи хоҳ макон зарфи хоҳ “жор ва мажрур” бўлса кўпчилик наҳв олимлари хусусан (Басраликлар) наздида жумлага муқаддардир. Яъни уларни омили исми феъл бўлмай ҳақиқий феълдир. Чунки амалда феъл аслдир.

Масалан زيد في الدار таркибида Басраликлар наздида

زيد зарф феълга муқаддардир, чунки амалда асл феълдир.

Куфий олимлар наздида زيد ثابت في الدار зарф шибҳи феъл яъни, исми фоъилга муқаддардир. Чунки у мубтадони хабаридир. Хабар эса муфрад бўлиши керак, деб далил келтиришади. Аммо қайси бир сўз кучли экани маълум эмас.

وَإِذَا كَانَ الْمُبْتَدَاءُ مُشْتَمَلًا عَلَى مَا لَهُ صَدْرُ الْكَلَامِ نَحْوُ مَنْ أَبُوكَ

Таржима: Ҳар қачон мубтадо каломни бошланувини талаб қилувчи маънони ўз ичига олган бўлса.

Масалан من أبوك каби.

أَوْ كَانَا مَعْرِفَتَيْنِ أَوْ مُتَسَاوِيَيْنِ

Ёки мубтадо ва хабар ҳар иккаласи маърифа бўлса, масалан زيد اخوك каби. Ёки иккаласи ҳам танкир ва тазкир ва тахсисда баробар бўлса, масалан افضل مني افضل منك каби.

أَوْ كَانَ الْخَبْرُ فِعْلًا لَهُ نُحْوُ زَيْدٌ قَامَ وَجَبَ تَقْدِيمُهُ

Ёки хабар мубтадони феъли бўлса бу ҳолатларни ҳаммасида мубтадони хабарга тақдими вожибдир.

Масалан: زيد قام

وَإِذَا تَضَمَّنَ الْخَبْرُ الْمُنْفَرِدُ مَا لَهُ صَدْرُ الْكَلَامِ نُحْوُ أَيْنَ زَيْدٌ

Таржима: Ҳар қачон муфрад хабар садри каломни талаб қилгувчи маънога муштамил бўлса. Масалан. اين زيد каби. Бу мисолда اين истифҳом бўлиб, садри каломни талаб қилмоқда. Агар суратан жумла бўлмаса ҳам ҳақиқатан жумладир. Яъни садри каломни тақозо қилувчи маънога муштамилдир. Шу боисдан бу ерда хабарни мубтадога тақдими вожибдир.

أَوْ كَانَ مُصَحِّحًا لَهُ نُحْوُ فِي الدَّارِ رَجُلٌ

Таржима: Ёки хабарни муқаддамлиги мубтадони саҳиҳлигига сабаб бўлса, масалан رجل في الدار каби.

Шарҳ: Агар зарф мубтадога муқаддам бўлмаганда бу накра мубтадо бўла олмас эди. Буни эса юқорида зикри ўтди. Яъни ҳар қачон хабар зарф бўлиб, мубтадога муқаддам бўлса, мубтадо учун васф (сифат) қувватида бўлади. Яъни мубтадо муқаддам хабар учун мавсуф қувватида мазкур бўлмоқда. Лекин махз (соф) накраликдан чиқиб маърифага яқинлашгани сабабли муаххар мубтадо бўлмоқда. Агар رجل في الدار ва رجل في الدار таркибларни фойдаси бир хил лекин нима учун аввалги таркиб жоиз ва иккинчи таркиб жоиз эмас? деб савол берса, жавоб шулки, иккинчи мисолда رجل في الدارни сифатига ўхшаб қолади. Ҳақиқатда эса رجل في الدار сифати бўла олади. Сомеъ эса буни эшитиб, бу رجل ни сифати, хабар эса энди келса керак деб шубҳага тушади. Бу чигаллик аввалги мисолда رجل في الدار да

йўқдир. Чунки *موصوف صفت* га муқаддам бўла олмайди. Демак *في الدار* хабари муқаддам ва *رجل* муаххар мубтадодир.

أَوْ لِمَتَعَلَّقِهِ ضَمِيرٌ فِي الْمُبْتَدَاءِ نَحْوَ عَلَى التَّمْرَةِ مِثْلَهَا زَيْدًا

Таржима: Ёки хабарни мутааллиқига қайтувчи мубтадода замир мавжуд бўлса. Масалан: *على التمرة مثلها زيدا*

Шарх: *على التمرة* мубтадодир, хабарни мутаалиқи *مثلها* дир. Хабар эса махзуф *ثابت* дир. Демак мубтадода хабарни муталлиқи *على التمرة* га қайтувчи *ها* замир бордир. Шу боисдан хабарни муқаддамлиги вожибдир. Хабар муаххар бўла олмайди. Чунки *على التمرة مثلها زيدا* мисолда мубтадодаги замир (*ها*) лафзан муқаддам бўлган хабарни мутааллиқига қайтмоқда. Агар хабар муаххар бўлиб, мубтадо муқаддам бўлса, яъни *مثلها* *على التمرة* мисолидаги мубтадо (*ها*) замир лафзан ҳам рутбатан муаххар бўлган замирга қайтмоқда. Бу измори қаблаз зикр (зикр қилишдан олдинги замир) бўлмоқда.

أَوْ كَانَ خَبْرًا عَنْ أَنْ مِثْلُ عِنْدِي أَنْكَ قَائِمٌ وَجَبَ تَقْدِيمُهُ

Таржима: Хабар мафтуҳа *ان* ўз исми ва хабари билан муфрад таъвилида бўлган мубтадодан хабар бўлса бундай хабарни муқаддам бўлиши вожиб бўлади.

Шарх: масалан *عندي انك قائم*. Бу мисолда *عندي* муқаддам хабар *ان* носибба *ك* замир *ان* ни исми *قائم* уни хабари *ان* ўз исми ва хабари билан *قيامك* тавилида бўлиб, муаххар мубтадодир. Бу суратда мубтадо муқаддам бўлса мафтуҳа *ان* садри каломда бўлиб, максура *إن* га ўхшаб қолади. Шу боисдан хабарни муқаддамлиги вожибдир.

وَقَدْ يَتَعَدَّدُ الْخَبْرُ مِثْلُ زَيْدٌ عَالِمٌ عَاقِلٌ

Таржима: Баъзида хабар икки ва ундан ортиқ бўлади.

Масалан: *زيد عالم عاقل* каби.

Шарҳ: Бу тааддуд лафз ҳамда маъно жиҳатидан бўлади. Матнда келган زيد عالم عاقل каби. Бундай хабарни отифа (واو) киритиб атф қилса ҳам бўлади. زيد عالم وعاقل. Ёки матндаги زيد عالم عاقل каби атфсиз келтирса ҳам бўлади. Агар отифа (واو) киритилса уни жавобига киритилади. Бу суратда атф аълороқдир. Бу тааддуд фақат лафз жиҳатидан бўлади.

Масалан: هذا حلو حامض.

ширин حامض нордон маъносида бўлиб, ҳақиқатда иккови бир маънода, яъни هذا مرٌ бу аччиқдир маъносида келган. Бу суратда атфни тарк қилиш аълодир.

وَقَدْ يَتَّصَمَّنُ الْمُتَبَدَّاءُ مَعْنَى الشَّرْطِ فَيَصِحُّ دُخُولُ الْفَاءِ فِي الْخَبَرِ

Таржима: Баъзида мубтадо шарт маъносини ўз ичига олади. Бундай мубтадони хабарига (فا) кириши дуруст бўлади.

Шарҳ: Мубтадо хабарга сабаб бўладиган маънони ўз ичига олса шунда бу мубтадони хабарига (فا) кириши жоиздир. Яъни шарт жазога сабаб бўлганидек. Мубтадони хабарга сабаб бўлиши шартга ўхшамокда.

وَذَلِكَ الْإِسْمُ الْمَوْصُولُ بِفِعْلٍ أَوْ ظَرْفٍ أَوْ النَّكْرَةُ الْمَوْصُوفَةُ بِهِمَا

Таржима: Ўша шарт маъносига муштамил бўлган мубтадо феъл билан ёки зарф билан келган мавсул исм бўлади. Ёки икковидан бири билан мафсуф бўлган накра исм бўлади.

مِثْلُ الَّذِي يَأْتِينِي أَوْ فِي الدَّارِ فَلَهُ دِرْهَمٌ وَكُلُّ رَجُلٍ يَأْتِينِي أَوْ فِي الدَّارِ فَلَهُ دِرْهَمٌ

Аввалги мисолда мубтадо исми мавсул бўлиб, шарт маъносини ўз ичига олиб, феъл билан келмокда.

Иккинчи мисолда эса мубтадо мавсул исм бўлиб, шарт маъносини ўз ичига олиб, зарф билан келмокда. Шу билан бирга хабарга ҳам сабаб бўлишда шартга ўхшаганлиги учун хабарга (فا) кирмокда.

ومثل كل رجل يأتيني فله درهم كل رجل في الدار فله درهم

Биринчи мисолда накра исм феъл билан мавсуф бўлиб келмоқда.

Иккинчи мисолда накра исм зарф билан мавсуф бўлиб келмоқда.

وَلَيْتَ وَلَعَلَّ مَا نَعَانِ بِالِاتِّفَاقِ وَالْحَقُّ بَعْضُهُمْ ۚ إِنَّ هِمَامًا

Таржима: Барча нахв олимлари келишувига биноан ليت ва لعل калималари юқорида зикр қилинган мубтадони хабарига (فا) киришига қаршидирлар. Баъзилар эса касралик إن ни ҳам، لَيْتَ، га қўшишган.

Шарҳ: Мубтадо ва хабар шарт ва жазога мушобих (ўхшаш) бўлганда мубтадони хабарига (فا) кириши дуруст бўлади. Шарт ва жазони ўз ичига олган калом “жумлаи хабария” қабилидан бўлади. Аммо ليت ва لعل кирган калом “иншоийя” бўлади. Ва мубтадо ва хабардаги шарт ва жазо зоил бўлади. Шу боисдан.

ليت الذي يأتيه فله درهم

ليت الذي في الدار فله درهم

لعل الذي يأتيه فله درهم

لعل الذي في الدار فله درهم

ушбу таркиблар дуруст эмас, чунки ليت таманнони иншоси учун, لعل эса таражжини иншоси учундир. Баъзилар касралик إنни ҳам، لَعَلَّ га қўшишган. Сахиҳ сўз шуки, касралик إن (فا) ни юқорида зикр қилинган мубтадони (яъни замир юқоридаги وقد يتضمن المبتداء га боради) хабарига (فا) ни киришига монъе эмас.

Чунки Аллоҳ таоло каломида:

* قل إن الموت الذي تفرون منه فإنه ملائكم *

Чунки мубтадо ва хабар шарт ва жазо маъносини олгандир. Шу сабабдан касралик إن мубтадони хабарига (فا) ни кириши дурустдир.

وَقَدْ يُحَذَفُ الْمُبْتَدَأُ لِقِيَامِ قَرِينَةٍ جَوَازًا كَقَوْلِ الْمُسْتَهْلِ الْهَلَالُ وَاللَّهُ

Таржима: Баъзан қарийна мавжуд бўлганда мубтадо жоиз равишда ҳазф қилинади. Яъни ой кўрган кишини қавли الهلال والله каби.

Шарҳ: Янги ойни қидирган киши товушини баланд қилиб Аслида هذا الهلال والله эди. мубтадо, жоиз равишда ҳазф қилинган. Баъзан эса мубтадо вожиб равишда ҳазф қилинади. Аммо бу матнда келтирилмаган.

Масалан: الحمد لله هو الحميد аслида الحمد لله الحميد ни зикри жоиз эмас.

وَالْحَبْرُ جَوَازًا مِثْلُ خَرَجْتُ فَإِذَا السَّبْعُ

Таржима: Баъзида эса қарийна мавжуд бўлганда хабар жоиз равишда ҳазф қилинади. Масалан: خرجت فإذا السبع тақдири эса خرجت فإذا السبع واقع. Ташқарига чиқсам рўпарамда шундоқ йиртқич турибди. хабар жоиз равишда ҳазф қилинган.

وَوُجُوبًا فِيمَا التَّرْمَ فِي مَوْضِعِهِ غَيْرُهُ

Таржима: Ҳар қачон хабар ўрнига хабардан бошқани лозим қилинган қарийна бўлса бундай хабарни вожиб равишда ҳазф қилинади. Бу эса тўрт ўринда келади.

Шарҳ: Биринчи: لولا ни хабари бўлса. Масалан:

مِثْلُ لَوْلَا زَيْدٌ لَكَانَ كَذَا

Агар Зайд бўлмаганида фалон бўларди.

Аслида لولا زيد موجود لكان كذا эди. Бу ерда хабар موجود ҳазф қилинмоқда. Имтиноъийя бўлган لولا ҳазф бўлган хабарга қарийнадир, чунки имтиноъийя لولا вужудга далолат қилади. لولا ни жавобини эса бу хабар ўрнига зикри лозим бўлмоқда. Демак ҳазф қилинган хабар бу қарийна туфайли тушунарлидир.

Иккинчиси: Ҳар қачон мубтадо масдар ёки масдар таъвилида бўлса ҳамда фобилга ёки мафъулга ёки ҳар

иккаласига тааллуқли бўлса ёки ушбу масдарга изофа бўлган исми тафзил бўлса бундай мубтадони хабарини ҳазф қилмоқ вожибдир. Масалан:

وَمِثْلُ ضَرَبْتَنِي زَيْدًا قَائِمًا

Бу таркиб аслида *ضربي* масдар *دир*. *ضربي* масдар мубтадо мутакаллим *ي* га изофа бўлмоқда. *حاصل* хабар вожиб равишда ҳазф қилмоқда. Чунки у зарфни омили бўлиб, кўпинча зарфни омили ҳазф қилинади. Зарф эса ҳазф қилинган омилига қарийнадир. Шундан сўнг *حال* ни омили яъни *قائما* ни омили ҳазф қилинди. Зеро ҳол ҳазф қилинган омилига далолат қилувчидир. Ҳолни эса маҳзуф хабар ўрнига қўйилди. Шу сабабдан хабарни ҳазф бўлиши вожиб бўлади. Чунки унга ҳам қарийна ва ҳам қарийна ўрнига қоим мақом бўлувчи мавжуддир. Шу жиҳаддан *قائما* ҳол бўлиб, ўзини омили *إذا كان* га далолат қилади. *إذا كان* зарф бўлиб, ўзини омили *حاصل* га далолат қилади, чунки у зарфдир.

Демак *شي* -га далолат қилувчига далолат қилувчи, (*شي*) га ҳам далолат қилувчидир.

Учинчи:

وَكُلُّ رَجُلٍ وَضِيعَتُهُ

Аслида бу *مع ضيعته* эди. Ҳар бир инсон ўзини ҳунарига яқиндир. Бу ерда хабар *مقرون* ҳазф қилинмоқда. Ҳар қачон мубтадони хабари муқоранат (яқинлик) маъносини ўз ичига олувчи хабар бўлса ва бирор нарсага *او المعية* билан унга (хабарга) атф қилинса, бундай хабарни ҳазф қилиш вожиб бўлади. Чунки *او المعية* хабар *مقرون* га далолат қилади. Маътуфни эса ҳазф қилиб, хабарни ўрнига қўйилди.

Тўртинчи: Ҳар қачон мубтадо “муқсимун биҳи” бўлса яъни, уни ҳаққи - ҳурмати билан қасам ичилган бўлиб, хабари қасам бўлса, масалан:

وَلَعْمُرِكَ لِأَفْعَلَنَّ كَذَا

Бу таркиб аслида *كَذَا لِأَفْعَلَنَّ قَسْمِي لَعْمُرِكَ* эди. *لِذَا م* – ибтидоя, *عمر* мубтадо *قَسْمِي* маҳзуф хабар. Иккинчи *لَام* ломи жавоб *افعلن* музореъ мутакаллим, сақила нун та’кид учун, *انا* эса “фоъили мустатир”дир. *كَذَا* эса “мафъул бих”дир. Ҳеч шак йўқки *لَعْمُرِكَ* маҳзуф қасамга далолат қилади. Ва қасамни жавобини маҳзуф қасам ўрнига қоим мақом қилинди. Хабар эса ҳазфи вожиб бўлади.

إِنَّ ва унинг ахавотларининг хабари

خَبْرٌ إِنَّ وَأَخَوَاتُهَا هُوَ الْمُسْتَدُّ بَعْدَ دُخُولِ هَذِهِ الْحُرُوفِ مِثْلُ إِنَّ زَيْدًا قَائِمٌ

Таржима: *لَعَلَّ* ва *لَيْتَ* ва *لَكِنَّ* ва *كَأَنَّ* ва *أَنَّ* ва унинг ахавотлари *إِنَّ* . Ушбу ҳарфлар мубтадо ва хабарга киргандан сўнг уни хабари муснад бўлади.

Шарҳ: *إِنَّ* زيدًا قائم

إِنَّ ва унинг аховотини хабари марфуъотлардандир. *إِنَّ* киришидан олдин *زيدًا قائم* эди. Мубтадо ҳам хабар ҳам муснад илайҳи ҳам муснад ҳам ибтидо билан рафъ бўлганини билган эдик. Аммо ушбу мубтадо ва хабарга яъни муснаду илайҳ ва муснадга *إِنَّ* киргандан сўнг муснад илайҳни ўзига исми қилиб олиб, насб қилади. Ва муснадни ўзини хабари қилиб рафъ қилади. Бу ерда *قائم* ибтидоия билан эмас балки *إِنَّ* ни хабари бўлиб муснад бўлмоқда.

وَأَمْرُهُ كَأَمْرِ خَيْرِ الْمُبْتَدَأِ إِلَّا فِي تَقْدِيمِهِ إِذَا كَانَ ظَرْفًا

Таржима: **ان** ни хабарини ҳукми мубтадо хабарини ҳукми кабидир. Аммо **ان** ни хабари **ان** исмига муқаддам бўлганда бу ҳукм юрмайди.

Масалан: **ظرف ان زيد قائم** жоиз эмас. Лекин **ان** ни хабари **ظرف** бўлганда бу ҳукм юради. Масалан **ان في الدار زيدا** жоиздир.

Шарҳ: **ان** ни хабарини ҳукми мубтадо хабари ҳукми кабидир, дедик. Яъни муфрад, жумла, накра, маърифа, воҳид, тасния, жамъ, мазаққар, маҳзуф бўла олади. Ҳар қачон жумла бўлса қайтувчи замир лозим бўлади.

Аммо **ان** ни хабарини **ان** ни исмига муқаддам қўймоқ мумкин эмас. Чунки **ان** феълга мушобих (ўхшаб) амал қилади. Уни амали фаръий амалдир. Феълни амали аслдир.

Яъни **ان زيد عمروا** да марфуъ муқаддамдир. Лекин **ان زيدا قائم** да мансуб муқаддамдир. Шу боисдан **ان** ва унинг ахавотлари хабарини исмга муқаддам қўйиш жоиз эмас. Аммо **ان** ни хабари зарф бўлганда **ان** ни исмига муқаддам қилиш жоиздир.

Масалан: **ان في الدار زيدا** бу ҳолда **ان** ни хабарини ҳукми мубтадонини хабарини ҳукми каби бўлади.

خَبْرٌ لَا الَّتِي لِنَفِي الْجِنْسِ هُوَ الْمُسْنَدُ بَعْدَ دُخُولِهَا مِثْلُ لَا غُلَامٌ رَجُلٌ ظَرِيفٌ فِيهَا

Таржима: Жинсни сифатини нафий қилувчи **لا** ни хабарига **لا** кирганидан сўнг муснад бўлади.

Масалан: **لا غلام رجل ظريف فيها**

Шарҳ: Нафий жинсини хабари ҳам марфуъотлардандир. Нафий жинсни **لا** си нафийни таъкиди учундир. **ان** исботни таъкиди бўлганидек. Булар бир бирига зид бўлса ҳам таъкид борасида мутлақ ўхшашдир. Шунинг учун унга **ان** ни амали берилди. Бу эса исмини мансуб, хабарини марфуъ қилади.

Масалан: **لا غلام رجل ظريف فيها اي في الدار**

لا нафий жинсни ломидир. غلام эса уни исми, رجل эса музофун илайҳи. ظريف - لا ни биринчи хабари, فيها жор ва мажрур ثابت га мутааллик, ثابت - لا ни иккинчи хабари. Демак ظريف нафий жинсни хабари муснаддир. Ҳовлида назокатли ҳеч кимни ғуломи йўқдир.

وَيُخَذَفُ كَثِيرًا وَبَنُو تَمِيمٍ لَا يَشْتُونَهُ

Таржима: Нафий жинсни хабари кўпинча ҳазф қилинади. Бани тамим эса нафий жинс لا ни хабарини собит қилмайди.

Шарҳ: ҳар қачон нафий жинсни хабари лафзан воқеъ бўлса уни сифатга алоқадор қилишади.

Масалан. لا رجل قائم –ни бундай таъвил қилишади.

انتفى رجل موصوف بالقيام яъни қоим сифатли киши, йўқдир.

ما ва لا ни исми га ўхшаш

اسْمٌ مَا وَلَا الْمَشَبَّهَاتَيْنِ بَلَيْسَ هُوَ الْمُسْتَنْدُ إِلَيْهِ بَعْدَ دُخُولِهِمَا مِثْلُ مَا زَيْدٌ قَائِمًا وَلَا رَجُلٌ أَفْضَلُ مِنْكَ وَهُوَ فِي لَا شَادُّ

Таржима: ليس га мушобаҳат (ўхшаш) бўлган ما ва لا ни исми ушбу икки ҳарф киргандан сўнг “муснад илайҳ” бўлади.

Масалан: ولا رجل أفضل منك ما زيد قائما.

Шарҳ: Нафий қилиш маъносида ليس га ўхшаш ما ва لا ни исми марфуъотлардандир. Бу икки калима киргандан сўнг уларни исмлари “муснад илайҳ” бўлади.

ما ни исми маърифа ҳамда накра бўлиб келади. Бу каломда кўп ишлатилади.

Масалан: ولا رجل أفضل منك ما زيد قائما.

Биринчи мисолда زيد, иккинчи мисолда رجل муснад илайҳдир, رجل эса накра бўлиб келмоқда. Чунки لا калимаси

фақат накрага киради. ما эса ҳам маърифга ва ҳам накрага киради. وهو في لا شاذ.

ليس ни амали لا да жуда оздир. Чунки لا ни ليس га мушобаҳат (ўхшашлиги) оздир. ليس нафий ҳол учун, لا эса мутлақ нафий учундир.

المنصوبات

Мансубот

المنصوبات марфуъдир. Чунки хабари маҳзуф мубтадодир. Ёки мубтадоси маҳзуф хабардир. Яъни (هذا المنصوبات أو المنصوبات هذا)

هُوَ مَا اشْتَمَلَ عَلَى عِلْمِ الْمَفْعُولِيَّةِ

Таржима: Мансубот шундай исмларки, улар мафъулият белгиларини ўз ичига олади.

Шарҳ: Замир هو المنصوبات- га қайтади ва мансуботни муфрадидир. Чунки ғойри оқил исмни муфрадини, жамъ муаннаси солимга жамъ қилингандир. Мансуботни белгилари тўртдир.

1. Исм муфрад мунсариф ва жамъи мукассари мунсариф бўлганда, мафъуллик аломати фатҳадир.

2. Муаннас солим бўлганда насб аломати касрадир.

3. Асмой ситгани насб аломати (ا) алифдир.

4. Исм музаккари солим билан жамъ қилинганда мафъуллик (мансублик) белгиси ي дир.

Марфуъотни мансуботдан олдин кўйилди. Чунки марфуъот рукндир. Яъни гапни биринчи даражали бўлагидир. Мансубот ва мажрурот фазладир яъни, гапни иккинчи даражали бўлакларидир. Мансуботни мажруротдан муқаддам қилинди, чунки мансубот каломда кўпдир мажрурот эса оздир. Боз устига насб аломати енгилдир, жар аломати

оғирдир. Мансуботни бештаси аслдир. Қолган еттитаси мулҳақотлардандир. Яъни қўшимчалари ёки фаръларидир.

Мансуботни мулҳақотлари яъни, қўшимчалари қуйидагилардир.

(۱) الحَالُ

(۲) التَّمْيِيزُ

(۳) المُسْتَشْتَقِي

(۴) خَبِرَ كَانَ

(۵) اسْمٌ إِنَّ

(۶) المنصوب بلا

(۷) خَبِرَ مَا وَلَا

Асл мансубот

(۱) مفعول مطلق

(۲) مفعول به

(۳) مفعول فيه

(۴) مفعول له

(۵) مفعول معه

فَمِنْهُ الْمَفْعُولُ الْمُطْلَقُ

Таржима: Мафъулият белгиларини ўз ичига олувчи исмларни биринчиси мафъули мутлакдир (яъни, мутлак) мафъулдир.

Шарҳ: Қолган тўрт мафъул яъни мафъулу мутлакни аховатларидан бири (به) яна бири (فيه) яна бири (له) ва (مع) билан боғланиб келади. Аммо мафъулу мутлак ҳеч қандай қайдсиз яъни, ҳеч қандай ҳарфга боғлиқ бўлмасдан келади.

وَهُوَ اسْمٌ مَا فَعَلَهُ فَاعِلٌ فِعْلٌ مَذْكُورٌ بِمَعْنَاهُ

Таржима: Мафъулу мутлақ шундай ҳадасни исмидирки, ўша ҳадасни мазкур ёки муқаддар бўлган феълни фоъили бажарган бўлади.

Шарҳ: Масалан лафзан мазкур бўлган феълга мисол ضربا бўлиб, ضربا ҳадас яъни, масдардир. Мазкур феъл ضربا бўлиб, ضربا маъносини ўз ичига олгандир. Ёки ҳукман мазкур бўлган феълга мисол (فَضْرَبَ الرِّقَابَ). Бу Аллоҳ таолони сўзи бўлиб, فَضْرَبُوا الرِّقَابَ маъносидадир. Бу оятда ضَرَبُوا феъли муқаддардир. Феълни ҳазф қилиб масдардан муқаддам қилинди. Ва энгиллик учун масдарни “мафъулу бих”га изофа қилинди.

وَقَدْ يَكُونُ لِلتَّأْكِيدِ وَالتَّنَوُّعِ وَالْعَدَدِ

Таржима: Мафъулу мутлақ та’кид учун навъ учун ва адад учун бўлади.

Шарҳ: Мафъулу мутлақ уч қисмдир. Биринчи қисми феълни та’киди учун келади.

Масалан.

مِثْلُ جَلَسْتُ جُلُوسًا

Мафъулу мутлақ, جلس جلوسا феълидан истифода қилган бўлиб, уни таъкидлаб келмоқда.

Икинчи қисми, навъ учундир.

مِثْلُ جَلَسْتُ جَلْسَةً

Бу қисмда мафъулу мутлақ феълни баъзи навъларига далолат қилади.

Маъноси: бир навъ ўтириш билан ўтирдим, деганидир.

Учинчи қисм, адад учундир. Бунда мафъулу мутлақ феълни ададига далолат қилади.

مِثْلُ جَلَسْتُ جَلْسَةً

Маъноси: бир ўтириш билан ўтирдим, деганидир.

فَالأَوَّلُ لَا يُثَبِّتِي وَلَا يُجْمَعُ بِخِلَافِ أَخَوَيْهِ

Таржима: Мафъулу мутлақни аввалги қимси тасния ва жамъ қилинмайди. Аммо навъ учун ва адад учун бўлган мафъулу мутлақлар тасния ва жамъ қилинади.

Шарҳ: Аввалги қисмни, яъни такид учун бўлган мафъулу мутлақни тасния ва жамъ қилиб бўлмайди.

Масалан *جلست جلوسات* ёки *جلست جلوسين* деб бўлмайди.

Аммо *جلست جلسين* ва *جلست جلسات* навъ учун ёки *جلست جلسين* ва *جلست جلسات* адад учун тасния ва жамъ қилинади.

وَقَدْ يَكُونُ بَعْضُ لَفْظِهِ

Таржима: Мафъулу мутлақ баъзан ўз феъли билан муғойир (ҳар хил) бўлади.

Шарҳ: Бу муғойирлик яъни, турли хиллилик модда жиҳатидан бўлиши мумкин.

Масалан:

قَعَدْتُ جُلُوسًا

каби. Феълни ва мафъулу мутлақни моддалари яъни, феъл билан исмни ўзаклари турличадир. Ёки феъл билан мафъулу мутлақни бобларида муғойирлик бордир.

Масалан. Аллоҳ таолонинг *انبت الله نباتا حسنا* сўзида *انبت* феъли сулосий мазид бобидан, *نباتا* эса сулосий мужарад бобидандир.

Аммо Сибавайҳ (р.а.) бу икки мисолда ўз бобларидан муқаддар *عامل* келтирадилар.

Яъни, *قعدت وجلست جلوسًا* ва *انبت الله فنبت نباتا* каби.

وَقَدْ يُحَدَفُ الْفِعْلُ لِقِيَامِ قَرِينَةٍ جَوَازًا كَقَوْلِكَ لِمَنْ قَدِمَ خَيْرٌ مُقَدَّمٌ

Таржима: Гоҳида қарийна (далолат қилувчи) мавжуд бўлганда мафъулу мутлақни насб қилувчи феъл жоиз равишда ҳазф қилинади.

Шарҳ: Биров сафардан келса *خير مقدم* хуш келибсиз деганингиздек. Аслида *قدمت مقدا خيرا* эди. Аввало феъл бўлмиш *قدمت* ни ҳазф қилдик. Шундан кейин мафъулу мутлақ бўлмиш

مقدما ҳам ҳазф қилдик. Фақат уни сифати خيرا қолди. Бу ерда خيرا нима жинсдан эканлиги ҳақида ноаниқлик пайдо бўлди. Шу боисдан уни яъни, خيرا ни мафсуфи مقدما эди. Мавсуф зикр этилиб, сифатни унга изофа қилинди خیر مقدم бўлади.

وَوُجُوبًا سَمَاعًا

Таржима: Мафъулу мутлақни омили симоъий юзасидан вожиб равишда ҳазф қилинади.

Шарҳ: Мафъулу мутлақни омили бир неча ўринда вожиб равишда ҳазф қилинади. Ҳазф қилишни ҳеч қандай қоидаси бўлмасдан, оғзаки қандай эшитилган бўлса истемолда ҳам шундай қабул қилингандир.

Масалан:

مِثْلُ سَقِيًّا

каби. Тақдири эса سقاك الله سقيا бу ерда феъл ва фоъил ҳазф қилинди.

Маъноси: Аллоҳ сени сероб қилсин.

وَرَعِيًّا

аслида رعاك الله رعيًا эди.

Маъноси: Аллоҳ сени риоя қилсин. Яъни, сабр билан тавбангни қабул қилсин. Булар дуои хайрдир.

وَحَيِّئَةً

— خاب خيبة Сени оллоҳ бебаҳра қилсин. Бу дуойи баддир.

وَجَدَعًا

аслида جدع جدعا дир. Яъни Аллоҳ башарангни хунук қилсин. الجدع кулоқ бурун ва лабларини кесилишидир. Бу ҳам дуои баддир.

وَحَمْدًا

аслида حمدت حمدًا яъни ҳамд айтмоқлик билан ҳамд айтдим.

وَشُكْرًا

Аслида شڪرا شڪرت. Яъни шукр айтмоқлик билан шукр айдим.

وَعَجَبًا

аслида عجبта عجبта яъни таажубланиш билан таажубландим.

وَقِيَّاسًا فِي مَوَاضِعَ

Таржима: Мафъулу мутлақни омили бир неча ўринда қиёс юзасидан вожиб равишда ҳазф қилнади.

Шарҳ: Қиёсан ҳазф қилишда маълум куллий қоидаларга мувофиқ ҳазф қилинади.

مِنْهَا مَا وَقَعَ مُثَبَّتًا بَعْدَ النَّفْيِ أَوْ مَعْنَى نَفْيٍ دَاخِلٍ عَلَى اسْمٍ لَا يَكُونُ خَبْرًا عَنْهُ أَوْ وَقَعَ مُكْرَرًا

Таржима: Мафъулу мутлақни омилини вожиб равишда ҳазф қилиш ўринларидан биринчиси.

Мафъулу мутлақ нафийдан ёки нафий маъносидан сўнг мусбат бўлса ва ўша нафий ёки нафий маъноси бирор исмга кирса ҳамда мафъулу мутлақ ўша исмдан хабар бўлмаса ёки мафъулу мутлақ такрорланиб келса бундай мафъулу мутлақни омилини қиёс юзасидан вожиб равишда ҳазф қилинади.

Шарҳ: Аввало мафъулу мутлақ мусбат бўлиши керак. Агар манфий бўлса уни омилини ҳазфи вожиб эмасдир.

Масалан: ما زيد يسير سيرا

Иккинчидан, нафий ёки нафий маъноси исмга кирган бўлиши керак. Агар феълга кирса бунда ҳам мафъулу мутлақни омили ҳазф қилинмайди.

Масалан ما سرت الا سيرا

Учинчидан, мафъулу мутлақ зикр қилинган исмдан хабар бўлмаслиги керак. Агар исмга хабар бўлса бундай мафъулу мутлақни ҳам омилини ҳазф қилиб бўлмайди.

Масалан ما سيري الا سير شديد бу холда хабар бўлганлиги жиҳатдан рафъ бўлади.

نَحْوُ مَا أَنْتَ إِلَّا سَيْرًا. وَمَا أَنْتَ إِلَّا سَيْرَ الْبَرِيدِ. وَإِنَّمَا أَنْتَ سَيْرًا. وَزَيْدٌ سَيْرًا سَيْرًا

Бу ерда тўрта мисол келтирилди. Аввалги икки мисолни тақдири ما أنت تسير سيرا البريد ва ما أنت تسير سيرا мафъулу мутлақ нафийдан кейин мусбат, البريد эса хабари бўлиб келмоқда.

Учинчисида эса إِنَّمَا أَنْتَ تَسِيرُ سَيْرًا мафъулу мутлақ нафий маъносидан сўнг келмоқда.

Тўртинчи мисолда زيد تسير سيرا سيرا мафъулу мутлақ такрорланиб келмоқда.

وَمِنْهَا مَا وَقَعَ تَفْصِيلاً لِأَثَرِ مَضْمُونٍ جُمْلَةً مُتَقَدِّمَةً

Таржима: Мафъулу мутлақни вожиб равишда ҳазф бўладиган ўринларидан иккинчиси.

Мафъулу мутлақ олдин келган жумлани мазмуни (асари) фойдасини батафсил баён қилса бундай мафъулу мутлақни омилини қиёс юзасидан вожиб равишда ҳазф қилинади.

مِثْلُ فَشَدُّوا الْوَثَاقَ فِيمَا مَنَّا بَعْدُ وَإِنَّمَا فِدَاءٌ

Шарҳ: Аллоҳ таолонинг сўзи аслида فشدوا الوثاق فيما تمنون منا بعد اما ни ҳазф қилинган омилларидир. Бу ерда تمنون ва تفدون масдар ни ҳазф қилинган омилларидир.

Уни мазмуни فشدوا الوثاق дир. Яъни бандни маҳкам қилмоқдир. Уни фойдасини فيما ва فداء деб Аллоҳ таоло батафсил баён қилмоқда.

Мазмуни: Ҳар қачон кофирларни асир олсангиз уларни бандларини маҳкам қилинглр. Шунда сизлар учун икки фойдали ишни бири бўлади. Улар учун миннат қиласизлар ёки фидя оласизлар.

وَمِنْهَا مَا وَقَعَ لِلتَّشْبِيهِ عِلَاجًا بَعْدَ جُمْلَةٍ مُشْتَمِلَةٍ عَلَى اسْمٍ بِمَعْنَاهُ وَعَلَى صَاحِبِهِ

Таржима: Мафъулу мутлақни вожиб равишда ҳазф бўлиши ўринларидан учинчиси.

У шундай мафъулу мутлақки, мафъулу мутлақ маъносидаги исмга ва исмни соҳибига муштамил бўлган. Жумладан кейин келиб, ташбиҳи илож учун (инсонни қалбидан эмас аъзоларидан пайдо бўлган) мафъулу мутлақни омили қиёс юзасидан вожиб равишда ҳазф қилинади.

Мисол билан шарҳи қуйидагича.

نَحْوُ مَرْرَتْ بِهِ فَإِذَا لَهُ صَوْتُ صَوْتِ حِمَارٍ

Бу мисол аслида қуйидагича эди. مررت به فإذا له صوت يصوت صوت حمار. – мафъулу мутлақ, ҳазф қилинган мафъулу мутлақни омилидир. Мафъулу мутлақ, мафъулу мутлақни маъносидаги исм صوت га ва уни соҳибига له даги замирга муштамил бўлган жумладан кейин ва яна ташбиҳи илож учун, яъни аъзолардан пайдо бўлган صوت мафъулу мутлақ бўлиб келмоқда. Шу боисдан уни омили يصوت ни қиёс юзасидан вожиб равишда ҳазф қилинди. Бир кишини олдидан ўтсам овози худди эшакни овози кабидир.

وَصُرَاخٌ صُرَاخُ الشَّكْلِى

Тақдири калом مررت به فإذا له صراخ صراخ الشكلى.

Бу мисол ҳам юқоридаги мисол кабидир. Маъноси эса, бир кишини олдидан ўтдим уни овози худди боласи ўлган аёлни овози кабидир.

وَمِنْهَا مَا وَقَعَ مَضْمُونٌ جُمْلَةً لَا مُحْتَمَلٌ لَهَا غَيْرُهُ نَحْوُ لَهُ عَلَيْهِ أَلْفٌ دِرْهَمٍ اعْتِرَافًا وَيُسَمَّى تَأْكِيدًا لِنَفْسِهِ

Таржима: Мафъулу мутлақни вожиб равишда ҳазф бўлиш ўринларни тўртинчиси.

Мафъулу мутлақ, жумлани мазмуни бўлиб ўша жумла учун мафъулу мутлақдан бошқа ҳеч нарсани эҳтимоли бўлмаса. Бундай мафъулу мутлақни омилини қиёс юзасидан вожиб равишда ҳазф қилинади.

Масалан اعترف له علي الف درهم اعترافا омил ҳазф қилинди. Чунки اعترافа масдар бўлиб, له علي الف درهم жумлани мазмуни бўлмоқда. Демак бу жумла учун мафъулу мутлақ اعترافа дан бошқа нарсани эҳтимол қилиб бўлмайди. Шу боисдан уни омили اعترف вожиб равишда ҳазф қилинди. Бундай мафъулу мутлақни таъкид линафсиҳи дейилади. Чунки “мазмуни жумла”ни таъкидлайди. “Мазмуни жумла” اعتراف дир. Ўша اعتراف эса мафъулу мутлақни ўзидир.

وَمِنْهَا مَا وَقَعَ مَضْمُونٌ جُمْلَةً لَهَا مُحْتَمَلٌ غَيْرُهُ. زَيْدٌ قَائِمٌ حَقًّا وَبُسْمَى تَأَكِيدًا لِغَيْرِهِ

Таржима: Мафъулу мутлақни вожиб равишда ҳазф ўринларидан бешинчиси.

Мафъулу мутлақ жумлани мазмуни бўлиб, ўша жумла учун мафъулу мутлақдан бошқасини эҳтимоли бўлса, бундай мафъулу мутлақни омилини қиёс юзасидан вожиб равишда ҳазф қилинади.

Масалан زيد قائم أحق حقا. Бу ерда احق омил ҳазф қилинди. Чунки حقا масдар бўлиб, мазмуни жумла бўлмоқда. Мазмуни жумла эса زيد قائم дир. Мазмуни жумла эса حقا дан бошқани яъни باطلا ни ёки كذبا ни кўтара олади. Шу боисдан бундай мафъулу мутлақни “таъкид лиғойриҳи”, деб атайдилар. Яъни ўз нафсидан бошқани таъкидлайди.

وَمِنْهَا مَا وَقَعَ مَثْنً مِثْلَ لَبَيْكَ وَسَعْدَيْكَ

Таржима: Мафъулу мутлақни вожиб равишда ҳазф бўладиган ўринлардан олтинчиси.

Мафъулу мутлақ тасния сийғасида келиб, такрор ва таксирни яъни такрор ва кўп мартани қасд қилинишидир.

Масалан لبك. Аслида إلبابين эди. Маъноси сизни хизматингиз учун доим таёрман. Мафъулу мутлақни омилини вожиб равишда ҳазф қилинди. У لبك эди. Уни ўрнига мафъулу мутлақни сулосий мазид افعال бобидан сулосий мужаррадга

айлантириб, ҳазф қилинган омил ўрнига қуйилди. Яъни, إلباين لك масдарни сулосий мужаррадга келтиргандан сўнг لبين لك бўлди. ل– ҳарфи жорни ҳазф қилдик ва масдарни ك га изофа қилдик. Изофа билан (ن) соқит бўлиб ليك ҳосил бўлади. سعيدك ҳам худди ليك кабидир.

Аслида أسعدك اسعادا بعد اسعاد бу ҳам أعانك اعانة بعد اعانة яъни сенга доим ёрдам бериб тураман, маъносидадир. أسعد ҳазф қилинди ва мафъулу мутлақ اسعادين ни сулосийга келтириб, уни ўрнига қўйдик. سعيدين–ك бўлди. Изофадан سعادك бўлди.

Мафъулу бихининг таърифи

الْمَفْعُولُ بِهِ هُوَ مَا وَقَعَ عَلَيْهِ فِعْلُ الْفَاعِلِ

Таржима: Фоъилни феъли устига тушган исмни “мафъулу бих”, дейилади.

مِثْلُ ضَرَبْتُ زَيْدًا

ضربت – феъл ва фоъил, زيد эса мафъулу бих. Бу ерда фоъилнинг феъли Зайдни устига тушгандир.

وَقَدْ يَتَقَدَّمُ عَلَى الْفِعْلِ

Таржима: мафъулу бих баъзида ўз омили бўлган феълдан олдин келади.

Шарҳ: Омил феъл бўлганда шундай қувватли бўладики, маъмулидан олдин келса ҳам ёки кейин келса ҳам амал қила олади. Маъмулини феълдан муқаддам бўлишини икки жиҳати бўлади.

Биринчиси жоизлик жиҳати. Масалан إنيك نعبد дир. نعبد феъл, اياك маъмули бўлиб, замир мунфасил эса мансубдир.

Иккинчиси вожиблик жиҳати. Масалан *من رأيت* кимни кўрдинг. Ёки *من تكرم يكرم* кимни ҳурмат қилсанг у ҳам ҳурмат қилади.

وَقَدْ يُحَذَفُ الْفِعْلُ لِقِيَامِ قَرِينَةٍ جَوَازًا

Таржима: Баъзан, қарийна қоим (далолат қилгувчи далил пайдо) бўлганда, мафъулу бихини насб қилувчи феъл жоиз равишда ҳазф қилнади.

كَقَوْلِكَ زَيْدًا لِمَنْ قَالَ مَنْ أَضْرَبُ

Таржима: Биров кимни урай, деганида Зайдни деб айтилганидек.

Шарҳ: *من اضرب* кимни урай савол. Жавоб эса *زيدا* Зайдни ур -дир. Аммо Зайдни омили *اضرب* жоиз равишда ҳазф қилинди. Чунки *زيدا* деб феълни келтирмақ ҳам ёки *زيدا* деб феълни ҳазф қилишлик ҳам жоиздир. Чунки бу ерда қарийна бордир. Ўша қарийна *من اضرب* кимни урай? деган саволдир.

وَوُجُوبًا فِي أَرْبَعَةِ مَوَاضِعَ

Таржима: Мафъулу бихни насб қилувчи феъл тўрт ўринда вожиб равишда ҳазф қилинади.

الْأَوَّلُ سَمَاعِيٌّ

Биринчиси симоъийдир. Яъни ҳеч қандай қоидаси йўқдир.

نَحْوُ امْرَأٍ وَنَفْسِهِ وَأَنْتَهُوَ خَيْرًا لَكُمْ وَأَهْلًا وَسَهْلًا

Бу ердаги матнда тўрт мисол келтирилди.

Биринчиси *امرأ ونفسه* тақдири калом *أترك امرأ ونفسه*.

Бу ерда *أترك* феъл вожиб равишда ҳазф қилинди. Маъноси уни урушдан қўлингни ва сўкишдан тилингни тийгин, деганидир. Ўзини ўзига қўявер, билганини қилсин. Бу ердаги (واو) отифа бўлиши ҳам мумкин ёки (واو) маъийя бўлиши ҳам мумкин.

Иккинчи мисол. Аллоҳ таолони нисо сура, 171- оятида

ولا تقولوا ثلاثة انتهوا خيرا لكم

маъноси Аллоҳни уч демоқдан тўхтанглар ва сиз учун хайр бўлган нарса яъни тавҳидни қасд қилинглар.

Учинчи мисол. اتيت اهلا لا اجانب اهلا тақдири эса бегона эмас ўз аҳлингга келдинг, وطيت سهلا .سهلا юмшоқ ва текис жой حزنا паст, баланд - нотекис жой эмас. Маъноси шаҳарни яхши жойини танладинг ноқулай жойини эмас.

وَالثَّانِي الْمُنَادَى وَهُوَ الْمَطْلُوبُ إِقْبَالُهُ بِحَرْفِ نَائِبٍ مِّنَابٍ أَدْعُو لَفْظًا أَوْ تَقْدِيرًا

Таржима: Иккинчис яъни мафъулу биҳини омилинивожиб равишда ҳазф бўлиш ўринларини иккинчиси мунододир. Мунодо ادعو феълига қоим мақом бўлувчи лафзий ёки тақдирий ҳарф билан ижобат қилиш матлуб бўлган исмдир.

Шарҳ: ادعو га қоим мақом бўлувчи ҳарфлар бештадир.

Улар: يا، أيا، هَيَا، أَي، أ

Талаби лафзий бўлган мунодога мисол: يا زيد дир. Талаби тақдирий бўлган мунодога мисол:

يا يوسف اعرض عن هذا. يوسف اعرض عن هذا. Бу ерда ҳарфи нидо тақдирийдир.

وَيُبْنَى عَلَى مَا يُرْفَعُ بِهِ إِنْ كَانَ مُفْرَدًا مَعْرِفَةً مِثْلُ يَا زَيْدٌ وَيَا رَجُلٌ وَيَا زَيْدَانَ وَيَا زَيْدُونَ

Таржима: Агар мунодо муфрад маърифа бўлса, ўша мунодо (хоҳ замма бўлсин хоҳ алиф билан бўлсин) рафъга мабний қилинади.

Шарҳ: Яъни, мунодо муфрад маърифа бўлса музоф ёки шибҳи музоф бўлмаса рафъга мабний бўлади. يا زيد каби.

Мунодо нидо ҳарфидан олдин маърифа эди, нидо ҳарфидан сўнг заммага мабний бўлди. يا رجل каби.

Мунодо нидо ҳарфидан кейин маърифа бўлиб, заммага мабнийдир.

ويا زيدان Алифга мабний бўлган мунодога мисол.

ويا زيدون Вовга мабний бўлган мунодога мисол.

وَيُخَفِّضُ بِأَلَمِ الْإِسْتِغَاثَةِ وَيَا لَزِيدٍ

Таржима: Мунодо “ломи истиғоса” билан мажрур бўлади. يا لزيد каби.

Шарҳ: Бу мисолда мунодога “ломи истиғоса” кириб, уни мажрур қилмоқда. Бу лом фалокатга учраётган кишини ёрдам сўраб, фарёд қилмоғидир. Бу ломни “ломи тахсис” ҳам дейилади. Чунки фарёд қилаётган киши бир тўда турган кишлар ўртасидан, эй Зайд! тезроқ келиб, ёрдам беришинг учун сени махсус танладим, маъносидадир. Мунодо эса муъраб бўлади.

وَيُنْفَتِحُ لِإِلْحَاقِ أَلْفِهَا فَلَا لَأَمَ فِيهِ مِثْلُ يَا زَيْدَاهُ

Таржима: «Истиғоса лами» қўшилмаган ҳолда “истиғоса алиф”и кирса мунодо фатҳага мабний бўлади.

Мунодога бир вақтни ўзида ҳам “истиғоса лами” ва ҳам “истиғоса алифи” кирмайди. Чунки булар ўртасида номувофиқлик бордир. Яъни лом, мунодо мажрур бўлишини тақозо қилади. Алиф истиғоса эса, мунодони фатҳа бўлишини тақозо қилади. Бу икковини жамъ қилмоқлик дуруст эмасдир.

وَيُنْصَبُ مَا سِوَاهُمَا. مِثْلُ يَا عَبْدَ اللَّهِ. يَا طَالِعًا جَبَلًا وَيَا رَجُلًا لِغَيْرِ مُعَيَّنٍ

Таржима: Муфрад маърифа мунодо ва лами истиғоса ёки алиф истиғоса кирган мунододан бошқалари мафъулият билан насб қилинади.

Шарҳ: Исм муфрад маърифа бўлса рафъга мабнийлигини ва лами истиғоса билан мажрур (муъраб) бўлишини ва алиф истиғоса кирганда, фатҳага мабнийлигини кўрган эдик. Шу икки ҳолдан бошқада эса, мафъулият билан насб бўлиши келтирилмоқда. Масалан يا عبد الله бу мисолда муфрад маърифа эмас, изофа бўлиб келмоқда. يا طالعًا جبلا бу мисолда исм муфрад

маърифа эмас, шибҳи музоф бўлиб келмоқда. طالعا мунодо бўлиб, нидо ҳарфи билан насб бўлмоқда. جبلا эса исми фоъил طالعا билан насб бўлмоқда. Аслида эса طالع جبل эди. جبل лафзан мажрур, маҳаллан мансубдир. Бу эса шибҳи музофдир.

بۇ ميسول مۇفراڧ بۇلىب، ماىرىفا эмасدир. Ғойри муайян бўлгани учун насб ўқилмоқда.

وَتَوَابِعِ الْمُنَادِي الْمُبْنِيِّ الْمُمَرَّدَةِ مِنَ التَّكْيِيدِ وَالصِّفَةِ وَعَطْفِ الْبَيَانِ وَالْمَعْطُوفِ بِحَرْفِ الْمُتَمَتِّعِ دُخُولُ يَا عَلَيْهِ تَرْفَعُ عَلَيَّ اللَّفْظِ وَتُنْصَبُ عَلَيَّ مَحَلِّهِ

Таржима: Заммага мабний бўлган мунодонинг муфрад тобеълари хоҳ таъкид бўлсин хоҳ сифат бўлсин хоҳ атф баён бўлсин хоҳ алиф лом билан маътуф бўлсин бундай тобеъларда икки кўриниш мумкиндир.

Биринчиси: мунодони лафзига мансуб қилиб рафъ, иккинчиси, маҳаллига мансуб қилиб насб ўқилади.

مِثْلُ يَا زَيْدُ الْعَاقِلِ وَالْعَاقِلِ

Мусанниф ҳазратлари фақат сифатга мисол келтириб, кифояландилар. Чунки аксари ва машҳури ҳам сифатдир. Яъни, кўп ишлатиладигани ҳам машҳури ҳам шу мисолдир.

يا تيم اجمعين ва يا تيم اجمعين таъкидга мисол.

يا غلام بشرا ва يا غلام بشرا атфи баёнга

алиф лом билан маътуф бўлиб, заммага мабний бўлган мунодони тобеъига мисолдир.

وَالْحَلِيلُ فِي الْمَعْطُوفِ يَحْتَارُ الرَّفْعَ وَأَبُو عَمْرٍو النَّصْبَ

Таржима: Халил алиф-лом билан маърифа бўлиб, маътуф исмни рафъини ихтиёр қилинди. Абу Амр эса насбни.

Шарҳ: Алхалил ибн Аҳмад Сибавайҳни устозлари. Абу Амр эса Халил ибн Аҳмаддан олдин ўтган мураттаб қори ва наҳв олимидирлар. Халил ибн Аҳмад маътуфда рафъни ихтиёр қилишлари билан насбни ҳам жоиз дейдилар. Абу Амр маътуфда насбни ихтиёр қилишлари билан бирга рафъни ҳам мумкин, дейдилар.

Шарҳ: Араб каломида икки алам ўртасида ابن келган сўзлар кўплигидан ابن га мавсуф бўлган мунодони заммасини енгилик учун фатҳага мабний қилинди.

Масалан: *ياسيد بن عمرو* аслида *ياسيد بن عمرو* заммага мабний эди енгилик учун *ياسيد* ни заммасини фатҳага бадал қилинди. Аммо заммаси ҳам жоиздир. Агар мунодо алам исм бўлмаса ёки *ابن* дан бошқа аламга музоф бўлмаса ёки ҳеч бири алам бўлмаса бундай мунодони ҳукми юқорида айтиб ўтилди.

Масалан: Мунодо алам эмас *يا رجل ابن عمرو* – *ابن* бошқа аламга музоф эмас. *يا زيد ابن اخينا*, *يا رجل ابن اخينا* эмас.

وَإِذَا نُودِيَ الْمَعْرَفُ بِالْأَمِّ قِيلَ يَا أَيُّهَا الرَّجُلُ يَا هَذَا الرَّجُلُ وَيَا أَيُّ هَذَا الرَّجُلُ وَالتَّنْمُوا رَفَعِ الرَّجُلَ لِأَنَّهُ الْمَقْصُودُ بِالتِّدَاءِ وَتَوَابِعِهِ لِأَنَّهَا تَوَابِعُ مُعْرَبٍ

Таржима: Ҳар қачон алиф-лом билан муъарраф бўлган исм нидо қилинса, *يا ايها الرجل*, *يا هذا الرجل* ва *يا اي هذا الرجل* дейилади. Ва араблар *الرجل* ни рафъ бўлишини лозим топдилар, чунки нидодан мақсад *الرجل* дир. *الرجل* ни тобеъларини ҳам рафъ бўлишини лозим тутдилар, чунки *الرجل* ни тобеъи мўърабни тобеъидир, яъни лафзанни тобеъидир.

Шарҳ: Ҳар қачон алиф-лом билан маърифа бўлган исмни нидо қилинса, бу икки зидни келиштириш учун нидо ҳарфи ва мунодо исм ўртасига *اي* калимаси ва танбеҳ *ها* ни киритишди. *يا ايها الرجل* бўлди. Ҳолбуки, нидо ҳарфи алиф-лом таъриф билан жамъ келмайди. Ёки исми ишора *هذا* ни киритишди. *يا هذا الرجل* бўлди. Ёки икковини таркиб қилиб, киритишди. *يا اي هذا الرجل* бўлди. Бу ерда *يا* ҳарфи нидо *اي* мунодо *ها* ҳарфи танбеҳ, *الرجل* мунодони сифатидир. Лекин ҳақиқатда

мунодо الرجل дир. Шу боисдан الرجل ни рафъ бўлишини лозим тутишди лекин насби ҳам жоиздир. الرجل мунодо исмни тобеъларини ҳам рафъ бўлишини лозим тутдилар. Чунки улар муърабни тобеъларидандир.

Масалан: يا ايها الرجل ذو مال، يا ايها الرجل الظريف

وَقَالُوا يَا اللَّهُ خَاصَّةً

Таржима: Араблар хоссатан يا الله дедилар.

Шарҳ: Нидо ҳарфи يا ва алиф-ломи таъриф ал билан бир калимада яъни, Аллоҳ лафзида бирга келтириб, يا الله деганлар. Ҳолбуки, الله лафзидан бошқа исмларда нидо ҳарфи билан алиф-лом таърифни жамъ келиши жоиз эмас. Бу юқорида айтилган эди. Аслида الله даги ال - إله - فعال даги فا баробаридаги (إ) ҳамзадан эвазидир. Яъни ال - إله ҳамза ҳазф қилинди ва ундан эваз ال келтирилди. له - ال бўлди. Лом билан ломнинг идғом қилдик الله бўлди. Гўёки ал алиф-лом таъриф маъносидан чиқиб лафзни бир жузъи бўлади. Шу боисдан нидо ҳарфи билан алиф-лом таърифни жамъ келиши фақат الله лафзига хосдир.

وَلَكَّ فِي مِثْلِ يَا تَيْمَ تَيْمَ عَدِيَّ الضَّمُّ وَالتَّنْصُبُ

Таржима: Сен учун يا تيم تيم таркибида замма билан ёки يا تيم фатҳа билан келтирмоғинг жоиздир.

Шарҳ: Заммани жоизлигини сабаби تيم муфрад ва маърифалигидир. Фатҳани жоизлиги эса عدي ни мазкур га ёки маҳзүф عدي га музофлигидандир.

Ушбу байтни тўлалиги қуйидагичадир.

يا تيم عدي لا ابا لكم لا يلقىنكم في سوءة عمر

Эй Адий қабиласи, сизларнинг оталарингиз йўқдир. Шоирларингиз Амр сизларни қийинчиликка солмасин. Бу байт шоир Жарирга тегишли бўлиб, Адий қабиласига хитоб

қилиб, эй отаси йўқ Адий қабиласи! Шоирларинг Амр мени ҳажв қилиб, сизларни қийин аҳволга солмасдан уни тўхтатинглар. Агар мен ҳажвни бошласам барингни яксон қиламан, маъносидадир.

وَالْمُضَافُ إِلَى يَاءِ الْمُتَكَلِّمِ يَجُوزُ فِيهِ وُجُوهٌ أَرْبَعَةٌ

Таржима: Мунодо исм мутакаллим (ي) га музоф бўлса, унда тўрт кўриниш жоиздир.

Шарҳ:

Биринчи (ي) ни фатҳаси билан.

وَيَا غُلَامِي

Иккинчи (ي) ни сукуни билан.

وَيَا غُلَامِي

Учинчи (ي) ни ҳазф қилиб, касра билан кифояланмоқ.

وَيَا غُلَامٍ

Тўртинчи (ي) ни алифга қалб қилмоқ

وَيَا غُلَامًا وَبَاهَاءٍ وَقَفَا

Таржима: Бу тўрт ҳолатни ҳар бирида вақф қилмоқ раводир.

Шарҳ: Биринчи мисол учун يا غلاميه

Иккинчи мисол учун يا غلاميه

Учинчи мисол учун يا غلامه

Тўртинчи мисол учун يا غلاماه

وَقَالُوا يَا أَيْ وَيَا أُمِّي وَيَا أَبَتِ وَيَا أُمَّتِ فَتَحًا وَكَسْرًا وَبِالْأَلْفِ دُونَ الْيَاءِ

Таржима: Араблар ўз сўзлашувларида يا ابي ва يا امي фатҳа ва касра ҳолатида يا أبت يا أمت дейдилар. Ва أبتа ва أمتا ни алиф билан айтдилар (ي) билан эмас.

Шарҳ: Араблар ўз сўзлашувларида **أب** ва **أم** ни мутакалим (**ي**) билан изофа қилиб, **يا أبي** ва **يا أمي** дейдилар. Ва бунда ҳам тўрт кўринишни жоиз дедилар.

- ۱) **يا أبي أمي** – **ي** фатҳали
- ۲) **يا أبي أمي** – **ي** суқун
- ۳) **يا أب أم** – **ي** ҳазф қилиб
- ۴) **أبا أما**

Вақф ҳолатида (**ها**) келтирилади.

- ۱) **يا أبيه أميه**
- ۲) **يا أبيه أمبه**
- ۳) **يا أبه أمه**
- ۴) **يا أباه أماه**

ва яна уч кўриниш ортиқроқдир. Биринчи (**ي**) ни (**ت**)га қалб қилиб ва (**تا**) ни фатҳа ва касра ҳолатида ишлатадилар. Масалан: **يا أبت أمت**. Ва яна алиф билан

келтирадилар, яъни икки эваз ҳарф **تا** билан алифни жам қилган ҳолда. Аммо **يا أبتي** ва **يا أمتي** дейилмайди. Чунки (**تا**) (**ي**) дан эваз эди. Эваз билан эваз қилинган ҳарф жамъ кела олмайди.

وَقَالُوا يَا ابْنَ أُمَّ وَيَا ابْنَ عَمٍّ خَاصَّةً مِثْلَ بَابِ يَا غُلَامِي

Таржима: Араблар фақат **يا بن ام** ва **يا بن عم** калималарини хоссатан **غلامي** боби каби истеъмол қиладилар.

Шарҳ: **غلامي** бобида тўрт кўриниш раво бўлгандек **يا بن ام** ва **يا بن عم** да ҳам тўрт кўриниш раводир. Лекин **يا بن أخ** ва **يا بن خال** да тўрт важҳ раво эмас.

- يا** фатҳа – **يا بن امي** – **عمي**
- ي** суқун – **يا بن امي** – **عمي**

ҳазф ي - يابن ام - عم

билан бадал. (ا) ي - يابن اما - عما

وَقَالُوا يَا ابْنَ أُمَّ وَيَا ابْنَ عَمِّ

Таржима: Ва яна араблар ва يابن ам ва يابن عم деб истеъмол қилдилар.

Шарҳ: Бу калималарни истеъмолда кўплиги туфайли اما ва يا даги алифни ҳазф қилиб, фатҳа билан кифояланиб, ва يابن ам деб истеъмол қилишди.

وَتَرْخِيمُ الْمُنَادَى جَائِزٌ وَفِي غَيْرِهِ ضَرُورَةٌ

Таржима: Мунодони тархим қилишлик жоиздир. Мунододан бошқасида зарурат юзасидан жоиздир.

Шарҳ: Мунодо тархими луғатда овозни юмшоқроқ қилмоқдир. Истилоҳда эса таҳфиф учун мунодо исмни охиридан бир ёки бир неча ҳарфни ҳазф қилмоқликдир. Мунодони тархими жоиздир. Аммо мунододан бошқасида шеър зарурати учуи жоиздир.

وَهُوَ حَذْفٌ فِي آخِرِهِ تَخْفِيفًا

Таржима: Мунодони тархими мунодонинг охирини енгиллик юзасидан ҳазф қилмоқдир.

وَشَرْطُهُ أَنْ لَا يَكُونَ مُضَافًا وَلَا مُسْتَعَاثًا وَلَا مَنْدُوبًا وَلَا جُمْلَةً

Таржима: Мунодонинг тархимини шарты шуки, музоф ёки шибҳи музоф бўлмаслиги керак. Ҳамда мустағос, мандуб ва жумла бўлмаслиги керак.

Шарҳ: Мунодо музоф бўлмаслиги керак дедик, чунки музоф бўлгандан сўнг музофун илайҳ ҳам бўлади. Ҳамда маъно юзасидан бир калима бўлиб, шахс алам бўлиб қолган бўлади. Агар музофун илайҳдан ҳазф қилсак, мунодода ҳеч қандай тархим ҳосил бўлмайди. Чунки музофун илайҳи лафз жиҳатидан мустақил калимадир. Ва агар музофдан бирор нарса ҳазф қилинса, мунодони тархими ўртада бўлиши лозим бўлади. Лекин музоф ва музофун илайҳи маъно жиҳатидан

бир калима манзилатидадир. Мунодо мустағос ва мандуб бўлмаслиги керак. Чунки бу икковида овозни чўзмок матлубдир. Тархим эса, мадди савт (овозни чўзиш)га мухолифдир. Мунодо жумла ҳам бўлмаслиги керак. Чунки жумлада аламлик воқеъ бўлган бўлади. Шу сабабдан уни ўзгартириш мумкин эмас.

وَيَكُونُ إِمَّا عَلَمًا زَائِدًا عَلَى ثَلَاثَةِ أَحْرَفٍ وَإِمَّا بِنَاءِ التَّنْثِيثِ

Таржима: Ушбу мунодо уч ҳарфдан ортиқ бўлган алам ёки таънисни “то”си қўшилган исм бўлади.

Шарҳ: Мунодо исмни тўртинчи шарти икки ҳолатдан бири билан бўлади.

Биринчи: Уч ҳарфдан ортиқ бўлган алам исм бўлиши. Унинг шарти шуки, алам исм истеъмолда кўп бўлгани учун уни хиффати матлубдир. Агар ундан бирор нарса ҳазф қилинса маълум бўлади.

Иккинчи: Мунодо исмни охирига таънис тоси қўшилган бўлиши керак. Гарчи уч ҳарфдан ортиқ ва алам бўлмаса ҳам.

فَإِنْ كَانَ فِي آخِرِهِ زَائِدَتَانِ فِي حُكْمِ الْوَاحِدَةِ كَأَسْمَاءَ وَمَرْوَانَ أَوْ حَرْفٍ صَحِيحٍ قَبْلَهُ مُدَّةٌ وَهُوَ أَكْثَرُ مِنْ أَرْبَعَةِ أَحْرَفٍ حُذِفْنَا

Таржима: Агар мунодо исмнинг охирида икки ҳарф зиёда бўлиб, бир зиёдани ҳукмида бўлса, *اسماء* ва *مروان* каби. Ёки мунодо исмнинг охирги ҳарфи саҳиҳ бўлиб, мо қабли мадда яъни сукунли иллат ҳарфи ва ўзидан олдинги ҳаракат ўз жинсидан ваҳоланки мазкур исм тўрт ҳарфдан ортиқ бўлса, охирги икки ҳарф ҳазф қилинади.

Шарҳ: *اسماء* ва *مروان* каби исмлардаги охирги икки ҳарф бир ягона ҳукмда бўлгани учун *يا اسم* ва *يامرو* дедилар. Чунки охирги икки ҳарф ё таънис учун ёки тазкир учун келтирилган эди. Шу боисдан ҳам баровар ҳазф қилинади. Ёки *منصور* ва *عمار* ва *مسكين* каби, охири саҳиҳ, моқабли сукунли ҳарфи иллат, ҳарфи иллатни мо қабли ўз жинсидан, яъни (واو) учун замма,

алиф учун фатҳа (ي) учун касра, ва ҳолонки бу исмлар тўрт ҳарфдан ортиқдир шу боисдан бу каби исмларни охиридан ҳам икки ҳарф ҳазф қилинади. يا عم ва يا منص ва يا مسك дейилади.

وَإِنْ كَانَ مُرَكَّبًا حُذِفَ الْإِسْمُ الْأَخِيرُ

Таржима: Агар мунодо мураккаб исм бўлса охирги исм ҳазф қилинади.

Шарҳ: Мунодо يا معديك ва يا بعلي каби мураккаб исмлар бўлса, нидо қилинганда يا معدي ва يا بعلي деб охирги исмни ҳазф қиладилар.

وَإِنْ كَانَ غَيْرَ ذَلِكَ فَحَرْفٌ وَاحِدٌ

Таржима: Мунодо юқорида зикр қилинган уч қисмдан бўлмаса, уни охиридан фақат биргина ҳарф ҳазф қилинади. Масалан يا مال ва يا حار дейилади. Аслида يا مال ва يا حار эди.

وَهُوَ فِي حُكْمِ الثَّابِتِ عَلَى الْأَكْثَرِ فَيُقَالُ يَا حَارٍ وَيَا ثَمُو وَيَا كَرُو

Таржима: Аксар араблар истеъмолида тархим қилинган ҳарф ҳукмда собитдир. يا حار ва يا ثمو ва يا كرو дейилади.

Шарҳ: Ҳазфдан олдин “ро” касралик эди уни шу бўйича қолдирилди. Ва يا ثمو ҳазфдан олдин вов сокин олдинги ҳаракати замма эди у ҳам шу ҳолда қолдирилди. Ва يا كرو ҳазфдан олдин вов фатҳали эди уни ҳам шу ҳолда қолдирилди.

وَقَدْ يُجْعَلُ إِسْمًا بِرَأْسِهِ فَيُقَالُ يَا حَارُ وَيَا ثَمِي وَيَا كَرَا

Таржима: Баъзида тархим қилинган мунодо исм гўёки ҳеч қандай тархим қилинмаган, бутун бошли исм каби истеъмол қилинади. Бас يا حار ва يا ثمي ва يا كرا дейилади.

Шарҳ: يا حار да “ро” ҳарфини замма билан яъни, мунодо муфрад маърифа бўлганидан ва “ро” исмни охирги ҳарфи бўлганидан заммага мабний қилиб: يا حار дейилади. يا ثمي да эса аслида يا ثمو бўлган. Вовни (ي)га ва заммани касрага қалб

қилинди. *يا كرا* да эса *يا كرو* эди. Вов ҳаракатлик, олдидаги фатҳа бўлгани учун алифга қалб қилинди *يا كرا* бўлди.

وَقَدْ اسْتَعْمَلُوا صِيغَةَ النَّدَاءِ فِي الْمُنْدُوبِ وَهُوَ الْمُتَفَجَّعُ عَلَيْهِ بِيَا أَوْ وَا

Таржима: Дарҳақиқат (араблар) нидо сийғасини яъни, нидо ҳарфини мандубда истеъмол қилдилар. Мандуб у ўликдир. унинг учун (يا) ва (وا) сийғаси билан овоз чиқариб йиғлайдилар.

وَاخْتَصَّ بِوَا

Таржима: Мандуб учун *وا* калимаси хосдир.

Шарҳ: (يا) ҳарфи мунодода ҳам мандубда ҳам истеъмол қилинади. Аммо *وا* ҳарфи эса фақат мандубга хосдир.

وَحُكْمُهُ فِي الْإِعْرَابِ وَالْبِنَاءِ حُكْمُ الْمُنَادَى

Таржима: Мандубни эъробда ва бинода ҳукми мунодони ҳукми кабидир.

Шарҳ: Ҳар қачон муфрад маърифа бўлса, заммага мабний бўлади. Ва ҳар қачон музоф бўлса, мансуб бўлади. Агар лом билан мустағос бўлса мажрур бўлади. Бордию алиф билан мустағос бўлса, мафтух бўлади.

وَلَكَ زِيَادَةُ الْأَلِفِ فِي آخِرِهِ

Таржима: Овозни чўзиш жиҳатидан мандуб исмни охирига алифни зиёда қилмоқлик сенга рухсатдир. *وا زيدا، وا زيدا*

فَإِنْ خِفْتَ اللَّبْسَ قُلْتَ وَ غَلَامِكِيهِ وَوَا غَلَامِكُمُوهُ وَلَكَ الْهَاءُ فِي الْوَقْفِ

Таржима: Агар алиф зиёда қилмоқ ноаниқликка сабаб бўлса, алиф ўрнига (واو) ва (ي) ни киритасан. Лекин *ها* билан вақф қилмоқлик сенга рухсатдир.

Шарҳ: Масалан *وا غلامك* бу сенга муаннас мухотабани воҳидасидир. Агар алиф зиёда қилинса *وا غلامكا* бўлиб, музаккар мухотабни воҳидига ўхшаб қолади. Шу боисдан касрага муносиб (ي) келтирилади ва *وا غلامكي* дейилади. Вақф ҳолатида

(ها) ни зиёда қилиб, و غلامكیه дейсан. Худди шунингдек да ва غلامكم алиф (ا) зиёда қилсанг و غلامكما бўлади. Музаққар мухотаб жамъи музаққар мухотаб тасниясига ўхшаб қолади. Шу боисдан (واو) ни зиёда қилиб, وا غلامكمو дейсан. Вақф ҳолатда وا غلامكموه дейсан.

وَلَا يُنْدَبُ إِلَّا الْمَعْرُوفُ فَلَا يُقَالُ وَارْجُلَاهُ وَامْتَنَعَ وَارْجُلَاهُ وَارْجُلَاهُ خِلَافًا لِيُونُسَ

Таржима: Фақатгина маъруф исмли киши нудба қилинади. Яъни маълум ва машҳур киши учунгина йиғлайдилар. Шунинг учун وا رجلاه дейилмайди. Ва Юнусга хилоф равишда وا زيد الطويله таркиби мумтаниъдир яъни ман этилган таркибдир.

Шарҳ: Маълум ва машҳур, яъни таниқли кишига йиғлайдилар. Токи эшитувчилар йиғлагувчининг изтироблари ва ҳаркатларини кўриб, уни маъзур тутадилар. Агар номаълум киши учун йиғлаб, дод вой солсалар масхара бўлишиларига сабаб бўлади. Мандуб исмни сифатига алифни илҳоқ қилиш мумтаниъдир. Яъни وا زيد الطويله каби.

زيد الطويل ни сифатига алиф зоида қилиш мумтаниъдир. Аммо Юнус алифни сифатга илҳоқини жоиз деганлар.

وا من حفر بئر زمزماه. Чунки сифат мавсуфни татиммаси (охири) дир. Бу ерда بئر ни сифат زمزم ва уни охирига алифни илҳоқ қилганлар.

وَيَجُوزُ حَذْفُ حَرْفِ التَّدَايِ إِلَّا مَعَ اسْمِ الْجِنْسِ وَالْإِشَارَةِ وَالْمُسْتَعَاثِ وَالْمُنْدُوبِ

Таржима: Қарийна бўлганда исми жинс ва исми ишора ва мустағос ва мандуб исмлардан бошқа исмларда нидо ҳарфини ҳазфи жоиздир.

Шарҳ: Нидо ҳарф киришдан олдин исм накра бўлса, ундан нидо ҳарфини ҳазф қилмоқ жоиз эмас. Чунки у исм алам каби кўп истеъмол эмасдир. Худди шунингдек исми ишорадан ҳам нидо ҳарфини ҳазф қилиб бўлмайди. Чунки у исми жинс ҳукмига эгадир. Худди шунингдек мустағосдан

ҳам мандубдан ҳам нидо ҳарфини ҳазфи жоиз эмас. Чунки бу икки суратда товушини чўзиш талаб қилингандир. Ҳазф эса унга мунофий (яъни, нафий қилувчисидир).

نَحْوُ يُوسُفَ أَعْرَضَ عَنْ هَذَا

Тақдири калом *يا يوسف اعرض عن هذا* нидо ҳарфини ҳазф қилдилар. Чунки *يوسف* исми алам бўлиб, исми жинс эмасдир. *يا الله* калимаси ҳам дуода воқеъ бўлган. Аслида *يا الله* эди. Нидо ҳарфини ҳазф қилиб, ундан ташдидлик мимни эваз келтирилди ва *اللهم* бўлди.

وَأَيُّهَا الرَّجُلُ

Бу таркибни тақдири ҳам *يا أيها الرجل* эди. Нидо ҳарфини ҳазф қилинди. Чунки мунодо, исми жинс ҳам мутағос ҳам ва мандуб ҳам эмас.

وَشَدَّ أَصْبَحُ لَيْلٍ وَافْتَدَى مَخْنُوقٌ وَاطْرُقَ كَرَا

Бу уч таркибида нидо ҳарфи қиёсан эмас балки шоз (оз) тариқасида ҳазф қилинган.

ليل اصبح яъни, эй кечаси субҳга кирган .

افتد مخنوق эй бўғилган киши! фидя бериб, ўзингни қутқар.

كرا اطرق бу бўрини овлашдаги афсундир. Яъни эй бўри! кўзингни юм ва бошингни эг, чунки туяқуш сендан чаққон ва зўравондир. Лекин уни қўлга олганлар ва у қишлоқдадир.

Тақдири калом аслида *كرا دير. كرا اطرق كرا واطرق كرا ان النعامه في القرى* аслида *كروان* балиқчи қуш кечаси билан ухламайди.

النعامه туяқуш.

القرى қишлоқ

اطرق кўзингни юм ва бошингни эг.

وَقَدْ يُحَدِّثُ الْمُنَادَى لِقِيَامِ قَرِينَةٍ جَوَازًا مِثْلُ الْأَى سَجْدُوا

Таржима: Гоҳида қарийна мавжуд бўлганда мунодо жоиз равишда ҳазф қилинади. Масалан: *الا يسجدوا*.

Шарҳ: Каломни тақдири *الا يا قوم اسجدوا* мунодо *قوم* ни ҳазф қилинди. Чунки нидо ҳарфи феълга кирмаслиги қарийнадир.

الثَّالِثُ مَا أُضْمِرَ عَامِلُهُ عَلَى شَرِيظَةِ التَّفْسِيرِ

Таржима: Учунчиси шундай “мафъулу бих”ки тафсир шарти билан уни омили измор қилинади яъни тақдирда (ташлаб юборилади).

Шарҳ: Измор музмарни маъноси яширин дилда бўлади. Аммо бу ерда уни тақдир деб олдик. Мафъулу бихни омилини вожиб равишда ҳазф қилиш ўринларидан учинчиси шундай мафъулу бихки, уни омили тафсир шарти билан измор қилинади яъни, ташлаб юборилади.

وَهُوَ كُلُّ اسْمٍ بَعْدَهُ فِعْلٌ أَوْ شِبْهُهُ مُشْتَعِلٌ عَنْهُ بِضَمِّهِ أَوْ مُتَعَلِّقٌ بِحَيْثُ لَوْ سُلِّطَ عَلَيْهِ هُوَ أَوْ مُنَاسِبُهُ
لِنَصْبِهِ

Таржима: У (яъни, тафсир шарти билан омили тақдир қилинадиган мафъулу бих) шундай исмки, ундан сўнг феъл ёки шибҳи феъл келиб, ўша исмдан фориғ бўлиб, уни замирига ёки мутааллиқига машғул бўлса, агар мазкур феъл ёки шибҳи феълни ўзи ёки муносиби ўша исмга омил қилинса (ҳукм берилса) албатта ўша исмни насб қилади.

Шарҳ: Қарийна қоим бўлганда яъни далил топилганда мафъулу бихни омили вожиб равишда ҳазф бўлиш ўринларидан учинчиси шундай мафъулу бихки, уни омили тафсир шарти билан измор (тақдир) қилинади.

Масалан *زيدا* да *ضربت* феъл фоиъли билан *زيدا* дан фориғ бўлиб, уни замирига машғул бўлмоқда. Аммо шундай бўлсада *ضربت* феъл фоъил ва мафъулу бих ҳаммаси бир бўлиб, *زيدا* дан олдин музмар феълга муфассир бўлиб, уни музмарлигига ҳам қарийна бўлмоқда. Шунда *زيدا* дан олдинги маҳзуф музмар феълни муфассар, дейилади. *زيدا* дан кейинги феълни эса муфассир, дейилади. Муфассар феълни вожиб равишда ҳазф қилишни сабаби шулки, агар уни ҳазф қилинмаса муфассар билан муфассир жамъ келади. Шундан сақланиш учун ҳазф

қилинади. Матнда *لو سلط عليه هو أو مناسبه لنصبه* ибора келган. Агар ўша исмга муфассир феъл ёки шибҳи феълни нақд ўзи ёки муносиби ва лозим қулувчиси омил қилинса ўша исмни насб қилади. Юқоридаги *زيدا* мисолида *زيدا* га муфассир феълни нақд ўзини мусаллат қилинса, шунда *زيدا* ни мафъулу бихи қилиб, насб қилади. Бу матнда келган тўрта мисолни биринчисидир. Қолган учтасида эса феъл ёки шибҳи феълни муносибини мусаллат қилиш мумкин. Муносиби деганда, уни муродифи ва лозим қилгувчиси тушунилади.

مِثْلُ زَيْدًا ضَرَبْتُهُ

Бу биринчи мисолни шарҳи ўтди.

Иккинчи мисол:

وَزَيْدًا مَرَرْتُ بِهِ

مررت га бўлади. феъл *مررت* ва жар мажрур мутааллиқ

Хаммаси муфассир бўлиб, *زيدا* ни мафъули бихи қилиб насб қилгувчи муфассар феълни маҳзуфлигига қарийнадир.

Аммо ушбу *مررت* муфассир феълни нақд ўзини *زيدا* га мусаллат яъни омил қила олмайсан, чунки *مررت* лозим феълдир. Шу боисдан ушбу феълнинг муродифи, мутааддий феълни мусаллат (омил) қилинади. Ушбу феъл эса *جاوزت* дир.

Учинчиси:

زيدا ضربت غلامه

бўлиб, бу мисолда исмдан кейин келган феъл *ضربت* феъли ушбу исмни мутааллиқини замирига амал қилмоқда. Бу мисолда *غلامه* феъл *ضربت* феъл фойил мафъул ва музоф ҳамда музофун илайҳи *زيدا* дан олдин маҳзуф феълга қарийнадир. Лекин бу феълни нақд ўзини ёки муродифини омил қилиб бўлмайди. Фақатгина ўша феъл маъносининг лозимини омил қила оласан. Маъносининг лозими эса *آهنت* дир, яъни ғуломни урмоқлик. Сайидни хўрланишига сабаб бўлади.

Тўртинчиси: وَزَيْدًا حُبِسْتُ عَلَيْهِ

Бу мисолда ҳам حبست عليه ўзидан олдинги мансуб исмни маҳзуфлигига қарийна бўлиб, уни тафсир қилиб келмоқда. Ўша маҳзуф феъл муфассир феълнинг маъносини лозимидир. Яъни لا بست дир, чунки Зайд туфайли ҳибсга тушиш Зайд билан алоқадорлигини лозим қилади яъни, билдиради.

يُنْصَبُ بِفِعْلِ مُضْمَرٍ يُفَسِّرُهُ مَا بَعْدَهُ

Таржима: Бу юқоридаги мисолларда زيد ушбу исмдан сўнг келувчи муфассир феъл туфайли муфассар бўлувчи муқаддар феъл билан насб қилинади.

أَيُّ ضَرْبٍ وَجَاوَزْتُ وَأَهْنْتُ وَلَا بَسْتُ

Яъни урдим, ўтдим, хорладим ва шерик бўлдим.

Шарҳ: Аввалги мисолда, мафъулу бихини насб қилувчи маҳзуф феъл ضربت дир. Тақдири калом ضربت زيدا ни насб қилувчи маҳзуф феъл, яъни муфассир феъл ضربت дир. Уни муфассири زيدا дан кейин келган муфассир феъл иккинчи ضربت дир. Иккинчи ضربت ни борлиги учун биринчи ضربت измор қилинди. Яъни муқаддар қилинди. Қолган уч мисолимиз ҳам шунга қиёсдир. Иккинчи мисолда مررت ни муродифи جاوزت муқаддардир. Каломни тақдири به مررت زيدا جاوزت дир. Учинчи мисолда феъли آهنت غلامه ضربت ни муфасаридир. Чунки ғуломни урмоқлик сайидини ихонатини лозим қилади. Тўртинчи мисолда эса لا بست عليه حبست ни муфассаридир. Чунки Зайд туфайли маҳбус бўлишлик у билан алоқаманд эканлигига далилдир.

وَيُخْتَارُ الرَّفْعُ بِالْإِبْتِدَاءِ عِنْدَ عَدَمِ قَرِينَةٍ خِلَافِهِ

Таржима: Рафъни зиддига қарийна мавжуд бўлмаса мазкур исм ибтидо сабабидан рафъ қилиниши ихтиёр қилингандир.

أَوْ عِنْدَ وُجُودِ أَقْوَى مِنْهَا

Таржима: Рафъни қарийнаси насбни қарийнасидан қувватлироқ бўлганда ҳам мазкур исмни рафъи ихтиёр қилингандир.

Шарҳ: Масалан *زيد ضربته* бу таркибда ҳам насбни ва ҳам рафъни қарийнаси мавжуддир. Чунки *زيد* ни мубтадо билан рафъ ҳамда мафъулу бих билан насб қилиш мумкин. Аммо рафъ билан бўлганда уни хилофига қарийна топилмагани учун ҳазф лозим келмайди. Шу боисдан рафъ ихтиёр қилингандир.

كَأَمَّا مَعَ غَيْرِ الطَّلَبِ

Таржима: Ғойри талаб билан бўлган *اما* каби.

Шарҳ: Мазкур исмга кирувчи исм шундай феъл билан бирга бўлиши керакки, ўша феъл мазкур исмни замири билан машғул бўлиб, ғойри талаб билан бўлиши керак. Яъни, амр, наҳий ва истифҳом бўлмаслиги керак.

Масалан *زيد فأكرمته* қавм билан мулоқот қилдим ва аммо Зайдни ҳурмат қилдим. Бу мисолда *اما* рафъни қарийнасидирки, у кўпинча жумлаи исмияга киради. Насбни қарийнаси эса жумлаи феълийяга атф бўлмоқлигидир. Бу ерда рафъни қарийнаси қувватлироқдир. Чунки агар рафъ билан, ўқилса ҳеч қандай ҳазф лозим келмайди. Шу сабаб рафъни қарийнаси қувватлироқдир. Агар насб билан ўқилса ҳазф лозим келади.

وَإِذَا لِلْمُفَاجَأَةِ

Худди шунингдек *إذا* муфोजаат яъни, тўсатдан учун бўлса ундан кейин келадиган исмни ҳам рафъи ихтиёр қилингандир.

Масалан *خرجت فإذا زيد يضربه عمرو*. Ташқарига чиқиб қарасам Амр Зайдни урмоқда. Бу мисолда *إذا* муфोजаа *زيد* ни рафъ ўқилишига қарийнадир. Жумлаи феълийяни жумлаи феълийяга атфи эса *زيدا* ни насб ўқилишини қарийнасидир.

Аммо рафъни қарийнаси қувватлироқдир. Чунки ҳазф лозим келмайди.

وَيُخْتَارُ النَّصْبُ بِالْعَطْفِ عَلَى جُمْلَةٍ فِعْلِيَّةٍ لِلتَّنَاسُبِ

Таржима: Мазкур исмни мутаносиблик учун жумлаи феълийга атф сабабли насб қилмоқ ихтиёр қилингандир.

Шарҳ: Масалан خرجت فريدا لقيته ташқарига чикдим ва Зайдни учратдим, خرجت феъл фоъил, (فا) атф ҳарфи, زيدا маҳзуф феълни мафъул бихисидир. Тақдири калом لقيته زيدا لقيت, иккинчи لقيت маҳзуф феълни муфассиридир. Бу ерда рафъни қарийнаси ҳам насбни қарийнаси ҳам мавжуддир. Лекин насбни қарийнаси қувватлироқдир. Чунки жумлани мутаносиблиги ҳам муҳимдир.

وَبَعْدَ حَرْفِ التَّنْفِي وَالْإِسْتِفْهَامِ وَإِذَا الشَّرْطِيَّةِ وَحَيْثُ

Таржима: Худди шунингдек мазкур исм нафий ҳарфидан ва истифҳом ҳарфидан إذا шартийядан ва حيث дан ва феъли амр ва наҳийдан кейин келса, уни насб ўқишлик ихтиёр қилингандир.

Шарҳ: Бу ердаги нафий ҳарфидан мурод ما ва لا ва ان дир. Масалан: ما ضربت زيدا ضربته الا تأديبا бу каломнинг тақдири ما ضربت زيدا ضربته дир. Бу ўринда زيدا нинг насби ихтиёр қилинган. Чунки нафий ҳарфлари феълга киради.

Юқорида истифҳом ҳарфидан кейин дедик. Масалан أزيدا زيدا каломнинг тақдири اضربت زيدا ضربته. Бу мисолда ҳам زيدا нинг насб бўлиши ихтиёр қилинганд Чунки истифҳом ҳарфлари феълга киради. Ва яна юқорида وإذا шартийядан кейин дедик. Масалан إذا عبد الله تلقيته فاکرمه, бу каломнинг тақдири إذا عبد الله تلقيته فاکرمه дир. Бу мисолда ҳам عبد الله исмни насб ўқишлик ихтиёр қилинган. Чунки إذا шартийя феълга киради.

حيث дан кейин дедик. Масалан *حيث زيدا تجده فاکرمه*, каломнинг тақдири *حيث تجد زيدا تجده فاکرمه* дир. Бу мисолда ҳам *زيدا* ни насб ўқишлик ихтиёр қилинган. Чунки *حيث* калимаси ҳам феълга киради.

وَفِي الْأَمْرِ وَالنَّهْيِ

Худди шунингдек мазкур исм амрдан ва наҳийдан олдин келса унинг насб бўлиши ихтиёр қилинган.

Масалан *زيدا اضربه*, каломнинг тақдири *زيدا اضربه* дир. Бу мисолда ҳам *زيدا* нинг насб бўлиши ихтиёр қилинган. Агар *زيد* рафъ билан ўқиб *زيد اضربه* десак, жумлаи иншоийя яъни, *اضربه* мубтадони хабари ўрнига тушади. Ваҳоланки бу раво эмас.

إِذْ هِيَ مَوَاقِعُ الْفِعْلِ

Таржима: Юқоридаги мисолларни барчасида мазкур исмни насб бўлиши ихтиёр қилинган. Чунки булар феъл воқеъ бўладиган ўриндир.

وَعِنْدَ خَوْفٍ لَبَسِ الْمُفَسِّرِ بِالصِّفَةِ

Таржима: Муфассир феъл билан сифат ноаниқ бўлиши хавфи бўлганида ҳам мазкур исмни насб билан ўқишлик ихтиёр қилинган.

Шарҳ: Мазкур исм агар рафъ билан ўқилса феъл мазкур исмни насб ҳолида муфассир бўлади. Агар мазкур исм рафъ билан ўқилса феъл эса сифатга ноаниқ бўлиб, маъно эса фосид бўлади.

مِثْلُ إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ

Таржима: Аллоҳ таолонинг сўзидаги “Биз ҳамма нарсани ўлчов билан халқ қилдик” оятида каломнинг тақдири *كل* *انا خلقنا كل* *شيء خلقناه بقدر*. Агар *كل* ни рафъ билан ўқисак насб ҳолатидаги муфассир *شيء - خلقت* ни сифати бўлиши эҳтимоли бор бўлади. Бу ҳолда маъно қуйидагича бўлади. Махлуқ сифатли ҳар бир нарсани ўлчов билан биз яратдик. Бу ерда Аллоҳ таолодан

وَلَيْسَ مِثْلُ أَزِيدَ ذُهَبٍ بِهِ مِنْهُ

Бу таркиб *شريطة التفسير* ма азмр عامله على дан эмас.

فَالرَّفْعُ لَازِمٌ

Мазкур исм *زيد* нинг рафъи лозимдир. Чунки истифҳом ҳамзасидан кейин келмоқда. Ва *زيدا* ни насби мухтордир.

Аммо бу таркиб *شريطة التفسير* бобидан эмас. Чунки *زيد* га омил қилинса *زيد* ни насб қилолмайди. Зеро *ذهب* аввало мажхулдир. Иккинчидан лозим феълдир.

وَكَذَلِكَ كُلُّ شَيْءٍ فَعَلُوهُ فِي الزُّبْرِ

Ушбу таркиб ҳам *شريطة* бобидан эмас. Маъноси, бажарган ҳамма амаллари номаи аъмолида ёзилгандир. Агар *فعلوا في الزبر* га мутааллиқ бўлса, уни маъносини фасод бўлиши зоҳирдир. *فعلوا كل شيء في الزبور* бўлади. Ҳамма нарсани Зубурда қилдилар бўлади. Бу ерда асло ундай эмас. Аммо Кироман котибин номли фаришталар амалларини номаи аъмолларига олиб бориб, ёзиб қўядилар. Ва агар *فعلوا في الزبر* ни сифати қилинса, унда маъноси, сифати Забурда собит бўлиб, ҳамма нарсани бажарган бўлади. Бу ҳам раво эмас. Мақсад эса, улар ҳар нарсани бажардилар. У эса Забурдадир. Демак уни рафъ билан ўқиш лозим бўлади. *فعلوا في الزبر* ни сифати ва *فعلوا في الزبر* ни эса уни хабари деб ўқимоқ керак. Шунда мақсад қилинган маъно ҳосил бўлади.

وَنَحْوُ: الزَّانِيَةُ وَالزَّانِي فَاجْلِدُوا كُلَّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا مِائَةَ جَلْدَةٍ. الْفَاءُ بِمَعْنَى الشَّرْطِ عِنْدَ الْمُبَرَّدِ وَجُمَلَتَانِ عِنْدَ سَبْيُوهِ

Таржима: Шайх Мубарррад наздиларида, ушбу Аллоҳ таолонинг сўзидаги каби жумлалардаги (فا) шарт маъносидадир. Шайх Сибавайх наздларида эса ушбу оят икки жумладир.

Шарҳ: *السارق والسارقة فاقطعوا* ва *الزانية والزاني فاجلدوا* ОЯТ

ما اضمр عامله على شريطة التفسير тафсир шарти билан мафъулу бихни ташламоқ бобидандир. Насб ўқишлик ихтиёр қилинган. Чунки бунда муфассир амр феълидир.

Аммо етти қироат соҳиблари иттифоқ қилган ҳолда рафъ билан ўқиганлар. Лекин иттифоқлари маржух кўриниш билан жоиз эмас. Оятларни бу бобдан чиқариш учун уларни таъвил қилишга эҳтиёж тушди. Шайх Мубаррад қуйидагича таъвил қилдилар. فاقطعوا ва فاجلدوا (فا) жазо ҳукмидаги (فا) дир. Демак (فا) дан кейин келган феъл (فا) дан олдин келган исмга амал қила олмайди. Шу боисдан уни ўзидан олдин келган исмга омил қилиб бўлмайди. Шу боисдан ما اضمр عامله على شريطة التفسير бобидан эмас. Сибавайх эса бу оятни икки жумла деганлар. Яъни биринчи жумла [حكم] الزانية والزاني - في ما يتلى عليكم بعد. Демак ушбу жумлани хабари музофи маҳзуф мубтадодир. فاجلدوا иккинчи жумладир. (فا) эса, сабабийядир. ان ثبت زناها فاجلدوا яъни агар икковларидан зино собит бўлса дарра уринглар. Бу ерда ваъда қилинган ҳукми баёни учундир. Демак иккинчи жумладаги феъл فاجلدوا биринчи жумладаги исм الزانية га амал қила олмайди. Шу сабабдан бу таркибни ما اضمр عامله على شريطة التفسير тафсир шарти билан омили музмар (ташланган) мафъулу бихи бобидан ҳисобланмайди.

وَالْأَفَالْمُخْتَارُ النَّصْبُ

Таржима: Агар ундоқ бўлмаса насб мухтордир.

Шарҳ: Яъни (فا) шарт маъносида бўлмаса, Мубаррадни мазҳаби бўйича ва Сибавайх мазҳаби бўйича оят икки жумла бўлмаса исмни насб ўқилиши мухтор бўлар эди. Аммо етти қироат соҳибларидан ҳеч бири насб билан ўқимаганлар. Демак бу таъвил дуруст эмас экан.

الرَّابِعُ التَّحْذِيرُ وَهُوَ مَعْمُولٌ بِتَقْدِيرِ اتَّقِ تَحْذِيرًا مِمَّا بَعْدَهُ أَوْ ذَكَرَ الْمُحَذَّرُ مِنْهُ مُكْرَرًا

Таржима: Мафъулу бих омилини вожиб равишда ҳазф бўлиши ўринларидан тўртинчиси таҳзирдир. Бу ўринда

феълни ҳазф бўлишини вожиблиги вақтни тиғизлигидадир. Таҳзир сўзи луғатда “қўрқитмоқ”, деган маънони англатади. Истилоҳда эса маҳзуф اتق ни маъмулидир. Бу эса икки қисмдир.

Биринчиси: اتق бўлиб, тақдири билан мансубдир. Яъни اتق лафзи билан ундан кейин келадиган нарсани қўрқитилган.

Иккинчиси: муҳаззар минху (қўрқитилган нарса) муқаррар бўлган муқаддар اتق билан мансубдир.

نَحْو: إِيَّاكَ وَالْأَسَدَ

Таржима: Ўзингни шердан ва шерни ўзингдан узоқлаштиргин.

Шарҳ: Тақдири калом اتق نفسك من الأسد дир. Афсуски вақтнинг тиғизлигидан ушбу каломдан اتق ва من نفس ҳамда اتق ни ҳазф қилиб, муттасил замир (ك) ни мунфасил замир (اياك) га бадал қилинди اتق اياك والأسد бўлди.

وإِيَّاكَ وَأَنْ تَحْذِفَ

Тақдири калом اتق نفسك وان تحذف, қуённи асо билан урмоқ, сўзи ҳазф қилинди. Ўзингни қуённи асо билан урмоқликдан ва қуённи асо билан урмоқликни ўзингдан узоқлаштирган. Бу икки мисол биринчи хил таҳзирдандир. Бу мисолда ҳам завоидларни ҳазф қилинди. Иккинчи хил таҳзир эса

وَالطَّرِيقَ الطَّرِيقَ

тақдири калом اتق الطريق ўзингни эҳтиёт қилгин, йўл хатарлидир, деган маънода. Бу ерда ҳам феълни ҳазф қилинди. Чунки вақт зиқ ва фурсат йўқдир. Лекин шуни билмоқ керакки, биринчи мисолда اتق феълдан بعد муносиброкдир. Ва иккинчи мисолда бунини акси муносибдир. Чунки اتق زيدا من الأسد زيدا اتق زيدا Зайдни шердан қўрқитдим дейилмайди. Балки, Зайдни шердан узоқлаштирадим, дейилади.

وَتَقُولُ إِيَّاكَ مِنَ الْأَسَدِ وَمِنْ أَنْ تُحَذَفَ وَإِيَّاكَ أَنْ تُحَذَفَ بِتَقْدِيرٍ مِنْ وَلَا تَقُولُ إِيَّاكَ الْأَسَدَ لِامْتِنَاعِ تَقْدِيرِ
مِنْ

Таржима: Биринчи навъ таҳзирда إياك من الأسد ва ان تحذف إياك من ان تحذف, ва ни тақдир қилиб, إياك من الأسد ҳам дея оласан. Аммо إياك من الأسد дея олмайсан. Чунки сариҳ (очиқча бўлган) исмдан жор ҳарфи бўлмиш من ни ҳазф қилиш ман этилгандир.

Шарҳ: Биринчи навъ мисолимиз إياك وان تحذف والأسد Эди. Ушбу икки мисолда отифа (واو) ўрнига من ишлатсак ҳам бўлади. إياك من ان تحذف والأسد ва إياك من ان تحذف яъни отифа вов ўрнига жор ҳарфи билан ان تحذف, إياك من ان تحذف да эса من ни тақдир қилиб, إياك من ان تحذف демоқлик жоиздир. Лекин إياك من харфини ҳазф қилиб, إياك من деб бўлмайди. Чунки من харфини сариҳ (очиқча бўлган) исмдан ҳазф қилмоқ ман этилган.

Мафъулу фийҳнинг таърифи

الْمَفْعُولُ فِيهِ وَهُوَ مَا فُعِلَ فِيهِ فِعْلٌ مَذْكُورٌ مِنْ زَمَانٍ أَوْ مَكَانٍ

Таржима: Мафъулу фийҳ шундай замон ва макон исмдирки, ўша замонда ва маконда муқаддар ёки малфуз бўлган мазкур феъл бажарилган бўлади.

وَشَرْطُ نَصْبِهِ تَقْدِيرٌ فِي

Таржима: Мафъулу фийҳни насб бўлиши шарти унда فِي ни муқаддарлигидир.

Шарҳ: Агар فِي малфуз бўлса ўша исм яъни, мафъулу фийҳ мажрур бўлади.

وَوُظُرُوفُ الزَّمَانِ كُلُّهَا تَقْبَلُ ذَلِكَ

Таржима: Замон зарфларини ҳаммаси хоҳ у мубҳам бўлсин хоҳ у муайян бўлсин *في* тақдири билан насбни қабул қилади. *صمت دهرًا* ва *افطرت اليوم* каби.

وَوَظُرُوفُ الْمَكَانِ إِنْ كَانَ مُبْهَمًا قَبْلَ ذَلِكَ

Таржима: Макон зарфлари мубҳам (яъни чегараланмаган) бўлса насбни қабул қилади.

Масалан: *جلست خلفك*.

وَالْأَفْلَاحُ

Таржима: Агар макон исмлари мубҳам бўлмаса яъни, маҳдуд бўлса *في* тақдири билан насбни қабул қилмайди. Масалан: *جلست في المسجد* масжидда ўтирдим. Ўтирган макон маҳдуд яъни чегаралангандир.

وَفُسْرَ الْمُبْهَمِ بِالْجِهَاتِ السِّتِّ

Таржима: Мубҳам исмлар олти жиҳат билан тафсир қилинган.

Шарҳ: Баъзи наҳв олимлари мубҳам маконни олти жиҳат билан тафсир қилганлар.

Улар: *تحت، فوق، شمال، يمين، خلف، أمام*.

Буларни мубҳамлиги шундаки, уни чегараси аниқ эмас.

وَحُمْلَ عَلَيْهِ عِنْدَ وِلْدَى وَشِبْهُهُمَا لَا بِهَا مَهْمَا

Таржима: Мубҳамликни бир навъи мавжудлиги сабабидан *عند* ва *لدى* ва шу кабиларни ҳам мубҳамотга юклагилар.

وَلَفْظُ مَكَانٍ لِكَثْرَتِهِ

Таржима: Худди шунингдек *مكان* лафзини истеъмоли кўплигидан мубҳам маконга юклаганлар.

Масалан: *حبست مكانك*

وَمَا بَعْدَ دَخَلْتُ عَلَى الْأَصْحَاحِ

Таржима: Худди шунингдек دخلت дан кейин келадиган нарсани ҳам саҳиҳ мазҳаб билан мубҳам маконга ҳамл қилдилар.

Шарҳ: Масалан الدار - دخلت الدار мубҳам макон эмас. Аммо касирул истеъмол (яъни, кўп ишлатилгани) сабабидан саҳиҳ мазҳаб бўйича уни мубҳам маконга ҳамл қилиб, насб ўқиганлар. Ғойри саҳиҳ мазҳаб бўйича دخلت ни мутаъаддий ва الدار ни мафъулу бих ўқиганлар. Аммо кучли фикр мафъулу фийҳидир.

وَيُنْصَبُ لِلْعَامِلِ مُضْمَرٍ وَعَلَى شَرْيْطَةِ التَّفْسِيرِ

Таржима: Мафъулу фийҳи музмар (муқаддар) омил билан ва шунингдек, тафсир шарти билан музмар омил орқали ҳам мансуб бўлади.

Шарҳ: Мафъулу фийҳи худди мафъулу бихи каби музмар омил билан мансуб бўлади. Масалан, биров қачон сафар қилдинг деса سافرت يوم الجمعة дейсан. Худди шунингдек, мафъулу фийҳини ҳам омили тафсир шарти билан музмар бўлади. Бу эса мафъулу бихда маълум бўлган эди.

بؤلاذي. صمت يوم الجمعة صمت فيه تاқдири калом يوم الجمعة صمت فيه

Жума куни рўза тутдим.

Мафъулу лаҳунинг таърифи

الْمَفْعُولُ لَهُ هُوَ مَا فُعِلَ لِأَجْلِهِ فِعْلٌ مَذْكُورٌ مِثْلُ ضَرْبَتْهُ تَأْدِيًّا وَقَعَدْتُ عَنِ الْحَرْبِ جُنْبًا خِلَافًا لِلزَّجَاجِ فَإِنَّهُ عِنْدَهُ مَصْدَرٌ

Таржима: Жумхур наҳв олимлари шайх Зужожга хилоф равишда мафъулу лаҳу шундай исмки, ўша исмни ҳосил қилиш учун мазкур феъл бажарган бўлиши керак, дейишган. Дарҳақиқат Зужож наздида эса мафъулу лаҳу лафзи бўлак мафъулу мутлақдир.

Шарҳ: Мазкур феъл лафзан бўлиши ҳам тақдиран бўлиши ҳам мумкин. Бу эса икки қисмдир.

Биринчиси: Шундай мафъулу лаҳуки у феълдан пайдо бўлади ва ўша феълга сабаб бўлади. Масалан ضربته تاديبا таъдиб зарбга сабаб бўлади. Бу қисмни феълнинг асосий илллати ва фоиълнинг мақсади, дейилади.

Иккинчиси: Феълдан олдин ҳосил бўлади ва ўша феълнинг бажариш учун фоъилга боис (ундовчи) бўлади.

Масалан: قعدت عن الحرب جنبا - кўрқоқликдир. У қуъуддан олдин ҳосил бўлган эди. Иккови ҳам фоъилни феълини бажаришга киришиш учун иллат бўлишда шерикдир. Кўпчилик наҳв олимлари наздида мафъулу лаҳу алоҳида собитдир. Аммо Зужож наздида лафзи бўлак мафъулу мутлакдир. Лекин жумхурнинг сўзи тўғрироқдир. Чунки мафъулу лаҳудан иллатни маъноси мафҳум бўлади. Агар масдар тақдир қилинса иллатнинг маъноси мафҳум бўлмайди.

وَشَرَطُ نَصْبِهِ تَقْدِيرُ الْأَمِّ

Таржима: Мафъулу лаҳуни насб бўлишини шарт ломни тақдирдир.

Шарҳ: Мафъулу фийҳида (ي) ни тақдири қанчалик мўътабар бўлса мафъулу лаҳуда ҳам (ل)ни тақдири шунчалик мўътабардир. Агар (ل) малфуз бўлса, мафъулу лаҳу мажрур бўлади.

وَإِنَّمَا يَجُوزُ حَذْفُهَا إِذَا كَانَ فِعْلاً لِفَاعِلِ الْفِعْلِ الْمُعَلَّلِ بِهِ وَمُقَارِنًا لَهُ فِي الْوُجُودِ

Таржима: Ҳар қачон мафъулу лаҳу ушбу мафъулу лаҳуга сабаб бўлувчи феъл фоъилни феъли бўлиб, яна ушбу мафъулу лаҳу вужудда мазкур феълга муқорин бўлса, мафъулу лаҳудаги ل ни ҳазфи жоиз бўлади.

Шарҳ: Ҳар қачон мафъулу лаҳу билан унинг омилини фоъили муттаҳид (бир нарса) бўлса ҳам шундайдир. Масалан ضربته تاديبا да ضرب билан تاديبа нинг фоъили ягона шахс

мутакаллимдир. Шу билан бирга ضرب билан تأديا ни вақти ҳам бирдир. Демак бундай мафъулу лаҳуни (ل)ини ҳазф қилмоқ жоиздир. Лекин جنتك لاكرامك إياي бу мисолда мафъулу лаҳуни (ل) ломини ҳазф қилиш жоиз эмас. Чунки اكرام мухотабни ва مجيئ мутакаллимнинг феълидир. Худди шуниндек қуйидаги мисолда (ل) ни ҳазф қилиб бўлмайди.

جنتك اليوم لاكرامي غدا. Чунки اكرام ва مجيئ замонда бир бирига яқин эмас.

Мафъулу маъанинг таърифи

الْمَفْعُولُ مَعَهُ هُوَ مَذْكُورٌ بَعْدَ الْوَاوِ لِْمُصَاحَبَةِ مَعْمُولٍ فِعْلٍ لَفْظًا أَوْ مَعْنَى

Таржима: Мафъулу маъа шундай исмдирки, у лафзда ёки маънода келган феълни маъмули билан (мусоҳиб) бирга бўлиш учун маъа маъносидаги (واو) дан кейин мазкур бўлади.

Шарҳ: Масалан استوى الماء والخشبة. Бу мисолимизда феъл лафзда келган маъмул, الماء феълни фоъилидир. (واو) эса “бирга” маъносидадир, الحسبة эса мафъулу маъадир. Чунки маъа маъносидаги (واو) дан кейин келиб, феълнинг маъмули билан бирга бўлмоқда. كفى феъл маъмули (ك) мафъулу биҳи وزيدا (واو) маъа маъносида, زيدا эса мафъулу маъадир. Бу икки мисолда феъл лафзан келган مالک وزيدا бу мисолда феъл маънавийдир. Такдири калом ما تصنع وزيدا бўлади.

فَإِنْ كَانَ الْفِعْلُ لَفْظًا وَجَازَ الْعَطْفُ فَالْوَجْهَانِ نَحْوُ جِئْتُ أَنَا وَزَيْدٌ وَزَيْدًا

Таржима: Агар феъл лафзда бўлса ва вовдан кейин келган иборани вовдан олдинги иборага атфи жоиз бўлса, бундай таркибда икки кўриниш жоиздир.

Шарҳ: Масалан *جئت أنا وزيد* ушбу мисолимизда *جئت أنا وزيد* деб *زيد* ни муттасил замирдан мунфасил бўлган *أنا* га атф қилиб рафъ ўқишлик ҳам жоиздир. Ёки *جئت أنا وزيدا* деб *زيدا* ни мафъулу маъа қилиб насб ўқишлик ҳам жоиздир.

وَالأ تَعَيَّنَ النَّصْبُ مِثْلُ جِئْتُ وَزَيْدًا

Таржима: Агар атф жоиз бўлмаса насб тайинланади. Масалан: *جئت وزيدا*, бу мисолда феъл лафзий бўлган. Лекин вовдан кейинги исмни вовдан олдинги муттасил замирга атф қилиш мумкин эмас. Чунки муттасил замир калимани бир жузъидир. У мунфасил замир билан мустақил бўлмаган. Каломда маътуф билан маътуф алайҳи ўртасида фосила бўлмаганлиги учун атф қилиш мумкин эмас.

وَإِنْ كَانَ مَعْنَى وَجَارَ الْعَطْفُ تَعَيَّنَ الْعَطْفُ مِثْلُ مَا لَزِيْدٍ وَعَمْرٍو وَالأ تَعَيَّنَ النَّصْبُ مِثْلُ: مَا لَكَ وَزَيْدًا وَمَا شَأْنُكَ وَعَمْرًا لِأَنَّ الْمَعْنَى مَا تَصْنَعُ

Таржима: Агар феъл лафзда эмас маънода бўлиб, атф жоиз бўлса атф тайин бўлади. Масалан *ما لزيد وعمرو* каби. Агар атф жоиз бўлмаса насб тайинланади. Масалан *ما لك وزيدا* ва *ما شأنك* маъноси учун атф қилиш мумкин эмас. Чунки маъноси *ما تصنع* дир.

Шарҳ: Агар феъл маънавий бўлиб, вовдан кейин келган нарсани вовни олдидаги нарсага атф қилмоқ жоиз бўлса бу ҳолда атф мутаайин бўлади. Масалан *ما لزيد وعمرو* тақдири калом *أي شيء ثبت لزيد مع عمرو*. Зайд билан Амрга нима бўлди ўзи, ёки *ما يصنع زيد مع عمرو* Зайд Амрга нима қилди ўзи. Бу ерда Амр Зайдга маътуф бўлиб, мажрур бўлмоқда. Амр мафъулу маъа бўлиб, мансуб бўла олмайди. Чунки маънавий феъл амалда заиф бўлади. Ва шу билан бирга у мукқаддар бўлади. Атф зоҳир нарсадир. Демак зоҳир нарсани махфий ва заиф учун тарк қилмоқ дуруст эмас. Агар вовдан кейинги иборани вовдан олдинги иборага атфи жоиз бўлмаса мафъулум маъа бўлгани сабабли насб таъйин қилинади. Масалан *ما لك وزيدا*

ва ما تصنع مع زيد . ما شأنك وعمرا . Тақдири калом . Бу суратда атф жоиз эмас. Буни баёни иншааллоҳ келгуси дарсларда келади.

Ҳолнинг таърифи

الْحَالُ مَا يُبَيِّنُ هَيْئَةَ الْفَاعِلِ أَوْ الْمَفْعُولِ بِهِ لَفْظًا أَوْ مَعْنَى مِثْلُ ضَرَبْتُ زَيْدًا قَائِمًا وَزَيْدٌ فِي الدَّارِ قَائِمًا وَهَذَا زَيْدٌ قَائِمًا

Таржима: Ҳол шундай исмки, лафзий ёки маънавий бўлган ҳолдаги фоъилни ёки мафъулни ҳолатини баён қилади. Масалан: هذا زيد قائما ва ضربت زيدا قائما ва هذا زيد قائما каби.

Шарҳ: Шу ергача мансуботни асли бўлган беш мафъулдан фориғ бўлгандан сўнг мафъулнинг фаръи бўлган яъни, “мулҳиқа мафоъил”лардан бўлмиш ҳолга киришилди. Ҳол шундай исмки, фоъилнинг феъли ундан содир бўлаётганда ёки мафъулнинг феъли уни устига тушаётгандаги сифат ва ҳайъатини баён қилади. Фоъил ёки мафъулни ҳар бири лафзда ёки маънода келиши ҳам мумкин.

Масалан: ضربت زيدا قائما. Бу мисол лафзда келган фоъилни ёки мафъулни ҳоли бўла олади. Мен Зайдни тик турган ҳолида урдим. Ёки, мен Зайдни тик турган ҳолимда урдим.

Иккинчи мисол زيد في الدار قائما жумласида ҳолдир. Яъни, зарфдаги мустатир замир (هو) дан ҳолдир. Замир هو эса маънавий фоъилдир. Чунки бу зарф феълни маъносига мутаазамминдир. У феълнинг маъносини ўз ичига олди. Тақдири калом эса زيد حاصل في الدار قائما Зайд қоим ҳолида уйдадир.

Учинчи мисол: هذا زيد قائما. Бу мисолда قائما маънавий мафъулдан ҳолдир, чунки Зайд агар лафзда хабар бўлса ҳам аммо маънода мафъулдир. Яъни тақдири калом أشير هذا زيد قائما. Бу ерда қоим турган нарса бу Зайддир.

وَعَامِلُهَا إِمَّا الْفِعْلُ أَوْ شِبْهُهُ أَوْ مَعْنَاهُ

Таржима: Ҳолнинг омили феъл ёки шибҳи феъл ёки феълнинг маъноси бўлади.

Шарҳ: Шибҳи феъл фобилни исми, мафъулни исми мушаббаҳа сифати, тафзил исми, масдар ёки феълни маъноси бўлади. Феълни маъноси шуки, ундан масдар маъносини чиқариб олиш мумкин. Ҳолни омили феъл бўлгандаги мисол ضربت زيدا قائما дир. Ҳолни омили шибҳи феъл бўлгандаги мисол زيد ضارب غلامه راكبا дир. Ҳолни омили феълни маъноси бўлгандаги мисол زيد في الدار قائما дир.

وَشَرَطُهَا أَنْ تَكُونَ نَكْرَةً وَصَاحِبُهَا مَعْرِفَةٌ غَالِبًا

Таржима: Ҳолнинг шарти накра, соҳиби ҳол эса кўпинча истеъмолда маърифа бўлишидир.

Шарҳ: Ҳолнинг шарти накра бўлишидир, чунки ҳол фобилни ёки мафъулу бихни ҳолини баён қилувчидир. Баён қилишида маърифа бўлишга эҳтиёжи йўқдир. Агар бордию ҳол маърифа бўлса уни тавил қилиш лозим бўлади. Масалан:

وَأَرْسَلَهَا الْعِرَاكُ وَمَرَزْتُ بِهِ وَحْدَهُ وَنَحْوُهُ مُتَأَوَّلٌ

Бу икки мисол муқаддар саволни жавобидир. Юқоридаги та’вилда ҳол накра бўлиши керак эди. Бу мисолларда العراك билан وحده бири алиф-лом билан ва яна бири замирга изофа билан маърифа бўлиб ҳол бўлмоқдаку?

Жавоб: Бу икки мисол ва шунга ўхшаганлар тавиллидир. Тавил шуки, العراك ва وحده маҳзүф феълни мафъулу мутлақидир. Каломнинг тақдири қуйидагичадир. ارسلها تعرك العراك. Маъноси нармода гурхарларни тўда бўлиб турган ҳолларида қўйиб юборилди. Иккинчи мисолни тақдири ҳам шу кабидир, яъни مررت به يجد وحده. Мен уни олдидан якка турган ҳолида ўтдим. Бу икки мисолда ҳам жумла накра бўлиб, ҳол воқеъ бўлмоқда.

فَإِنْ كَانَ صَاحِبُهَا نَكْرَةً وَجَبَ تَقْدِيمُهَا

Таржима: Агар соҳиби ҳол (зулҳол) накра бўлса ҳолни зилҳолдан тақдими вожиб бўлади.

Шарҳ: Агар ҳол накра бўлиб, соҳиби ҳолдан муқаддам бўлмаса ҳол сифатга ўхшаб қолади. Масалан رأيت رجلا راكبا. Бу ерда راكبا ҳол сифатга ўхшаб қолмоқда. Шу боисдан ҳолни соҳиби ҳолдан муқаддам қўямиз. Яъни رأيت راكبا رجلا деймиз, чунки сифат мавсуфдан муқаддам бўлмайди. Бу мисолда رجلا мафъулу биҳи ҳолни соҳибидир.

وَلَا يَتَقَدَّمُ عَلَى الْعَامِلِ الْمَعْنَوِيِّ بِخِلَافِ الظَّرْفِ وَلَا عَلَى الْمَجْرُورِ فِي الْأَصَحِّ

Таржима: Кучли сўзга биноан зарфга хилоф равишда ҳол маънавий омилдан ва мажрур зулҳолдан муқаддам бўла олмайди.

Шарҳ: Масалан: قائما هذا زيد дея олмаймиз. Бу мисода ҳол маънавий омилдан муқаддам келмоқда. Худди шунингдек مرتت راكبا برجل дея олмаймиз. Чунки ҳол мажрур зулҳолдан муқаддам келмоқда. Агар омил лафзий бўлганда ҳолни омили лафзийдан олдин ёки кейн келиши мумкин эди. Зеро лафзи омил қувватлидир. Маънавий омил эса заифдир. Ҳолни маънавий омилдан муқаддам кела олмаслигини сабаби шудир. Аммо бунини хилофига зарф маънавий омилдан олдин кела олади. Масалан: اكل يوم لك ثوب. Бу мисолда маънавий омил билан мансубдир. Маънавий омил эса لك дир.

وَكُلُّ مَا دَلَّ عَلَى هَيْئَةٍ صَحَّ أَنْ يَقَعَ خَالًا مِثْلَ هَذَا بُسْرًا أَطِيبٌ مِنْهُ رُطْبًا

Таржима: Ҳайъат ва сифатга далолат қилувчи ҳар бир нарса хоҳ у муштақ исм бўлсин хоҳ жомид исм бўлсин ҳол воқеъ бўлиши дурустдир. Масалан هذا بسرا أطيّب منه رطبا. Бу нордон ҳолидаги хурмо пишган ҳолдаги хурмодан яхшироқдир. Бу мисолда بسرا ва رطبا ҳол бўлиб келмоқда. Лекин муштақ исм эмас.

وَتَكُونُ جُمْلَةً خَبَرِيَّةً

Таржима: Ҳол хабарийя жумла ҳам бўлади.

Шарҳ: Ҳол муфрад ҳам жумла ҳам бўлади. “Жумлаи хабарийя” шундай жумладирки, унда сидқ ва ёлғонни эҳтимоли бордир. Жумла беш қисмдир.

1. Жумлаи исмия; 2. Мозий мусбат; 3. Мозий манфий; 4. Музореъ мусбат; 5. Музореъ манфий.

Агар ҳол жумла бўлса, жумлани ўзидан олдин келган нарса билан боғловчи робита лозим бўлади.

فَالِإِسْمِيَّةُ بِالْوَاوِ وَالضَّمِيرِ أَوْ بِالْوَاوِ أَوْ بِالضَّمِيرِ عَلَى ضَعْفٍ

Таржима: Ҳол жумлаи исмийя бўлса боғловчи вов ва замир бўлади. Ёки фақат вов билан ёки фақат замир билан бўлади.

Шарҳ: جئت وأنت راكبا Замир мутакаллим راکبا جئت وأنت راكبا мухотаб وهو راكبا جئت замир ғоиб.

Бу мисолда робита ҳам вов ҳам замирдир. Ёки фақат (واو) билан дедик. Ҳадисда воқеъ бўлганидек;

قال النبي صلى الله عليه وسلم: كنت نبيا وأدم بين الماء والطين

Одам алайҳиссалом сув билан лой орасида эканларида Мен пайғамбар эдим. Ёки робита фақат замир холос.

Масалан جاءني زيد أبوه راكب Ammo бу заифдир. Чунки жумлани бир қисмини боғлайди. (واو) эса жумлани ҳаммасини олдинги жумлага боғлайди.

وَالْمُضَارِعُ الْمُثَبَّتُ بِالضَّمِيرِ وَحَدَهُ

Таржима: Агар ҳол жумла бўлиб у ҳам музореъ бўлса, робита фақат замир билан бўлади.

Шарҳ: Масалан جاءني زيد يسرع Зайд югурган ҳолда келди.

زيد — يسرع дан ҳол бўлиб келмоқда. Ammo бу заиф эмас. Чунки мусбат музореъ феъли исми фоъилга ўхшашдир. Ҳолия (واو) дан беҳожатдир.

وَمَا سِوَاهُمَا بِالْوَاوِ وَالضَّمِيرِ أَوْ بِأَحَدِهِمَا

Таржима: Жумлаи исмийя ва жумлаи феълийяни музореъ мусбатидан бошқаси яъни, музореъ манфий ва мозий мусбат

ва мозий манфий (واو) ҳолия ва замир билан ёки икковидан бири билан робита бўлади.

Шарҳ: Музореъ манфийга мисол: جاءني زيد وما يتكلم غلامه . Бунда робита ҳам (واو) ҳам замирдир. جاءني زيد ما يتكلم غلامه . Бу мисолда робита фақат замирдир. جاءني زيد وما يتكلم عمرو . Бу мисолда робита фақат ҳолия вовидир. Мозий мусбатга мисол: جاني زيد وقد خرج غلامه . Бу мисолда робита ҳам вови ҳолия ҳам замир келмоқда. جاءني زيد . Бу мисолда робита фақат замирдир. جاءني زيد وقد خرج غلامه . Бу мисолда робита фақат замирдир. جاءني زيد وما خرج غلامه . Бу мисолда робита фақат замирдир. جاءني زيد وما خرج عمرو .

وَلَا بُدَّ فِي الْمَاضِي الْمُثْبِتِ مِنْ قَدْ ظَاهِرَةٍ أَوْ مُقَدَّرَةٍ

Таржима: Мозий мусбат феълга хоҳ у зоҳир бўлсин ёки муқаддар бўлсин (قد)ни кириши лозимдир.

Шарҳ: جاءني زيد قد лафзда келганига мисол: جاءني زيد قد ركب غلامه .

قد калимаси муқаддар бўлганга мисол:

أَوْ جَاؤَكُمْ حَصْرَتْ صَدُورَهُمْ أَيْ قَدْ حَصْرَتْ صَدُورَهُمْ (Нисо сураси, 90-оят).

وَيَجُوزُ حَذْفُ الْعَامِلِ كَقَوْلِكَ لِلْمَسَافِرِ رَاشِدًا مَهْدِيًّا

Таржима: Агар қарийна мавжуд бўлса ҳолни омилини ҳазф қилиш жоиз бўлади. Мусофирга راشدا مهديا деганингдек.

Шарҳ: Агар бирор киши сафарга отланган бўлса унга سر дейилади. Маъноси тўғри йўлни топган ҳолингда сайр қил, тўғри йўлни кўрсатувчи бўлган ҳолингда сайр қил.

وَيَجِبُ فِي الْمُوَكَّدَةِ مِثْلُ زَيْدٌ أَبُوكَ عَطُوفًا أَيْ أَحَقُّهُ

Таржима: Ҳол муаккада бўлган вақтда уни омилини ҳазф қилмоқ вожибдир.

Шарҳ: Муаккада ҳоли шундай ҳолдирки, собиқ келган каломни мазмунини таъкидлаб келиб, кўп ҳолатда зулҳолдан ажралмайди. Масалан: زيد أبوك عطوفا . زيد أبوك дан мафҳум бўлган ва

ундан ажралмайдиган меҳрибонлик ва шафқатни таъкидлаб келувчи *عطوفا* ҳолдир. Ва *احقه* ни ҳазф қилдилар. Чунки *عطوفا* таъкидловчи ҳолдир. Ва меҳрибонлик кўпинча отадан ажралмайдиган ҳолдир. Зайд ҳақиқатда отангни меҳрибон ҳолида танийман -га ўхшаш.

وَشَرْطُهَا أَنْ تَكُونَ مُقَرَّرَةً لِمَضْمُونِ جُمْلَةِ اسْمِيَّةٍ

Таржима: Ҳолнинг омилини вожиб равишда ҳазф бўлишини шартни ўша ҳол жумлаи исмияни таъкидлашидир.

Шарҳ: Бу таъриф билан аввало жумлаи исмияни мазмунини бир жузъини таъкидловчи ҳолдан сақланишдир. Масалан: *إنا أرسلناك للناس رسولا*. Бу мисолда *رسولا* ҳол бўлиб, уни омили ҳазф қилинмади. Чунки ҳол жумлаи исмияни мазмунини бир жузъини таъкидламоқда. Бу таъриф билан яна ҳол жумлаи феълийяни мазмунини таъкидлаётган бўлса бундан ҳам сақланиш ўқтирилмоқда. Масалан, Оли имрон сурасининг 18 оятидаги *قائما بالقسط* ҳол бўлмоқда. Унинг омили эса *شهد الله* дир. Ҳол омилини ҳазф қилиб бўлмайди, чунки жумла, жумлаи феълийядир. Бу ерда яна бир шартни қўйиш керак эди. У ҳам бўлса жумлаи исмияни бир жузъи исм бўла олмаслиги ҳамда исм эса ҳолни омили бўла олмаслигидир. Агар юқорида айтилгандек бўлмаса яъни, ҳол муаккада бўлмаса ҳолни омили зикр қилинган бўлади.

Масалан: *قائما بالقسط. الله شاهد قائما بالقسط*. Унинг омили *شهد الله* эса ҳазф қилинди.

Тамйизнинг таърифи

التَّمْيِيزُ مَا يَرْفَعُ الْإِبْهَامَ الْمُسْتَقَرَّ عَنْ ذَاتٍ مَذْكُورَةٍ أَوْ مُقَدَّرَةٍ

Таржима: Тамйиз шундай исмдирки, у мазкур ёки муқаддар зотдан қарор топган ноаниқликни кўтаради.

Шарҳ: *يرفع الابهام* ибораси билан бадал чиқиб кетади. Чунки мубдалу минху тарк қилиш ҳукмидадир. Гўёки ноаниқ

нарсани ташлаб, муайян нарсани маъносини уни ўрнига қўймоқликдир. المستقر қайди билан муштарак исмлардаги сифат чиқиб кетади. Масалан جارية جارية. عين جارية ноаниқликни кўтаради, аммо عين да ноаниқлик қарор топган эмас. ذات қайди билан ҳол ва сифати чиқиб кетади. Чунки булар ноаниқликни зотдан кўтармайди балки ноаниқликни сифатдан кўтаради.

فَالأَوَّلُ عَنْ مُفْرَدٍ مِقْدَارٍ غَالِبًا

Таржима: Биринчи қисм тамйиз. Бу тамйиз мазкур зотдан қарор топган ибҳомни кўтарувчи тамйиздир. Тамйизни бу қисми ибҳомни кўпинча муфрад миқдордан кўтаради. Муфраддан мурод жумла ва шибҳи жумла ва музоф бўлмаслиги керак. Миқдоран мурод нарсаларни ўлчов ва андозасини у билан аниқлашдир.

إِمَّا فِي عَدَدٍ نَحْوَ عِشْرُونَ دِرْهَمًا وَسَيَّأْتِي وَإِمَّا فِي غَيْرِهِ

Таржима: Ўша муфрад миқдор ададда бўлади. Масалан عندى عشرون درهما уни баёни иншааллоҳ “асмоул адад”да ёки “ғойри адад”да келади.

نَحْوُ رَطْلٍ زَيْتًا وَمَنْوَانٍ سَمْنًا وَعَلَى التَّمْرَةِ مِثْلَهَا زُبْدًا

Оғирлик ўлчови учун мисол رطل زيتا менда бир ритл ёғ бор.

مندى ومنوان سمنا менда икки ман (кайл) ёғ бор. Оғирлик ўлчови учун мисол; عندى قفزان برا менда икки паймона буғдой бор. Ва узунлик ўлчови учун мисол; عندى ذراع ثوبا менда икки зироъ мато бор. Миқёс учун мисол على التمرة مثلها زيدا хурмо устида хурмоча шираси бор.

فَيُفْرَدَانِ كَانَ جِنْسًا إِلَّا أَنْ يُفْصَدَ الْأَنْوَاءُ وَيُجْمَعُ فِي غَيْرِهِ

Таржима: Агар тамйиз исми жинс бўлса муфрад келтирилади. Фақат навъ қасд қилинса муфрад келтирилмайди.

Шарҳ: Бу мақомда жинсдан мурод кўпга ва озга ҳам аташ мумкин бўлган жинслардир.

Масалан ارطال زيتا ва رطل زيتا. ارطال زيتا ва رطل زيتا. Масалан عندى رطلان زيتا. Агар икки навъни қасд қилинса тасния келтирилади. Агар икки навъни қасд қилинса тасния келтирилади. Масалан عندى رطلان زيتين. Агар кўп навъни қасд қилинса тамйиз жамъ келтирилади. Масалан: عندى ارطال زيتوتا. Бошқа жинслар ҳам шунга қиёсдир. Агар тамйиз жинс бўлмаса уни жамъ келтирилади. Масалан: عندى صندوقا كتبا. صندوق اثوابا.

ثُمَّ إِنْ كَانَ بِتَنَوِينٍ أَوْ بِنُونٍ التَّشْبِيهِ جَازَتْ الإِضَافَةُ وَالْأَفْلَاحُ

Таржима: Агар муфрад миқдор танвинли бўлса ёки нуни тасния билан бўлса изофа жоиз бўлиб, танвин ва нуни таснияни изофа билан ташлаб юборилади. Агар муфрад миқдор танвинли бўлмаса ва нуни тасния билан бўлмаса у ҳолда изофа жоиз бўлмайди. Масалан عشرو درهم деб бўлмайди.

وَعَنْ غَيْرِ مَقْدَارٍ مِثْلُ خَاتَمٍ حَدِيدًا أَوْ الْخَفْضُ أَكْثَرُ

Таржима: Агар (мазкур зот мумаййиз) миқдор бўлмаса изофа билан мажрур бўлиши кўпроқдир.

Шарҳ: Масалан باب ساجا ёки خاتم حديدا бу қисм тамйизда изофа билан мажрур бўлиши кўпроқдир, яъни خاتم حديد истеъмолда خاتم حديدا дан кўпроқдир.

وَالثَّانِي عَنْ نِسْبَةٍ فِي جُمْلَةٍ أَوْ مَا ضَا هَا هَا

Таржима: Муқаддар зотдан ноаниқликни кўтарадиган иккинчи хил тамйиз шундай тамйиздирки, у ноаниқликни жумлада ёки шибҳи жумлада бўлган нисбатдан кўтаради.

Шарҳ: Шибҳи жумладан мурод исми фобилдир. Бунга мисол الحوض ممتلىء ماء.

Исми мафъулга мисол: الأرض مفجرة عيوننا

Сифати мушаббаҳага мисол: زيد حسن و جهها

Исми тафзийлга мисол: زيد افضل ابا

Масдарга мисол: اعجبني طيبه ابا

Ва ҳар бир калимаки унда феълни маъноси бўлса, унда ҳам ноаниқликни кўтаради.

Масалан: حسبك زيد رجلا - أي يكفيك زيد رجلا

مِثْلُ طَابَ زَيْدٌ نَفْسًا وَزَيْدٌ طَيْبٌ أَبًا وَأَبُوَّةٌ وَدَارًا وَعِلْمًا

Шарҳ: Масалан طاب زيد نفسا. Бу мисолда тамйиз жумлада қарор топган нисбатдан ноаниқликни кўтаради. Яъни, طيب ни زيدга нисбати ноаниқдир. Яъни, Зайд нима жиҳатдан пок бўлса ана ўша жиҳат билан аниқланишга муҳтождир. Бу ерда نفسا ўша ноаниқликни кўтаради. Бу тамйиз фақат мунтасабу анҳуга (яъни тамйиз ўша зот туфайли насб бўлган) зотга хосдир. Яъни Зайдга.

زيد طيب ابا бу мисол шибҳи жумладир. ابا тамйиз мунтасабу анҳуга (яъни тамйиз ўша зот туфайли насб бўлган) нарса Зайд бўла олса уни мутааллиқи яъни, отаси ҳам бўла олади. Масалан زيد طيب ابا. Зайдни ўзи бўлса маъноси Зайд оталик жиҳатидан яхшидир. Ва агар ابا Зайдни мутааллиқи ابوة бўлса, маъноси Зайд оталик жиҳатидан яхши бўлади. Бу икки мисол тўрт мисолни қувватидадир. Яъни, زيد طيب نفسا و ابا ва طاب زيد نفسا و ابا . Демак мубҳамлик муқаддар бўлган жумлага икки мисол ва шибҳи жумлага ҳам икки мисол келтирилди. ابوة ва دارا ва علما ни ҳам نفسا ва ابا га атф қилинганда ҳар бири учун яна учтадан мисол бўлади.

زيد طيب ابوة، طاب زيد ابوة Ва шибҳи жумла учун ҳам учта мисол

زيد طيب دارا طاب زيد دارا

زيد طيب علما طاب زيد علما

أَوْ فِي إِضَافَةٍ مِثْلُ يُعْجِبُنِي طَيْبُهُ أَبًا وَأَبُوَّةٌ وَدَارًا وَعِلْمًا وَلِلَّهِ دُرَّةٌ فَارِسًا

Таржима: Бу жумла *ماضامها* га атфдир. Тамйиз бу мисолларда ноаниқликни изофадан кўтаради. Бу мисоллар ҳам юқоридаги мисолларга мутобиқ бўлади. Яъни

| | |
|------------------|------------------|
| يعجبني طيبه دارا | يعجبني طيبه نفسا |
| يعجبني طيبه علما | يعجبني طيبه ابا |
| يعجبني طيبه ابوة | |

Яна бу изофий мисолларга *دره فارسا* зиёда қилинди. Такдири калом *خير فروسيته*. Бу унинг чавандозлигидан таажжубдир. *الدر* аслида *اللبن* дир. Яъни сут, сут эса арабларда жуда кўп хайрли нарсадир. Шундан сўнг хайр маъносида кўп ишлатилган. *فارس* исми фоийлдир. Уни чавандозлигини яхши томонлари худодандир.

ثُمَّ إِنْ كَانَ اسْمًا يَصِحُّ جَعَلَهُ لِمَا انْتَصَبَ عَنْهُ جَازًا أَنْ يَكُونَ لَهُ وَلِمْتَعَلِّقِهِ وَإِلَّا فَهُوَ لِمْتَعَلِّقِهِ

Таржима: Шундан сўнг агар тамйиз шундай исм бўлса ўша исмни «мунтасабу анҳу» дея олиш дуруст бўлса у ҳолда уни ҳам мунтасабу анҳу ва ҳамда мутааллиқи дея олиш жоиз бўлади. Фақат мутааллақи учун шундайдир.

Шарҳ: *منتصب عنه* Тамйиз ўша туфайли мансуб бўлган нарсадир. Масалан *طاب زيد ابا*. Бу мисолда *اب* Зайдни ўзи ҳам бўлиши мумкин. Ёки уни отаси ҳам бўлиши мумкин. Демак *اب* ни мунтасабу анҳуси *زيد* ва *اب* эса *زيد* ни мутааллақидир. Модомики *اب* - *زيد* ни ўзи дея олсак, Зайдни мутааллиқи отаси ҳам дея оламиз. Ва агар тамйиз исм, мунтасабу анҳу бўла олмаса у ҳолда у фақат уни мутааллиқи бўла олади. Масалан *طاب زيد دارا*. Демак *دارا* тамйиз ҳеч вақт мунтасабу анҳу яъни, Зайд бўла олмайди. Шу сабабдан тамйиз ибҳомни Зайдни мутааллиқидан кўтаради.

فِيُطَابِقُ فِيهِمَا مَا قُصِدَ إِلَّا إِذَا كَانَ جِنْسًا إِلَّا أَنْ يُقْصَدَ الْأَنْوَاءُ

Таржима: Ҳар қачон тамйиз мумаййизни ўзи бўлса ёки уни мутааллиқи бўлса, тамйиз қасд қилинган нарса билан мувофиқ келтирилади.

Шарҳ: Масалан воҳид қасд қилинса тамйиз воҳид келтирилади. Агар тасния қасд қилинса тамйиз тасния келтирилади. Агар жамъ қасд қилинса тамйиз жамъ келтирилади.

Таржима: Агар тамйиз исми жинс бўлса уни тасния ва жамъ келтирмоқ вожиб бўлмасдан муфрад келтирилади.

Масалан *طاب الزيدون علما* ва *طاب الريدان علما*, *طاب زيد علما*.

Таржима: Фақат навъ қасд қилинса тасния ва жамъ келтирилади.

Шарҳ: Агар жинсдан икки навъ қасд қилинса тасния келтирилади. Масалан *طاب الزيدان علمين*. Ва агар жинсдан икки навъдан кўпини қасд қилинса тамйиз жамъ келтирилади.

Масалан: *طاب الزيدون علوما* дейилади.

وَإِنْ كَانَ صِفَةً كَانَتْ لَهُ وَطَبَقَهُ وَاحْتَمَلَتْ الْحَالَ

Таржима: Агар тамйиз сифат бўлиб мумаййизни ўзи бўлса тамйиз билан мумаййиз муфрад, тасния, жамъ ва тазкир ва та'нисда мувофиқ бўлади.

Шарҳ: Масалан *طاب زيد فارسا* *الله* муфрад, *طاب زيدون فارسين* *الله* тасния, *طاب زيدون فارسين* *الله* ва жамъда мувофиқ бўлади.

Таржима: Ўша сифат ҳол бўлишини ҳам эҳтимоли бор.

Шарҳ: Масалан *طاب زيد فارسا*. *طاب زيد فارسا* – ҳол бўлиши эҳтимоли ҳам бор. Маъноси, Зайд минган ҳолида яхшидир.

وَلَا يَتَقَدَّمُ عَلَى عَامِلِهِ

Таржима: Тамйиз ўз омилидан муқаддам бўла олмайди.

Шарҳ: Тамйиз ўз омили яъни, мумаййизидан муқаддам бўла олмайди. Чунки мумаййиз амал қилишда заифдир. Шу жиҳатдан *عندي درهما عشرون* дея олмаймиз.

وَالْأَصْحَحُّ أَنْ لَا يَتَقَدَّمَ عَلَى الْفِعْلِ خِلَافًا لِلْمَازِي وَالْمُبَرَّدِ

Таржима: Тамйиз, саҳиҳ сўзга мувофиқ ўз омили феълдан муқаддам бўла олмайди.

Шарҳ: Масалан *زيد نفسا طاب* деб бўлмайди. Чунки аслида мақсад ноаниқлигидир. Шундан сўнг (яъни ибҳомдан сўнг) уни тафсиридир. Аммо тамйизни феълдан олдин келиши мақсадга хилофдир. Шу жиҳатдан тамйиз ўз омили феълдан муқаддам бўла олмайди. Лекин шайх Мозаний ва Мубаррадлар жоиз дейишган. Зеро феъл амалда кучлидир. Тамйиз муқаддам бўлса ҳам муаххар бўлса ҳам амал қилади, дейишган.

Мустаснонинг таърифи

الْمُسْتَثْنَى مُتَّصِلٌ وَمُنْقَطِعٌ

Таржима: Мустасно наҳв олимлари истилоҳида икки қисмдир. 1. Муттасил 2. Мунқатиъ.

فَالْمُتَّصِلُ هُوَ الْمَخْرُجُ عَنْ مُتَعَدِّدٍ لَفْظًا أَوْ تَقْدِيرًا بِإِلَّا وَأَخَوَاتِهَا

Таржима: Муттасил мустасно, лафзий ёки тақдирий бўлган мутааддиддан (кўп сонлидан) *إِلَّا* ва унинг ахавоти билан (ихрож қилинган) чиқарилган исмдир.

Шарҳ: (إلا) нинг ахавотлари *حاشا* ва *خلا* ва *عدا* ва *ما خلا* ва *عدا* ва *ما عدا* ва *ليس* ва *لا يكون* ва *غير* ва *سوى* ва *سواء* дир.

Масалан *زيدا قوم الا* . Бу мисолда мутааддид *قوم* лафзан мазкурдир. *زيد* эса *الا* калимаси билан қавмга тааллуқли бўлган *مجيئ* ҳукмидан чиқарилган. Ва *زيد* дан бошқаси яна ўша *مجيئ* ҳукмида қолган бўлади . *ما جاءني الا زيد* . яъни тақдири калом *ما جاءني* *زيد* . Бу мисолда мутааддид тақдиран мазкурдир. *U احد* дир. *زيد* эса *الا* калимаси билан мутааддидга тааллуқли бўлган “адами мажий” ҳукмидан чиқарилгандир.

وَالْمُنْقَطِعُ هُوَ الْمَذْكُورُ بَعْدَهَا غَيْرَ مُخْرَجٍ

Таржима: Мунқатиъ мустасно لا ва унинг ахавотидан сўнг мазкурдир. Лекин мутааддиддан чиқарилмаган исмдир.

Шарҳ: Масалан جاءني القوم الا حمارا. Бу мунқатиъ мустаснодир. Чунки حمار мутааддиддан ихрож қилинмаганки у القوم дир. Зеро حمار қавм ичига дохил (кирувчи) эмас. Демак уни القوم дан чиқара олмайсан.

وَهُوَ مَنْصُوبٌ إِذَا كَانَ بَعْدَ إِلَّا غَيْرِ الصِّفَةِ فِي كَلَامٍ مُؤَجَّبٍ

Таржима: Ҳар қачон мустасно мувжиб каломда إِلَّا дан сўнг келиб сифат бўлмаса уни насб бўлиши вожибдир.

Шарҳ: Матнда мустаснони бир неча ўринда вожиб равишда насб бўлиши келтирилган. Шулардан биринчиси мустасно бўлиши, мувжиб каломда яъни калом нафий ва наҳий ва истифҳом каломда бўлмаслигидир. Ва яна لا дан кейин келиши ва сифат бўлмаслигидир.

Масалан جاءني القوم الا زيدًا زيد ни мансуб бўлиши вожибдир. Чунки калом мувжиб, мустасно сифат бўлмай لا дан сўнг келмоқда. Мустаснони вожиб равишда насб бўлиш ўринлардан иккинчиси:

أَوْ مُقَدِّمًا عَلَى الْمُسْتَشَى مِنْهُ

Таржима: Ёки ҳар қачон мустасно мустасно минҳудан олдин келса у вожиб равишда насб бўлади. Калом хоҳ мувжиб бўлсин хоҳ ғойри мувжиб бўлсин.

Масалан جاءني القوم الا زيدًا أحد ما. Масалан احد мустасно минҳудир. Мустасно вожиб равишда насб бўлади. Чунки мустано минҳудан муқаддамдир. Мустаснони вожиб равишда насб бўлиш ўринларидан учинчисичи:

أَوْ مُنْقَطِعًا فِي الْأَكْثَرِ

Ёки аксар наҳв олимлари мазҳабида ҳар қачон мустасно لا дан сўнг келиб мунқатиъ бўлса, масалан ما في الدار احد الا حمارا саройда эшакдан бошқа ҳеч ким йўқ.

Мустаснони вожиб равишда насб бўлиш ўринларидан тўртинчиси:

أَوْ كَانَ بَعْدَ خَلَا وَعَدَا فِي الْأَكْثَرِ

Таржима: Ёки аксар истеъмомда мустасно *خلا* ва *عدا* дан сўнг келса. Баъзилар эса *خلا* ва *عدا* ни ҳуруф жар номлаб улардан кейин келган исмни мажрур деганлар.

Масалан *جاءني القوم خلا زيدا وعدا زيدا*. Аксар наҳв олимлар наздида *خلا* ва *عدا* мозий феъл бўлиб, *زيدا* эса мафъулу бих дейишган.

Мустаснони вожиб равишда насб бўлиши ўринларидан бешинчиси:

أَوْ مَا خَلَا وَمَا عَدَا وَلَيْسَ وَلَا يَكُونُ

Таржима: Ёки мустасно *خلا* *ما* ва *ما* *عدا* *ليس* ва *لا* *يكون* дан кейин келса. Масалан

جاءني القوم ما خلا زيدا

جاءني القوم ما عدا زيدا

جاءني القوم ليس زيدا

جاءني القوم لا يكون زيدا

وَيَجُوزُ فِيهِ التَّصْبُّ وَيَخْتَارُ الْبَدَلُ فِيمَا بَعْدَ إِلَّا فِي كَلَامٍ غَيْرِ مُوجِبٍ وَذُكِرَ مُسْتَثْنَى مِنْهُ مِثْلُ مَا فَعَلُوهُ إِلَّا قَلِيلٌ وَإِلَّا قَلِيلًا َّ َّ َّ

Таржима: Мустасно ғойри мувжиб каломда *الا* дан сўнг келган бўлиб, мустасно минҳу мазкур бўлса мустасно билан насб ўқилиши жоиз ва бадалият билан рафъ ўқилиши ихтиёрийдир. Масалан *ما فعلوه الا قليل*, *ما فعلوه* бадалият билан рафъ ўқишимиз ихтиёрлидир. *فعلوا* ни вовидан бадалдир. *ما فعلوه الا قليلا* истисно билан насб ўқишимиз жоиздир.

وَيُعْرَبُ عَلَى حَسَبِ الْعَوَامِلِ إِذَا كَانَ الْمُسْتَثْنَى مِنْهُ غَيْرَ مَذْكُورٍ وَهُوَ فِي غَيْرِ الْمُوجِبِ لِتَفِيدَ مِثْلُ مَا صَرَبَنِي إِلَّا زَيْدٌ

Таржима: Агар мустасно минҳу мазкур бўлмаса ҳолбуки мустасно мувжиб каломда бўлмаса, бу мустасно “муфаррағ” дейилади. Ва авомил тақозо қилган эъроб берилади. Тоинки саҳиҳ маъно маҳбуб бўлиб, фойда бериши учун.

Шарҳ: Масалан ما ضربني الا زيد мустасно минҳу ҳазф қилиниб, омилни мустаснога фориг қолдирганлар. Каломни тақдири ما ضربني احد الا زيد. Мени ҳеч ким урмади фақат Зайд урди.

إِلَّا أَنْ يَسْتَقِيمَ الْمَعْنَى مِثْلُ قَرَأْتُ إِلَّا يَوْمَ كَذَا

Таржима: Баъзи ўринларда, мустасно минҳу ҳазф қилинган мувжиб каломда мустақим маъно мафҳум бўлса, мустасно авомил тақозоси билан эъробланади.

Шарҳ: Масалан قرأت إلا يوم كذا

Тақдири калом قرأت كل يوم من أيام الأسبوع إلا يوم الجمعة. Бу мисолда калом мувжибдир. Мустасно минҳу маҳзүф бўлса ҳам мустасно авомил тақозоси билан эъробланади. Чунки қарийна бор у ҳам бўлса мустасно минҳу ом эмас хос яъни, أَيَّامُ الْأُسْبُوعِ тақдир қилинади.

وَمِنْ ثَمَّ لَمْ يَجْزُ مَا زَالَ زَيْدٌ إِلَّا عَالِمًا

Таржима: Шу сабабдан ما زال زيد إلا عالما таркиби жоиз эмас.

Шарҳ: Мустасно муфаррағ эмас чунки калом мувжиб ва мустасно мазкурдир. Каломни мувжиблиги нафийга нафий кириб каломни исбот қилмоқда. Бу мувжиб каломда мустақим (тўғри) маъно мафҳум эмас. Зеро Зайдда ҳамма мутазод (бир-бирига зид ва муҳолиф) сифатлар жамъ бўлиб фақат биргина олимлик сифати бўлмаслик амри маҳолдир.

وَإِذَا تَعَدَّرَ الْبَدَلُ عَلَى اللَّفْظِ فَعَلَى الْمَوْضِعِ

Таржима: Ҳар қачон лафзга биноан бадал келтириш узрли бўлса маҳаллига биноан бадал келтирилади.

مِثْلُ مَا جَاءَنِي مِنْ أَحَدٍ إِلَّا زَيْدٌ

Агар **ما جاءني من أحد إلا زيدا** мисолида мустаснони насб келтирсанг ҳеч муаммо қолмайди. Аммо **زيدا** ни лафзга мувофиқ бадал келтира олмайсан. Чунки мубдалу минҳу ҳуруфи зоида **من** билан мажрурдир. Шу боисдан **زيد** ни мубдалу минҳуни маҳаллига ҳамл қилиб, рафъ ўқилади. Чунки уни маҳалли фоъилдир. Мени олдимга ҳеч ким келмади, фақат Зайд келди.

Иккинчи мисол:

وَلَا أَحَدَ فِيهَا إِلَّا عَمْرُو

Бу мисолда ҳам **عمرو** ни **احد** лафзидан бадал келтириб бўлмайди. Чунки **احد** “лои нафий жинс”ни исмидир. Ва эъроб ҳаракатига ўхшаган фатҳани сабаби **لا** калимасидир. **لا** ни амали нафийдир. Нафий эса **الا** билан синган бўлади. Лекин **الا** дан яна **لا** ни келтириб бўлмайди. Шу боисдан **عمرو** ни **احد** ни маҳаллига ҳамл қилиб, рафъ ўқилади. Чунки **احد** ни маҳалли мубтадодир.

Учинчи мисол:

وَمَا زَيْدٌ شَيْئًا إِلَّا شَيْئٌ لَا يُعْبَأُ بِهِ

Таржима: Зайд ҳеч бир нарса эмас фақат бир эътибор қилинмаган кишидир. Бу мисолда ҳам мустасно **شيءًا** ни мустасно минҳу бўлган аввалги **شيءًا** дан бадал келтириб бўлмайди. Балки аввалги **شيءًا** ни маҳалидан бадал келтириш мумкин. Уни маҳали рафъдир. Чунки мубтадони хабаридир. Мусанниф бу уч мисолни тааззурина(узрини) далил келтирдилар.

لَأَنَّ مَنْ لَا تُزَادُ بَعْدَ الْإِنْبَاتِ

Таржима: Дарҳақиқат **من** калимаси исботдан сўнг зиёда қилинмайди.

Шарҳ: Бу биринчи мисолга тегишли шарҳдир.

Яъни زيد من أحد الا من . ما جاءني من . ما جاءني من أحد الا زيد исботдан кейин зиёда қилиб бўлмайди. زيد ни мустасно минҳу лафзидан бадал қилиб бўлмайди. Чунки у лафзан мажрурдир, маҳаллан эса марфуъдир جاء ни фоъили бўлгани учун. Демак Зайдни احد ни маҳаллига ҳамл қилиб рафъ келтирамиз.

وَمَا وَلَا لَا تُقَدِّرَانِ عَامِلَتَيْنِ بَعْدَهُ

Таржима: ما ва لا калималари амал қилувчи ҳолларда исботдан сўнг тақдир қилинмайди. Бу иккинчи мисолга тегишли далилдир. Яъни لا احد فيها الا عمرو .

لَأَنَّهَا عَمِلَتْ لِلنَّفْيِ وَقَدْ انْتَقَضَ النَّفْيُ بِالْأَمْرِ

Таржима: Зеро бу иккови яъни ما ва لا нафий учун амал қилади. Нафий эса الا билан бекор қилинади. Шу сабабдан мустаснони лафзидан бадал қилиб бўлмайди.

بِخِلَافِ لَيْسَ زَيْدٌ شَيْئًا إِلَّا شَيْئًا

Таржима: Бу ерда мустаснони мустасно минҳуни лафзидан бадал келтириш мумкин.

Масалан: ليس زيد شيئًا إلا شيئًا .

لَأَنَّهَا عَمِلَتْ لِلْفِعْلِيَّةِ

Таржима: ليس феълият жиҳатидан амал қилади. Нафий жиҳатдан эмас.

فَلَا أَثَرَ لِنَقْضِ مَعْنَى النَّفْيِ لِبَقَاءِ الْأَمْرِ الْعَامِلَةِ هِيَ لِأَجْلِهِ

Таржима: ليس ни амалини الا дан сўнг синишини асари йўқдир. Чунки ليس ни амал қилувчилик амри боқийдир. Ўша амр феълиятдир.

وَمِنْ ثَمَّ جَازَ لَيْسَ زَيْدٌ إِلَّا قَائِمًا

Таржима: Шу сабабдан ليس زيد الا قائما демоқлик жоиздир.

Шарҳ: Агар ليس даги нафий الا билан нақз(синган) бўлган бўлса ҳам уни фелиятлиги الا дан кейин келган хабари قائما га амал қила олади.

وَأَمْتَعَ مَا زَيْدٌ إِلَّا قَائِمًا

Таржима: таркиби мумтаниъдир.яъни манъ қилингандир .

Шарҳ: Чунки юқорида айтганимиздек ما ва لا нафий маъносида амал қилади. Лекин уни амали исбот билан бекор бўлади ва الا дан сўнг уни амалини ҳеч қандай асари қолмайди. Нафийни маъноси الا дан сўнг бекор бўлган сабабидан ما ни хабарини الا дан сўнг мансуб ўқишлик мумтаниъдир.

وَمُخْفَوُضٌ بَعْدَ غَيْرٍ وَسَوَاءٌ وَبَعْدَ حَاشَا فِي الْأَكْثَرِ

Таржима: Мустасно ушбу غير ва سوى ва سواء калималардан сўнг мажрур ўқилади. حاشا дан сўнг эса аксар истемолотда ҳам жар ўқилади. Баъзилар حاشا ни мутаъаддий феъл деб мансуб ўқиганлар.

Масалан: ضرب القوم عمرا حاشا زيدا

وَإِعْرَابُ غَيْرٍ فِيهِ كَأِعْرَابِ الْمُسْتَنْفَى بِإِلَّا عَلَى التَّفْصِيلِ

Таржима: Истиснода غير калимасини эъробини тафсилоти билан зикр қилинган мустаснони эъробини кабидир.

Шарҳ: Юқорида маълум бўлдики غير калимаси الا ни ахавотларидандир. Агар غير сўзи الا ни ўрнида келса мустаснони изофа билан мажрур қилади. Ўзи эса яъни غير калимаси тафсилоти билан ўтган беш қисм мустаснони эъробини олади. Масалан: جاءني القوم غير زيد أحد نصب. калом мувжиб мустасно минху мазкурдир. وما جاءني غير زيد أحد نصب. мустасно мустасно минху мазкурдир. وما جاءني غير حمار. мустасно

мунқатиъдир. وما جاءني أحد غير زيد نصب. калом ғойри мувжиб ва мустасно минҳу мазкурдир.

калом ғойри мувжиб ва мустасно минҳу мазкурдир. وما جاءني أحد غير زيد رفع بدل. эъроб омилни тақозоси билан рафъдир. Чунки у фобилдир.

وغير صفة حملت على إلا في الإستثنى كما حملت إلا عليها في الصفة إذا كانت تابعة لجمع منكور
غير محصور لتعذر الإستثناء

Таржима: Аслида غير сифатдир. Ҳар қачон истисно узрли бўлган жиҳатидан الا чегараланмаган накра исмни жамъига тобеъ бўлса худди الا сифатдаги غير калимасига ҳамл қилингандек غير калимаси ҳам истиснода الا га ҳамл қилинади.

Шарҳ: Аслида غير сифат бўлиши керак. Масалан: جاءني رجل غير زيد. Араб каломида ушбу кўриниш билан истеъмоли кўпдир. Баъзан غير калимаси истиснода الا га ҳамл қилинади. Ва истиснони изофа билан мажрур қилиб, мустаснони эъробини ўзи қабул қилади. Бу юқорида айтиб ўтилди. Худди шунингдек الا ҳам аслида истиснодир. Баъзан эса الا сўзи غير га ҳамл қилинади ва сифат бўлади. Шунда غير ни эъробини ўзидан кейингига берилади.

Савол: الا калимаси қачон غير га ҳамл қилинди?

Жавоб: Ҳар қачон мустасно узрли бўлиб, الا жамъ сийғасидаги ғойри махсур (саноксиз) накра исмдан сўнг келиб унга тобеъ бўлса шундагина الا – غير га ҳамл қилинади. Масалан جاءني رجال الا زيد. Ушбу мисолда الا – غير га ҳамл қилинган. Мустасно узрли жиҳатидан мустасно минҳуга дохил бўла олмайди. Бу мисол на мустасно муттасил ва на мустасно мунфасилдир. Чунки زيد – رجال га дохил бўлиши ҳам бўлмаслиги ҳам мумкин. Шу билан бирга الا жамъдан кейин

келмоқда. У жамъ эса накра бўлиб, ғойри махсурдир. яъни чегараланмагандир. Аллоҳ таолонинг қуйидаги لا ҳам сифатга ҳамл қилингандир.

مِثْلُ: "لَوْ كَانَ فِيهِمَا آلِهَةٌ إِلَّا اللَّهُ لَفَسَدَتَا"

Таржима: Агар Еру осмонда Аллоҳдан ўзга илоҳ бўлганда эди улар бузилиб кетар эдилар. (Анбиё сураси, 22-оят).

Шарҳ: Бу оятда لا – غير маъносидаги сифатдир Алле дан сўнг унга сифат бўлиб келмоқда. Алле эса накра, жамъ ва ғойри махсур (саноксиз) дир. Истисно эса узрлидир. Чунки الله мустасно мустасно минху Алле га дохил бўла олмайди.

وَضَعُفَ فِي غَيْرِهِ

Таржима: لا ни саноксиз жамъ сийғасида бўлган накрадан бошқасида сифатга яъни, غير га ҳамл қилмоқлик заифдир. Бу нарса қуйидаги шоирни ушбу шеърида воқеъ бўлгандир.

كل أخ مفارقة أخوه لعمر أبيك إلا الفرقدان

Ҳар бир биродар биродаридан айрилгувчидир.

Отангнинг умри ҳаққи ҳурмати фарқадондан бошқа.

Фарқадон – бир биридан ҳеч ажрамайдиган икки юлдуздир. Бу ерда لا غير маъносидаги ва كل ни сифатидир марфуъдир. Рафъни эъроби لا дан сўнг келган الفرقدان га берилгандир. Аслида لا истисно бўлиши керак эди. Шунда لا берилганда ўқилиши керак эди. Чунки كل أخ ом бўлиб, ҳамма биродарларга шомилдир. فرقدين эса мустасно бўлиб, мустасно минху كل أخ га дохил бўлиб, мустасно муттасил бўлиш лозим эди. Валлоҳу аълам.

وَإِعْرَابُ سَوَى وَسَوَاءَ النَّصْبُ عَلَى الظَّرْفِيَّةِ عَلَى الْأَصَحِّ

Таржима: سوى ва سواء лафзларини эъроблари саҳиҳ сўзга биноан зарфият сабабидан мансубдир.

Шарҳ: Масалан جاء القوم سوى زيد ва جاء القوم سواء زيد. سوى даги насб эъроби тақдирийдир. Чунки سوى мақсурадир. Ва سواء да насб лафзийдир. Чунки سواء мамдудадир.

«Кона» ва ахавотларининг хабари

حَبْرٌ كَانَ وَأَخْوَاتُهَا هُوَ الْمُسْنَدُ بَعْدَ دُخُولِهَا

Таржима: “Кона” ва унинг ахавотларини хабари улар мубтадо ва хабарга киргандан сўнг муснад бўлади.

Шарҳ: “Кона” ва унинг ахавотларини хабари ҳам мансуботни мулҳиқотларидандир. Улар киргандан сўнг хабарлари муснад бўлади “Кона”ни хабари бўлган муснад аслида мубтадони хабари эди. Ҳар қачон кона кирса мубтадо уни фоъили бўлади ва уни конани исми деб аталади. Аммо кона ўзини фоъили билан каломи том бўлмаганлигидан уни ноқис феъл дейилади. Мубтадони хабари эса конани хабари бўлади. Феълга мушобаҳатлиги билан уни хабари мансуб бўлади.

مِثْلُ كَانَ زَيْدٌ قَائِمًا

قائما – конани хабаридир. Чунки «кона» киргандан сўнг у муснад бўлади.

وَأَمْرُهُ كَأَمْرِ حَبْرٍ الْمُبْتَدَاءِ

Таржима: «Кона»ни хабарини ҳоли барча ҳукмларда мубтадони хабарини ҳоли кабидир.

Шарҳ: Демак “кона”ни хабари муфрад ҳамда жумла бўлади. Жумла бўлгандан сўнг қайтувчи замир ҳам бўлади.

وَيَتَقَدَّمُ مَعْرِفَةً

Таржима: Ҳар қачон “кана”ни хабари маърифа бўлса, исмига муқаддам бўлиши жоиздир.

Шарҳ: Мубтадо ва хабар ҳар иккиси маърифа бўлганда ноаниқликни кетказиш учун мубтадони муқаддамлиги вожиб

эди. Бу ерда ҳам эъроб ва қарийна бўлмаганда “кона”ни исми хабарига муқаддам бўлиши вожибдир. Ҳар қачон “кона”ни хабари маърифа бўлса “кона”ни исмига муқаддам бўлиши жоиздир. Гарчи мубтадо ва хабарда бу жоиз бўлмаса ҳам. Чунки “кона”ни исми ва хабари эъробда ҳар-хилдир. Демак иштибоҳ келиб чиқмайди. Худди шунингдек мутасовий бўлганда ҳам яъни муфрад тасния жамъ ва та’нис ва тазкирда бир хил бўлганда ҳам “кона”ни хабари исмига муқаддам бўлиши жоиздир. Мубтадо ва хабарда эса жоиз эмас эди. Чунки мубтадо ва хабарни эъробига муҳолифдир.

وَقَدْ يُحَدَفُ عَامِلُهُ فِي مِثْلِ النَّاسِ مَجْزِيُونَ بِأَعْمَالِهِمْ إِنْ خَيْرًا فَخَيْرٌ وَإِنْ شَرًّا فَشَرٌّ

Таржима: Гоҳида уни омилини яъни, “кона”ни хабарини омилини ҳазф қилинади.

Шарҳ: Фақат كان ни хабарини омилини ҳазф қиладилар. Чунки у истемолда кўпдир. Уни ахавотларини хабарини эмас.

Масалан: الناس مجزيون بأعمالهم ان خيرا فخير وان شرا فشر

Одамлар ўз амаларига мувофиқ жазо оладилар. Агар хайрли бўлса хайрлидир. Бордию ёмон бўлса ёмондир. Яъни ан كان خيرا ва ан كان شرا дир.

وَيَجُوزُ فِي مِثْلِهَا أَرْبَعَةٌ أَوْجِهٍ

Таржима: Шу ва шу каби мисолларда тўрт кўриниш жоиздир.

Шарҳ: Биринчиси; насби аввал ва рафъи сони, яъни ان خيرا ан кан тақдири калом ан كان عمله خيرا فجزاءه خير. Бу эса энг қувватли кўринишдир.

Иккинчиси; ан كان عمله خيرا فكان جزاءه خيرا ан тақдири калом ан خيرا فخيرا

Учинчиси; ан كان في عمله خير فجزاءه خير ан тақдири калом ан خير فخير

Тўртинчиси; ан كان في عمله خير فكان جزاءه ان خير فخيرا. Тақдири калом

خيرا .

وَيَجِبُ الْحَدَفُ فِي مِثْلِ أَمَّا أَنْتَ مُنْطَلِقًا إِنْ طَلَقْتَ أَيُّ لَأَنْ كُنْتَ

Таржима: اما انت منطلقا انطلقت каби мисолларда كان ни ҳазф қилмоқлик вожибдир. Тақдири калом لان كنت منطلقا انطلقت. Яъни кан феъли انت замири билан бор эди. لان كنت. Биринчи (ل) ломни ҳазф қилдик. Иккинчи тахфиф (енгилик) учун كان ни ҳазф қилдик. Учинчи уни ўрнига ما зиёда қилдик. Тўртинчи ما - ان ни идғом қилдик اما бўлди. Бешинчи муттасил замирни мунфасил қилдик انت бўлди. Олтинчи كان ни хабарини ўз ҳолига қолдирдик ва охирида اما انت مطلقان انطلقت бўлди.

«Инна» ва унинг ахавотларини исми

اسْمٌ إِنَّ وَأَخَوَاتُهَا هُوَ الْمُسْنَدُ إِلَيْهِ بَعْدَ دُخُولِهَا

Таржима: ان ва уни ахавотини исми улар мубтадо ва хабарга киргандан сўнг муснад илайҳи бўлади.

مِثْلُ إِنَّ زَيْدًا قَائِمٌ

Ушбу таркибга ان киргандан сўнг Зайдан ان ни исми бўлади. Буни таърифини ҳамма жавоблари марфуъот қисмида ўтган эди.

«Ло нафий жинс» билан мансуб бўлган исмлар

الْمَنْصُوبُ بِلَا الَّتِي لِنَفِي الْجِنْسِ هُوَ الْمُسْنَدُ إِلَيْهِ بَعْدَ دُخُولِهَا

Таржима: Нафий жинсни لا си билан мансуб бўлгувчи нарса нафий жинс لا си киргандан сўнг у муснаду илайҳи бўлади.

Шарҳ: Нафий жинсни لا си билан мансуб дедик. لا ни исми демадик. Чунки кўпинча уни исми насб бўлмайди. Нафий жинсни калимаси لا эса ان ни амалини бажаради.

Лекин ان исботни такидлайди. ﻻ эса нафийни такидлайди. У ҳам мубтадо ва хабарга киради. Уни амали баъзи жойларда учта шарт билан насбдир.

يَلِيهَا نَكْرَةٌ مُضَافًا أَوْ مُشَبَّهًا بِهِ

Таржима: Ушбу муснаду илайҳидан сўнг нақд уни ёнида накра исм бўлиши ёки музоф бўлиши ёки музофга мушобих (ўхшаган) бўлиши керак.

Шарҳ: Мана шу учта шарт уни насб бўлишини шартидир.

مِثْلُ لَا غَلَامَ رَجُلٍ

ظريف فيها عندك

Бу ﻻ ни исми ёнида накра музоф бўлиб келган ҳолдаги мисолдир. غلام нафий жинсни ﻻ сини исмидир. رجل накра ва музофдир, ظريف ражулунни сифатидир عندك – ﻻ ни хабаридир. Сени олдинга ҳеч бир доно кишининг ғуломи йўқдир, деган маънода.

وَلَا عِشْرِينَ دِرْهَمًا لَكَ

Бу шибҳи музофга мисолдир. ﻻ –нафий жинсни ﻻ сидир ثابت эса унинг исмидир. Музофга мушобихдир. درهما тамйиз ثابته – га мутааллиқ ﻻ ни хабаридир.

فَإِنْ كَانَ مُفْرَدًا فَهُوَ مَبْنِيٌّ عَلَى مَا يُنْصَبُ بِهِ

Таржима: Агар нафий жинсни ﻻ си исми муфрад бўлса, у насбга мабний бўлади.

Шарҳ: Агар ﻻ исми муфрад бўлса, яъни музоф ёки шибҳи музоф бўлмаса насбга мабний бўлади. Яъни у фатҳадир ва касрадир ва (ا) алифдир ва (ي) дир.

Масалан: لا رجل في الدار – фатҳага мабний;

لا مسلمات في الدار – касрага мабний;

لا مسلمين – таснияди ي га мабний;

жамъда ي га мабний; لا مسلمين

асмои ситта ا алифга мабний. لا اباك

وَإِنْ كَانَ مَعْرِفَةً أَوْ مَفْصُولًا بَيْنَهُ وَبَيْنَ لَا وَجَبَ الرَّفْعُ وَالتَّكْرِيرُ

Агар ۋ ни исми (муснаду илайҳи) маърифа бўлса ёки ۋ билан уни исми ўртасида фосила бўлса бу ҳолда ۋ ни исмини рафъ ва такрор бўлиши вожиб бўлади.

Шарҳ: Агар ۋ ни исми маърифа бўлса хоҳ مفرد ва хоҳ مضاف ва хоҳ ۋ билан исм орасида фосила бўлсин хоҳ бўлмасин рафъи вожибдир. Бу олти кўрнишда бўлади.

Муфрадга мисол: لا زيد في الدار ولا عمرو – مفرد

Музофга мисол: لا غلام زيد في الدار ولا عمرو – مضاف

Муфрад фосилага мисол: ولا في الدار رجل وامرأة – مفرد فاصلة

Фосила музофга мисол: ولا في الدار غلام رجل ولا امرأة – فاصلة مضاف

Фосила муфрадга мисол: ولا في الدار زيد ولا عمرو – فاصلة مفرد

Фосила музоф: ولا في الدار غلام زيد ولا عمرو – فاصلة مضاف

Буларни ҳаммасида рафъ ва такрор бордир.

وَمِثْلُ قَضِيَّةٍ وَلَا أَبَا الْحَسَنِ لَهَا مُتَأَوَّلٌ

Бу ҳазрати علي разияллоҳу анҳуни ҳазрати علي каррамаллоҳу ваҳҳаҳу ҳақида айтган сўзларидир. أبا حسن
Ҳазрати Али разияллоҳу анҳуни куняларидир. Тақдири калом
яъни имомул муттақин, амирул мўъминин ҳазрати
Али каби ҳеч ким йўқдир. Бу мисол муқаддар саволни
жавобидир. Савол агар ۋ ни исми маърифа бўлса, уни рафъи
ва такрори вожиб эди. Аммо бу мисолда рафъ эмас насб
келган ва такрори ҳам йўқдир?

Жавоб: Бу таъвиллидир. Аслида لا مثل أبي حسن эди. Музоф
ҳазф қилинди ва музофун илайҳини музоф ўрнига қоим

мақом қилинди. Уни эъроби насб эди ба га бердик. У эса алиф билан насб бўлди. Чунки у асмой ситтадандир.

وَفِي مِثْلِ لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ حَمْسَةٌ أُوجِبُ فَتَحُهُمَا وَنَصْبُ الثَّانِي وَرَفَعُهُ وَرَفَعُهُمَا وَرَفَعُ الْأَوَّلِ عَلَى ضَعْفٍ وَفَتْحِ الثَّانِي

Таржима: لا حول ولا قوة الا بالله каби мисолларда беш хил эъроб бор. Иккаласи ҳам фатҳа. Фатҳи аввал насби сони. Фатҳи аввал рафъи сони. Иккалови ҳам рафъ. Рафъи аввал заиф ҳолда ва иккинчиси фатҳа.

(۱) لا حول ولا قوة إلا بالله

(۲) لا حول ولا قوة إلا بالله

(۳) لا حول ولا قوة إلا بالله

(۴) لا حول ولا قوة الا بالله

(۵) لا حول ولا قوة الا بالله

Биринчи: ﻻ ни иккови ҳам нафий жинс учун. Иккови муфрад накра ва фатҳага мабнийдир.

Иккинчи: Биринчи ﻻ нафий жинс ва исми фатҳага мабнийдир. Иккинчи ﻻ зоидадир, нафийни тазкири учун исми ﻻ га маътуф ва мансубдир.

Учинчи: Худди иккинчини ўзи. Лекин иккинчи ﻻ дан кейин марфуъдир. Аввалги ﻻ ни исмини маҳалига ҳамл қилиб.

Тўртинчи: Икки ﻻ дан сўнг ҳам марфуъ. Бу муқаддар саволни жавобидир.

سؤال: احول وقوة بغير الله

جواب: لا حول ولا قوة إلا بالله

Бешинчи: Аввалги ﻻ – ليس маъносида, иккинчи ﻻ нафий жинс учун ва исми мабнийдир. Бу заифдир, чунки ﻻ – ليس маъносида нодир келади.

وَإِذَا دَخَلَتِ الْهَمْزَةُ لَمْ يَتَغَيَّرِ الْعَمَلُ

Таржима: Ҳар қачон нафий жинсни ﻻ сига ҳамза кирса ﻻ ни амали ўзгармайди.

وَمَعْنَاهَا الْإِسْتِفْهَامُ وَالْعَرَضُ وَالتَّمَنِّي

Таржима: Нафий жинсни ﻻ сига кирувчи ҳамзани маъноси ё истифҳом бўлади ё таклиф бўлади ёки орзу бўлади.

Мисоллар: Уйда ҳеч эркак йўқми الدار في رجل истифҳомга;

Олдимизга тушмайсизми عندي таклифга;

Кошки сув бўлганда ичар эдим اشربه орзуга.

وَنَعْتُ الْمَبْنِيَّ الْأَوَّلَ مُفْرَدًا يَلِيهِ مَبْنِيٌّ وَمُعْرَبٌ رَفْعًا وَنَصَبًا مِثْلُ لَا رَجُلٌ ظَرِيفٌ وَظَرِيفًا

Таржима: Нафий жинс ﻻ сини исмини сифати муфрад ҳолда аввалги сифат бўлиб, ﻻ ни исмини ёнида бўлса у ҳолда фатҳага мабний бўлади. Ва яна рафъга ва насбга ҳам мўъраб бўлади. Масалан:

Биринчи: لا رجل ظريف сифат фатҳага мабний.

Иккинчи: لا رجل ظريف маҳаллига ҳамл қилиниб, сифат рафъга мўъраб бўлади.

Учинчи. لا رجل ظريف сифат насбга мўъраб бўлади. Уни лафзига ҳамл қилиниб.

وَالْأَفْإِعْرَابُ

Таржима: Агар ﻻ ни исми.

1. Мабний бўлмаса, яъни мўъраб бўлса.

2. Ёки аввалги наът бўлмаса, яъни иккинчи ва учинчи бўлса

3. Ёки муфрад бўлмаса, яъни музоф ёки шибҳи музоф бўлса.

4. Ёки сифат исми ёнида бўлмаса, яъни мунфасил бўлса.

У ҳолда уни рафъга ва насбга мўъраб бўлиши лозим бўлади.

Масалан: لا غلام رجل ظريف وظريف – сифат мабний эмас.

لا رجل عاقل ظريفا وظريف – сифат биринчи сифат эмас.

لا رجل ذا مال وذو مال – сифат муфрад эмас.

لا رجل فيها ظريفا وظريف – исм ва сифат орасида фосила бор.

وَالْعَطْفُ عَلَى اللَّفْظِ وَعَلَى الْمَحَلِّ جَائِزٌ مِثْلُ لَا أَبَ وَابْنًا وَابْنٌ

Таржима: Мабний бўлган исми لا ни лафзига ва маҳаллига атф қилмоқлик жоиздир.

Шарҳ: Шоирни Марвон ва уни ўғлига атаб айтган шеърида.

لا أب وابنا مثل مروان وابنه – إذ هو بالمجد ارتدى وتأزرا

Ҳар қачон Марвон ва уни ўғли улуғлик либосини кийсалар у каби ота ва у каби ўғил дунёда йўқдир.

وابنا ни аб га атфи қариб, яъни лафзга биноан насб қилинди. و ابن - аб ни маҳалига атф қилиб, рафъ бўлди.

وَمِثْلُ لَا أَبَا لَهُ وَلَا غَلَامِي لَهُ جَائِزٌ تَشْبِيهًا لَهُ بِالْمُضَافِ لِمُشَارَكَةِ لَهُ فِي أَصْلِ مَعْنَاهُ

Таржима: Ушбу Ушбу ле асли маънода изофага мушоракатлигининг борлиги сабабли жоиздир.

Шарҳ: لا أب له аслида эди. Бу муфрад ва накралиги сабабли фатҳага мабний бўлиб, لا ни исмидир. له эса لا ни хабаридир. Яъни, لا أب حاصل له. Лекин аб ни асли маънода изофага шериклиги бордир. Шу сабабдан аб га (ا) алиф зиёда қилдилар. Гўёки аб музофдир. Ва насбга алиф билан мустаҳикдир. Аммо لا أب له ҳақиқий изофа эмас. Чунки (ل) ломини борлиги унга изофага монъелик қилади. Худди шунингдек لا غلامي له ҳам, асл маънода изофага шериклиги бордир. Ўша шериклик غلامين ни ломдан кейин келган замирга нисбатидир. Шу шу мушобаҳатлик сабабидан غلامين дан изофа билан нунни ташладилар. Бу ерда у ҳақиқий изофа кабидир. Аслида لا غلامين له эди. Демак ҳар қачон нафий жинсни ломини

исмидан сўнг изофа лами келса, ушбу исмга изофани ҳукми берилади. Мисоллари юқорида ўтди.

وَمِنْ ثَمَّ لَمْ يَجُوزْ لَا أَبَا فِيهَا وَلَيْسَ بِمُضَافٍ لِفَسَادِ الْمَعْنَى خِلَافًا لِسَيِّوِيهِ

Таржима: Сибавайҳга хилоф равишда асл маънода музофга мушобаҳатлиги йўқлиги сабабли لا أبا فيها таркиби жоиз эмас.

Шарҳ: لا أبا في الدار لا أب فيها аслида аслида لا أبا فيها га алиф зиёда қилиб бўлмайди. Чунки أب ни له ни замирига нисбат бериб бўлади. Аммо أب ни الدار га нисбат бериб бўлмайди.

Сибавайҳни тарафдорлари айтадиларки لا غلامي له لا أبا له таркиблар ҳақиқий изофадир. Музоф билан музоф илайҳини орасига лом келтириш муқаддар (ل) ни таъкиди учундир.

وَيُحَذَفُ كَثِيرًا فِي مِثْلِ لَا عَلَيْكَ أَيُّ لَا بَأْسَ عَلَيْكَ

Таржима: Баъзан لا ни исми ҳазф қилинади لا عليك, لا каби. لا بَأْسَ عَلَيْكَ

ليس га ўхшаган ما ва لا нинг хабари

خَبْرٌ مَا وَلَا الْمَشَبَّهَاتَيْنِ بَلَيْسَ هُوَ الْمُسْتَنْدُ بَعْدَ دُخُولِهَا وَهِيَ لُغَةٌ أَهْلِ الْحِجَازِ

Таржима: Ҳижоз аҳлини луғатида ليس га ўхшаган ما ва لا ни хабари ما ва لا киргандан сўнг муснаддир.

Шарҳ: ليس га ўжшаган ما ва لا ни хабари ҳам мансуботлардандир. ما ва لا ни ليس га ўхшаб амал қилиши аҳли ҳижозни луғатидадир. Қуръон ушбу луғат билан нозил бўлгандир. Масалан ما هن امهاتهم . ما هذا بشراً

وَإِذَا زِيدَتْ إِنْ مَعَ مَا أَوْ انْتَقَصَ النَّفْيُ بِإِلَاءٍ أَوْ تَقَدَّمَ الْخَبْرُ بَطَلِ الْعَمَلِ وَإِذَا عُطِفَ عَلَيْهِ مُوجِبٌ فَالرَّفْعُ

Таржима: Ҳар қачон ما дан сўнг ان зиёда қилинса ёки уни амали الا билан бекор қилинса ёки хабар исмга муқаддам бўлса ما ни амали ботил бўлади. Ва ҳар қачон ما ва لا ни хабарига мувжиб яъни мусбат ҳурифи отифа билан атф қилинса ўша маътуфни ҳукми рафъ билан бўлади.

Шарҳ: Ҳар қачон ما калимасидан кейин ان зиёда қилинса ما ни амали ботил бўлади. Масалан: ما ان زيد قائم. Худди шунингдек ҳар қачон нафийни амали الا билан бекор қилинса.

Масалан ما ان زيد الا قائم. Ёки ما ни хабари исмига муқаддам бўлса, буларда ҳам ما ни амали ботил бўлади. Ва ҳар қачон ما ва لا ни хабарига мувжиб ҳуруфи отифа билан атф қилинса ўша маътуфни ҳукми рафъ билан бўлади.

Масалан ما عمرو قائما لكن قاعد. ما زيد مقيما بل مسافر

Мажруротнинг таърифи

الْمَجْرُورَاتُ هُوَ مَا اشْتَمَلَ عَلَى عِلْمِ الْمُضَافِ إِلَيْهِ

Таржима: Мажрурот музофу илайҳини аломатларини ўз ичига олувчи исмдир.

Шарҳ: المجرورات хабари маҳзуф мубтадодир ёки мубтадоси маҳзуф хабардир. Ёки المجرورات мубтадо, هو иккинчи мубтадо ва ما мубтадо иккинчи мубтадони хабари. Иккинчи мубтадо ўз хабари билан биринчи мубтадони хабари бўлиш эҳтимоли бордир. Музофун илайҳини аломатлари, китобни аввалида маълум бўлгандек жардир.

وَالْمُضَافُ إِلَيْهِ كُلُّ اسْمٍ نُسِبَ إِلَيْهِ شَيْءٌ بِوَسِطَةِ حَرْفِ الْجُرِّ لَفْظًا أَوْ تَقْدِيرًا مُرَادًا

Таржима: Музофун илайҳи шундай исмдирки, бирор нарсани (исмини ёки феълини) ўша исмга лафзан ёки тақдиран уни асари боқий қолган ҳолда келган ҳарфи жар билан нисбат берилади.

Шарҳ: غلام زيد дан мурод исм бўлиши ҳам мумкин каби. Феъл бўлиши ҳам мумкин مررت يزيد каби. Лафзан дедик, яъни ҳарфи жар лафзда келади مررت يزيد каби. Тақдиран дедик. غلام زيد ва صمت يوم الجمعة ва ضرب اليوم ёки قمت يوم الجمعة кабилар. مرادا дедик. бундан мақсад ҳарфи жарни хоҳ у лафзан бўлсин хоҳ тақдиран бўлсин уни асарини боқийлигидир. Яъни, مررت يزيد ҳарфи жар малфуз уни асари زيد ни мажрур қилди. Ёки غلام زيد ҳарфи жар муқаддар. Лекин уни асари боқийдир. Яъни زيد муқаддар (ل) лом билан мажрур бўлмоқда. Ёки ضرب اليوم да ҳам (ل) лом муқаддар, аммо уни асари اليوم даги мажрурликдир. Аммо صمت يوم الجمعة да муқаддар бўлса, ҳам уни асари боқий эмасдир. Яъни, жар эмас اليوم фатҳа бўлиб келмоқда. Демак муроддан мақсад مفعول فيه ва مفعول له дан эҳтироздир. (узоклашмоқ) дир.

فَالْتَقْدِيرُ شَرْطُهُ أَنْ يَكُونَ الْمُضَافُ اسْمًا مُجَرَّدًا عَنْهُ تَنْوِينُهُ لِأَجْلِهَا

Таржима: Ҳарфи жар тақдири билан бўлган изофани шарти шуки, музофни танвиндан ва унга қоим мақом бўлувчи (нуни тасния ва нуни жамъ) дан изофа учун ҳоли бўлмоғидир.

Шарҳ: Демак изофат мутлақ икки қисмдир.

Биринчиси: Ҳарфи жарни лафзда келиши билан.

Иккинчиси: Ҳарфи жарни тақдиран келиши билан.

Биринчи қисм изофатда ҳеч қандай баҳс йўқдир.

Кўриладиган ҳамма ҳукм ва ақсомларни зикрини ҳаммаси иккинчи қисм изофага тегишлидир. Иккинчи қисм изофани шарти эса изофа учун музофни танвиндан ва уни ўрнига қоим мақом бўлувчилардан ҳоли бўлишидир.

وَهِيَ مَعْنَوِيَّةٌ وَلَفْظِيَّةٌ فَالْمَعْنَوِيَّةُ أَنْ يَكُونَ الْمُضَافُ غَيْرَ صِفَةٍ إِلَى مَعْمُولِهَا

Таржима: Ҳарфи жар муқаддар бўлган изофа маънавий бўлади ва лафзий бўлади. Маънавий изофани аломати шуки,

музофни сифат бўлмаслиги ва уни ўз маъмулига изофа бўлмоғидир.

Шарҳ: музофни сифати бўлмаслиги дедик. Яъни, исм фоъил, исми мафъул, сифати мушаббаҳа ва исми тафзилдир. Маъмулдан мурод фоъил ва мафъулу бихдир. Масалан غلام زيد ва خاتم فضة. Лекин музоф сифат бўлиши мумкин, аммо ўз маъмулига изофа бўлмаслиги мумкин. Масалан: مصر مصر ни на фоъили ва на мафъулу бихисидир. Балки уни зарфидир.

وَهِيَ إِمَّا بِمَعْنَى اللَّامِ فِيمَا عَدَا جِنْسِ الْمُضَافِ وَظَرْفُهُ أَوْ بِمَعْنَى مِّنْ فِي جِنْسِ الْمُضَافِ أَوْ بِمَعْنَى فِي فِي ظَرْفِهِ وَهُوَ قَلِيلٌ مِّثْلُ غُلَامٌ زَيْدٌ وَخَاتَمٌ فَضَّةٌ وَضَرَبُ الْيَوْمِ

Таржима: Агар музофун илайҳи музофни жинси бўлмаса, ва яна музофни зарфи ҳам бўлмаса, унда бу каби маънавий изофа (ل) маъносида бўлади. Ёки музофун илайҳи музофни жинси бўлса, унда бу каби маънавий изофа (من) маъносида бўлади. Ёки музофун илайҳи музофни зарфи бўлса унда бу каби маънавий изофа (في) маъносида бўлади. Ва бу каби маънавий изофа жуда оздир.

Шарҳ: Маънавий изофа уч қисмдир.

Шундан биринчиси غلام زيد да Зайд ғуломни жинсидан эмас. Ва уни зарфи ҳам эмас. Демак غلام زيد ни изофати (ل) маъносидадир. Яъни غلام لزيد дир.

Иккинчи: Агар музофун илайҳи музофни жинсидан бўлса, унда бундай маънавий изофа (من) маъносида бўлади. Масалан: خاتم فضة. Бунда خاتم فضة ни жинси ва уни асидир. Шу боисдан изофат (من) маъносида бўлади خاتم من فضة каби.

Учинчиси: Агар музофун илайҳи ظرف бўлса бундай маънавий изофа (في) маъносида бўлади. Масалан ضرب - ضرب اليوم ни зарфидир. Бу изофа (في) маъносидадир. Яъни ضرب في اليوم. Ва бу каби изофа жуда оздир.

وَتُعَيِّدُ تَعْرِيفًا مَعَ الْمَعْرِفَةِ وَتَخْصِيصًا مَعَ النَّكْرَةِ

Таржима: Маънавий изофа ҳар қачон музоф маърифатга изофа қилинса маърифати ифода қилади. Агар накрага изофа қилинса, музофун тахсисни (хосроқ бўлишни) ифода қилади. Масалан: غلام زيد. Бундан мурод муайян ғуломдир.

غلام رجل да эса غلام муайян бўлмаса ҳам хосроқ бўлади. Яъни غلام امرأة эмас.

وَشَرْطُهَا تَجْرِيدُ الْمُضَافِ مِنَ التَّعْرِيفِ

Таржима: Маънавий изофани шартини уни маърифадан холи бўлмоғидир.

Шарҳ: Агар музоф (ال) алиф-лом билан маърифа бўлса ёки музоф علم бўлса, уни изофа қилиб бўлмайди. Чунки аслида изофадан мурод музофни таърифини қабул қилмоғи эди. Лекин уларни ўзи маърифадир. Шу сабабдан изофа қилмоқликда таърифдан холи қилмоқлик лозимдир. Яъни الغلام زيد ёки زيد كم деб бўлмайди. Агар изофа қилинса лағв бўлади.

وَمَا أَجَازَهُ الْكُوفِيُّونَ مِنَ الثَّلَاثَةِ الْأَثْوَابِ وَشِبْهِهِ مِنَ الْعَدَدِ ضَعِيفٌ

Таржима: (ال) алиф-лом билан муъарраф бўлган ададдан таркиб топган الثلاثة الأثواب ва шу каби таркибларни изофасини Кўфа олимлари жоиз деган бўлсаларда булар заифдирлар.

Шарҳ: Чунки бу каби таркиблар қиёсга ҳамда адибларни истеъмолига хилофдир.

وَاللَّفْظِيَّةُ أَنْ يَكُونَ الْمُضَافُ صِفَةً مُضَافَةً إِلَى مَعْمُولِهَا

Таржима: Лафзий изофани аломати шуки, у сифат бўлиб, ўзини маъмулига изофа бўлмоқлигидир.

Шарҳ: Музоф сифат бўлиши керак дедик. Яъни, исми фоъил, исми мафъул, сифати мушаббаҳа, исми тафзил маъмул дедик. У фоиълдир ёки мафъулдир.

مِثْلُ ضَارِبُ زَيْدٍ

Бу мисолимизда изофа лафзийдир. Чунки музоф сифатдир. Яъни, исми фобилдир. Уни маъмули زيد уни фобилидир. Яъни исми фобилни ўзи фобилига изофададир.

وَحَسَنُ الْوَجْهِ

Бу мисолимиз ҳам изофа лафзийдир. Чунки музоф сифат яъни, сифати мушаббаҳадир. Уни маъмули الوجه дир. Яъни сифати мушаббаҳани ўз фоиъли الوجه га изофа бўлиб келмоқда.

وَلَا تُفِيدُ إِلَّا تَخْفِيفًا فِي اللَّفْظِ وَمِنْ ثَمَّ جَازَ مَرَرْتُ بِرَجُلٍ حَسَنَ الْوَجْهِ وَامْتَنَعَ مَرَرْتُ بِزَيْدٍ حَسَنَ الْوَجْهِ

Таржима: Лафзий изофа лафздаги енгилликдан бошқа ҳеч қандай фойда бермайди. Шу боисдан مررت برجل حسن الوجه таркиби жоиздир. Ва مررت بزید حسن الوجه ман этилгандир.

Шарҳ: Лафзий изофа фақат лафзда енгиллик бўлгани учун حسن сифати мушаббаҳа (ال) алиф-лом билан муарраф бўлган الوجه га изофа бўлсада накралигича қолмоқда. Ҳамда رجل га сифат бўлганлиги сабаб бу таркиб жоиз бўлмоқда. Аммо مررت بزید حسن الوجه ман этилгандир. Чунки زيد мавсуф аламлиги учун маърифадир. حسن агар маърифага изофа бўлсада накралигича қолмоқда. Накра маърифага сифат бўла олмаслиги учун бу таркиб ман этилгандир.

وَجَازَ الضَّارِبَا زَيْدٍ وَالضَّارِبُو زَيْدٍ وَامْتَنَعَ الضَّارِبُ زَيْدٍ خِلَافًا لِلْفَرَا

Шарҳ: الضاربا زيد ва الضاربو زيد. Бу таркиблар жоиздир. Чунки нуни тасния ва нуни жамъни ҳазфи билан лафзда енгиллик бўлмоқда. Аммо الضارب زيد. Бу таркиб ман этилгандир. Чунки الضارب даги танвин (ال) алиф-лом билан тушиб қолади. Изофа билан эмас. Бу таркибда ҳеч қандай енгиллик йўқлигидан ман этилгандир. Аммо шайх Фарро айтадиларки, الضارب даги танвин изофа билан тушган ва сўнг (ال) алиф-лом билан муарраф бўлган.

وَضَعُفَ الْوَاهِبِ الْمَائَةِ الْمَجَانِ وَعَبْدَهَا

Таржима: Ушбу таркиб заифдир яъни, الواهب المائة المجان وعبدها маъноси, “Эй юзта оқ туя ва уни туябони билан ҳадя қилувчи зот.

Шарҳ: Қиёсга биноан бу таркиб жоиз эмас. Чунки – المائة عبدهа га атфдир. Бу эса الضارب زيد ни худди ўзидир. Лекин музофни зикри лафзан эмас табаъийат(тобеълик) йўли билан الواهب المائة المجان والواهب عبدهа да муқаддардир. Тақдири калом متبوع да эҳтимоли бўлмаган нарса تابع да таҳаммул қилинади. Шу боисдан عبدهа ни الواهب ни маъмулига атфи жоиз лекин заифдир.

وَإِنَّمَا جَاَزَ الضَّارِبُ الرَّجُلَ حَمَلًا عَلَى الْمُخْتَارِ فِي الْحَسَنِ الْوَجْهِ

Таржима: الضارب الرجل таркиби албатта жоиз бўлади, агар важҳи мухтор الحسن الوجه га ҳамл қилинса.

Шарҳ: الضارب الرجل таркиби қиёс бўйича раво эмас. Чунки ҳеч қандай тахфиф (енгиллик) йўқдир. Чунки танвин (ال) алиф-лом билан тушгандир. Аммо الحسن الوجه да уч кўриниш бордир.

Биринчи, важҳи мухтордир الحسن الوجه бўлиб, у мажрурдир.

Иккинчи, фоиълият билан рафъ бўлишидир الحسن الوجه.

Учинчиси, мафъулга мушобаҳатлиги билан насбдир الحسن الوجه. Демак الضارب الرجل важҳи мухтор الحسن الوجه га ҳамл қилиб, жоиз саналди.

وَالضَّارِبُكَ وَشِبْهُهُ فِيمَنْ قَالَ إِنَّهُ مُضَافٌ حَمَلًا عَلَى ضَارِبِكَ

Таржима: ضاربك таркибини жоиз деганлар мазҳабига ҳамл қилиб الضاربك ва шу каби таркибларни ҳам жоиз деганлар.

Шарҳ: Сибавайҳ ва у кишини пайравлари الضاربك ва шу кабилар الضاري ва الضاربه таркибларни раво деганлар. Яъни, музоф

деганлар. (ك) коф замир маҳали насбдир. Чунки мафъулу бихдир. Танвин эса замирга муттасил бўлгани учун тушган изофа билан эмас. Бу таркибни ضاريك га ҳамл қилишни ҳожати йўқдир. Аммо ضاريك таркибини изофасини раво деганлар. ضارب—ни танвини изофа билан тушганлиги сабабли бунда лафзда енгиллик бор, дейишган. Шу боисдан الضاريك ни ҳам ضاريك га ҳамл қилиб, изофа жоиз дейишган.

وَلَا يُضَافُ مَوْصُوفٌ إِلَى صِفَةٍ وَلَا صِفَةٌ إِلَى مَوْصُوفِهَا

Таржима: Мавсуф сифатга ва сифат мавсуфга изофа қилинмайди.

Шарҳ: Чунки изофани маъноси билан васфийатни маъноси бир бирига жамъ келмайди. Зеро мавсуф ва сифат ва сифат билан мавсуфни зоти бир нарсадир. Шунинг учун нарсани ўз нафсига изофа қилиб бўлмайди.

وَمِثْلُ مَسْجِدِ الْجَامِعِ وَجَانِبِ الْغَرْبِيِّ وَصَلَاةِ الْأُولَى وَبَقْلَةِ الْحَمَقَاءِ مُتَأَوَّلٌ وَمِثْلُ جَرْدُ قَطِيفَةٍ وَأَخْلَاقُ ثِيَابٍ مُتَأَوَّلٌ

Шарҳ: Бу матнда мусанниф мавсуфни сифатга изофасига тўрт мисол ва сифатни мавсуфга изофа бўлганига иккита мисол келтирганлар. Демак улар таъвилга мухтождир.

مسجد الوقت الجامع ни таъвилда مسجد الجامع

صلاة الأولى ни таъвили جانب المكان الغربي دир. جانب المکان الغربي ни таъвили جانب الغربي دир. صلاة الأولى ни таъвили صلاة الأولى دир. Ва بقلة الحمقاء таъвили эса حبة الحمقاء бўлади. Энди сифатни мавсуфга изофа бўлган мисолларга келдик. جرد قطيفة. جرد قطيفة аслида جرد قطيفة эди ва أخلاق ثياب аслида أخلاق ثياب эди. Буларни таъвили шуки, جرد ва أخلاق ларни мавсуфдан холи қилдилар. Уларни маъносига ноаниқлик йўл топди. Ҳар қачон бу ноаниқликни кетказмоқчи бўлсалар ҳар бирини уларга мавсуф бўлишга салоҳияти бор нарсага изофа қилишди. Аммо мавсуфга изофа қилишни қасди йўқ эди.

وَلَا يُضَافُ إِسْمٌ مُمَاتِلٌ لِلْمُضَافِ إِلَيْهِ فِي الْعُمُومِ وَالْخُصُوصِ كَلَيْثٌ وَأَسَدٌ وَحَبْسٌ وَمَنْعٌ لِعَدَمِ الْفَائِدَةِ

Таржима: Фойдасини йўқлигидан умум ва хусусда ўхшаш исмлар музофун илайҳига изофа қилинмайди.

Шарҳ: Яъни, умумда ва хусусда бир – бирига ўхшаш исмлар бири иккинчисига изофа қилинмайди. Чунки изофасиз ҳам мақсад музофдан маълум бўлади. Изофа қилинса лағв бўлади. Масалан **ليث وأسد** аёнда(кўринишда) ва жинсда бир нарсадир. **حبس ومنع** ҳам маънода ва аҳдосда(ходисада) бир бирига ўхшашдир.

بِخِلَافِ كُلِّ الدَّرَاهِيمِ وَعَيْنِ الشَّيْءِ فَإِنَّهُ يَخْتَصُّ بِهِ

Таржима: Ушбу таркибларда ўомни хосга изофа қилса бўлади. Чунки бундай изофада музоф хосроқ бўлади.

Шарҳ: **كل** – калимаси алиф-лом билан муъарраф бўлган **الدراهم** га изофа бўлиб хос бўлмоқда. Худди шунингдек **عين** алиф-лом билан муъарраф бўлган **الشي** га изофа бўлиб, хосроқ келмоқда.

وَقَوْلُهُمْ سَعِيدٌ كُرْزٍ مُتَأَوَّلٌ

Таржима: Аммо бу таркиб ва шу кабилар таъвиллидир.

Шарҳ: Бу муқаддар саволни жавобидир.

Савол: Бир-бирига маънода ўхшаган исмларни изофа қилиб бўлмас эди. Нима сабабдан **سعيد كرز** бир-бирга мумосил(ўхшаш) яъни, иккови ҳам бир кишини номи бўлсада изофа қилинган.

Жавоб: Бу таъвиллидир. Таъвили шуки, биридан лафз ўқийдилар, иккинчисидан маъно яъни, **سعيد** ки уни исми курздир.

وَإِذَا أُضِيفَ الْإِسْمُ الصَّحِيحُ أَوْ الْمُلْحَقُ بِهِ إِلَى يَاءِ الْمُتَكَلِّمِ كُسِرَ آخِرُهُ

Таржима: Ҳар қачон саҳиҳ исм ёки саҳиҳ исмга мулҳиқ бўлган исм мутакаллимни (ي) сига изофа қилинса ўша исмни охири касра қилинади.

Шарҳ: Саҳиҳ исм деб наҳв олимлари истилоҳида уни охирида иллат ҳарфи бўлмаган исм тушунилади. Саҳиҳга

мулҳиқ исм деб шундай исмни айтадиларки, уни охири (واو) ёки (يا) бўлиб, моқаблиси яъни ундан олдингиси сокин бўлган исмдир. Масалан *ثوي* ва *دари* - ба билан (را) касра қилинди. Бу саҳиҳ исмлар учун мисол. Ва *دلو* ва *ظي* булар мулҳиқ исмлар учун мисолдир.

وَالْيَاءُ مَفْتُوحَةٌ أَوْ سَاكِنَةٌ

Таржима: Музофун илайҳи бўлган мутакалимни (ي) си бу ҳолатда фатҳа қилмоқ ҳам сокин қилмоқ ҳам жоиздир.

Масалан. *غلامي* ёки *غلامي* иккови ҳам жоиздир.

فَإِنْ كَانَ آخِرُهُ أَلِفًا تَثْبُتُ

Таржима: Агар мутакалим (ي) га изофа бўлувчи музоф исмни охири (ا) алиф бўлса ўша алиф собит қолади. Масалан. *رحاى* - *عصاى* ва *رحى* - *عصاى* ва *عصو* каби.

وَهَذِيْلٌ تَقْلِبُهَا لِغَيْرِ السَّنِيَةِ يَاءً

Таржима: Арабларни Ҳузайл қабиласи ўша алифни (يا) га агар ўша алиф тасния алифи бўлмаса қалб қилиб ўқийдилар. Масалан: *عصى* ва *رحى* деб ўқийдилар. Агар алиф тасния бўлса қалб қилинмайди. Масалан *غلامي* бўлади.

فَإِنْ كَانَ يَاءً أُدْغِمَتْ

Таржима: Агар мутакалим (ي) га изофа бўлувчи исмни охири (يا) бўлса идғом қилинади. Масалан *مسلمون* рафъ ҳолатида ва *مسلمين* насб ҳолатида. Ҳар қачон буларни мутакалимни (ي) сига изофа қилсалар нунлар соқит бўлади. Яъни, *مسلموي* ва *مسلموي* бўлади. Биринчисида (واو) ва *ي* жамъ келди. (واو) ни (ي) га қалб қилдилар. Иккинчисида эса шарти идғом пайдо бўлгани сабаб (ي) ни (ي) га идғом қиламиз *مسلمي* бўлди. Ва (ي) ни муносабати билан моқаблини касра қиламиз *مسلمي* бўлди.

وَإِنْ كَانَ وَآوًا قُلِبَتْ يَاءٌ وَأُدْغِمَتْ

Таржима: Агар мутакаллим (ي) ни моқабли (واو) бўлса (يا) га қалб қилиниб, идғом қилинади. Бу юқорида مسلمون мисолида ўтди.

وَفُتِحَتِ الْيَاءُ لِلسَّائِكِينَ

Таржима: Илтиқои сокинайн яъни, икки сокин бир келишини бартарарф қилиш учун мутакаллимни (ي)си фатҳа қилинади.

وَأَمَّا الْأَسْمَاءُ السِّتَّةُ فَأَخِي وَأَبِي وَأَجَارَ الْمُبَرَّدُ أَخِي وَأَبِي

Таржима: Аммо мутакаллим (ي) га асмои ситтани изофа қиладиган бўлсак أب бўлади ва أخ бўлади. Аммо шайх Мубаррад أب ва أخ ни жоиз дедилар.

Шарҳ: Аслида أب ва أبو ва أخо эди. Бу икковидан (واو) ни ҳазф қилингандан сўнг гўё бу исмларни охири ҳарфи саҳиҳ бўлди ва унга غلامي ва غلامي да қилинган каби муомала қилинди. Яъни أب ва أخ ва أخى. Аммо Мубаррад أب ва أخ даги лом баробаридаги “насян мансийё” бўлган яъни унутилган (واو) ни олиб келади ва (ي) га қалб қилиб, мутакаллим (ي) билан идғом қилиб, أب ва أخى ни жоиз тутди.

وَتَقُولُ حَمِي وَهْنِي

Таржима: حَمِي ва حَمِي ва هْنِي ва هْنِي дея оласан.

Шарҳ: حَمِي ва هْنِي да فعل ни (ل) ломи насян мансийё ҳазф бўлгандан сўнг калимани охири (م) мим ва (ن) нун саҳиҳ ҳарф бўлгандан сўнг улар мутакаллим (ي) га изофаси фатҳа билан ҳам суқун билан ҳам жоиз бўлади. Масалан حَمِي ва حَمِي ва هْنِي ва هْنِي каби.

وَيُقَالُ فِي الْأَكْثَرِ وَفَمِي

Таржима: Истеъмолни аксариди *في* ва баъзида *فمي* дейилади.

Шарҳ: *فم* аслида *فه* эди. Калимани ломини ҳазф қилдик *فو* бўлди. Ва ʔайн баробаридаги (*واو*) ни мим (*م*) га қалб қилдик. Ва *فم* бўлди. Энди мутақаллимни (*ي*) сига изофа қилдик *فمي* бўлди. Энди *في* ни аслини кўрамиз *فو* ни мутақаллим (*ي*) га изофа қиламиз *فوي* бўлади. (*واو*) ни (*يا*) га қалб қиламиз ва мутақаллим (*ي*)га идғом қиламиз ҳамда (*ي*) ни муносабати билан *ف* ни касра қиламиз *في* бўлади. *في* аслида *فوي* эди. Буни асли *فه* эди. Чунки уни жамъи *افواه* дир.

وَإِذَا قُطِعَتْ قَيْلٌ أَخٌ وَأَبٌ وَحَمٌّ وَهَنٌْ وَفَمٌّ

Таржима: Ҳар қачон бу бешта исм изофадан узилган бўлса уларни эъроби ҳаракат билан бўлади. *هن* ва *حم* ва *اب* ва *اخ* каби.

وَفَتْحُ الْفَاءِ أَفْصَحُ مِنْهَا

Таржима: Бу беш исмдаги *فعل* ни *фо* баробаридаги ҳарфини фатҳаси замма ва касрадан фасиҳроқдир. *اب* ва *اخ* ҳоказо.

وَجَاءَ حَمٌّ مِثْلُ يَدٍ وَحَبٌّ وَدَلْوٌ وَعَصَا مُطْلَقًا

Таржима: *حم* яна бир неча луғатда келгандир. Бири *يد* каби, яна бири *حب* каби, яна бири *دلوة* каби, яна бири *عصا* каби.

Шарҳ: Биринчиси *يد* каби *بحم* *مررت* *حمك* *ورأيت* *حمك* *مررت* *بحمك* *ومررت* *بحمك*

Иккинчиси: *حب* каби. *بحم* *مررت* *حمك* *ورأيت* *حمك* *مررت* *بحمك* *ومررت* *بحمك*

Учинчиси: هذا حمو وهذا حموك رأيت حمواً ورأيت حموكِ مررت يحموٍ ومررت. каби. دلو
بحموك

Тўртинчиси: هذا حما وهذا حماك رأيت حما ورأيت حماكِ مررت عصا каби
بحما ومررت بحماك

وَجَاءَ هُنَّ مِثْلُ يَدٍ مُطْلَقًا

Таржима: هذا هن эса хоҳ муфрад бўлсин ва хоҳ изофада
бўлсин мутлақ يد кабидир. مررت هنك ورأيت هنا ورأيت هنك
بهن مررت بهنك

وَدُو لَا يُضَافُ إِلَى مُضْمَرٍ وَلَا يُقْطَعُ

Таржима: دو калимаси замирга изофа қилинмайди ва
изофадан узилмайди.

التوابع

Тобецларнинг таърифи

كُلُّ ثَانٍ يَأْغْرَابٍ سَابِقِهِ مِنْ جِهَةٍ وَاحِدَةٍ

Таржима: Наҳв олимлари истилоҳида ҳар бир иккинчи бир ягона жиҳатдан ўзидан собиқ келган нарсани эъробига эргашса уни "тобеъ", дейишади.

Шарҳ: تابع сўзи нинг жамъидир. Васфиятдан исмиятга кўчган ҳар бир فاعل вазнидаги исмни فواعل га жамъ қилишади.

Масалан تابع – تابع، كواهل – كواهل، عوامل – عامل

Кабир. Кейинчи дейилди. Чунки биринчи ўринда турган нарса тобеъ бўлмайди.

Кейинчи дейилди. Чунки кан нинг хабари ва ان нинг хабари тобеъ эмас.

Кейинчи дейилди. Чунки مبتدا нинг хабари ва علمت нинг иккинчи мафъули бундан хориж бўлиши учун. Чунки улар тавобеъдан эмас.

النَّعْتُ تَابِعٌ يَدُلُّ عَلَى مَعْنَى فِي مُتَّبِعِهِ مُطْلَقًا وَفَائِدَتُهُ تَخْصِصٌ أَوْ تَوْضِيحٌ

Таржима: Наът ўзининг матбуъидаги мутлақ маънога далолат қилувчи тобеъдир. Унинг фойдаси эса накрада тахсис ва маърифатда тавзиҳдир.

Шарҳ: Наът беш тавобеъдан биридир. Наът шундай тобеъдирки, ўзининг матбуъидаги мутлақ маънога далолат қилади. Унинг фойдаси эса накра билан тахсис топишидир.

Масалан رجل عالم – رجل عالم сифати билан бошқа кўпгина салбий сифатлардан хосроқ бўлди.

Иккинчи фойдаси эса маърифат билан тавзиҳ яъни, аниқроқ бўлишидир. Масалан رجل عالم. Агар زيد дан икки кишини номи бўлса бу наът زيد ни ноаниқликдан чиқариб равшан қилди.

وَقَدْ يَكُونُ لِمَجْرَدِ الشَّاءِ أَوِ الدَّمِّ أَوْ التَّأَكُّدِ مِثْلَ نَفْحَةٍ وَاحِدَةٍ

Таржима: Гоҳида наът соф мақтов ёки соф мазаммат учун ёки соф таъкид учун келади.

Шарҳ: Масалан соф мамақтов учун *بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ* бу ерда соф мақтов учун.

Ва *اعوذ بالله من الشيطان الرجيم* соф мазаммат учун.

Бу ерда *الشيطان الرجيم* соф мазаммати учундир. *نفخة واحدة* эса соф таъкид учундир.

وَلَا فَصْلَ بَيْنَ أَنْ يَكُونَ مُشْتَقًّا أَوْ غَيْرَهُ وَإِذَا كَانَ وَضْعُهُ لِعَرَضِ الْمَعْنَى عُمُومًا مِثْلُ تَمِيمِيٍّ وَذِي مَالٍ أَوْ خُصُوصًا مِثْلُ مَرَرْتُ بِرَجُلٍ أَيْ رَجُلٍ وَبِهَذَا الرَّجُلِ وَبَزِيدٍ هَذَا

Таржима: Муштак исм ҳам ғайри муштак исм ҳам сифат бўла олади. Ҳар қачон ғайри муштак исм ҳамма истеъмолда мукаммал маънога далолат қилиш учун қўйилган бўлса (сифат бўла олади). Масалан *تميمي* ва *ذو مال* каби. Ёки баъзи истеъмолда мукаммал маънога далолат қилса.

Масалан *مررت برجل اي رجل* ва *مررت برجل* ва *بهذا رجل* ва *بزيد* кабилар.

Шарҳ: *مررت برجل ذي مال* ва *مررت برجل تميمي*. Бу мисолларда *تميمي* ва *ذو مال* ни сифати бўлиб келмоқда лекин муштак эмас. Ёки ғайри муштак исм баъзи истеъмолда маънога далолат қилиш учун қўйилган бўлса.

Масалан *مررت برجل اي رجل* бу ерда ҳам *اي رجل* ни комил сифат бўлиб келмоқда. Аммо муштак эмас.

Ёки *بهذا الرجل* жумласи *هذا الرجل* ни сифати бўлиб келмоқда. Аммо муштак эмас.

Ёки *زيد هذا* жумласи *زيد هذا* ни сифати бўлиб келмоқда. Лекин муштак эмас.

وَتُوصَفُ النَّكْرَةُ بِالْجُمْلَةِ الْخَبَرِيَّةِ وَيَلْزَمُ الضَّمِيرُ

Таржима: Накра исм, жумлаи хабария билан мафсуф бўлади. Ва албатта сифат бўлган жумладан мавсуфга қайтувчи яъни сифат билан мавсуфни боғловчи бир замир лозим бўлади.

Шарҳ: Чунки жумла накра ҳукмидадир. "Жумлаи хабария" дедик, чунки "жумлаи иншоия" сифат бўла олмайди.

Накра исмга сифат бўлади дедик. Жумла маърифа исмга сифат бўла олмайди.

Масалан *رجل، أبوه عالم، جاءني رجل أبوه عالم (هو)* замир *رجل* га қайтмоқда. Агар замир бўлмаса жумла ажнабийлигича қолади. Ажнабий бир-бирига боғланмаган жумладир.

Масалан *جاءني رجل زيد عالم*

وَيُوصَفُ بِحَالِ الْمَوْصُوفِ وَبِحَالِ مُتَعَلِّقِهِ مِثْلُ مَرَرْتُ بِرَجُلٍ حَسَنٍ غُلَامُهُ

Таржима: Мавсуфнинг ҳоли билан ҳам васф қилинади. Ва мавсуфнинг мутаалиқини ҳоли билан ҳам васф қилинади.

Шарҳ: Масалан *مررت برجل عالم* бунда *رجل* ни ҳоли ва сифатидир. Иккинчиси *مررت برجل حسن غلامه* бу мисолда мавсуфнинг ҳоли эмас. Мавсуфнинг мутааллиқини ҳолидир.

فَالأَوَّلُ يَتَّبِعُهُ فِي الإِعْرَابِ وَالتَّعْرِيفِ وَالتَّنْكِيرِ وَالْإِفْرَادِ وَالتَّشْبِيهِ وَالْجَمْعِ وَالتَّذْكِيرِ وَالتَّأْنِيثِ

Таржима: Аввалгиси яъни мавсуфнинг ҳоли билан бўлган наът ўз мавсуфи билан ўн нарсада эргашади. Эъробда, маърифада, ва накраликда, бирлик, иккилик ва жамъда, музаккар ва муаннасликда.

Шарҳ: Эъробда, рафъ, насб ва жарда эргашади. Бу учтадир. Қолгани еттита, ҳаммаси ўн ҳолатдир. Тўрттаси вужудий ва олтитаси адамийдир.

وَالثَّانِي يَتَّبِعُهُ فِي الْحُمْسَةِ الْأَوَّلِ

Таржима: Иккинчиси, яъни мавсуфни мутааллиқини ҳоли билан бўлган наът ўз мавсуфи билан аввалги беш нарсада эргашади.

Шарҳ: Рафъ, насб, жар ҳамда таъриф ва танкирда эргашади. Бу беш ҳолатни иккиси вужудий ва учтаси адамий бўлади. Агар мавсуф сифат, маърифа ва рафъ бўлса бу иккови вужуди ва қолган уч ҳолат адамий бўлади. Яъни насб, жар ва танкир.

وَفِي الْبَوَاقِي كَالْفِعْلِ

Таржима: Иккинчи хил васфни ҳукми қолган бештада феълни ҳукми кабидир.

Шарҳ: Юқорида айтилган ўн кўринишни охирги бештаси феълни амалини қилади. Масалан:

(۱) مررت برجل قاعدٍ غلامه أي يقعد غلامه

(۲) مررت برجلين قاعد غلامهما أي يقعد غلامهما

(۳) مررت برجلٍ قاعدٍ غلمانهم أي يقعد غلمانهم

яъни, феълни фоили муфрад, тасния ёки жамъ бўлса феъл муфрад бўлганидек бу ерда сифат ҳам муфрад келтирилди. Агар феълни фоъили музаккар ёки муаннас бўлганда феъл фоъилга музаккар ва муанназда эргашгандек васф ҳам музаккар ва муаннасликда фоилга эргашади. Масалан:

(۱) مررت بامرأةٍ قائمٍ أبوها أي يقوم أبوها

(۲) مررت بامرأةٍ قائمةٍ جاريتته أي تقوم جاريتته

(۳) مررت برجلٍ معمورٍ داره أي يعمر داره

(۴) مررت برجلٍ معمورةٍ داره أي تعمر داره

бу ерда الدار "муаннаси ғайри ҳақиқий" бўлгани учун музаккар ёки муаннас келтириш ҳам жоиздир.

وَمِنْ تَمَّ حَسَنَ قَامٍ رَجُلٌ قَاعِدٌ غِلْمَانُهُ

Таржима: Шу боисдан قام رجل قاعد غلمانه таркиби чиройлидир.

Шарҳ: Мавсуфни мутааллиқини ҳоли билан бўлган васф аввалги беш жиҳатдан сифатга эргашинини билдик. Энди қолган охирги бештада сифат феъл каби амал қила олиши сабабидан ушбу قام رجل قاعد غلمانه таркиби жуда чиройлидир. Чунки юқорида ўтган قام رجل يقعد غلمانه кабидир. Яъни феъл муфрад ва фоили жамъ, бу эса раводир.

وَضَعْفَ قَاعِدُونَ غِلْمَانُهُ

Таржима: Ушбу قام رجل قاعدون غلمانه таркиби заифдир.

Шарҳ: يَقْعُدُونَ غِلْمَانَهُ قَامَ رَجُلٌ يَقْعُدُونَ غِلْمَانَهُ таркиби ҳам заифдир. Зеро يَقْعُدُونَ даги (واو) ҳам замир ҳамда фоъилдир. Уни зоҳир исм билан зикр қилмоқлик фоъилни тааддудига лозим бўлади. Шу жиҳатдан ушбу таркиб заифдир.

وَيَجُوزُ قَعُودٌ غِلْمَانَهُ

Таржима: Аммо قَامَ رَجُلٌ قَعُودٌ غِلْمَانَهُ жоиздир. Яъни заиф ҳам ҳасан ҳам эмас.

Шарҳ: Чунки يَقْعُدُونَ жамъи таксирдир га заифлигида мушобаҳат (ўхшаш)лиги йўқдир. Аммо قَعُودٌ на заифдир ва на яхшидир.

وَالْمُضْمَرُ لَا يُوصَفُ وَلَا يُوصَفُ بِهِ

Таржима: Замир мавсуф ҳам бўлмайди ва у билан сифат ҳам қилинмайди.

Шарҳ: Замир на сифат бўлади ва на мавсуф бўлади. Саҳиҳ сўз билан замир аърафул-маорифдир. У тавзиҳ ва васфга ҳожати йўқдир. Шу жиҳатдан мавсуф бўлмайди. Замир сифат бўла олмайди. Чунки замир зотни нафсига далолат қилади. Зотдаги қойим маънога эмас. Шу саббабдан замир сифат бўла олмайди.

وَالْمَوْصُوفُ أَحْصُ أَوْ مُسَاوٍ

Таржима: Мавсуф сифатдан хосроқ ёки унга тенг бўлиши керак.

Шарҳ: Мавсуф сифатга қараганда маърифароқ бўлиши керак. Чунки сифат мавсуфдан аъраф ва ақво (маърифали ва кучли) бўла олмайди. Чунки сифат мавсуфни тобеъидир.

وَمِنْ تَمَّ لَمْ يُوصَفْ دُوَ اللَّامِ إِلَّا بِمِثْلِهِ أَوْ بِالْمُضَافِ إِلَى مِثْلِهِ

Таржима: Мавсуф сифатдан маърифароқ ёки у билан мусовий яъни бир мартабада бўлмоқлиги сабабидан (ال) алиф-лом билан муъарраф бўлган исм фақат (ال) алиф-лом билан муъарраф бўлган исм билан мавсуф бўлади, ёки (ال) алиф-лом билан изофа бўлган исм билан мавсуф бўлади.

Шарҳ: Бу нарсаларни тўлиқ тушунмоқ учун аввало маърифаларни тартиби билан танишиб чиқайлик.

Маърифаларни энг аърафи:

1. рутбада – ضمائر

2. рутабада – علم

3. موصول اسم ва اسم إشارة

4. Алиф лом билан معرف

5. Юқоридагиларни бирортаси билан изофа.

Агар бирор исм замир билан изофа бўлса биринчи рутбага кўтарилади. Агар علم билан изофа бўлса иккинчи рутбага кўтарилади. Ва шунга қиёс علم ни علم билан изофа қилинса علم рутбасада бўлади. Шу боисдан علم ни علم билан васф қилса бўлади. Масалан: مررت بزيد صاحب عمرو

Аммо مررت بزيد صاحبك деб бўлмайди. Чунки сифат замирга изофа бўлиб, биринчи рутбали бўлди. Мавсуф علم эса, иккинчи рутбададир. Демак хулосаи калом рутбаси баланд сифат бўла олмайди. Чунки мавсуф аъраф ва ахас (хосроқ) ёки мусовий (баробар) бўлиши керак, дедик. Яъни мавсуф сифатдан бир рутба юқори ёки тенг рутбада бўлиши лозим экан. Шу сабабдан. Зуллом, фақат зуллом билан ёки зуллом билан музоф бўлган исм билан мавсуф бўлади.

Масалан جاءني الرجل الفاضل. Алиф-лом билан муъарраф бўлган исм, алиф лом билан муъарраф бўлган исм билан мавсуф бўлмоқда جاءني الرجل صاحب الفرس. Алиф-лом билан музоф бўлган исм билан мавсуф бўлмоқда.

وَإِنَّمَا التُّزْمُ وَصْفٌ بَابِ هَذَا بِذِي اللَّامِ لِلإِبْهَامِ

Таржима: هذا бобида яъни исми ишора бобида ибҳом борлиги сабаб алиф-лом муарраф бўлган исм билан васф қилинади.

Шарҳ: Бу матн ҳам муқаддар саволни жавобидир. Савол *الموصوف أخص أو مساو* қоидага биноан исми ишора исми ишора билан ёки исми мавсула билан сифатланса, бўлади. Чунки улар рутбада тенгдир. Ёки ўзидан бир рутба паст бўлган муъарраф бўлган исм билан сифатланса бўлади. Ё бўлмаса исми ишора ўзидан икки рутба алиф-лом билан музоф исм билан сифатланса бўлади. Нима учун шунча ҳолдан фақат алиф-лом билан муъарраф бўлган исм билан сифатлангани учун бошқаси келмаган.

Масалан. *مررت بهذا الرجل* жавоб. Чунки *هذا* бобида ибҳомлик бор, бу ибҳомликни кўтариш жуда муҳим ишдир. Демак васф шундай лафз бўлиши керакки, "мушорун илайҳи"ни ҳақиқати ўша васфдан маълум бўлсин.

Масалан *مررت بهذا العالم – مررت بهذا العالم* дан маълум бўладиги "мушорун илайҳи" инсондир. Шу сабабдан исми ишора бобини исми ишора билан ва мавсул билан васф қилиб бўлмайди.

وَمِنْ تَمَّ ضَعْفَ مَرَرْتُ بِهَذَا الْأَبْيَضِ وَحَسَنَ مَرَرْتُ بِهَذَا الْعَالِمِ

Таржима: Шу боисдан *مررت بهذا الأبيض* ушбу таркиб заифдир. Чунки *الأبيض* гарчи алиф-лом билан муарраф бўлса ҳам "мушорун илайҳи"ни ҳақиқатига далолат қила олмайди. Турли хил эҳтимоллари бор. Аммо *مررت بهذا العالم* дурустдир. Шарҳи юқорида ўтди.

Атфнинг таърифи

الْعَطْفُ تَابِعٌ مَقْصُودٌ بِالنِّسْبَةِ مَعَ مَتْبُوعِهِ

Таржима: Атф шундай тобеъдирки, матбуъ билан мақсади бир нисбатдир. Яъни тобеъдан олдин келган каломда қасд қилинган нисбат тобеъда ҳам матбуъда ҳам бордир.

وَيَتَوَسَّطُ بَيْنَهُ وَبَيْنَ مَتْبُوعِهِ أَحَدُ الْحُرُوفِ الْعَشْرَةِ وَسَيَأْتِي

Таржима: Тобеъ билан матбуъ ўртасида ўнта атф деб аталмиш ҳарфлардан бири ўртасида келади ва уни баёни иншааллоҳ келгусида зикр қилинади.

مِثْلُ قَامَ زَيْدٌ وَعَمَرُو

Масалан. Матбуъ زيد га берилган қиёмни нисбати тобеъ عمرو га ҳам берилмоқда. Ёки رأيت زيدا وعمرا да эса матбуъ زيد га берилган مررت بزید وعمرو нисбати тобеъ عمرو га ҳам берилмоқда. Ёки مررت بزید وعمرو да эса матбуъ زيد га берилган مررت (ўтмоқлик) عمرو га ҳам берилмоқда. Демак биринчи мисолда матбуъдаги фобилият нисбати тобеъга ҳам берилмоқда.

Иккинчи мисолда матбуъдаги мафъулият тобеъга ҳам берилмоқда. Учинчи мисолда матбуъга берилган изофият нисбати тобеъга ҳам берилмоқда.

Энди матнда келган атфни таърифи ҳақида келган ибора қанчалик қисқа лекин кўп мазмунга эгалигини кўрайлик.

العطف تابع مقصود بالنسبة مع متبوعه

1. تابع калимасида бешта тобеъ бор.
2. عطف البيان ва تأكيد ва نعت билан مقصود بالنسبة. Чунки буларда тобеъ мақсуд بالنسبة эмас аммо مقصود بالنسبة مطبوع مقصود بالنسبة дир. Яъни қасд қилинган нисбат матбуъдир.
3. بدل қайди билдан بدل чикди. Чунки بدل ўзи яъни тобеъни ўзи مقصود بالنسبة дир. матбуъ эмас.

وَإِذَا عُطِفَ عَلَى الْمَرْفُوعِ الْمُتَّصِلِ أَكَّدَ بِمُنْفَصِلٍ

Таржима: Ҳар қачон марфуъ замирга атф қилмоқ ирода этилса, ўша муттасил замир мунфасил замир билан таъкидланиб, сўнг унга атф қилинади.

مِثْلُ ضَرَبْتُ أَنَا وَزَيْدٌ

Масалан: ضربت أنا وزيد Шарҳга ҳожат йўқ.

إِلَّا أَنْ يَقَعَ فَصْلٌ فَيَجُوزُ تَرْكُهُ مِثْلَ ضَرَبْتُ الْيَوْمَ وَزَيْدٌ

Таржима: Фақат маътуф ва маътуф алайҳи ўртасида фосила пайдо бўлса, таъкидни тарки жоиз бўлади.

Масалан *ضربت اليوم وزيد*. Демак *اليوم* муттасил замир билан маътуф ўртасида фасл бўлиб келмоқда. Шу боисдан таъкидни тарки жоиздир.

وَإِذَا عَطَفَ عَلَى الضَّمِيرِ الْمَجْرُورِ أَعِيدَ الْخَافِضُ نَحْوُ مَرَرْتُ بِكَ وَبَزَيْدٍ

Таржима: Ҳар қачон мажрур замирга атф қилинса жар қилгувчи ҳарф қайта келтирилади.

Масалан: *مررت بك وبزيد*. Шарҳни ҳожати йўқ.

وَالْمَعْطُوفُ فِي حُكْمِ الْمَعْطُوفِ عَلَيْهِ

Таржима: Маътуф эса маътуф алайҳини ҳукмида бўлади.

Шарҳ: Яъни, маътуф алайҳда вожиб бўлган нарса маътуфда ҳам вожиб бўлади ёки мумтаниъ бўлганда мумтаниъ бўлади.

Масалан: *زيد قائم أبوه وذهب أخوه*. Чунки маътуф алайҳида қасд қилинган нисбат маътуфда ҳам бордир.

وَمَنْ تَمَّ لَمْ يَجُزْ فِي مَا زَيْدٌ بِقَائِمٍ أَوْ قَائِمًا وَلَا ذَاهِبٍ عَمْرُو إِلَّا الرَّفْعُ

Таржима: Шу сабабдан яъни маътуф маътуф алайҳини ҳукмида бўлганлиги сабабли ушбу *زيد* ва *ما* *زيد* *بقائم* *ولا ذاهب عمرو* таркибларда *ذاهب* калимаси рафъдан бошқа эъроб жоиз эмас.

Шарҳ: Агар *ذاهب* мажрур ёки мансуб бўлса *زيد* ни хабарига маътуф бўлади. Яъни *ما* *زيد* *قائما* *ولا ذاهبا عمرو* ва *ما* *زيد* *بقائم* *ولا بذاهب عمرو* бўлади ва *زيد* *ذاهب عمرو* ни фоили бўлади. Унда *زيد* *ذاهب عمرو* дан хабар бўлиши лозим келади.

وَإِنَّمَا جَارَ الَّذِي يَطِيرُ فَيَغْضَبُ زَيْدٌ الدُّبَابُ لِأَنَّهَا فَأَةُ السَّبَبِيَّةِ

Таржима: Ушбу таркибда (фа) фои сабабийя бўлганлиги боис *زيد* *ذاهب عمرو* га атф қилмоқлик жоиздир.

Шарҳ: Бу таркибда зоҳирга биноан *يطير* эса *يغضب* га маътуфдир. Чунки *يطير* – *الذي* ни силаси ва силага қайтувчи замир бордир. Агар *يغضب* ни ҳақиқий маътуф десак, у феълни фобили *زيد* ва *يغضب* да *الذي* га қайтувчи замир йўқ. Шу боисдан атфи жоиз бўлмаслиги керак эди. Лекин уни атфини жоизлиги шундаки, бу (فا) фои сабабийя бўлиб, отифа эмас. Демак шу жиҳатдан жоиз бўлди.

Маъноси: Ўзини учиши сабабидан, Зайдни ғазабини келтирган нарса, у чивиндир.

وَإِذَا عَطِيفَ عَلَى عَامِلَيْنِ مُخْتَلَفَيْنِ لَمْ يَجْزُ خِلَافًا لِلْفِرَاءِ إِلَّا فِي نَحْوِ فِي الدَّارِ زَيْدٌ وَالْحُجْرَةَ عَمْرُو خِلَافًا لِسَيِّوَيْهِ

Таржима: Жумхур наздида икки хил омилни маъмулига бир ҳарфи отифа билан Фарро (р.а)га хилоф равишда атф жоиз эмас.

Фақат ушбу *عمرو والحجرة زيد في الدار* таркибида Сибавайх (р.а.)га хилоф равишда Фарро жоиз деганлар.

Шарҳ: Демак бир ҳарфи отифа билан икки хил омилни икки маъмулига атф қилиш жоиз эмас. Чунки отифа ҳарфи икки омилни қоим мақом бўлишига қуввати йўқдир. Масалан *عمرو والحجرة زيد في الدار* икки омил бири *ان* яна бири *في* икки маъмулни бири *زيدا* иккинчиси *الحجرة* дир. Демак отифани (واو)и ҳам *ان* ни ва ҳам *في* ни амалини қила олмайди. Яъни *عمرو والحجرة* жумлани юқоридаги жумлага атфи жоиз эмас. Аммо Фарро жоиз деганлар. Сибавайх наздида эса асло жоиз эмас. Лекин бир омилни икки маъмулига бир ҳарфи атф билан атф қилмоқ жоиз. Масалан *كان زيد قائما وعمرو قاعدا*.

Шу маънога риоя қилган ҳолда ушбу таркиб ҳам жоиздир. Бу ерда (واو) жарда жар ҳарфини қоим мақоми бўлади. Рафъда эса ибтидога қоим мақом бўлади.

Таъкиднинг таърифи

التَّكْيِيدُ تَابِعٌ يُقَرَّرُ أَمْرَ الْمَتَّبُوعِ فِي النَّسْبَةِ أَوْ الشُّمُولِ

Таржима: Таъкид шундай тобеъдирки, матбуъни амрини яъни ҳолини нисбатда ёки шумулда қарор топдиради.

Шарҳ: Масалан *جاءني زيد* деганинда *جئ* ни нисбатини Зайдга берилган бўлади. Аммо эшитувчи учун *زيد* эмас унинг ўғли келган, ёки уни хизматкори келган бўлиши мумкин, деган гумон ҳам келиши мумкин. Яъни *جئ* ни нисбатини хато жиҳатидан ёки унутиш ёки бошқа сабабдан бўлиши мумкин. Лекин ҳар қачон *زيد زيد* *جاءني زيد* деб *زيد*ни иккинчи бор такрорлаганда маълум бўладики *جئ* ни нисбати биринчи *زيد* учун хато ва унутиш эмас балки ҳақиқат юзасидан экан. Шундай қилиб иккинчи *زيد* таъкид бўлиб *جئ* ни нисбатини биринчи *زيد* учун устивор ва муқаррар қилмоқда. Худди шунингдек *جاءني القوم* деганинда, *القوم* лафзи ҳаммага шомил бўлсада аммо *القوم* ни аксари бўлиши мумкин. *كلهم* лафзи билан ўша шумул муқаррар бўлди. Маълум бўлдики, мақсад қавмини ҳаммаси бўлиб, ундан ҳеч ким хориж эмас экан.

وَهُوَ لَفْظِيٌّ وَمَعْنَوِيٌّ فَالْلَفْظِيُّ تَكَرُّرُ اللَّفْظِ الْأَوَّلِ مِثْلُ جَاءَنِي زَيْدٌ زَيْدٌ

Таржима: Таъкид икки хил бўлади.

1. Лафзий

2. Маънавий.

Лафзий таъкид эса аввалги лафзий ҳақиқатан такрорламоқдир.

Масалан *جاءني زيد زيد* каби. Бу ҳақиқийга мисол.

бу ҳукманга мисол. *انا ضربت*

وَيَجْرِي فِي الْأَلْفَاظِ كُلِّهَا

Бу яъни лафзий таъкид ҳамма алфозда хоҳ у исм бўлсин, хоҳ феъл бўлсин хоҳ ҳарф бўлсин хоҳ жумла бўлсин, ҳаммасида жорийдир.

Масалан исмда такрор جاءني زيد زيد

феълда такрор - ضرب ضرب زيد

ҳарфда такрор - ان ان زيدا قائم

такрори жумлада - ضرب زيد ضرب زيد

وَالْمَعْنَوِيُّ بِالْفَاطِ مَحْضُورَةٌ وَهِيَ نَفْسُهُ وَعَيْنُهُ وَكِلَاهُمَا وَأَجْمَعُ وَأَتَّبِعُ وَأَتَّبِعُ وَأَبْصَعُ

Таржима: Маънавий таъкид эса бир неча лафздан иборатки, улар матнда келган тартибда кўриб чиқилади.

فَالأَوَّلُ أَنْ يَعْمَانَ بِإِخْتِلَافِ صِيغَتَيْهِمَا وَضَمِيرِهِمَا تَقُولُ نَفْسُهُ نَفْسُهَا أَنْفُسُهُمَا أَنْفُسُهُمْ أَنْفُسُهُنَّ

Таржима: Аввалги икки лафз яъни, نفسه ва عينه сийға ва замирларини ўзгариши билан ҳамма ақсомга шомилдир.

Масалан: воҳид музаккарда نفسها ва муаннаси воҳидада نفسها ва муаннас ва музаккар тасниясидани انفسهما ва музаккар оқилни жамъида انفسهن музаккари ғайри оқилда انفسهن дейсан.

وَالثَّانِي لِلْمَثْنَى كِلَاهُمَا وَكِلَاتَاهُمَا

Таржима: Маънавий таъкидни иккинчи қисми كلاهما музаккар тасниясидани, كِلَاتَاهُمَا эса муаннас тасниясидани учундир.

وَالْبَاقِي لِغَيْرِ الْمَثْنَى بِإِخْتِلَافِ الضَّمِيرِ فِي كُلِّهِ وَكُلِّهَا وَكُلِّهِمْ وَكُلِّهِنَّ

Таржима: Қолган лафзлар тасниядан бошқасига яъни, муфрад ва жамъга хосдир. Яъни كل лафзида сийға ўзгармасдан фақат замир ўзгаради.

Масалан: اشترت العبد كله، اشترت الجارية كلها، والعبد كلهم، والجواري كلهن

وَالصِّيغَةُ فِي الْبَوَاقِي تَقُولُ أَجْمَعُ جَمْعَاءُ وَأَجْمَعُونَ وَجَمْعٌ

وكذا اكتب كتعاء اكتبون اكتب واتبع بتعاء اكتبون اكتب واتبع بصبغ بصبغ اكتبون اكتب

Таржима: Қолган лафзларда яъни اجمع ва اكتب ва اكتب ва اكتب да сийғалар ўзгариши билан таъкид ҳосил бўлади.

Шарҳ: Масалан муфрад музаккар учун اشترت العبد اجمع дейилади. Ва муфрад муаннас учун اشترت الجارية جمعاء дейилади ва музаккарни жамъи учун اشترت العبد اجمعون дейилади. Ва муаннас

жамъи учун *جمع الجوارى* дейилади. Бошқа лафзлар бунга қиёсдир.

وَلَا يُؤَاكِدُ بِكُلِّ وَاجْمَعُ إِلَّا ذُو أَجْزَاءٍ يَصِحُّ افْتِرَاقُهَا حِسًّا أَوْ حُكْمًا نَحْوُ أَكْرَمْتُ الْقَوْمَ كُلَّهُمْ وَاشْتَرَيْتُ الْعَبْدَ كُلَّهُ بِخِلَافٍ جَاءَ زَيْدٌ كُلُّهُ

Таржима: Бўлақларини ҳис юзасидан ёки ҳукм юзасидан ажратиши мумкин бўлган нарсаларни *كله* ва *اجمع* лафзлари билан таъкидлаш мумкин. Масалан *اكرمت القوم كلهم* бу ҳиссий бўлақларга бўлиш мумкин бўлган таъкидга мисол ва *اشتريت العبد كله*. Бу мисол бўлақларини ҳукман бўлиши мумкин бўлган таъкидга мисолдир. Аммо *جاءني زيد كله* да таркиб раво эмас. Чунки *زيد* ни на ҳиссий ва на ҳукмий бўлақларга бўлиб бўлади.

وَإِذَا أَكَّدَ الضَّمِيرُ الْمَرْفُوعُ الْمُتَّصِلُ بِالنَّفْسِ وَالْعَيْنِ أَكَّدَ بِهِ مِنْفَصِلٍ نَحْوُ ضَرَبْتَ أَنْتَ نَفْسَكَ

Таржима: Ҳар қачон марфуъ муттасил замирни *نفس* лафзи билан таъкидланмоқчи бўлинса, муттасил замирни мунфасилга келтириб, уни *نفس* лафзи билан таъкидланади.

Масалан. *ضربت أنت نفسك*. Бу ерда шарҳга ҳожат йўқ.

وَأَكْتَعُ وَأَخَوَاهُ أَتْبَاعٌ لِأَجْمَعُ فَلَا تَتَقَدَّمُ عَلَيْهِ وَذَكَرَهَا دُونَهُ ضَعِيفٌ

Таржима: *اكتع* ва уни икки шериғи *اتبع* ва *ابصع* га тобеъдир. Яъни *اجمع* дан кейин келиб, ундан муқаддам бўлмайди. Уларни *اجمع* сиз зикри заифдир.

Бадалнинг таърифи

الْبَدَلُ تَابِعٌ مَقْصُودٌ بِمَا نُسِبَ إِلَى الْمَتَّبِعِ دُونَهُ

Таржима: Бадал матбуъ бўлмасдан балки матбуъга қасд қилинган нисбат билан нисбатланувчи тобеъдир.

Шарҳ: Масалан *جاى زىد اخوك* деганда, бу каломдан мақсад *جئ* ни нисбати *زىد* га эмас балки *اخوك* гадир. *زىد* ни зикри эса тобеъини муқаддимасидир.

وَهُوَ بَدَلُ الْكُلِّ وَالْبَعْضِ وَالِإِشْتِمَالِ وَالْغَلَطِ

Таржима: Бадал тўрт қисмдир. 1. Бадалул кул. 2. Бадалул баъз. 3. Бадалул ишитимол. 4. Бадалул ғалат.

فَالأَوَّلُ مَدْلُؤُهُ مَدْلُؤُ الأَوَّلِ. وَالثَّانِي جُزْئُهُ. وَالثَّالِثُ بَيْنَهُ وَبَيْنَ الأَوَّلِ مُلَابَسَةٌ بغيرِهِمَا. وَالرَّابِعُ أَنْ تَقْصِدَ إِلَيْهِ بَعْدَ أَنْ غَلِطْتَ بغيرِهِ

Таржима: Биринчиси: яъни, бадали кул шундай бадалки, уни мадлули аввалгини (мубдалу минҳу)ни мадлулидир. Бадал билан мубдалу минҳу англаниши турлича бўлса ҳам зотда бир нарсидир.

Шарҳ: Масалан *زىد أخوك اخوك* *جاى* билан *زىد* ни зоти бир нарсидир.

Иккинчиси: яъни, бадали баъз бўлиб, унда бадал мубдалу минҳуни жузъидир. Масалан *ضربت زيدا رأسه*. Бунда *زىد* сўзи ни жузъидир.

Учинчиси: Бадалул иштимолдир. Бунда *بدل* билан *منه* *مبدل* ўртасида куллият ва жузъиятдан бошқа муносабат бордир. Бу муносабат шумулият яъни, муносабат бир бирини ўз ичига олмоқликдир. Хоҳ матбуъ тобеъни ўз ичига олсин, масалан Аллоҳ таолонинг сўзидаги *يسألونك عن الشهر الحرام قتال فيه* ояти каби. Хоҳ тобеъ матбуъни ўз ичига олсин. Масалан: *سلب زىد ثوبه* каби. Хоҳ ҳеч бири бирига шомил бўлмасин. Масалан *اعجبنا زىد* каби. *علمه* каби.

Тўртинчиси: Бадали ғалатдир. Бадали ғалат шундай нарсаки, сахван қилинган хотодан кейин уни келтирилади.

Масалан *جاى زىد حمار* каби. Бир киши эшак келди демоқчи бўлганида, тилига бирдан *زىد* келди, деб зикр қилди. Шундан сўнг хатони англаб *حمار* деб ўнглаб қўйди.

وَيَكُونَانِ مَعْرِفَتَيْنِ وَنَكْرَتَيْنِ وَمُخْتَلِفَيْنِ

Таржима: Бадал билан мубдалу минху ҳар иккови маърифа ёки иккови накра ёки иккови ҳар турлик бўла олади. Масалан иккови маърифа бўлганига мисол ضرب زيد أخوك, иккови накра бўлганига мисол جاءني رجل غلام لك, иккови ҳар-хил бўлганига мисол بالناصية ناصية كاذبة оятидир.

وَإِذَا كَانَ نَكْرَةً مِنْ مَعْرِفَةٍ فَالْتَعَتْ مِثْلُ بِالنَّاصِيَةِ نَاصِيَةٍ كَاذِبَةٍ

Таржима: Ҳар қачон накра معرفة дан بدل бўлса унда بدل ни сифат қилмоқлик вожибдир. Масалан بالناصية ناصية كاذبة каби. Иккинчи ناصية накра аввалгиси маърифа бўлгани боисдан иккинчи ناصية ни наът қилиш вожиб.

وَيَكُونَانِ ظَاهِرَيْنِ وَمُضْمَرَيْنِ وَمُخْتَلِفَيْنِ

Таржима: Буларни иккови, яъни بدل билан مبدل исми зоҳир бўлади ёки иккови ҳам замир бўлади ёки ҳар турлик бўлади.

Шарҳ: Иккови исми зоҳир бўлганига جاءني زيد أخوك мисолдир. Иккови ҳам замир бўлганида الزيدون لقيتهم إياهم мисолдир. هم мубдалу минху إياهم мунфасил замир бадалдир. Иккови ҳар турликга وأخوك ضربت زيدا إياه мисолдир. Ва

وَلَا يُبَدَلُ ظَاهِرٌ مِنْ مُضْمَرٍ بَدَلِ الْكُلِّ إِلَّا مِنَ الْغَائِبِ حَتَّى ضَرَبْتُهُ زَيْدًا

Таржима: Ғоиб замирдан бошқа бадали кулни замиридан исми зоҳир қилиб бадал қилиб бўлмайди.

Масалан ضربته زيدا каби.

Шарҳ: Чунки мухотаб ва мутакаллим замирлари зоҳир исмдан қувватлироқдир. Агар улардан исми зоҳир билан бадал қилинса مبدل منه – بدل

Атфи баённинг таърифи

عَطْفُ الْبَيَانِ تَابِعٌ غَيْرُ صِفَةٍ يُوضِحُ مَتَّبِعَهُ مِثْلُ اَقْسَمَ بِاللّٰهِ اَبُو حَفْصٍ عُمَرُ

Таржима: Тобеъни бешинчиси عطف البيان дир. Атфул баён у сифат бўлмаган ва ўзини матбуъини муваззих (равшан) қулувчи тобеъдир.

Масалан: اقسام بالله أبو حفص عمر

Шарҳ: Атфул баён шундай исмдирки, ўша исм билан уни матбуъи возих (равшан) бўлади. Атфул-баён билан бадал ўртасида маъно жиҳатидан катта фарқ бор. У ҳам бўлса "бадали кул" каломдаги нисбат унга қасд қилинади. Атфул баёнда эса унга нисбат қасд қилинмайди. Масалан اقسام بالله ابو حفص таркибда عمر атфул баёндир. У шундай тобеъдирки, сифат эмас ва ўзини матбуъи ابو حفص ни возих (равшан) қилиб келмоқда.

وَفَصْلُهُ مِنَ الْبَدَلِ لَفْظًا فِي مِثْلِ اَنَا ابْنُ التَّارِكِ الْبَكْرِيِّ بِشَرِّ

Таржима: Атфул-баён билан бадал ўртасидаги фарқ ушбу шоирни шеърида انا بن التارك البكري بشر ни بشر ни га атфи баён қилса, жоиздир. Агар бадал қилинса жоиз эмас. Чунки бадал омилни такрорлаш ҳукмидадир. Тақдири калом انا التارك بشر бўлади. Ва الضارب زيد қабиладан бўлади. Ваҳолонки, бу жоиз эмасдир. Аммо الضارب الرجل التارك البكري таркиби кабилардандир. Яъни, انا الضارب الرجل زيد кабидир. Зайд эса бу ерда бадал бўла олмайди. Балки атфул баён бўлади.

Байтнинг иккинчи қисми عليه الطير ترقبه وقوعا

Маъноси: Мен Бикрийни ер билан яксон қулгувчини ўғлиманки, у Бишрдир. Қушлар уни нафасини кутиб, атрофида айланишиб юрибдилар.

Мабний исмларнинг таърифи

الْمَبْنِيُّ مَا نَاسَبَ مَبْنِي الْأَصْلِ أَوْ وَقَعَ غَيْرَ مُرَكَّبٍ

Таржима: Мабний шундай исмики, у асл мабний билан муносабати бор бўлган ёки таркибда бўлмаган ҳар қандай исм ҳам мабнийдир.

Шарҳ: Мусанниф марфуъотни баёни ва аҳволидан фориғ бўлгандан сўнг, мабний исмларни баёни ва аҳкомларига киришмоқдалар.

Асл мабнийларга ҳарфлар, амр ва мозий феъли киради.

Биринчи қисм мабний исмлар ана шу мабний аслга муносабати бор бўлади.

Иккинчи қисм мабний исмлар таркибда воқеъ бўлмаган исмлардир. Масалан. زيد ва عمر ва خالد дир. Буларни сукуни бинойидир.

وَالْقَابَةُ ضَمٌّ وَفَتْحٌ وَكَسْرٌ وَوَقْفٌ

Таржима: Мабнийларнинг лақаблари замма, фатҳа, касра ва сукун учун вақфдир.

Шарҳ: Бу номларни яъни замма, фатҳа, касра ва сукунни мўъработда ҳам истеъмол қилишади.

Масалан جاءني زيد да زيد мазмумдир, дейишади. Аммо мабнийётда рафъга мабний дейишмайди.

وَهِيَ الْمَضْمَرَاتُ وَأَسْمَاءُ الْإِشَارَةِ وَالْمَوْصُولُ وَأَسْمَاءُ الْأَفْعَالِ وَالْمُرَكَّبَاتُ وَالْأَصْوَاتُ وَالْكَنَايَاتُ وَبَعْضُ الظُّرُوفِ

Таржима: Мабний исмлар ушбу юқорида саналган саккиз қисмдир. Энди уларнинг тартиби ва шарҳи бошланади.

الْمَضْمَرُ مَا وُضِعَ لِمَتَكَلِّمٍ أَوْ مُخَاطَبٍ أَوْ غَائِبٍ تَقَدَّمَ ذِكْرُهُ لَفْظًا أَوْ مَعْنَى أَوْ حُكْمًا. وَهُوَ مُتَّصِلٌ وَمُنْفَصِلٌ الْمُسْتَقْبَلُ لِنَفْسِهِ وَالْمُتَّصِلُ غَيْرُ الْمُسْتَقْبَلِ

Таржима: Замир шундай исмдирки, у мутакаллим ёки мухотаб ёки уни зикри лафзан ё маънан ё ҳукман ғоиб учун қўйилган бўлади.

Шарҳ: Мутакаллим учун أنا ва نحن қўйилади. Ғоиб учун أنتم أنتم лафзлари қўйилади. Лекин ғоиб замирни қўйилишини

шарти, ўша ғоиб замирни зикри лафзан ёки тақдиран ёки ҳукман юқорида ўтган бўлиши керак. Масалан зикри лафзан ўтган ғоибга мисол ضرب زيد غلامه дир. Ғоиб замир غلام даги музофун илайҳи бўлган هو дир. зикри лафзан ўтган زيد дир.

Ёки зикри тақдиран ўтган бўлади. Масалан: ضرب غلامه زيد.

غلامه даги هو замир башарти муаххар زيد га рожиъ бўлса ҳам زيد ни мартабаси мафъулдан олдин феълни ёнида бўлиши керак эди. Шу сабабдан هو замир муқаддар фоил زيد га қайтади. Ёки зикри ҳукман ўтган бўлади.

Масалан: قل هو الله أحد. Замири шаън هو ни зикри агарда лафзан ёки маънан ўтмаган бўлсада аммо ҳукман ўтгандир. Ҳақиқатда мушриклар пайғамбаримиздан, бизни даъват қилаётган Илоҳингни насабини васфини қилиб бер, деганларида ушбу оятлар нозил бўлди. Тақдири калом الله أحد هو الشأن هذا дир. Демак собиқ ўтган жумлани эслаб ундан хабар берадилар.

Замир икки хилдир. Муттасил ва мунфасилдир.

Мунфасил замир бошқа калимага муҳтож бўлмаган ўзига мустақил исмдир.

Муттасил замир эса ўзига мустақил эмас балки бошқа калимага муҳтож бўлиб, унга қўшилиб келади.

وَهُوَ مَرْفُوعٌ وَمَنْصُوبٌ وَمَجْرُورٌ

Таржима: Замир ҳам исми зоҳир каби марфуъ, мансуб ва мажрур бўлади.

فَالأَوَّلَانِ مُتَّصِلٌ وَمُنْفَصِلٌ وَالثَّالِثُ مُتَّصِلٌ فَقَطْ

Таржима: Аввалги иккитаси яъни, маруфъ ва мансуб замирлар муттасил ва мунфасил бўлади. Учинчиси яъни, мажрур замир эса фақат муттасил келади.

فَذَلِكَ خَمْسَةٌ أَنْوَاعٍ

Таржима: Бу замирлар беш турликдир.

Шарҳ:

إياك، إياكما، إياكم، إياك، إياكما، إياكن، إياه، إياهما، إياهم، إياها، إيهما، إياهن، إياي، إيانا.

وَالْخَامِسُ غُلَامِي وَيُّوِي إِلَى غُلَامِيهِنَّ وَهُنَّ

Бешинчиси яъни, мажрур муттасил замирлар. غلامي дан
Гача ва لي дан Гача. غلامهن

Шарҳ: Аввалгиси, исмга изофа бўлиб яъни, музофун
илайҳи бўлиб муттасил мажрур бўлган замирлар.

غلامك، غلامكما، غلامكم، غلامك، غلامكما، غلامكن، غلامه، غلامهما، غلامهن، غلامها،
غلامهما، غلامهن، غلامي، غلامنا.

Кейингиси, жор ҳарфи билан мажрур бўлган муттасил
замирлар.

لك، لكما، لكم، لك، لكما، لكن، له، لهما، لهم، لها، لهما، لهن، لي، لنا.

Демак замирлар лафзда олтмишта бўлиб, тўқсонга
маънони билдиради. Яъни бу беш қисмни муфрад тасния ва
жамъни учга кўпайтирсанг ўн беш бўлади.

15 ни мутакаллим, мухотаб ва ғойбга яъни учга
кўпайтирсак қирқ беш бўлади. Қирқ бешни музаккар ва
муаннасга яъни, иккига кўпайтирсак тўқсон бўлади.

فَالْمَرْفُوعُ الْمُتَّصِلُ خَاصَّةً يَسْتَتِرُ فِي الْمَاضِي لِلْغَائِبِ وَالْغَائِبَةِ وَفِي الْمَضَارِعِ لِلْمُتَكَلِّمِ مُطْلَقًا وَالْمُخَاطَبِ
وَالْغَائِبِ وَالْغَائِبَةِ وَفِي الصِّفَةِ مُطْلَقًا

Таржима: Марфуъ мутассил замирини мустатир бўлиши
мозий феъли ғойб ва ғойбасига хосдир. Музореъни
мутакаллимда марфуъ, муттасил замир ва мутлақ мустатир
бўлади. Музореъ мухотаб ва ғойб ва ғойбада ҳам мустатир
бўлади. Сифатда ҳам мутлақ мустатир булади.

Шарҳ: Мозий ғойб ва ғойба дедик. ضرب ва ضربت ларда هو
мустатирдир.

Музореъ мутакаллим дедик. اضرب ва نظرب хоҳ музаккар ва
муаннас бўлсин أنا ва نحن мустатирдир. Мухотаб дедик яъни,

Таржима: Ёки замирни ўзи марфуъ бўлиб, омили эса ҳарф бўлганда. Масалан ما أنت قائما каби.

أَوْ بِكُونِهِ مُسْتَدًا إِلَيْهِ صِفَةٌ جَرَتْ عَلَى غَيْرِ مَنْ هِيَ لَهُ

Таржима: Ёки замирга бирор сифат муснад бўлиб, ўша сифат ўз шахсига эмас бошқа шахсга жорий бўлса бундай замирни ҳам муттасил келтириш узрли бўлади.

Шарҳ: Матнда муттасил замирни узрли ўринларини беш кўринишидаги таърифи келтирилди. Энди тартиб билан мисолларни келтирдилар.

Замири мунфасил омилидан муқаддам.

إِيَّاكَ ضَرَبْتُ

Мунфасил замир билан унинг омили ўртасига ажратувчи (الا) кирди.

وَمَا ضَرَبْتُكَ إِلَّا أَنَا وَمَا أَنْتَ قَائِمًا

Бу ерда замирнинг омили ҳарфдир.

إِيَّاكَ وَالشَّرَّ

Бу ерда замирнинг омили маҳзүфдир.

بُيُوتُ بِنْتِ بَنِي إِسْرَائِيلَ وَأَنَا زَيْدٌ

وَهَذَا زَيْدٌ ضَارِبُهُ هِيَ

Бу эса замирга бирор сифат муснад бўлиб, ўша сифат ўз шахсига эмас бошқага жорий бўлганга мисолдир.

هَذَا زَيْدٌ ضَارِبُهُ هِيَ

Бунда фоъил ўрни иштибоҳда эмас. Яъни *هي* замир мунфасил бўлмаса ҳам *زيد ضاربه* да фоъил бўлишда илтибос (ноаниқлик) йўқдир. Чунки *ضاربه* даги мустатир замир *هي* га қайтади. *زيد عمرو ضاربه* Бу мисолда фоъил Зайдми ёки Амрми илтибос (ноаниқлик) бор. Шу боисдан *هو زيد عمرو ضاربه هو* замирни мунфасил қилинса фоъил Зайд бўлиб, ноаниқлик кўтарилади.

وَإِذَا اجْتَمَعَ ضَمِيرَانِ وَلَيْسَ أَحَدُهُمَا مَرْفُوعًا

Таржима: Ҳар қачон икки замир жамъ бўлиб, улардан бири марфуъ бўлмаса, унда қайси бири "аъраф" бўлса, уни муқаддам қиласан. Кейинги замир эса сенинг ихтиёрингдадир.

Шарҳ: Агар икки замир жамъ бўлиб, бири марфуъ бўлса уни муттасил бўлиши вожиб бўлади. Масалан *اكرمك* каби.

فَإِنْ كَانَ أَحَدُهُمَا أَعْرَفَ وَقَدَّمْتَهُ. فَلَكَ الْخِيَارُ فِي الثَّانِي نَحْوُ أَعْطَيْتَكَ وَأَعْطَيْتَكَ إِيَّاهُ وَضَرَيْتَكَ وَضَرَيْتَ إِيَّاكَ وَإِلَّا فَهُوَ مُنْفَصِلٌ مِثْلُ أَعْطَيْتَهُ إِيَّاهُ أَوْ إِيَّاكَ

Таржима: Агар икковидан бири аъраф бўлса уни муқаддам қиласан. Иккинчи замир эса сени ихтиёрингдадир.

Шарҳ: Масалан *اعطيتك* да икки замир бор. Бири (ك) хитоб кофи, иккинчиси *هو* ғоиб. Булардан аърафи хитоб кофи (ك) уни *هو* замири ғоибдан муқаддам қилдинг. Иккинчиси бизни ихтиёримизда эди. Демак уни муттасил қиламиз *اعطيتك* бўлади. Ёки мунфасил қилишни хоҳласак *اعطيتك* қиламиз. Ёки *ضريك* бу ерда ҳам мутакаллим (ي)си мухотаб "коф"идан аърафроқ бўлгани учун уни муқаддам қилдик. Иккинчи мухотаб замир (ك) ихтиёрий бўлгани учун *ضريك* деб муттасил ёки *اياك* деб мунфасил қилсак ҳам бўлади. Ва агар икки замирдан бири аъраф бўлмаса, ёки аъраф бўлиб муқаддам бўлмаса бу тақдирда иккинчи замир мунфасил бўлади. Масалан *اعطيته* *اياك* каби. Бу ерда икки замир жамъ бўлди. Улардан бири марфуъ бўлмасдан балки аърафдир. Лекин муқаддам эмас. Шунинг учун уни мунфасил келтирилди.

Ёки *اعطيته* *اياه*. Бу ерда икки замир жамъ бўлди. Лекин ҳеч бири аъраф эмас. Шу сабабдан иккинчиси мунфасил келтирилди.

وَالْمُخْتَارُ فِي خَبَرِ بَابِ كَانَ الْإِنْفِصَالُ

Таржима: كان бобидаги хабарнинг замири мунфасил бўлиши ихтиёрлидир. Масалан كنت إياه ихтиёр қилинган гарчи ممكنه كنته бўлса ҳам.

وَالْأَكْثَرُ لَوْ لَا أَنْتَ إِلَىٰ آخِرِهَا

Таржима: لولا дан сўнг марфуъ замир истемолда кўпинча мунфасил бўлади. Масалан لولا أنت охиригача.

Шарҳ: لولا дан кейин келган мубтадони хабари махзуфдир, яъни لولا أنت لكان كذا

لولا أنت، لولا أنتما لولا أنتم، لولا هو، لولا هما، لولا هم، لولا أنت، لولا أنتما، لولا أنتن، لولا هي، لولا هما، لولا هن، لولا أنا، لولا نحن.

وَعَسَيْتَ إِلَىٰ آخِرِهَا

Таржима: Кўпинча афъоли муқораба عسى ни фобили ва унинг аховатини муттасил келтириш ихтиёр этилгандир.

Масалан: عسيت، عسيتما، عسيتم، عسيت، عسيتما، عسيتم، عسى، عسيا، عسوا، عست، عستا، عسين، عسيت، عسينا،

وَجَاءَ لَوْلَاكَ وَعَسَاكَ إِلَىٰ آخِرِهَا

Таржима: Баъзи луғатларда لولاك ва عسак охиригача келган.

لولاك، لولاكما، لولاكم، لولاك، لولاكما، لولاكن، لولاه، لولاهما، لولاهم، لولاها، لولاها، لولاهن، لولاي، لولانا.

عسак، عساكما، عساكم، عسак، عساكما، عساكن، عساه، عساهما، عساهم، عساهما، عساهما، عساهن، عساي، عسانا.

وَنُؤُنُ الْوَقَايَةِ مَعَ الْيَاءِ لِأَزْمَةٍ فِي الْمَاضِي وَفِي الْمَضَارِعِ عَرَبِيًّا عَنْ نُؤُنِ الْإِعْرَابِ. وَأَنْتَ مَعَ النَّوْنِ فِيهِ وَلَدُنْ وَإِنَّ وَأَخَوْتَهَا مُحْيَرٌ

1. Тарки (фа) учун **وان يكن منكم ألف يغلبوا الفين**

Яъни *فيغلبوا*. Агар сизлардан минг мужоҳид бўлса мушрикларни икки мингини устидан ғалаба қилади.

2. Жазо (فا) ни киришига мисол: *ومن عاد فينتقم الله* кимки яна гуноҳ қилишга қайтса Аллоҳ ундан интиқом олади.

وَالْأَفْأَاءُ

Таржима: Агар жазо зикр қилинган мозий каби ёки зикр қилинган музореъ каби бўлмаса жазога (فا) ни келтириш лозимдир. Масалан

امس ان اكرمتنى اليوم فاكرمتك

وَيَجِيءُ إِذَا مَعَ الْجُمْلَةِ الْإِسْمِيَّةِ مَوْضِعَ الْفَاءِ

Таржима: Баъзан муфожаа (тўсатдан бўлиш) учун ишлатиладиган *إذا* калимаси жумлаи исмийяда (فا) ўрнига келади. Масалан Аллоҳ таолонинг сўзидаги

وان تصبهم سيئة بما قدمت ايديهم إذا هم يقنتون *اي فهم يقنتون*

Чунки *إذا* муфожаа фақат жумлаи исмийяга киради.

وَ إِنْ مُقَدَّرَةٌ بَعْدَ الْأَمْرِ وَالنَّهْيِ وَالْإِسْتِفْهَامِ وَالتَّمَنَّى وَالْعَرْضِ إِذَا قُصِدَ السَّبَبِيَّةُ نَحْوُ أَسْلِمَ تَدْخُلِ الْجَنَّةَ وَلَا تَكْفُرُ تَدْخُلِ الْجَنَّةَ

Таржима: Музореъ феъли ҳар қачон сабабни қасд қилса юқорида саналган беш нарсдан кейин келувчи муқаддар *ان* билан мажзум бўлади.

Шарҳ: Юқорида музореъ феъли муқаддар *ان* билан жазо бўлиши ҳақида ибора ўтган эди. Яъни, музореъ феъли беш нарсдан сўнг муқаддар *ان* билан мажзум бўлади. Масалан;

Биринчиси: Амрдан сўнг *ان تزرنى اكرمك – زرنى اكرمك*

Иккинчиси: Наҳийдан сўнг *لا تفعل الشر يكن خيرا لك اي ان لم تفعله يكن خيرا لك*

Учинчиси: Истифҳомдан сўнг *هل عندكم ماء اشربه أي ان يكن عندكم ماء اشرب*

اشرب

Тўртинчиси: Таманнийдан сўнг ليَت لى مالا انفقه اى ان يكن لى مال انفقه

Бешинчиси. Таклифдан сўнг لا تنزل تصب خيرا اى ان تنزل تصب خيرا

Матнда ان تدخل الجنة با اسلم تدخل الجنة ولا تكفر تدخل الجنة با ان لا تكفر تدخل الجنة ان تسلم تدخل الجنة با ان لا تكفر تدخل الجنة

لان التقديران

وَأَمْتَعَ لَا تَكْفُرُ تَدْخُلِ النَّارَ خِلَافًا لِلْكِسَائِي

لِأَنَّ التَّقْدِيرَ إِنْ لَا تَكْفُرُ

Таржима: Аммо жумхур наздида لا تكفر تدخل النار таркиби мумтаниъдир. Чунки таъвил калом ان لا تكفر تدخل النار бўлади.

Маъноси: Кофир бўлмасанг дўзахга тушасан, бўлиб маъноси фосид бўлади. Аммо Кисоий мумтаниъ санамаганлар. У киши урфга биноан қуйидаги маънони берганлар. ان تكفر تدخل النار Агар кофир бўлсанг дўзахга кирасан бўлади.

الْأَمْرُ صِيغَةً يُطَلَبُ بِهَا الْفِعْلُ مِنَ الْفَاعِلِ الْمُخَاطَبِ بِحَذْفِ حَرْفِ الْمُضَارَعَةِ

Таржима: Амр шундай сийғадирки, ўша сийға ёрдамида музораъат ҳарфини ҳазфи билан мухотаб фоилдан феъл талаб қилинади.

Шарҳ: صيغة يطلب بها الفعل ибораси ҳамма амрга, ғоибга, мухотабга, мутакаллимга ҳамда маълум ва мажхулга ҳам шомилдир. من الفاعل билан мажхул чиқади المخاطب ибораси билан ғоиб ва мутакаллим сийғаси чиқади. بحذف حرف المضارعة ибораси билан лом ва мухотабни амри ғоибчи чиқади. Ёки صه ва رويدا амрлари ҳам чиқади. Чунки уларда амр маъноси бўлса ҳам музораат ҳарфини ҳазфи йўқдир.

وَحُكْمُ آخِرِهِ حُكْمُ الْمَجْرُومِ

Таржима: Амр феълни охирини ҳукми жазм қилинган феълни ҳукми кабидир.

Шарҳ: Феълни охири саҳиҳ бўлса суқун бўлади. Нун эъробларини ҳазф қилади. Ва охири муътал бўлган феълларни ҳарфи иллоти ҳам ҳазф қилинади.

Саҳиҳ феълни амри: اضربن، اضربا، اضرب، اضربوا، اضربا، اضرب

اخش، اغز، ارم، لم يضربوا، لم يضربا، لم يضرب، لم يخش، لم يعز، لم يرم

Куфий олимлар амр сийғаси мўъраб ва ломи муқаддар билан мажзум, дейишган. Басрий олимларни наздида бу амр مجزوم эмас موقوف дир. Басрийларни мазҳаби тўғрига яқинроқдир.

فَإِنْ كَانَ بَعْدَهُ سَاكِنٌ وَلَيْسَ بِرُبَاعِيٍّ زِدْتَ هَمْزَةً وَصَلِ مَضْمُومَةً إِنْ كَانَ بَعْدَهُ ضَمَّةٌ وَمَكْسُورَةً فِيمَا سِوَاهُ نَحْوُ أَقْتَلْ وَاضْرِبْ وَاعْلَمْ وَإِنْ كَانَ رُبَاعِيًّا فَمَفْتُوحَةٌ مَقْطُوعَةٌ

Таржима: Музораат ҳарфидан сўнги ҳарф сокин бўлиб тўрт ҳарфли бўлмаса музораат ҳарфи ўрнига мазмума васлия ҳамза келтирилади сокиндан кейинги ҳарфи заммали бўлса. Агар заммали бўлмаса хоҳ фатҳали бўлсин хоҳ касрали бўлсин максура васлия ҳамза келтирилади. Ва агар музореъ феъли рубоъий бўлса, қатъий фатҳалик ҳамза келтирилади.

Шарҳ: Амр сийғасини олиш услуби қуйидагичадир. Аввал музораат ҳарфи ташланади. Музораат ҳарфидан кейинги ҳарф ҳаракатлик бўлса охирини жазм қилинади. Масалан تصرف дан تصارب ва تصارب дан تصارب ва تصارب дан تصارب ва تصارب дан تصارب олиниб, шу билан амр тамом бўлади. Агар музораат ҳарфидан сўнг суқун бўлиб, феъл тўрт ҳарфли бўлмаса музораат ҳарфи ўрнига заммалик васлия ҳамза келтирилади. Агар сокиндан кейинги ҳарф заммалик бўлса, масалан يقتل، يقتل. Агар суқунли ҳарфдан кейинги ҳарф заммалик бўлмаса хоҳ у фатҳа бўлсин хоҳ касралик бўлсин у ҳолда касрали ҳамзаи васлия келтирилади. Масалан اعلم ва اضرب. Агар музореъ феъли افعل бобидан бўлса, музораат ҳарфини ҳазфидан сўнг мафтуха қатъия ҳамза келтирилади. Масалан تكرم аслида تكرم эди, амри эса تكرم бўлади.

Ноиб фоъилнинг таърифи

فِعْلٌ مَا لَمْ يُسَمَّ فَاعِلُهُ هُوَ مَا حُذِفَ فَاعِلُهُ فَإِنْ كَانَ مَاضِيًا ضُمَّ أَوَّلُهُ وَكُسِرَ مَا قَبْلُ آخِرِهِ

Таржима: Фоили зикр қилинмаган феъл шундай феълки, уни фоилини ҳазф қилиб, мафъулларидан бирини фоил ўрнига қоим мақом қилинади яъни, фоилни кийимини мафъулга кийгизилади. Агар фоили зикр қилинмаган феъл мозий бўлса аввалги ҳарфи замма ва мо қаблал охири касра қилинади. Масалан ضرب ва دخرج ва علم ва اختير

وَيُضَمُّ الثَّالِثُ مَعَ هَمْزَةِ الْوَصْلِ

Таржима: Учинчи ҳарфини ҳамзаи васлийя билан замма қилинади. Масалан انطلق ва اقتدر ва استخراج

وَالثَّانِي مَعَ التَّاءِ خَوْفَ اللَّبْسِ

Таржима: Мозий феълени аввалги ҳарфи (تا) бўлса уни мажхул қилиш учун иккинчи ҳарфи ҳам замма қилинади. Агар замма қилинмаса музореъ феъл билан мултабис (аралашган) бўлади.

وَمُعْتَلٌ الْعَيْنِ الْأَفْصَحُ قِيلَ وَيَبِعُ وَجَاءَ الْإِسْمَاءُ وَالْوَاوُ

Таржима: Феълни ع ни баробаридаги ҳарф муътал бўлса уни афсаҳи (фасоҳатлироғи) قيل ва بيع дир. У ишмом билан ҳам ва (واو) билан ҳам келган.

Шарҳ: Мозий феълени ع ни баробаридаги ҳарф мўтал бўлса уни мажхул қиладиган бўлсанг уч кўриниши бордир. Биринчиси: قيل ва بيع дир. Аслида эса قول ва بيع эди. Вов сокин мо қабли касра бўлганлиги сабабли (واو) ни (يا) га қалб қилинди. قيل ва بيع бўлди. Бу ҳол афсаҳдир.

Иккинчи кўриниш ишмомдир. Бу эса قيل ни қофини талафуз қилмасдан олдин лабларни заммага чоғланади. Бу калимани аввали заммалик эканига далолат қилиши учун

шундай бўлади. Сўнг кофни касра билан талафуз қилинади. Ана шу ишмомдир. Бу ҳол ўртачадир.

Учинчиси قول ва بوع бўлиб ҳам келган قول да (واو) ни касраси ташланган, بيع да ҳам (ى) ни касрасини ташлагандан сўнг بيع бўлди. Ва (ى) ни (واو) га қалб қилгандан сўнг بوع бўлди. Бу ҳол заифдир.

وَمِثْلُهُ بَابُ اخْتِيَرِ وَانْقِيدَ دُونَ اسْتُخِيَرِ وَأَقِيمَ

Таржима: افتعال ва انفعال бобини муъталлул айни сулосий мужаррадни муъталлул айни кабидир. Яъни اختير ва انقيد да ҳам уч кўриниш жоиздир. Аммо استخير ва اقيم да бир кўринишдан ортиқ раво эмас.

Шарҳ: اقيم аслида اقوم эди. Касра (واو) га оғир эди мо қаблига бердик ва (واو) ни (ى) га қалб қилдик اقيم бўлди. استخير аслида استخير эди. (ى) ни касрасини мо қаблига бердик استخير бўлди.

وَإِنْ كَانَ مُضَارِعًا ضُمَّ أَوَّلُهُ وَفُتِحَ مَا قَبْلَ آخِرِهِ

Таржима: Агар фоили зикр қилинмаган феъл музореъ бўлса аввалги ҳарфи замма ва мо қабли охири фатҳа қилинади. Масалан يكرم ва يضرب.

وَمُعْتَلُّ الْعَيْنِ يَنْقَلِبُ فِيهِ الْفَا

Таржима: Агар ушбу музореъ феълни е ни муътал бўлса алифга қалб бўлади. Масалан: يقال ва يباع ва ينقاد ва ويستجاب، يختار.

Мутаъаддий ва ғайри мутаъаддий феъллар

الْمُتَعَدِّي وَغَيْرُ الْمُتَعَدِّي فَالْمُتَعَدِّي مَا يَتَوَقَّفُ فَهَمُّهُ عَلَى مُتَعَلِّقٍ كَضَرَبَ

Таржима: Феъл икки қисмдир. Мутаъаддий ва ғайри мутаъаддий. Мутаъаддий шундай феълдирки, уни фаҳмламоқ ўша феълни мутааллақига боғлиқ бўлади. Яъни феълни фаҳмламоқ ўша феълни фоилидан бошқа нарсага боғлиқдир.

Шарҳ: Масалан ضرب уни фаҳми فاعل га мавқуф (боғлиқ)дир. у ضارب дир. Ва яна فاعل дан бошқага ҳам мавқуфдирки, у مضروب дир. Уни مفعول به деб атайдилар. Лекин ضرب ни زمان ва مكان

(مفعول مطلق) عدد (حال) هيئت (مفعول به) علت (مفعول فيه) ва غايت (مفعول فيه) ушбуларсиз фаҳмламоқ мумкин. Яъни ضرب феълни англаш буларга боғлиқ эмас.

وَعَيْزُ الْمُتَعَدِّي بِخِلَافِهِ كَقَعَدَ

Таржима: Ғайри мутаъаддий феъл мутаъаддий феълни хилофигадир. قعد каби.

Шарҳ: Ҳар қачон феълни фаҳмламоқ фоилдан бошқани фаҳмлашга боғлиқ бўлса бундай феълни мутаъаддий дейдилар. Ва феълни фаҳмламоқ фоилдан бошқани фаҳмлашга боғлиқ бўлмаса бундай феълни ғайри мутаъаддий дейилади. Ёки лозим феъл дейилади.

وَالْمُتَعَدِّي يَكُونُ إِلَى وَاحِدٍ كَضَرَبَ وَ إِلَى اثْنَيْنِ كَأَعْطَى وَ عِلْمٌ وَإِلَى ثَلَاثَةٍ كَاعْلَمَ وَ أَرَى وَ أَنْبَأَ وَ نَبَأَ وَ أَخْبَرَ وَ خَبَّرَ وَ حَدَّثَ

Таржима: Мутааддий феълларни баъзилари биргина мафъул талаб қилади. Масалан ضرب каби. ضربت زيدا

Баъзилари икки мафъул талаб қилади. اعطيت زيدا درهما. اعطى. Бу икки қисмдир.

Биринчиси шундай феълки, уни иккинчи мафъули зотан биринчи мафъулни ўзидир. Масалан афъоли қулубда иккинчи мафъул биринчи мафъулни нақд ўзидир. علمت زيدا قائما.

Бири муснад, иккинчиси муснад илайҳидир. Феъл киришдан олдин زيد قائم эди. Бу мафъулларни бирини ҳазф қилиб бўлмайди. Агар ҳазф қилинса ё муснад ёки муснад илайҳини ҳазфи бўлади, бу эса ботилдир.

Иккинчи қисм: Иккинчи мафъул зотан биринчи мафъулни ўзи бўлмаслиги мумкин. Масалан اعطى ва уни аховатларида اعطيت زيدا درهما. Бу икки мафъулдан бирини ҳазф қилмоқлик

жоиздир. Мутаъаддий феълини учинчи қисм уч мафъул талаб қилади. Ва бу каломда жуда оздир. Бу феълларни асосийси علم ва ارى дир. Бу икки феъл ҳамза киришидан олдин икки мафъулга мутаъаддий эди. Ҳар қачон унга ҳамза киргандан сўнг унга яна бир мафъул зиёда бўлди. Уни мафъулу аввал дейилади. Уч мафъулга мутаъаддий бўладиган феълардан انبا ва نبا ва اخبر ва خبر ва حدث лардир.

وَهَذِهِ مَفْعُولُهَا الْأَوَّلُ كَمَفْعُولِ بَابِ أَعْطَيْتُ وَالثَّانِي وَالثَّلَاثُ كَمَفْعُولِي عَلِمْتُ

Таржима: Ушбу уч мафъулга таъаддий қилувчи феълларни биринчи мафули اعطى феълни мафъули ва иккинчи ва учинчи мафъули علم феъллини мафъуллари кабидир.

Шарҳ: Бу феълларни фақат биринчи мафъулини ҳазф қилмоқлик жоиз бўлади. Иккинчи ва учинчи мафъулларини ҳазф қилиш жоиз эмас. Чунки у иккови علمт ни мафъулларидир. Агар улардан бири ҳазф қилинса юқорида айтилган ботиллик пайдо бўлади.

Афъолу қулубни таърифи

أَفْعَالُ الْقُلُوبِ ظَنَنْتُ وَحَسِبْتُ وَخَلْتُ وَزَعَمْتُ وَعَلِمْتُ وَرَأَيْتُ وَوَجَدْتُ تَدْخُلُ عَلَى الْجُمْلَةِ الْإِسْمِيَّةِ لِبَيَانِ مَا هِيَ عَنْهُ فَتَنْصِبُ الْجُزْأَيْنِ

Таржима ва шарҳ: Бу феълларни афъолу шак ва яқин ҳам деб атайдилар. Чунки баъзилари шакка ва баъзилари яқийнга далолат қилади. Улардан бири ظننت гумон қилдим, яна бири حسبت уйлабман, خلت гумон қилдим. Бу уч феъл шакка далолат қилади. Бири زعمت бу феъл шак ва яқин ўртасида муштаракдир. Баъзан ظننت маъносида ва баъзан علمت маъносида келади. علمت ва رايت ва وجدت бу учта феъл илм

маъносида яъни, яқийн маъносида бўлади. Бу феъллар жумлаи исмийяга баён қилиш учун киради.

У илмдан ҳосил бўлганми? ёки гумонданми? Масалан агар сен *زيد قائما* десанг унда икки эҳтимол бор бўлади.

Бири: “Сен аниқ билиб туруб айтмоқдасан ёки гумон билан айтмоқдасан. Агар сен *علمت زيدا قائما* десанг сен ҳақиқатда аниқ билиб туриб айтмоқдасан. Ва агар *ظننت زيدا قائما* десанг маълум бўладикки, гумон юзасидан айтмоқдасан. Демак ушбу феъллар каломни ҳар икки жузъини насб қилади. Чунки улар аслида мубтадо ва хабар эди.

وَمِنْ خَصَائِصِهَا أَنَّهُ إِذَا ذُكِرَ أَحَدُهُمَا ذُكِرَ الْآخَرُ بِخِلَافِ بَابِ أَعْطِيْتُ

Таржима: Бу феълларни хосиятларидан бири шуки, агар мафъуллардан бири зикр қилинса иккинчиси ҳам зикр қилинади *اعطيت* бобини хилофи ўлароқ шундай.

Шарҳ: Агар бири ҳазф қилинса муснад муснад илайҳисиз ёки муснад илайҳи муснадсиз қолади. Аммо *اعطيت* бобида бир мафъулни ёки икки мафъулни ҳазф қилиш ҳам мумкин. Масалан *اعطيت زيدا* ёки *اعطيت درهما* деб бир мафъулни ва *فلان يعطى* деб икки мафъулни ҳам ҳазф қилиб, феъл билан кифояланса ҳам фойда ҳосил бўлади. Аммо *علمت* ва *ظننت* дейилмайди. Чунки фойдасиздир. Агар бирор қарина билан икки мафъулни ҳазф қилса бўлади. Масалан *من يسمع يخل مسموعه*, *ياъни*, *من يسمع يخل*.

وَمِنْهَا جَوَازُ الْإِلْغَاءِ إِذَا تَوَسَّطَتْ أَوْ تَأَخَّرَتْ لِاسْتِقْلَالِ الْجُزْئَيْنِ كَلَامًا

Таржима: Агар *ظننت* феъли икки мафъул ўртасига тушса ёки икки мафъулдан ҳам кейин келса уни амали ботил бўлади. Чунки *ظننت زيدا* бўлса ҳам *زيد* мубтадо ва *ظننت* хабар бўлади. Чунки каломни икки жузъи ҳам мустақлдир *زيد* мубтадо ва *ظننت* хабар бўлиб, калом том бўлади. *ظننت* ўртага тушганда ҳам охирида келганда ҳам амали заиф бўлади.

وَمِنْهَا أَنَّهَا تُعَلَّقُ قَبْلَ الْإِسْتِفْهَامِ وَالنَّفْيِ وَاللَّامِ مِثْلُ عَلِمْتُ أَرَيْدُ عِنْدَكَ أَمْ عَمْرُو

Таржима: Афъоли қулубни яна бир хосияти агар истифҳомдан ва нафийдан ва лом ибтидодан олдин келса бундай феъллар мутаъллик бўладилар. Яъни уни амалини маънан эмас лафзан, вожиб равишда ботил бўлишини таълик дейилади.

Шарҳ: Масалан истифҳомдан олдин келган афъоли қулуб *علمت ما زيد قائم*, нофия *علمت ازيد عندك ام عمرو*, ломи ибтидо учун *علمت زيدا قائما* ёки *علمت زيد غير قائم* ёки *علمت احدهما بعينه قائما* гўёки *علمت لزيد قائم* деганингдек. Бу суратларда феълларни амали лафзан ботил бўлиши вожибдир. Чунки истифҳом ҳарфи, нафий ҳарфи ва ломи ибтидо ҳарфлари ботил бўлмаслиги керак. Аммо маъно жиҳатидан амали боқийдир. Калимани икки жузъи мансубул маҳалдир. Демак илғо (ботил) билан таълиқни фарқи икки нарса билан, бири илғо жоиздир, вожиб эмас. Таълиқ эса вожибдир. Иккинчиси илғо лафзан ва маънан амални ботил бўлмоғидир. Таълиқ эса амални лафзда ботил бўлмоғидир.

وَمِنْهَا أَنَّهُ يُجُوزُ أَنْ يَكُونَ فَاعِلُهَا وَمَفْعُولُهَا ضَمِيرَيْنِ بِشَيْءٍ وَاحِدٍ مِثْلُ عَلِمْتَنِي مُنْطَلِقًا وَلِبَعْضِهَا مَعْنَى آخَرَ يَتَعَدَّى بِهِ إِلَى وَاحِدٍ فَظَنَّتُ بِمَعْنَى اتَّهَمْتُ وَعَلِمْتُ بِمَعْنَى عَرَفْتُ وَرَأَيْتُ بِمَعْنَى أَبْصَرْتُ وَوَجَدْتُ بِمَعْنَى أَصَبْتُ

Таржима: Афъоли қулубни хосиятларидан яна бири шу феълни фоили ҳам мафули ҳам феълга муттасил замир бўлиб бир нарсага рожиъ бўлишини жоизлигидир. Масалан *علمتنى منطلقا* ёки *علمتك منطلقا* демоқлик жоиздир. Аммо бошқа феълларда жоиз эмас. Масалан *ضربت نفسى* ёки *شتمتني* дейилмайди. Балким *ضربت نفسى* ёки *شتمت نفسي* дейилади.

Таржима: Афъоли қулубни баъзилари яъни *خلت* ва *حسبت* дан бошқалари бошқа маънода ҳам келади. Масалан *علمت زيدا* маъносида *علمت زيدا* *عرفت زيدا* ва *علمت زيدا* *ظننت زيدا* *اتهمت زيدا* маъносида. Яъни *وجدت زيدا* *ابصرت زيدا* маъносида *وجدت زيدا* *ابصرت زيدا* маъносида *وجدت زيدا* *اصبت زيدا* бўлади.

катта пичоғини шундай ўткир қилдики, у худди найзага ўхшаб қолди.

تَدْخُلُ عَلَى الْجُمْلَةِ الْإِسْمِيَّةِ لِإِعْطَاءِ الْحَبْرِ حُكْمَ مَعْنَاهَا

Таржима: Бу ноқиса феъллар хабарга ўзини маъносини ҳукмини бермоқ учун жумлаи исмийяга киради.

Шарҳ: масалан صار ки, уни маъноси интиқолдир, яъни ҳар қачон жумлаи исмийя (زيد غنى) га кирса ушбу жумлаи исмийяни хабари бўлмиш (غنى) га ўзини маъносини ҳукмини беради. Яъни صار زيد غنيا Зайд бойга айланди. Демак ҳукмини маъноси айланмоқни ўзини хабарига беради. Бу жумлаи исмийяни биринчи жузъини фоиллик билан рафъ қилади ва иккинчи жузъини уни хабари бўлганлиги учун насб қилади.

فَتَرْفَعُ الْأَوَّلَ وَتَنْصِبُ الثَّانِيَّ مِثْلُ كَانَ زَيْدٌ قَائِمًا

Таржима: Бу феъллар каломни аввалги жузъини рафъ қилади ва уни исми дейилади. Иккинчи жузъини насб қилади, уни хабари дейилади. Масалан كان زيد قائما Зайд тик турган эди.

فَكَانَ تَكُونُ نَاقِصَةً لِثُبُوتِ خَبَرِهَا مَا ضِيًّا دَائِمًا أَوْ مُنْقَطِعًا وَبِمَعْنَى صَارَ وَيَكُونُ فِيهَا ضَمِيرُ الشَّانِ

Таржима: كان ноқиса бўлиб, у исм ва хабарга муҳтож бўлади. Ва у уч қисм бўлади.

Биринчиси: уни мозийда хабарини исми учун мутлақ яъни, доимий бўлади ёки доимий бўлмайди. Масалан мутлақ доимийлик учун мисол كان الله عليما حكيما. Доимий бўлмаганига мисол كان زيد قائما каби. Иккинчиси صار маъносида, учинчиси ноқиса كان да замири бўлади. Масалан كان زيد قائم, яъни, كان هو زيد قائم,

وَتَكُونُ تَامَّةً بِمَعْنَى ثَبَّتَ وَزَائِدَةً

Таржима: Баъзан كان феъли томма бўлади.

كانت الكائنة баъзан эса зоида бўлади. Аллоҳ таолонинг сўзидаги كيف نكلم من كان في المهدي صيبا

وَصَارَ لِلإِنْتِقَالِ

Таржима: صار феъли интиқол учун бўлади ва томма ҳам бўлади.

Шарҳ: Интиқол бир сифатдан иккинчи сифатга ўтишдир. Масалан: صار زيد عالما ёки бир ҳақиқатдан иккинчи бир ҳақиқатга интиқол қилади. Масалан: صار الماء هواء. Ва ушбу صار феъли томма ҳам бўлади. Масалан: صار زيد من البلد الى البلد. Бу мисол бир макондан иккинчи маконга интиқолдир. Ёки бир зотдан иккинчи зотга интиқолдир.

Масалан صار من بكر الى عمرو

وَأَصْبَحَ أَمْسَى وَأَضْحَى لِاقْتِرَانِ مَضْمُونِ الْجُمْلَةِ بِأَوْقَاتِهَا وَمَعْنَى صَارَ وَ تَكُونُ تَامَّةً

Таржима: Ушбу учта феъл жумлани мазмунини ушбу феъларни вақтларига яқинлаштирмақ учун қуйилгандир. Яъни, жумлани маъносини уч вақтни бирида содир бўлганлигига далолат қилади.

Шарҳ: Бу уч калимани ҳар бири уч маънода келган. Биринчиси: Жумланинг маъноси субҳга, кечасига ва чоштгоҳга яқинлигидир. Яъни ушбу уч вақтда содир бўлганлигини билдиради. اصبح زيد غنيا.

Иккинчиси: صار дир.

Учинчиси: Бу уч феъл ҳам томма бўлади. Яъни, دخول маъносида хабарга муҳтож эмас امسينا ва اصبحنا.

وَوَظَلَّ وَبَاتَ لِاقْتِرَانِ مَضْمُونِ الْجُمْلَةِ بِوَقْتَيْهِمَا وَمَعْنَى صَارَ

Таржима: Бу икки феъл жумлани мазмунини кечаси ва кундузи ҳосил бўлганини англатади. Масалан: ظل زيد سائرا Зайд куни бўйи сайр қилди. بات زيد مصليا Зайд кечаси билан намоз ўқиди. Баъзан бу икки феъл صار маъносида ҳам келади. Масалан: ظل وجهه مسودا، بات وجهه مسودا Аллоҳ таолонинг сўзида бўлиб келган.

وَمَا زَالَ وَمَا بَرِحَ وَمَا فَتِيَ وَمَا انْفَكَ لِاسْتِمْرَارِ خَبَرِهَا لِفَاعِلِهَا مُذْ قَبْلَهُ وَيَلْزَمُهَا النَّفْيُ

Таржима: Ушбу тўрт феълни фоили қобилият пайдо қилган замондан бошлаб уларни хабари фоил учун доимий эканлигини билдиради. Бу тўрт феълга нафийни лафзан ёки тақдиран кириши лозимдир.

Шарҳ: ما زال زيد اميرا. Зайд ҳокимият учун қобилият ва салоҳиятли бўлган замондан бошлаб ҳамиша амирдир. Ушбу афъолни истимрор (бардавомлик)га далолат қилишини сабаби шуки, бу афъол нафий учундир. Ҳар қачон уларга нофия (ما) кирса нафийни нафий қилади, бу эса истимрордир.

Нофия (ما) ни лафзан ёки тақдиран бу афъолга кириши лозимдир. Масалан Аллоҳ таоло تذكر يوسف яъни, бу ерда لا нофия муқаддардир. قالو تالله لا تفتؤ تذكر يوسف. Юсуф сураси, 85-оят. Яъқуб алайҳиссаломни ўғиллари айтдиларки, Аллоҳга қасам эй ота! Сен ўзингни ҳалок қилгунингча доим Юусуфни ёд қиласан. Бу ерда تفتؤ нафий ва унга لا нафий кирди ҳамда субут ва истимрорга айланди.

وَمَا دَامَ لِتَوْقِيَّتِ أَمْرٍ بِمُدَّةِ ثُبُوتِ خَبَرِهَا لِفَاعِلِهَا وَمِنْ تَمَّ احْتِاجَ إِلَى كَلَامٍ لِأَنَّهُ ظَرْفٌ

Таржима: مادام калимаси ноқиса феълнинг исмини амри муддатига феълни фоилига муддат тайинламоқ учундир. Шу боисдан каломга муҳтож бўлди. Чунки у зарфдир. Масалан اجلس مادام زيد جالسا деганда Зайдни ўтиришини муддатича мухотаб учун ўтиришга вақт тайинлашдир. Бу ерда “мо” масадарийя бўлиб феълга кирганда уни масдарга айлантиради. Яъни, اجلس دوام جلوس زيد اى اجلس زمان دوام جلوس زيد. Аммо таркибда феъл исми ва хабари билан зарф бўлганлиги сабабли каломга муҳтож бўлди. Чунки зарф каломда фазла (иккинчи даражали бўлак)дир. Ўзича мустақил ифодали эмас. Ушбу каби масдария (ما) ни (ما)и муддат деб атаганлар.

وَلَيْسَ لِنَفْسٍ مَّضْمُونٍ الْجُمْلَةَ حَالًا وَقِيلَ مُطْلَقًا وَبِجُوزٍ تَقْدِيمِ أَخْبَارِهَا كُلِّهَا عَلَى أَسْمَائِهَا وَهِيَ فِي تَقْدِيمِهَا عَلَيْهَا عَلَى ثَلَاثَةِ أَقْسَامٍ

Таржима: ليس лафзи жумлани мазмунини ҳозирги замонда нафий қилади ва баъзиларни наздида мутлақ нафий қилади.

Шарҳ: Масалан ليس زيد قائما ни маъноси Зайд ҳозирги замонда қоим бўлмай баъзиларни наздида мутлақ нафий учундир. Хоҳ ҳозирги замон учун ва хоҳ бошқа замон учун бўлсин.

Таржима: Бу феълларни хабарлари исмларига муқаддам бўлиши хилофсиз равишда жоиздир. Лекин бу феълларни хабарлари ўзларидан муқаддам бўлиши уч қисмдир.

قِسْمٌ يَجُوزُ وَهُوَ مِنْ كَانَ إِلَى رَاحٍ

Биринчи қисм: كان дан راح гача тартиби билан улар ўн биттадир. Демак бу ўн бир феълни мансуби марфуъига муқаддам бўлиши жоиздир.

وَقِسْمٌ لَا يَجُوزُ وَهُوَ مَا فِي أَوَّلِهِ مَا خِلَافًا لِابْنِ كَيْسَانَ فِي غَيْرِ مَا دَامَ

Иккинчи қисм: Бу қисмда эса мансуб марфуъга муқаддам бўлиши жоиз эмас. Бу феълларни аввалида нофия (ما) си ёки масдария (ما) си келган бўлади.

Таржима: Аммо Ибн Кайсон ما برح ва ما فتىء ва ما انفك ва ما زال да жумхур билан хилоф қилмади. Лекин ما دام да хилоф қилди. Яъни мансубни марфуъга муқаддамлигини жоиз деди.

وَقِسْمٌ مُخْتَلَفٌ فِيهِ وَهُوَ لَيْسَ

Таржима: Бу қисмда ихтилофда бўлганлар. Бу қисм ليس дир. Биринчи гуруҳ наҳв олимларидан Мубаррад, Куфаликлар, Ибн Сирож Алжуржоний мансубни тақдими жоиз эмас дейишган. Яъни ليس нафий ҳарфидир, шу сабабдан хабар ليس га муқаддам бўла олмайди, деганлар.

Иккинчи гуруҳ Басраликлар, Сибавайх, Ассаррофий ва Алфорисийлар эса ليس феълдир. Шу сабабдан ليس нинг хабари ليس га муқаддам бўлишини жоиз деганлар.

Афъоли муқорабани таърифи

أَفْعَالُ الْمُقَارَبَةِ مَا وُضِعَ لِذُنُوبِ الْحَبْرِ رَجَاءً أَوْ حُصُولًا أَوْ أَخْذًا فِيهِ

Таржима: Афъоли муқораба шундай феълларки, уларни хабарини ражо (умид) ёки ҳусул (пайдо бўлмоқ) ёки шуруъ (киришмоқ) жиҳатидан яқинлигини билдиради.

فَالأَوَّلُ عَسَى وَهُوَ غَيْرُ مُتَصَرِّفٍ تَقُولُ عَسَى زَيْدٌ أَنْ يَخْرُجَ وَعَسَى أَنْ يَخْرُجَ زَيْدٌ وَقَدْ يُحَدَفُ أَنْ

Таржима: Биринчиси عسى калимасидир. Ва у сарфланмайди. عسى زيد أن يخرج ва عسى زيد أن يخرج дейсан. Ва гоҳида ان ҳазф бўлади.

Шарҳ: Бу сийғадан музореъ, амр-наҳий ва мажҳул олинмайди. Фақат мозийда келган عسى ни истеъмоли икки кўриниш билан бўлади.

Биринчиси уни фоили исми маҳз бўлади ва уни хабари ان билан музореъ феъли бўлади. Масалан عسى زيد أن يخرج. Бу ерда عسى ноқиса феъли маъносидадир. Исм ва хабарга муҳтождир. Аммо афъоли ноқисадан фарқи шуки, бу феълни хабари ان билан музореъ феъли бўлади.

Иккинчиси, уни фоили ان билан музореъ бўлади. Масалан عسى زيد أن يخرج. Бу истеъмолда عسى феъли томма, زيد эса бу таркибда يخرج нинг фоилидир. Баъзан ان калимаси ҳазф қилинади.

وَالثَّانِي كَادَ تَقُولُ كَادَ زَيْدٌ يَجِيئُ وَقَدْ تَدْخُلُ أَنْ

Таржима: Афъоли муқорабанинг иккинчиси كاد калимасидир. Бу калима كاد нинг хабарини пайдо бўлиши

жиҳатидан яқинлигини билдиради. Бу феъл **ان** калимаси кирмаса ҳам амал қилади. Гоҳида **ان** калимаси **كاد**нинг хабарига киради. **كاد** феъли мутасарриф бўлиб, ундан музореъ ва бошқа сийғалар олинади.

وَإِذَا دَخَلَ النَّفِيُّ عَلَى كَادَ فَهُوَ كَالْأَفْعَالِ عَلَى الْأَصَحِّ وَقِيلَ نَفِيَهُ يَكُونُ لِلْإِثْبَاتِ مُطْلَقًا

Таржима: Агар **كاد** ва унинг мутасаррифотига нафий кирса уни мадхули хоҳ мозий бўлсин ёки мустақбал бўлсин уни ҳукми бошқа феълларнинг ҳукми каби бўлади. Масалан **ما كاد زيد** ва **لم يكذ زيد** Зайднинг чиқиши яқин эмас эди. Зайд чикмоқчи эмас эди. Бу саҳиҳ мазҳаб наздидадир. Аммо баъзилар наздида ҳар қачон **كاد** ва унинг мутасаррифотига нафий кирса у исбот маъносида бўлади.

وَقِيلَ يَكُونُ فِي الْمَاضِي لِلْإِثْبَاتِ وَفِي الْمُسْتَقْبَلِ كَالْأَفْعَالِ تَمَسُّكَ بِقَوْلِهِ تَعَالَى وَمَا كَادُوا يَفْعَلُونَ

Таржима: Аллоҳ таолонинг сўзига суяниб баъзилар ҳар қачон нафий мозийга кирса исбот учун ва мустақбалга кирса “соир афъол” каби бўлади, дейишган.

Масалан: **وما كادوا يفعلون** бу исбот учундир.

وَبَقَوْلِ ذِي الرُّمَّةِ إِذَا غَيَّرَ الْهَجْرُ الْمُحِبِّينَ لَمْ يَكْدُ رَسِيْسُ الْهُوَى مِنْ حُبِّ مَيَّةَ يَبْرُحُ

Таржима: Ҳар қачон хажру фироқ дўстларнинг дўстлигини ўзгартирса йўқ бўлувчи асл дўстлик гўзал (майята) ни дўстлигидан яқин бўла олмайди.

Бу мисолда **لم يكذ** исбот учундир ва **رسيس الهوى** мустаҳкам дўстлик **لم يكذ** ни исми **برح يبرح** феълидан **لم يكذ** нинг хабари **مئة** маҳбубани исми

وَالثَّالِثُ طَفِقَ وَكَرَبَ وَ جَعَلَ وَ أَخَذَ وَ هِيَ مِثْلُ كَادَ وَأَوْشَكَ وَ هِيَ مِثْلُ عَسَى وَ كَادَ فِي الْإِسْتِعْمَالِ

Таржима: Афъоли муқорабани учинчиси **جعل** ва **طفق** ва **كرب** ва **اخذ** дир. Булар истеъмолда **كاد** кабидир. **اوشك** эса истеъмолда **عسى** ва **كاد** кабидир.

Шарҳ: Афъоли муқорабанинг учинчиси яъни, хабарини шуруъ жиҳатидан яқинлигини билдирувчи феълларни учинчиси тўрттадир. Ва улар *حعل* ва *طق* ва *كرب* ва *اخذ* бўлиб, истемолда *كاد* кабидир. *اوشك* эса баъзан *ان* билан *عسى* кабидир. Масалан: *اوشك زيد يخرج* . Ва баъзида *ان* сиз *كاد* кабидир. *اوشك زيد يخرج*

Афъоли таажжубнинг таърифи

أَفْعَالُ التَّعَجُّبِ مَا وُضِعَ لِإِنْشَاءِ التَّعَجُّبِ

Таржима: Феълларнинг ақсомларидан яна бири таажжуб феълларидир. Таажжуб феъли шундай феълки, таажжубни иншосини билдирмоқ учун кўйилган сийғади.

Шарҳ: Бошқа нусхаларда *فعل التعجب* муфрад сийға билан келган. Уни жинсга нисбатан таъриф берилган. Баъзи нусхаларда *فعلا التعجب* тасния билан келтирилган. Бунда сийғани икки навъига нисбатан таъриф берилган. Ушбу нусхада *افعال* жамъ сийғаси билан келтирилган. Бунда сийғанинг афродини кўплигига нисбатан таъриф берилган.

وَلَهُ صِيغَتَانِ مَا أَفْعَلُهُ وَأَفْعَلُ بِهِ وَهُمَا غَيْرُ مُتَصَرِّفَيْنِ مِثْلُ مَا أَحْسَنَ زَيْدًا وَأَحْسِنُ بِزَيْدٍ

Таржима: Афъоли таажжуб икки сийғада келади *ما افعله* ва *افعل به*. Бу икки сийға сарф қилинмайди. Масалан *ما احسن زيدا* ва *احسن بزيد*.

Шарҳ: Аммо ушбу сийғадан бошқа, масалан *عجبت* ва *تعجبت* булар афъола тафзил сийғасида эмас. Балки хабар учундир.

وَلَا يُبْنِيَانِ إِلَّا مِمَّا يُبْنَى مِنْهُ أَفْعَالُ التَّفْضِيلِ

Таржима: Фақат *افعل* тафзил бино қилинадиган сийғадан бино қилинади.

Шарҳ: Таажжуб феъллини сийғаси айб учун ва ранг учун бўлмаган сулосий мужарраддан олинади.

وَيُتَوَصَّلُ فِي الْمُمْتَنِعِ بِمِثْلِ مَا أَشَدَّ اسْتِخْرَاجَهُ وَأَشَدُّ بِاسْتِخْرَاجِهِ

Таржима: Таажжуб сийғасини олиш мумтаниъ бўлган феъллардан *اشد* ва *اكثر* ва *احسن* ва *اقبل* калималарини ёрдамида олинади. Масалан: *ما اشد استخراجه* ва *اشدد باستخراجه*. *ما اكثر حمرة* ва *اكثر حمرة* *ما اقبح عوره* ва *اقبح بعوره*.

وَلَا يُتَصَرَّفُ فِيهِمَا بِتَقْدِيمٍ وَتَأْخِيرٍ وَلَا فَصْلٍ وَأَجَازَ الْمَازِي الْفَصْلَ بِالظَّرْفِ

Таржима: Бу икки сийғада маъмулни феълга тақдим ва таъхир ёки феъл билан маъмулни фасл қилиб бўлмайди. Аммо шайх Мозаний икковини ўртасини зарф билан ажратганлар. Масалан: *ما زيدا احسن* ёки *ما احسن* *ما زيدا* деб бўлмайди. Аммо Мозаний *ما احسن بالرجل* *أن يتصدق* билан фасл қилдиларки, бу зарфдир. Таажжуб феъли ва унинг маъмули ўртасида фасл бўлиб келмоқда.

وَمَا ابْتِدَاءً نَكْرَةً عِنْدَ سَيِّئِهِ وَمَا بَعْدَهَا الْحَبْرُ وَمَوْصُولَةٌ عِنْدَ الْأَخْفَشِ وَالْحَبْرُ مَحْدُوفٌ

Таржима: Сибавайҳ наздларида (ما) ибтидоия ва мубтадо ва ундан кейингилари хабардир.

2. Ахфаш наздларида (ما) мавсула бўлиб, хабари маҳзуфдир.

3. Аммо Фарро наздларида (ما) истифҳомия бўлиб, мо баъди хабар деганлар.

1. Сибавайҳи мазҳаби бўйича (ما) калимаси *شيئ* маъносида, рафъ маҳалида бўлиб, мубтадодир. Ва (ما) ни мо баъд *زيدا احسن* дир. *احسن* да мустатир замир (ما) га қайтувчидир. Ўзини мафъули билан маҳалли рафъда мубтадонини хабаридир.

2. Ахфаш мазҳаби бўйича *زيدا احسن* (ما) мафсула мобаъди уни силасидир. Мавсул билан сила рафъ ўрнида бўлиб, мубтадо бўлди. Хабарини эса маҳзуфдир. Яъни, *الذى احسن زيدا*.

3. Фарро мазҳаби бўйича (ما) ма аҳсон зида истифҳомиядир. Рафънинг маҳаллида бўлиб, мубтадодир. Ва ма дан кейин келган жумла унинг хабаридир.

Энди ма аҳсон зид таркиби ҳақида сўз юритилади.

وَبِهِ فَاعِلٌ عِنْدَ سَيِّوِيهِ فَلَا ضَمِيرَ فِي أَفْعَلٍ وَمَفْعُولٌ عِنْدَ الْأَخْفَشِ وَالْبَاءُ لِلتَّعْدِيَةِ أَوْ زَائِدَةٌ فِيهِ ضَمِيرٌ

Сибавайх айтадиларки, зид – ма аҳсон ни фоилдир. Ва ма аҳсон да мустатир замир йўқдир. (ба) эса зоидадир. Маъноси ма аҳсон бўлади. Аммо Ахфаш наздида ма аҳсон зид – ма аҳсон сийғаси амрдир. Ўз маъносида бўлиб, хабар маъносида эмас. (ба) эса мафъулдаги зоидадир яъни, зид мафъул бўлиб, ундаги (ба) зоидадир. Демак ма аҳсон зид ма аҳсон ҳар қачон афел нинг (а) ҳамзаси сайрура маъносида бўлса (ба) таъдия учундир. Агар (а) ҳамза таъдия учун бўлса (ба) зоидадир. Шунда афел да фоилнинг замири бўлади. Масалан ма аҳсон ант зид каби. Ёки ахрж нинг ҳамзаси таъдия учун бўлганидек.

أَفْعَالُ الْمَدْحِ وَالذَّمِّ مَا وُضِعَ لِإِنْشَاءِ مَدْحٍ أَوْ ذَمٍّ

Мадҳ ва замм феллари

فَمِنْهَا نَعَمَ وَبِئْسَ

Таржима: Феълларнинг яна бир қисми мадҳ (мақтов) ва замм (мазаммат) феълларидир. Бу сийғалар мадҳ ва заммни иншоси учундир.

Шарҳ: Бу таърифдан мадҳ ва замм лар чиқади. Чунки булар иншо учун эмас хабар учундир. Аслида мадҳ учун ма аҳсон ва замм учун ма аҳсон феълларидир. Аслида афел вазнида бўлиб, ма аҳсон ва ма аҳсон нинг ма аҳсон си фатҳа ма аҳсон эса касрадир.

وَشَرْطُهَا أَنْ يَكُونَ الْفَاعِلُ مُعْرَفًا بِاللَّامِ

Таржима: Бу афъолни яъни, نعم بئس нинг шарти уни фоили نعم الرجل زيد билан муъарраф бўлмоғидир. Масалан نعم الرجل زيد каби.

أَوْ مُضَافًا إِلَى الْمَعْرُوفِ بِهَا

Ёки унинг фоили لام الف билан муъарраф бўлган исмга бевосита музоф бўлади. Масалан نعم صاحب الرجل زيد ёки билвосита музоф бўлади.

Масалан: نعم فرس غلام الرجل.

أَوْ مُضَمَّرًا مُمَيَّزًا بِنَكْرَةٍ مَنْصُوبَةٍ أَوْ بِمَا مِثْلُ فَنِعْمًا هِيَ

Таржима ва шарх: Ёки نعم ва بئس ни фоили замир бўлиб, уни накраи мансуба билан тамйиз қилиб келтирадилар. Масалан نعم رجالا ва بئس رجالا каби. Ёки (ما) калимаси билан тамйиз келтирадилар. Яъни, маҳаллан мансуб бўлган شئ маъносидаги (ما) билан. Масалан Аллоҳ таолонинг هي فنعمما қандоқ ҳам яхши у нарса.

وَبَعْدَ ذَلِكَ الْمَخْصُوصُ

Таржима: Кўпинча махсус билмадх ва махсус биззам фоилдан кейин келади. Масалан نعم الرجل زيد каби. زيد махсус билмадхдир. Баъзан эса муқаддам бўлади.

Масалан: زيد نعم الرجل каби.

وَهُوَ مُبْتَدَأٌ وَمَا قَبْلَهُ خَبْرُهُ أَوْ خَبْرٌ مُبْتَدَأٌ مَحْدُوفٌ مِثْلُ نِعْمَ الرَّجُلُ زَيْدٌ

Таржима: Махсус билмадх ва махсус биззам мубтадо ва мо қабли хабардир. Масалан: نعم الرجل زيد

Махсус билмадх уни мо қабли نعم الرجل муқаддам хабар ёки زيد хабари махзуф мубтадодир. Масалан қачонки نعم الرجل десанг биров, ким у? Дейди. Сен زيد деб айтасан.

وَشَرْطُهُ مُطَابَقَةُ الْفَاعِلِ

Таржима: Махсус билмадх ва махсус биззамни шарти фоил билан ифродда, таснияди, жамъда, тазкир ва таънисда мутобиқ бўлишидир.

بئست المرأة هند * نعم الرجل زيد
 بئست المرأتان الهندان * نعم الرجلان الزيدان
 بئست النساء الهندات * نعم الرجال الزيدون

وَبئسَ مَثَلُ الْقَوْمِ الَّذِينَ كَذَبُوا أَوْ شَبَّهُهُ مُتَأَوَّلٌ

Таржима: Ушбу оят ва шунга ўхшаганлар таъвиллидир.

Шарҳ: Таъвили шуки, музоф тақдир қиламиз.

Яъни, بئس مثل القوم الذين كذبوا. Бу таркибимиз муқаддар саволга жавобдир. Савол махсус билмадх ва махсус биззам фоил билан мутобиқ бўлиши лозим эди. Аммо бу оятда махсус биззам жамъ сийғада келган яъни, الذين كذبوا ва фоили муфрад сийғада келган яъни, مثل القوم бўлиб.

Бу оят ва бунга ўхшашган таркиблар таъвиллидир. Биринчи таъвил махсус биззамга музоф тақдир қиламиз, шунда بئس مثل القوم مثل الذين Иккинчи таъвил الذين ни قوم ни сифати қиламиз. قوم эса بئس ни фоилидир. Ва махсус биззам маҳзуф бўлади. بئس مثل القوم المكذبين مثلهم

وَقَدْ يُخَذَفُ الْمَخْصُوصُ إِذَا عَلِمَ بِالْقَرِينَةِ مِثْلُ نَعَمِ الْعَبْدِ وَفَنَعَمِ الْمَاهِدُونَ

Таржима: Гоҳида қарина билан махсус билмадх ва махсус биззам ҳазф қилинади. Масалан نعم الماهدون ва نعم العبد.

Шарҳ: نعم العبد бу оят Айюб (а.с.) қиссасида келиб, юқорида у зот ҳақида сўз бормоқда эди. Шу сабабдан махсус билмадх ҳазф қилинди. Яъни نعم العبد أيوب, иккинчи оят نعم الماهدون бу оятда махсус билмадх Аллоҳдир. Яъни, نعم الماهدون نحن. Бу ерда Аллоҳ таоло фоилни жамъ сийғада келтирди яъни, نحن бўлади. Бу эса албатта таъзим учундир.

وَسَاءَ مِثْلُ يَسْ

Таржима: Афъоли заммдан яна бири ساء дир. Бу эса ҳамма аҳкомда ва шароитда بس кабидир.

وَمِنْهَا حَبْدًا وَفَاعِلُهُ ذَا وَلَا يَتَغَيَّرُ

Таржима: Афъоли мадхдан яна бири حبا дир. Ва фоили ذا бўлиб, бунни сийғаси ўзгармайди.

Шарҳ: Бу калима حب ва ذا дан таркиб топгандир. Агар حب حب الشئ деб шайъ ни насб ўқисак мафъул бўлади. ذا эса фоили бўлади. ذا калимаси ўзгармасдан доим муфрад сийғада қолади. Масалан: حبا الهندان ва حبا هند ёки حبا الزيدون ва حبا الزيدان ва حبا زيد Масалан: حبا الهندات дир. Яъни махсус билмадх тасния ва жамъ бўлганда ёки музаккар ёки муаннас бўлганда ҳам фоил ذا муфрад ва музаккар сийғада бўлади

وَبَعْدَهُ الْمَخْصُوصُ وَأَعْرَابُهُ كِأَعْرَابِ مَخْصُوصٍ نَعَمَ

Таржима: حبا дан сўнг махсус билмадх келтирилади. Ва махсусни эъробни نعم ни эъробни кабидир.

وَيَجُوزُ أَنْ يَقَعَ قَبْلَ الْمَخْصُوصِ أَوْ بَعْدَهُ تَمَيِّزٌ أَوْ حَالٌ عَلَى وَفْقِ مَخْصُوصِهِ

Таржима: حبا нинг махсусидан олдин ёки кейин тамйиз ёки ҳол келиб, у билан ифродда таснияда ва жамъда таънис ва тазкирда мувофиқ бўлиши жоиздир. Масалан حبا حبا رجالا زيد ва حبا حبا زيد رجالا.

حبا حبا زيد راكبا Va حبا حبا زيد راكبا

حبا حبا زيد راكبا Va حبا حبا زيد راكبا

حبا حبا زيد راكبا Va حبا حبا زيد راكبا

حبا حبا زيد راكبا Va حبا حبا زيد راكبا

Ҳарфлар ва уларнинг таърифи

الْحَرْفُ

مَا دَلَّ عَلَى مَعْنَى فِي غَيْرِهِ وَمِنْ تَمَّ احْتِاجٌ فِي جُزْئِيَّتِهِ إِلَى اسْمٍ أَوْ فِعْلٍ

Таржима: Ҳарф шундай калимадирки, ўзидан бошқа калимадаги ҳосил бўлган маънога далолат қилади. Шу сабабдан каломни бир бўлаги бўлишида исмга ва феълга муҳтож бўлади.

Масалан: *قد ضرب* Батаҳқиқ урди. *قد* калимаси *ضرب* феълга кирди ва у билан бир маънони англатди. *من البصرة* – калимаси *البصرة* га кириб, у билан бир мафҳум маънони англатди.

حُرُوفُ الْجَمْرِ مَا وُضِعَ لِلْإِفْضَاءِ بِفِعْلٍ أَوْ مَعْنَاهُ إِلَى مَا يَلِيهِ

Таржима: Жар ҳарфлари шундай ҳарфлардирки, феълнинг ёки феълнинг маъносини ўзини ёнида келган нарсага етказмоқ учун қўйилгандир.

Шарҳ: Хоҳ у исм бўлсин, масалан *مررت بزيد* ва *انا مار بزيد* ва хоҳ исмни таъвилида бўлсин, масалан Аллоҳнинг сўзидаги *وضاقت* *عليهم الأرض بما رحبت* *أى برحبها*.

Бу ҳарфларни *اضافت* ҳарфлари ҳам деб атайдилар. Чунки феълни нисбати ёки феълни маъноси ушбу ҳарфлар ёрдамида ўзидан кейинги келган нарса билан алоқадор бўлади. Ёки бу ҳарфларни “хуруфи жор”, деб ҳам атайдилар. Чунки феълнинг маъносини ўзини ёнидаги нарсага етказиб беради. Ёки феълнинг асарини ўзини ёнидаги нарсага етказди. Юқорида феъл ёки феълни маънолари дедик. Феълни маънолари *اسم فاعل* ва *اسم مفعول* ва *صفة مشبهة* ва *مصدر* ва *ظرف* ва *مجرور* ва *جار* кабилардир.

وَهِيَ مِنْ وَإِلَى وَحَتَّى وَفِي وَالْبَاءُ وَاللَّامُ وَرُبَّ وَوَاوُهَا وَوَاوُ الْقَسَمِ وَتَاءُهُ وَعَنْ وَعَلَى وَالْكَافُ وَمُنْذُ وَمُنْذُ وَخَلَا وَعَدَا وَحَاشَا

Бу “хуруфу жор”ларнинг аввалги ўнтаси фақат ҳарфдир. Кейинги бештаси ҳарф ва исм ҳам бўлади. Ва охири учтаси ҳарф ва феъл ҳам бўлади.

فَمِنْ لِلْإِبْتِدَاءِ وَالتَّبْيِينِ وَالتَّبْعِيضِ وَزَائِدَةً فِي غَيْرِ الْمَوْجِبِ خِلَافًا لِلْكُوفِيِّينَ وَالْأَخْفَشِ وَقَدْ كَانَ مِنْ مَطَرٍ وَشِبْهُهُ مُتَأَوَّلٌ

Таржима: مِنْ калимаси “ибтидои ғоят” учун ва “баён” учун “табъиз” учун ва “каломи ғайри мувжибда зоида” ҳам бўлиб келади.

Аммо Кўфий олимлар ва Ахфаш مِنْ зоидани каломи ғайри мувжибда дуруст дейишган.

Шарҳ: مِنْ ибтидои ғоят учун ҳам келади. У маконий масофа бўлсин صمت من اليوم الجمعة каби ёки замоний бўлсин صمت من البصرة каби. Ва яна مِنْ мақсадни изхори учун келади.

Масалан فاجتنبوا الرجس من الأوثان - баённи аломати уни ўрнига мавсул исмни келтира олиш мумкин. Яъни فاجتنبو الرجس الذى هو الوثن. Рижсдан парҳез қилки, у бутдир. Ва яна بعض маъносида ҳам келади. Уни аломати шуки, مِنْ ни ўрнига بعض калимасини қўйиш мумкин. Масалан: احذت من الدراهم احذت بعض الدراهم

Дирҳамлардан баъзисини олдим. Ва яна مِنْ калимаси каломи ғайри мувжибда зоида ҳам бўлиб келади. Унинг белгиси шуки, ушбу зоида ташлаб юборилса маънога ҳалал етмайди. Масалан ما جاءني احد ما جاءني من احد. Маъно мустақим қолади. Кўфий олимлар билан Ахфаш “мувжиб калом”да ҳам مِنْ зоидани жоиз дейишган. “Мувжиб калом” деб унда нафий ва наҳий ва истифҳом бўлмасликдир. وقد كان من مطر متاول. Араб каломида مِنْ калимаси мувжиб каломда зоида қилганлар. Бу таркиб муқаддар саволни жавобидир.

Савол: هل كان من مطر

2. استعانة учун келади. Масалан كَتَبْتُ بِالْقَلَمِ қалам ёрдамида ёздим.

3. مصاحبة учун келади. Масалан اشتريت الفرس بسرجه отни эгари билан бирга сотиб олдим

4. مقابلة учун келади. Масалан بعث هذا بهذا. Буни ушбу нарсани эвазига сотиб олдим.

5. تعدية учун келади. Яъни лозим феълни мутъаддий қилади. Масалан ذهب زيد زайдни ўзим билан олиб кетдим.

6. ظرفية учун келади. Масалан جلست بالمسجد масжидда ўтирдим.

Яъни جلس في المسجد

وَزَائِدَةٌ فِي الْخَبْرِ فِي الْإِسْتِفْهَامِ وَالنَّفْيِ قِيَاسًا وَفِي غَيْرِهِ سَمَاعًا نَحْوُ بِحَسْبِكَ زَيْدٌ وَأَلْقَى بِيَدِهِ

Таржима: (ба) калимаси истифҳомнинг хабарида зоида бўлади. Масалан هل زيد بقائم. Зайд тик турганми ўзи, маъносида. Аммо (и) ҳамза билан истифҳом бўлган хабарда (ба) зиёда қилинмайди. Яъни ازيد بقائم дейилмайди. Ва қиёс юзасидан нафийни хабарида ҳам (ба) зоида қилишади. Масалан: ليس زيد براكب. истифҳом хабари ва нафийни хабаридан бошқасида симоъ юзасидан (ба) ни зоида қиладилар. Масалан بحسبك ياъни, حسبك, бу ерда (ба) ни мубтадода зиёда қилганлар. Ва ألقى بيده яъни ألقى يده дир.

وَاللَّامُ لِلِاخْتِصَاصِ وَالتَّغْلِيلِ وَمَعْنَى عَنِ مَعَ الْقَوْلِ وَزَائِدَةٌ وَمَعْنَى الْوَاوِ فِي الْقَسَمِ لِلتَّعَجُّبِ

Таржима: (у) калимаси ихтисос учун, таълил учун, сўз билан عن маъносида, зоида бўлиб, таажжуб учун, (оу) қасам маъносида ҳам келади.

Шарҳ: (у) калимаси ихтисос (хослаш) учун келади. Бу эса мулкيات жихатидан бўлади. Масалан المال لزيد мол Зайднинг мулки. Мулкياتсиз бўлганига мисол الجمل للفرس отнинг эгари бўлиб, отнинг мулки эмас.

Иккинчи (ل) калимаси иллат учун келади. Яъни нарсани илллатини баён қилиб келади. Масалан ضربته للتأديب.

Учинчиси (ل) калимаси зоида бўлиб келади. Масалан ردف لكم, ردفكم, яъни.

Тўртинчи (ل) сўз билан عن маъносида келади. Масалан قلت عن زيد انه لم يفعل كذا. Зайддан хабар бердим ҳақиқатда у бундай қилмаган.

Бешинчиси таажжуб учун келган қасамда (ل) калимаси (واو) маъносида келади. Масалан والله لا يؤخر الاجل яъни لا يؤخر الأجل Аллоҳга қасамки, ажал таъхир қилмайди.

وَرُبَّ لِلتَّقْلِيلِ لَهَا صَدْرُ الْكَلَامِ مُخْتَصَّةٌ بِنَكْرَةٍ مَوْصُوفَةٍ عَلَى الْأَصَحِّ

Таржима: Сахиҳ мазҳабга биноан رب тақлил учун келади. Ва у накраи мавсуфага хос бўлиб, садри каломда келади.

وَفَعَلَهَا مَاضٍ مَحذُوفٌ غَالِبًا

Таржима: Ва رب нинг феъли кўпинча маҳзуф мозий бўлади. Масалан رب رجل كريم لقيته яъни رب رجل كريم

وَقَدْ تَدَخَّلَ عَلَى مُضْمَرٍ مُبْهِمٍ مُمَيِّزٍ بِنَكْرَةٍ مَنْصُوبَةٍ وَالضَّمِيرُ مُفْرَدٌ مُذَكَّرٌ خِلَافًا لِلْكَوْفَيْنِ فِي مُطَابَقَةِ التَّمْيِيزِ

Таржима: Ва базада رب калимаси мансуб накра билан тамйиз келтирилган замирга киради. Ва ўша замир муфрад музаккар бўлади. Куфий олимларга хилоф равишда. Куфий олимлар замир билан тамйизни мувофиқ келтирганлар. Басрий олимларни сўзи саҳиҳдир. Масалан Басрий олимларни сўзи бўйича ربه رجالين ربه رجلا ربه نساء ربه امراتين ربه امرأة дейилади. Куфий олимлар сўзи бўйича ربه رجالين ва ربهما رجلين ва ربهما رجالا ва ربهما امرأة ربهما امراتين ва ربهن نساء

وَتَلَحُّفُهَا مَا فَتَدَخَّلَ عَلَى الْجُمْلِ

Таржима: رب калимаси رب ни амалдан қолдирувчи (ما)и коффага киради. Ва رب (ما) коффага лоҳик (уланган) бўлгандан сўнг жумлага киради. Масалан: ربما يود الذين كفرو. Бу оятда ربما жумлаи феълияга кирган.

وَوَاوُهَا تَدْخُلُ عَلَى نَكْرَةٍ مَوْصُوفَةٍ

Таржима: رب (واو) мавсуфа накрага киради. Масалан بلدة ليس الا اليعاقبوا لا العيس. رب بلدة ليس بها انيس. Маъноси кўп шаҳарларда ҳеч бир ҳамроҳ йўқдир. Фақат ёввойи сигирлар ва ёввойи эшаклар бордир.

وَوَاوُ الْقَسَمِ إِنَّمَا تَكُونُ عِنْدَ حَذْفِ الْفِعْلِ لِغَيْرِ السُّؤَالِ مُخْتَصَّةٌ بِالظَّاهِرِ

Таржима: (واو) қасам ҳақиқатда қасам феъли ҳазф қилинганда ва ғайри талаб ёки ғайри истак феълида амал қилади ва фақат исми зоҳирга хос бўлади. Замирга эса амал қилмайди.

Шарҳ: қасам (واو)и қасам феъли ҳазф бўлганда амал қилади. Масалан اقسام بالله дейилмайди. Аммо اقسام بالله дейилади. Қасам (واو)и истак феълида амал қилмайди яъни, والله اخبرني дейилмайди. Аммо بالله اخبرني дейилади. Қасам исми зоҳирга хосдир яъни, والله لافعلن дейилади ва وك لافعلن дейилмайди.

وَالْتَاءٌ مِثْلَهَا مُخْتَصَّةٌ بِاسْمِ اللَّهِ تَعَالَى وَالْبَاءُ أَعَمُّ مِنْهُمَا فِي الْحَمِيعِ

Таржима: Қасамни (تا)си қасам (واو)и кабидир. Аллоҳ таоло исмига хосдир. Бо эса қасам (واو) ва қасам (تا) сидан умумийроқдир. (با) эса бу икковиданда умумийроқдир.

Шарҳ: Қасам (تا) си қасам феъли ҳазф қилинганда амал қилади. Ва ғойри талабда амал қилади. Бу эса Аллоҳ исмига хосдир. Қасам (با) си (واو) ва (تا) дан умумийроқдир. Уни феъли маҳзуф ҳам мазкур ҳам бўла олади. Масалан بالله уни феъли талаб феъли бўлиши ҳам мумкин ва ғайри талаб

калом ليس مثله شيء. Баъзан مثل маъносида бўлиб ҳам келади.

Масалан ثلاث بيض كنعاج جم، يضحكن عن كالبرد المنهم

сифат мавсуфи махзуф

نعاج ёввойи сугир

جم шохсиз

نساء мубтадо

يضحكن хабар

البرد дўл

المنهم эрувчи

Маҳали шоҳид اي عن اسنان مثل البرد الذائب (ك) Бу байтда маъносида келган шоирлар маҳбубани кўзларини оҳуга ташбеҳ қилсалар. Арабларда маҳбубани кўзларини катталигини ёввойи говмишга ўхшатадилар. Бу байтда шоир оппоқ юзли аёллар кулганда тишлари тозалик ва оқликда дўлни доналарига ташбиҳ қилмоқда.

و تَخْتَصُّ بِالظَّاهِرِ خِلَافًا لِلْمُبَرَّدِ

Таржима: Жумхур наздида (ك) коф зоҳир исмга хосдир. Аммо Мубаррад замирга киришини раво деганлар. Масалан дейилмайди.

وَمُنْذُ وَمُنْذُ لِلزَّمَانِ لِلإِبْتِدَاءِ فِي المَاضِي وَالظَّرْفِيَّةِ فِي الحَاضِرِ نَحْوُ مَا رَأَيْتَهُ مُنْذُ شَهْرِنَا
وَمُنْذُ يَوْمِنَا

Таржима: مذ ва منذ мозийда ибтидои ғоят учун ва ҳозирда зарфият учун келади. Масалан ما رأيتته منذ شهرنا уни бир ойдан бери кўрмадим ما رأيتته منذ يومنا уни бир кундан бери кўрмадим. Агар ҳозирни ирода қилинса зарфият учун бўлади. Ва унда уни шу йилда кўрмадим ва уни шу бугун кўрмадим бўлади.

وَحَاشَا وَخَلَا وَعَدَا لِلإِسْتِثْنَاءِ

Таржима: Бу уч калима феъл бўлиб, у истисно учундир. Уларнинг ҳукми истисно бобида маълум бўлди. Бу уч калимада истисно маъноси бўлсада ўзидан кейинги исмни мажрур қилади. Масалан *جاءني القوم عدا زيد* ва *جاءني القوم خلا زيد* ва *جاءني القوم حاشا زيد*.

أَحْرُوفُ الْمُشَبَّهَةِ بِالْفِعْلِ وَهِيَ إِنَّ وَأَنَّ وَكَأَنَّ وَلَكِنَّ وَلَيْتَ وَلَعَلَّ لَهَا صَدْرُ الْكَلَامِ سِوَى أَنْ فَهِيَ بَعْكِسِهَا وَتَلَحُّفُهَا مَا فَتَلَفَى عَلَى الْأَفْصَحِ وَتَدْخُلُ حَيْثُ دَخِلَ عَلَى الْأَفْعَالِ

Таржима: Феълга ўхшаш ҳарфлар *ان* ва *أن* ва *كأن* ва *لكن* ва *ليت* ва *لعل* дир. Бу ҳарфларнинг ўрни садрул калом яъни, сўз бошидир. Бу ҳарфларни *ما* калимасига қўшилади ва уларни амалдан қолдирилади. Масалан фасиҳ луғатда *انما زيد قائم* бўлади. Ҳар қачон бу ҳарфларга *ما* коффа қўшилса улар феълларга киради.

Шарҳ: Бу олти ҳарф бир неча жихатдан феълга ўхшашлиги бор.

Биринчидан бу ҳарфларда феълнинг маъноси бор, яъни *اكادت* ва *شئت* ва *استدركت* ва *تمنيت* ва *ترجيت* каби.

Иккинчидан булар исмга киради. Учинчидан лафзда феълга ўхшайдилар. Яъни уч ҳарфли ва тўрт ҳарфли ва фатҳага мабнийлиги билан. Феълларнинг амали икки кўриниш билан бўлади.

Биринчиси аслийдир. Унда марфуъ мансубга муқаддамлигидир. Масалан *عَمْرًا زَيْدٌ ضَرَبَ*.

Иккинчиси, фаръийдир. Унда мансуб марфуъга муқаддам бўлади. Бу ҳарфлар феълга мушобаҳатлигидан уларни феълнинг фаръи ҳисоблаб уларга фаръият амалини берганлар. Масалан *إِنَّ زَيْدًا قَائِمٌ*. Бу ҳарфларнинг мафтуха *أن* дан бошқаси садри каломда келади. *أن* мафтуха садри каломда бўлмаслиги вожибдир. Чунки у ўзини исми ва хабари билан муфрад ҳукмидадир. Калом том бўлмоғи учун у бошқа нарсага

алоқадор бўлиши лозим бўлади. Агар **أن** мафтуҳа садри каломда келса **إن** максурага ўхшаб қолади. Ҳар қачон **أن** ўзини исми ва хабари билан мубтадо бўлса хабардан муаххар бўлиши вожибдир. Масалан **عند انك قائم**

فَإِنَّ لَا تُغَيِّرُ مَعْنَى الْجُمْلَةِ

Таржима: (أن) жумланинг маъносини ўзгартирмайди.

Шарҳ: Балки жумланинг маъносига зоидалик киритади. Жумлага таъкид ва таҳқиқни зиёда қилади. Масалан **زَيْدٌ قَائِمٌ** каломи томдир. Ҳар қачон унга максура кирса таъкид ва таҳқиқ зиёда бўлади. Чунки у мустақил каломи том эди.

وَأَنَّ مَعَ جُمْلَتِهَا فِي حُكْمِ الْمُفْرَدِ وَمِنْ تَمَّ وَجَبَ الْكَسْرُ فِي مَوْضِعِ الْجَمَلِ وَالْفَتْحُ فِي مَوْضِعِ الْمُفْرَدِ

Таржима: Мафтуҳа **أن** ўзини жумласи билан муфрад ўрнидадир.

Шарҳ: Мафтуҳа **أن** мадхули бўлган жумлани муфрад таъвилига келтириб, калом том бўлиши учун бошқа нарсага мухтож бўлади. Ҳар қачон **ان زيدًا قائمٌ** десанг, маъноси ростдан ва ҳақиқатдан Зайд қоимдир бўлади. Ҳар қачон **ان زيدًا قائمٌ** десанг ростадан Зайд қоимдир бўлади. Демак **ان** мафтуҳада жумланинг мустақиллиги қолмади.

Таржима: Шу боисдан жумла ўрнида касралик **ان** ва муфрад ўрнида фатҳалик **ان** вожиб бўлди.

فَكُسِرَتْ اِبْتِدَاءً وَبَعْدَ الْقَوْلِ وَبَعْدَ الْمَوْصُولِ

Таржима: **ان** нинг ҳамзаси ибтидои каломда келса максура бўлади. Масалан **ان زيدًا قائمٌ**. Масалан **ان زيدًا قائمٌ**. Чунки мақувлу қавл мустақил жумладир агар мавсуладан сўнг келса. Масалан **ان الذي ان أباه عالم**. Чунки мавсулни силаси жумладир.

وَفَتْحَتْ فَاعِلَةً وَمَنْعُولَةً وَمُبْتَدَأً وَمُضَافًا إِلَيْهَا

Таржима: ان нинг ҳамзаси фатҳали бўлади ҳар қачон у фоил, мафъул, мубтадо ва музофун илайҳи мақомида бўлса.

Шарҳ: Яъни ان ўзининг исми ва хабари билан фоил ўрнида бўлса, масалан بلغني ان زيدا عالم. ان исми ва хабари билан фоил мақомидадир. Яъни بلغ феъл ني мафъулум бихи. Ёки мафъул ўрнида, كرهت ان زيدا شاعر, ёки мубтадо ўрнида. Масалан عند انك قائم.

وَقَالُوا لَوْ لَا أَنَّكَ لَأَنْتَ مُبْتَدَأٌ وَلَوْ أَنَّكَ لَأَنْتَ فَاعِلٌ

Таржима: Имтинобийя لا дан сўнг келган ان нинг ҳамзаси фатҳали бўлади, деб балоғат олимлари айтишган. Чунки لولا дан сўнг хабари маҳзуф мубтадо келади. Зеро ان ўзининг исми ва хабари билан мубтадо мақомидадир. Худди шунингдек لو дан сўнг ҳам ان нинг ҳамзаси мафтуҳа бўлади, чунки لو шарт ҳарфи бўлиб феълни тақозо этади. Ва ان ўзини исми ва хабари билан фоил мақомида бўлади. لولا انك قائم * لو انك قائم

Аллоҳ таолонинг сўзида لو انهم صبروا أي ثبت انهم صبروا

فَإِنْ جَازَ التَّقْدِيرَانَ جَازَ الْأَمْرَانَ مِثْلُ مَنْ يُكْرِمُنِي فَإِنِّي أَكْرِمُهُ وَإِذَا أَنَّهُ عَبْدُ الْقَفَا وَاللَّهَازِمِ وَشِبْهِهِ

Таржима: Агар икки тақдир (жумла ва муфрад) жоиз бўлса икки амр ان даги ҳамзани фатҳаси ва касраси жоиздир. Масалан من يكرمني فإني اكرمه

Шарҳ: Агар ان дан сўнг келган нарсани жумла ёки ан билан бирга муфрад тақдир қилиш мумкин бўлса ўша ўринларда ан нинг ҳамзасини ҳам касра ва фатҳа ўқиш мумкин. Масалан Агар каломни асли من يكرمني فأنا اكرمه деб мулоҳаза қилсанг бу жумла жумлаи исмийя бўлиб, шартни жазоси жумла бўлиб келмоқда. Шу сабабдан ан ни ҳамзасини касра ўқимоқлик жоиздир. Агар каломнинг асли من يكرمني فجزاءه فإني اكرمه. Бу таркибда ан ўзидан кейин келган таркиб билан мубтадоси маҳзуф

хабарнинг ўрнида воқеъ бўлган. Хабарнинг асли эса муфрад мубтадодир. Шу боисдан ان нинг ҳамзасини фатҳа ўқимок жоиздир. Шоирни ушбу сўзида ҳам ҳол юқоридаги кабидир. Байтни тўлиғи қуйидагичадир;

كنت اري زيدا كما قيل سيدا *** اذا انه عبد القفا واللهام

اري - маъносидадир.

عبد القفا нафс бандаси, اللهام икки қулоқ пастидаги жағ суяклари ва унинг атрофи бўлмиш бўйиннинг йўғон бўлмоғи.

Маъноси: Мен Зайднинг мақталгандек жуда ҳимматлик ва Саййид деб, гумон қилар эдим. Энди билсам ҳиммати паст емоқ-ётмоқдан бошқага ярамайдиган нафс бандаси экан.

Бу байтдаги маҳали шоҳид агар اذا муфожаат учун бўлса انه деб касра ўқилиши жоиздир. Чунки انه ўзининг исми ва хабари билан اذا муфожаатдан кейин воқеъ бўлгандир.

Яъни عبد القفا اذا бўлса انه деб фатҳа ўқилади. Чунки ان ўзининг исми ва хабари билан хабари маҳзүф мубтадо маҳалида воқеъ бўлиб, муфрад таъвилдадир.

فإذا عبوديته للقفا واللهام حاصلة

وَلِذَلِكَ جَازَ الْعَطْفُ عَلَى إِسْمِ الْمَكْسُورَةِ لَفْظًا أَوْ حُكْمًا بِالرَّفْعِ دُونَ الْمَفْتُوحَةِ

Таржима: Шу жиҳатдан максура ان нинг исмига лафзан ёки ҳукман рафъ билан атф қилмоқлик жоиздир. Аммо أن мафтуҳанинг исмига атф қилмоқ жоиз эмас.

